

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI
MAGISTRATURA VA SIRTQI TA'LIM FAKULTETI
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI KAFEDRASI
G'AFUR G'ULOM UY-MUZEYI

O'zbekiston xalq shoiri, atoqli adib va tarjimon, akademik
G'afur G'ulom ijodiga bag'ishlangan

**“G'AFUR G'ULOM IJODIDA MILLIY VA UMUMINSONIY
G'OYALAR UYG'UNLIGI**

**HARMONY OF NATIONAL AND UNIVERSAL IDEAS IN
THE WORK OF GAFUR GULYAM**

**ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И
ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ИДЕЙ В ТВОРЧЕСТВЕ
ГАФУРА ГУЛЯМА”**

mavzusida o'tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy
konferensiya materiallari to'plami
Toshkent, 2023-yil 8-may

Toshkent – 2023

UO'K: 821.512.133

MA'RUZACHILAR:

Ahror Xoshimxonov.

TDYU Yoshlar masalalari hamda ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektori
Olmos G'ulomova-Ahmedova.

G'afur G'ulom uy-muzeyi direktori, shoirning qizi. Tabrik so'zi

Polina Xaimova.

Isroil davlati yozuvchilar uyushmasi a'zosi (Isroil). G'afur G'ulom ijodi

Нисан Ниязов.

Председатель Союза писателей бухарских евреев Израиля (Израиль).
Смелость, Благородство и Мастерство в произведении Гафура Гуляма
«Я – еврей!»

Аба Приев.

Директор международной ассоциации “Согдиана” (Израиль). Важность
наследия Гафура Гуляма в укреплении международных отношений
Узбекистана

Baxtiyor Fayzulloyev.

Akademik Bobojon G'afurov nomidagi Xo'jand davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi (Tojikiston). G'afur G'ulom badiiy mahoratiga doir

Lutfulla Ilhomjonov.

G'afur G'ulom uy-muzeyi ilmiy xodimi. G'afur G'ulom ijodida milliy va
umuminsoniy qadriyatlar talqini

Дилдора Хашимова.

ТГЮУ. Творчество Гафура Гуляма – поэтическая летопись Узбекистана

Насиба Ниязова.

ТГЮУ. Роль творчества Гафура Гуляма в духовно-нравственном
воспитании учащихся и студентов

Tashkilotchilar:

N.Ramazonov, D.Xashimova, Sh.Kuchimov, G.Gulyamova,
D.Rasulmuxamedova, N.Niyazova, Sh.Ziyamuxamedova, N.Bozorova,
U.Pulatova, R.Matenov, A.Fattaxova, O.Choriyev

“G‘afur G‘ulom ijodida milliy va umuminsoniy g‘oyalar uyg‘unligi / Harmony of national and universal ideas in the work of Gafur Gulyam / Гармония национальных и общечеловеческих идей в творчестве Гафура Гуляма” // Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. – T.: TDYU, 2023. – 272 bet.

Toshkent davlat yuridik universiteti rektorining 2020-yil 26-maydagi 08-93-sonli “O‘zbek adabiyotining zabardast vakillaridan biri G‘afur G‘ulom hayoti va ijodini chuqur o‘rganish va keng targ‘ib qilish ishlarini tashkil etish to‘g‘risida”gi buyrug‘i ijrosini ta‘minlash maqsadida mazkur konferensiya G‘afur G‘ulom ijodini yanada chuqurroq o‘rganish, ilmiy-nazariy izlanishlar olib borish, tajriba almashish, yosh o‘qituvchilar hamda talabalarning adib ijodini to‘laqonli ravishda tadqiq etishiga yo‘naltirildi.



*Uzilgan bir kiprik abad yo‘qolmas,
Shunchalar mustahkam xonayi xurshid.
Bugun sabza bo‘ldi qishdagi nafas,
Hozir qonda kezar ertagi umid.*

G‘afur G‘ulom






Шоира Ахмедова,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

ҲАЁТБАХШ КУЛГИ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ (Ғ.Ғулом ва Саид Аҳмад ижоди мисолида)

Ҳажвий йўналиш барча халқлар адабиётида жонли оқим бўлганлигини жаҳон адабиёти дурдоналари кўрсатиб турибди. Юмор улуғ санъаткорларда ҳаётга яқинлиги, ҳодисаларнинг яширин қирраларини оча билиши ва бошқа жуда кўп имкониятларга эгалиги билан аҳамиятлидир, шунинг учун, шубҳасиз, Навоий, Рабле, Сервантес, Гоголь каби сўз санъаткорларининг роли нафақат ўзбек, француз, испан, рус адабиётида, балки жаҳон халқлари адабиётида ҳам катта бўлган.

Юмор инсонийликнинг зарур белгиларидан биридир, шунинг учун у ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам катта роль ўйнайди, “фақат ҳаёт ҳақиқати заминида вужудга келган юморгина узоқ яшаши мумкин. Асар мазмунида халққа муҳаббат руҳи бўлмаган тақдирда ҳам кишиларни кулдириш мумкин, лекин бу фойдасиз, бўш бир нарса бўлади”, -деган эди машҳур юморист Марк Твен¹. Ҳақиқатан ҳам кулги инсон қалбининг нидоси ҳисобланади. Кулги кишиларга турлича таъсир этади, халқ ичида сен нима устидан ва қандай кулишингни айт, шунга қараб сенга баҳо бериш мумкин, деган нақл бор, шу маънода юморни инсоннинг ички моҳиятини ёритиб берувчи рентген нурларига қиёслаш мумкин.

¹ Марк Твен. Собр.соч. в 12 томах. Т.12. М. Советский писатель. 1961.- С.367.



Юмор қувноқ, самимий ақл, табиатнинг энг қимматли тухфасидир. Кулги ғам, ташвиш бошига тушганда инсоннинг донишманд ҳақими, қувончли кунларида қувноқ йўлдоши, ҳиссий маданиятининг нозик тарбиячисидир. Шунинг учун бадиий асарларда юмордан фойдаланиш ёзувчиларга шуҳрат келтиради. Ғ.Ғулом ҳам адабиёт оламига илк қадам қўйишидан бошлаб, то умрининг охиригача кулги шайдоси бўлиб келди. Унинг шоирлик табиатига, серқирра ижодига одамзод чеҳрасининг энг нафис белгиси бўлган кулги-табассум сингиб кетган эди. Кулгичилик ҳам адабиётнинг бир бўлаги эканлигини, унга эътибор билан қарашни талаб қилган. У ўзининг “Кулгичилик тўғрисида”, “Юмор ва сатира”, “Юсуфжон қизиқ” каби мақолаларида юмор ҳақида, кулгида шакл билан мазмун бирлиги бўлиши зарурлиги ҳақида гапирди. Бу эса шоирнинг ўз ижодий фаолиятида кулгининг кўпгина кўринишларидан кенг фойдаланиш билан бирга унинг назарияси устида ҳам бош қотирганини кўрсатади¹.

Саид Аҳмаднинг моҳир юморист бўлиб етишишида Ғ.Ғулом билан А.Қаҳҳорнинг бевосита таъсири катта бўлган. Ёзувчининг ўзи ҳам мазкур устозларининг кучли таъсирини мамнуният билан эътироф этади: “Аслида мени ҳажв йўлига Ғ.Ғулом бошлаб кирган. Маълумки, Ғафур ака ўттизинчи йилларда ҳажв жанрларида ижод қилди. Ихчам кулгили ҳиконларнинг жуда яхши намуналарини яратди. Мен шу ҳикоялар таъсирида адабиётга кирганман. Кейинчалик бу буюк ёзувчи билан яқиндан танишишим ундан ростмана ижодий таълим олишим ҳажвга бўлган интилишимда жуда катта ёрдам беради².

Саид Аҳмад Ғ.Ғулом ижодига ҳар доим ҳурмат ва ихлос билан ёндошади. Уларнинг халқчил юморида муштарак

¹ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 11-том. Тошкент. 1989. – Б.200.

² Саид Аҳмад. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Тошкент. 1982.-Б.39.


томонлар жуда кўп. Комик образлар моҳияти, кулгили вазиятлар яратиш, ҳажвий портретларни тасвирлаш каби жиҳатлари билан муҳокама қилинса, ҳар иккала адибнинг умумжиҳатлари ва индивидуал хусусиятлари намоён бўлади. Бу хусусият улар асарларининг, айниқса, ҳикояларининг ташқи жиҳатдан параллел бўлишидан кўра ички жиҳатдан, эмоционал юмористик оҳанг билан ажратиш мумкин бўлган ўхшашликда яққол кўринади.

В.Г.Белинский икки ёзувчи ижодини қиёсий ўрганиш ҳақида шундай дейди: "Нарсаларнинг қадри бир-бирига қиёс қилинганда яхши билинади. Агар икки ёзувчи бир турда ижод қилиб, бир-бирига қандайдир ўхшашлиги бор экан, бинобарин, уларни параллел жойларга қўйиб, бир-бирига қиёсан баҳолашдан бошқа илож йўқ; энг одил тарози шу"¹. Биз ҳам масалага шу нуқтаи назардан қараймиз. Халқимиз кулгини, ҳазил-мутойибани севади, аскияни яхши кўради, бу мутойибалардаги фавқулодда ўхшатишлар ҳамда ҳозиржавобликдан ҳузур қилади. Саид Аҳмад ҳам устози Ғ.Ғулом каби халқимизнинг ана шу фазилатини чуқур ўрганган, ижодига сингдирган.

Бу иккала ёзувчининг қаламлари ҳажвга томон қаратилганда уларнинг ижтимоий ва эстетик қарашлари, ижодий ўй-фикрлари, асарнинг табиати ҳам бир-бирига яқин бўлади. Уларнинг ҳар бири ҳақиқий ҳажвчиларга хос бўлган хусусиятларни юксак даражада эгаллаган: улкан ва бадиий талант, халқ қалбига яқин аския, ҳозиржавоблик, зукколик, халқчиллик Ғ.Ғулом билан Саид Аҳмадни яқинлаштиради, улар кулгисига ўхшаш эмоционал бўёқ беради. Уларни ҳаётбахш ва самимий, қувноқ ва эзгу кулги қариндошлаштиради.

Ғ.Ғулом ва Саид Аҳмад бадиий кулгининг турли-туман кўринишларидан бири нозик ва самимий юморнинг чақнаб турган усталари бўлиб етишдилар. Улар юмористик


¹ Белинский В. Адабий орзулар. Тошкент. 1987.-Б.68.



кулгини санъатнинг юқори даражасига кўтардилар, шунинг учун уларнинг кўпчилик асарлари мен шундай юмористик пафос билан йўғрилган. Уларнинг кулгиси инсонни комилликка элтувчи йўлга олиб чиқувчи, унинг эстетик туйғуларини тарбияловчи юмордир. Шу туфайли уларни "бадий кулгининг буюклари" /Луначарский/ деб ҳисоблаш мумкин.

Кулгининг моҳиятини тушуниш ҳамма миллат учун бир хил фазилат, шунинг учун кулгининг манбаи ва моҳиятининг бирлиги уни барчаси тенглаштиради, бироқ кулиш йўллари, усуллари ҳар бир халқ учун алоҳида. Халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иккала ёзувчи учун кулги яратиш принциплари деярли бир хил. Улар кулгини асар воқеаси-мазмунидан, персонажларнинг савиясидан, руҳиятидан нутқидан келтириб чиқарадилар. Шунинг учун уларнинг кулгисидаги миллийлик фақат тил воситаларидагина эмас, балки энг аввало, халқ ҳаёти, унинг асарда тасвирланишида, сюжет, ундаги вазиятлар, характерларнинг яратилиши, ҳаракатлари, қилиқларида кўринади.

Кулгининг моҳиятини тушуниш ҳамма миллат учун бир хил фазилат, шунинг учун кулгининг манбаи ва моҳиятининг бирлиги уни барчаси тенглаштиради, бироқ кулиш йўллари, усуллари ҳар бир халқ учун алоҳида. Халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иккала ёзувчи учун кулги яратиш принциплари деярли бир хил. Улар кулгини асар воқеаси-мазмунидан, персонажларнинг савиясидан, руҳиятидан нутқидан келтириб чиқарадилар. Шунинг учун уларнинг кулгисидаги миллийлик фақат тил воситаларидагина эмас, балки энг аввало, халқ ҳаёти, унинг асарда тасвирланишида, сюжет, ундаги вазиятлар, характерларнинг яратилиши, ҳаракатлари, қилиқларида кўринади.




Ғ.Ғулом сатирик образ яратишда муболаға, гротеск, қочирим ва сўз ўйинларадан унумли фойдаланган. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, иккала ёзувчи кулгини кучайтириш ва шу йўл билан китобхонга таъсир қилиш мақсадида бадий тасвир воситаси - юмористик муболағани ишлатадилар.

Саид Аҳмад эса юмористик образ яратишда шу усулни кенг қўллайди. У бўрттириш, муболағани кучайтириш, кулги оҳангини ошириш йўлидан боради, барча унсурлар шу мақсадда қўлланилади. Унинг "Қўли қичиган чол", "Ишқада" каби миниатюраларидаги кулги ана шундай ўта муболаға асосига қурилган. Ҳатто ёзувчининг ўзи "Синовчи ичувчи"да лоф билан муболағанинг бирлашиб кетганлигини, бироқ бу ерда шунчаки кулги қўзғаш учун ишлатилганлигини ҳам тан олади¹.

Ғ.Ғулом ва Саид Аҳмад ҳажвияларида Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган фольклор материалларидан фойдаланишда ҳамоҳанглик кўринади. Ғ.Ғулом Мамажон образини яратишда Шарқ афсоналаридаги "Минг бир кеча" ҳикояларида тасвирланган Абутанбал образига мурожаат қилади. Саид Аҳмад ҳам бир қанча ҳажвияларида ("Табельчи Муҳаммадхон", "Синовчи ичувчи") ялқов кишилар образини яратади. "Уфқ"даги Охун каби персонажлар ҳам шу анъанага таяниб яратилган. Бироқ Саид Аҳмад яратган образларда қаҳрамонлар шунчаки юмористик тарзда қайд этиб ўтилади, холос. Ғ.Ғуломда эса юмор билан бошланган кулги, сатирага ўтиб кетади, сатирик кулги образнинг тўла ўзгариши учун хизмат қилади.

Ғ.Ғулом ва Саид Аҳмад ҳажвларидаги яқинликни уларнинг халқ латифаларидан фойдаланишларида ҳам кўриш мумкин. "Онангни Учқўрғондан кўрар экансан" деган ибора билан боғлиқ латифа "Шум бола"да

¹ Марк Твен. Собр.соч. в 12 томах. Т.12. М. Советский писатель. 1961.- С.367.



куйдагича келтирилади: “-Ўзинг қайси қишлоқдан бўласан?

- Учқўрғондан, - дедим ансам қотиб.

- Шунақа дегин, болам, мен учрамаганимда онангни Учқўрғондан кўрар экансан. Домла-помлага борганмисан?²

Саид Аҳмад бу иборани “Уфқ”да бир неча ўринда қўллайди ва унинг келиб чиқиши билан боғлиқ латифани ҳам келтиради, асар персонажларидан бири Жўра полвон тилидан келтирилган аскияда ишлатади: “Эш бу тарафларга келолмайди. Учқўрғонга келиб, Учқўрғондан кетади. Гафур Ғулом хахолаб кулди. - Энди Эш полвонни Учқўрғондан кўрарканмизда. Ҳаммалари баробар кулиб юборишди”¹.

Кейинги эпизодда ҳам кулги унсурлари мавжуд, Ғ.Ғулом кулгисида киноя, ниш, Шум боланинг дайдилигига пичинг қилиш бор. Саид Аҳмад кулгисида ҳам бир оз киноя бор, бироқ, у нишсиз киноя, бениш устига кулги яския, қочирим шаклида берилиб, халқ ўртасида айтилиб, қувноқ қаҳқаҳани келтириб чиқараяпти. Кулги беғуборлиги учун тез тарқалади ва унинг оммага таъсир қилиш кучи ҳам бошқача бўлади.

Бу иккала ёзувчининг кулгили тафсил қилиш, (деталлаш) топиш ва ишлатиш маҳоратида ҳам ўхшашлик кўрилади: уларда ҳайвонлар образи шахсларнинг кулгили характерли белгиларини аниқлашда ёрдам беради. Ғ.Ғуломнинг “Ҳийлаи шаръий” ҳикоясида Сигир образи, Саид Аҳмадда эса ҳажвияларида, “Уфқ”да эшак образлари кулги чиқарувчи ва у орқали маълум бир маънони ташувчи тафсил сифатида қатнашади, улар бу кулгили тафсиллардан сатирик характер яратишда, характерларнинг бирор бир қиррасини очишда фойдаландилар.

Гафур Ғулом ва Саид Аҳмад ҳажвидаги ҳалқчиллик хусусиятларидан яна бири уларнинг халқ жонли тилининг


¹ Саид Аҳмад. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Тошкент. 1982.-Б.39.

қудратини, таъсирини намойиш қила билганликларидир. Жонли халқ тили бойликларидан усталик билан фойдаланишлик ҳар бир комик тасвирда, комик персонажлар нутқида, тасвирланаётган кулгили воқеанинг моҳиятини оча билишда, портрет қирраларини чизишда кўриш мумкин. Қуйидаги кулгили оҳангга эга ибора Ғ.Ғуломнинг "Шум бола"сида "Тошкентнинг тарифини еган чумчуқ Маккатиллодан қайтиб келади" тарзида берилса, Саид Аҳмад "Қашқар қизининг қўлидан дон еган чумчуқ Маккатиллодан қайтиб келади" / "Уфқ"да/ тарзида бир оз муболағанамо ишлатилади.

Мана шу каби кулгига бой ифода ва ибораларни, сўз ўйинларини иккала ёзувчи ҳикояларида, насрий йирик асарларида ҳам учратиш мумкин. Умуман, фольклорга хос кулгили тасвирлар, комик вазиятлар реалистик тафсиллар билан бирлашиб, бир бутунликни ташкил қилади, бу асарлардаги кулгининг халқчиллигини таъминловчи омиллардан бирига айлана боришини кўрсатади. Шунинг учун халқдаги ишонч руҳи, кулгига бўлган интилиш иккала ёзувчи ҳажвида ҳам етакчи тамойилга айланади. Ғ.Ғулом кулгисининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унда сатира ва юмор доимо бирга келади, ҳажв билан ҳазил-мутойиба бирикиб бир бутунликни ташкил этади. Шум боланинг қизиқчилик, шўхлик қилиб қўйган ишлари тингловчида қувноқ кулги уйғотади, баъзи ҳаракатлари билан эса у персонажларни сатирик кулгига дучор этади /тандир ичидан туриб "ошиқ"ларни фош этиши/, айни чоқда фақат болага қаратилган шўх, беғубор кулги-юмор бола савиясидвги етакчи хусусиятларни очиб бериш билан узвий боғлиқдир.

Бу икки ўзбек ёзувчиларининг кулги ҳақидаги эстетик қарашларида ҳам кўзга ташланадиган ўхшашлик мавжудки, бу алоҳида мақола мавзусидир.

Ғ.Ғулом кулгиси бироз қайғули, бироз аччиқ ва баъзан сатирага яқинроқ. Бироқ, "Шум бола" ҳамма учун абдий



“қувноқ” китобдир, улуғ гуманистнинг ҳаёт ҳақидаги аччиқ фалсафаси, “кўз ёши аралаш” қайғули кулгиси бадий фантазияси билан қўшиб берилганлиги учунгина шундай бўлиб қолади. Саид Аҳмад, Ғ.Ғулом насридан ҳаётбахш юморни, кулгили воқеа-ҳодиса яратиш йўлини, ҳажвий образ савиясини, халқ ижодига, тилига яқинликни ўрганди.

Юқорида кўрсатилган бу ўхшашликлардан қатъий назар, бу икки юморист бадий кулгисининг ҳар бири такорланмас ва ноёб бўлиб қолаверади.





Олмос Аҳмедова,
Ғафур Ғулом уй-музеи директори

ОМОН МАТЖОН ШЕЪРЛАРИ ҲАЁТ...


Омон Матжон 80 га кираётгани ва бу йили унинг катта юбилеи бўлишини билар эдим. 10 феврал куни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Омонжон ҳақида иккита мақола чиққан экан “Унутилмас йиллар хотираси”ни ўқисам мақола бошланишидан “эди, эди” деяпти... Ҳайрон бўлдим...

Ўзим манави “Кароновирус” балоси даврида худди вақтлар алмашиб кетгандек бўлдими, ёки кетма-кет бўлган карантинлар муносабати билан кўришмаганимизга бир биримиздан хабаримиз бўлмади, шекилли. Ҳатто газеталар ҳам вақтида чиқмадими ё келмадими, Омон Матжон ҳақидаги таъзия мақолани ҳам кўрмапман...

Бу ҳол бир жихатдан мен икки йилча Омонжонни-ю Маъсудахони соғ –саломат болалари билан бахтиёр яшаб юришибд-ю - деб юрган эканман...

Ёзувчилар уюшмасига телефон қилиб сўрасам аввал Маъсудахон бир ҳафтадан кейин Омонжон коронавирусдан касалланиб жаннат боғларига шошилиб кетиб қолишганини айтишди. Илоҳим қодир худойим, севишганларни бир-бирига қовиштир... деб дуо қилдим. Йиғлаб-йиғлаб хафалиқдан нима қиларни билмай, фарзандларини ҳоли нима кечди экан, деб менда бор телефонга қўнғироқ қилсам:-“Бундай рақамли телефон тармоқда йўқ” – деди. Ундан баттар бўлдим.

Мен Ёзувчилар уюшмасига телефон қилиб Омон Матжонни уйини ва ўғлини телефонини сўрадим айтди, ёзиб олдим. Уйини телефони танишга ўшади. Телефон қилсам Омон Мухторни хотини Розахоним Эдуардовна овозимни таниб сўраша кетди. Мен адашиб телефон



қилганимни айтмадим-у ҳам хафа бўлмасин-деб қизи Юлдузний сўраб қўйдим.

Омон Мухтор билан биз олдинма кейин ўқиган эдик.У уйимизга дадамдан шеър ё мақола ёздиргани келар эди. Омон Мухтор ҳаётлигида музейга тадбирларимизга, дадамни туғилган кунларида рафиқаси (Роза Эдуардовна радиокомитетда ишлар эди.) билан келишар эди.

Омон ўтганидан кейин улардан хабар олиб турардим, яқинда туғилган кунига ҳам айтганда Ойнур (Ойбек домлани набиралари, музейлари директори), Шукур Холмирзаевни хотини билан табриклар борган эдик. ..

Сўнг Омон Матжонни ўғлига Диёржонга телефон қилдим, ўзимни таништирдим, мен икки йилдан бери Омонжон ва рафиқалари Маъсуджонни соғ-саломат барҳаёт юришибди деб хураснд бўлиб юрган эканимни айтдим... 10 феврал (9 феврал Омон Матжонни туғилган санаси) кунги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чиққан "Унутилмас йиллар хотираси" мақолани ўқиб билганимни айтдим.Диёржонни ҳам бутун бўлиб ўтган воқеаларни эсига солганимдан яна баттар хафа бўлдим...


Кеч бўлса ҳам ўз чуқур таъзиямни билдирдим.

Омон Матжон шеърятга бўрондек кириб келди, унинг шеърларида ёшлик шижоати, севги, муҳаббат, вафо барқ уриб турарди. Турғунлик важи билан бўлаётган воқеалардан кўнгли тўлмаётгани ҳам билиниб турарди.. Омоннинг хоразмча шевада шеър ўқиши овози менга ёқарди, шунинг учун у билан кўпгина учрашувларга борар эдик...

Ўша учрашувлардан биттаси мени эсимда қолган.

Биз умр йўлдошим Сирдарё ҳокимиятини бошқарганларида мен "Муштум" журналидан Гулистон шахрига корри-спондент қилиб юборилиб олти йил ишлаб Тошкентга қай-тган эдик.

Сирдарё ҳокимлигида Гулистон шахрида бир вақтлар Фафур Ғулом номидаги институт студентлари билан




учрашув бўладиган бўлди, унга Омон Матжон, Хулкар Олимжонова мен Тўра Сулаймон бошчилигидаги шу ерлик шоир-ёзувчилар ҳам бор эди. Университет Фаоллар залига кирмасимизданоқ талабалар Омонжонни ўраб олишди. Савол устига савол беришарди. Домлалар ҳам талабаларни эплэй олишаолмади. Улар Омонжонни ошиқлик, севги, муҳаббат, висол ҳақидаги шеърларини эшитишмоқчи. Улар ҳам муҳаббат ёшидагилар эди-да!

Ректор учрашувга келганларни бир-бир ҳурмат билан талабаларга таништириб тадбирни очиб сўзни профессор Акром Каттабековга берди. У учрашувга келганларни талабалар ўзлари ёзган шеърлари билан кутиб олишларини айтиб уларга сўз берди. Улар бизни табриклашди сўнг Хулкарга сўз берилди. Отаси Ҳамид Олимжон ва онаси Зулфия бегим ҳақларида гапириб шеърларидан ўқиди, талабаларни саволларига жавоб берди. Менга навбат келганда дадамни менга айтиб берган қизиқ-қизиқ катта бўлганимда бўладиган воқеаларни эртақ қилиб гапириб берганларини гапириб берсам ҳамма хурсанд бўлди. Талабалар дадамни "Шум бола"ларидан саҳна кўринишини ижро этишди. Сўнг Омон Матжонга гал келганда залда шовур-швир бўлиб кетди.

Омон шеър ўқий бошлаши билан зал тинчиди. У зални ўзининг асабий хоразмча акцети билан бошқача юрак-юраккача етиб борадиган овози сўзлари билан зални тўлдириб юборди...

Ҳаммани кўзи унда 4 қатор севглийсига бағишланган шеър*** Висол истаги. Ҳижрон, умид, севинч кўз ёшлари... ҳаммаси шеърда ёш талаба йигит қиз тингловчилар ҳаяжонда унинг шеърини у билан бирга пичирлаб такрорлаптилар, япроқдек титраяпгандек Омон овозида титроқ ... Бу лаҳзаларни кўриш керак эди... ..Афсус...Афсус... Энди у йўқ ...Бу лаҳзани ҳеч ким видеода муҳрлаб ҳам ололмаган...

Шундай учрашувни иштирокчиси бўлган эдим.



Кетар чоғмизда ҳам асабимиз ҳали тинчиманган эди. Машинага чиқар вақтимизда Ҳулкар иккаламиз жуда чарчагандек ҳамма иштрокчилар билан ҳайрлашаётганда мен сумкачамни очсам “Жозе” деган атирим ерга тушиб флакони чил-чил бўлди. Иси бир паста хар ёққа тарқаб кетганига Омонжон: -Опа Сизни насимингиз энди шу ерда қолди –деди. Бу сўз ҳам бир шеърдек бўлди.

Ўша Гулистондаги учрашув эсимда бутун умримга қолди. Тошкентга кела-келгунча Ҳулкар аккаламиз дам дадамни, дам Ҳамид амакимни шеърларини талашиб бир тўртликни Ҳулкар бир тўртликни мен ёдлаб келган эдик.






Нисан Ниязов,
председатель Союза бухарских
писателей Израиля,
Виктор Левинштейн,
член Союза писателей Израиля

СМЕЛОСТЬ. БЛАГОРОДСТВО. МАСТЕРСТВО

(ЗАМЕТКИ К 120-ЛЕТИЮ ГАФУРА ГУЛЯМА)

Имя знаменитого узбекского поэта Гафура Гуляма хорошо известно не только в Узбекистане, но и многим читателям в странах бывшего СССР и всего мира. Академик академии наук Узбекистана, лауреат многих престижных премий и кавалер многих высоких орденов, он в то же время оставался скромным и отзывчивым человеком, в ком всегда находился отклик на чужую беду или несчастье людей. Его произведения были близки и понятны и землякам его, и людям многих национальностей, его душа была открыта навстречу каждому страждущему. И эти его качества находили прекрасное отражение в творчестве поэта. Гафур Гулям был настоящим интернационалистом в глубоком и чистом, первозданном смысле этого благородного слова.

Образцом его благородного творчества, несомненно, является одно из лучших его произведений, написанное и опубликованное 26 июня 1941 года, то есть, когда не прошло ещё и недели с момента вторжения гитлеровских полчищ на территорию Советского Союза. И называлось это произведение «Я — еврей!». Мы вполне осознанно не называем это поэтическое творение стихом. Это не стих, а нечто большее. Это прекрасный по форме и выразительности политический памфлет, исполненный




силы и убедительности, это полномерная лирическая поэма, проникнутая реальными чувствами сострадающего человека. Это убедительный приговор фашизму и антисемитизму. Это, если хотите, высокого уровня агитка — не из тех, которые идут на самокрутки, а из тех, которые бережно складывают и носят в нагрудном карманчике гимнастёрки вместе с фотографиями близких. Ветераны второй мировой рассказывали, что такой чести удостаивались, например, части газет со статьёй Ильи Эренбурга «Убей немца» или стихотворением Константина Симонова «Жди меня». Потому, что это текст огромной правды и силы воздействия, и называется «Я — еврей!».

Нет, Гафур Гулям не был евреем по национальности. Он в этом звучном названии своего стиха добровольно присоединился к многострадальному еврейскому народу. Чутким сердцем поэта он сразу понял, что именно евреи станут первой и самой истязаемой жертвой фашизма. Уже были известны миру и постановление гитлеровцев об «окончательном решении еврейского вопроса» и погром «хрустальной ночи». И всему миру было понятно, что пока существует и действует немецкий нацизм, ничего хорошего еврейский народ не ждёт. И в этот момент узбекский народный поэт на весь мир провозглашает: «Я — еврей!»

В первых же строках стиха он прикрепляет несмываемые метки на морды врагов, показывая их никчемность и низость по сравнению с древним и мудрым еврейским народом:

*Я — еврей!
Имя моё не произноси.
Эй, вампир!
О родословной моей
У прабабки своей
Спроси!*



Он напоминает фюреру фашистов, что когда его предки еще носили шлемы с рогатым бычьим скальпом и не знали ни соли, ни огня, ни храмов, ни красок, евреи уже подарили человечеству Тору!


В ярких поэтических образах доносит автор ставшую сейчас общепринятой истиной мысль о том, что еврейская религия и законы её стали основой многих вер и общечеловеческой морали.

*И когда фараоны
По пустыням скакали за нами,
И когда нас хватали
Холодные лапы морей,
Сохранил гордый разум
Отверженец и изгнанник
И дарил придорожным народам
Крупницы культуры своей...
Я — еврей!*

Поэт пишет о бездне мук и страданий, перенесенных еврейским народом на его пути, в котором были «и пустыни», и «холодные лапы морей». Он сравнивает этот путь с дорогой, по которой идёт скитающийся караван. И при этом дарит еврей «придорожным народам» «крупницы культуры своей».

Читая этот стих, не можешь не удивляться точности выражения мыслей автора, его драгоценному умению одним точным словом разбудить у читателя целый каскад ассоциаций. Это настоящая поэзия мирового класса!

Гафур Гулям пишет о замшелых камнях Стены плача седой Палестины, где навек схоронен его стон. И читатель чувствует этот стон всем своим нутром, всей своей кожей. А когда поэт говорит нам о том, как он просил приюта и кричал, что он человек, не знающий, где его отчизна —




разве эти отточенные слова не говорят нам о тех веках скитаний, которые выпали на долю исстрадавшегося еврейского народа?

*Где могилу мне вырыть, о камни?
Иль отверженца труп
Будет
Небу подвешен,
Навеки над миром торчать?*

Вряд ли можно найти более выразительные слова, чтобы дать прочувствовать вечную бездомность древнего народа, для которого любая страна — не своя, а любая земля — чужая! Мысль о вечной неприкаянности еврея, отсутствия в нем чувства родной земли, и наличия чувства вечного изгнанника проходит через многие произведения еврейских авторов. Но так выразить это сугубо еврейское чувство, как это сделал поэт, объявивший себя евреем назло воинствующим антисемитам, мало кому удалось. И он в отчаянии спрашивает, где его дом — у фараонов, пророков, хананов и сулейманов. Естественно, они все молчат. Нет у него приюта! И не было в 1941 году, когда поэт писал свои берущие за душу строки. Пока не появился Эрец Израэль. Но знать будущее — увы — никому не дано. А для своего времени Гафур Гулям написал чистую правду.

Он предупреждает тех, кто считает Гитлера и тех, кто с ним, высшей расой, лучшей из пород, что эти их вопли вызывают у других народов одно желание — «прирезать» этот «породистый скот». И резко и умело, одним ударом разрушает мудрый поэт все измышления расистов всех мастей:

*Кровь народов
Смешивалась миллионы раз,*




*И моя
В народы вливалась без счёта.
«Нация,
Религия,
Чистота рас»
Ещё придумаешь
Что там?*

Заканчивается этот великий стих апофеозом:

*Я — Представитель
Людской расы.
По национальности я —
Человек!
Исчезнут с земли
И расы, и классы,
Люди
Останутся навек!*

И дальше идут обычные для того времени слова. Слова о победе над фашизмом, о великой советской стране, о родной земле, родине коммунизма. Ну, что ж в то время, да и много позже, многие из нас думали так. И так же, как поэт, считали эту землю лучшей на свете и «неприкосновенной». Шла война, сначала «горячая», потом «холодная». А во время войны чувства обостряются, слова становятся более ёмкими. И когда поэт пишет, что «на теле нашем каждый волос отравленной стал стрелой», то ему веришь, ибо во время войны таким же стал и твой волос. И когда поэт пишет: «очистим земного шара арбуз от гнили фашизма навсегда», то это не просто слова лозунга, а программа действия для всех разумных народов. К сожалению, разум народа — вещь непостоянная, временами легко поддающаяся засорению



живыми понятиями, внушаемыми неискушённым людям вышколенными «пропагандами».

Так было сто лет назад, так повторяется и сейчас. Ещё не перевелись в мире любители уничтожать целые народы, рушить в городах и сёлах дома, школы и больницы, выкрадывать детей, убивать беззащитных стариков. И всё это в угоду своим бредовым идеям.

Тем современнее и убедительнее звучат слова прекрасного поэта Гафура Гуляма, в тяжелую годину истории не побоявшегося возвысить свой голос в защиту одного из наиболее пострадавших на протяжении многих веков народа — еврейского, пережившего все беды и их апогей — Холокост. И потерявшего в 20-м веке почти половину своей численности.

И народ не подвёл одного из лучших своих защитников!

Он живёт и трудится на благо всего человечества.

Более трети высочайшей премии в мире — Нобелевской получено евреями, при том, что составляют они менее 0,3% населения земного шара. А сколько ещё великих изобретений и открытий делается сейчас и будет сделано евреями в недалёком будущем!

И тогда каждый из евреев сможет снова с гордостью сказать слова «Я — еврей!»

Так же, как сказал, вступив в их число для их защиты, замечательный узбекский поэт Гафур Гулям, смелый и благородный мастер литературы.





Лутфулла Илҳомжонов,
Ғафур Ғулом уй-музеи илмий ходими


ҒАФУР ҒУЛОМ ВА ДЎСТЛАР ДАСТХАТИ

XX аср бошларида Туркистонда маориф ҳамда матбаа ишининг ривожланишида татар марифатпарларининг таъсири катта бўлган. Ўзбек зиёлилари дастлаб Қозонда босилган газета ва журналларни шунингдек тошбосма, литография китобларини мутолаа қилиб дунёдаги янгиликлар ва маданий тараққиётдан бохабар бўлганлар. Бу ҳақда академик шоир Ғафур Ғулом қуйидагиларни эслайди “Уйимизга Татаристон (Қозон ва Оренбург), Озарбайжон, Боқчасаройда чиқадиган кўпгина газета ва журналлар келиб турар эди. Шулар ичида А. Тўқай, Фотиҳ Амирхон, Ризоиддин Бинни Фаҳриддин (Маржоний), Саид Азим, Шервоний, Аббос Сихат, Алиакбар Собир Тоҳирзода каби Кавказ ва татаристон ёзучиларининг асарлари келиб турар эди”. Маълумки, шоирнинг ота-оналари замонасининг илғор, зиёли ва маърифатпарвар кишилари бўлишган. Шу сабабли ҳам уларнинг уйларига Қозон ва Оренбург, Бакуда нашр қилинган вақтли матбуот нашрлари ва китоблар мунтазам келиб турган.

“Бир куни гап рангли, одам суратли китоблар ҳақида кетди. Дадам у китоблар авваллари таъқиб қилинганлигини айтдилар. Лекин дадамнинг дадалариникига Тифлис, Боку, Қозонда нашр қилинадиган рангли суратли китоблар, газеталар юборилиб турганини айтиб бердилар.

Ўша болалар учун ва катталар учун нашр қилинадиган рангли одам сурати бор китоб, газеталар дадам, дадамнинг акалари учун бир ноёб нарса бўлиб кўринар экан.

Дадамлар учун янгилик бўлган бу рангли китоб, журналлар “Мулла Насриддин”, “Ялт-юлт” дадамда ҳажвга



кизиқиш уйғотган ундаги суратлар эсларида қолган экан. Татар, озарбайжон тилидаги китоб, журналдаги баъзи тушунмаган сўзларни дадаларидан сўраб билиб олар эканлар. 1912 йилларда дадаларига Собир Тоҳирзоданинг озарбайжон тилида Тифлида чиққан тошбосма китоби рангли одамларнинг карикатуралари билан безатилган "Хўп-хўпнома" китоби келиб қолибди. Кейинчалик дадамнинг айтишларича, бу китоб ҳажвий ҳикоялар ёзишларига туртки бўлган экан.

Яна кунлардан бир кун китобни севиш, ундан ўрганиш ҳақида гапириб, дадам ўтган замон воқеаларидан эслаб эдилар.

Ҳозирги Аброр Ҳидоятлов театрининг тўғрисида катта китоб дўкони бўлар экан (1917 йилгача бўлса керак). Ўша китоб дўконида Тифлис, Қозон, Бомбей, Калькутта, Қоҳира, Истамбул, Техрондан келтирилган тошбосма "янги замон" китоблари сотилар экан. Ўша китоб дўконидан дадам китоб олиб ўқир эканлар, агар китобни уринтирмай, варақларини йиртмай ўқисалар, кейин шу китобни ярим баҳосига топшириб, яна янги, ўқилмаган китоблардан олиш мумкин бўлар экан. Баъзи тошбосма китоблар варақлари айрилмай, "битов" сотилар экан. Уларни ўқиб бўлгач, дўкондор қоғоз ўрнига расталарга буюм ўраш учун сотар экан. Шунинг учун дадам бу китобларни авайлаб, моҳирлик билан кечалари шамда ўқиб, китобфурушга олиб бориб, янги – ўқилмаганини олар эканлар. Шундай йўқчилик йилларида 9 ёшда етим қолиб, ўз кунларини ўзлари кўриш, сингилларини парваришлашни бўйниларига олган бўлсалар-да, китоб ўқишни тарк этмаганлар.

Дадам: "китоб йўқ жойда, ўқиш-интилиш йўқ жойда маънавий юксалиш, баркамоллик йўқ",- деб эслайди шоирнинг қизи Олмос Аҳмедова¹.

¹ Олмос. Унутилмас учрашувлар. Ўзбекистон Республикаси ФА "Фан" нашриёти. Тошкент. 2008 йил. 12 –бет.


“Ёшликда китобга ўч эдим, - дейди кейинчалик Гафур Гулом бу ҳақда, - менинг севиб ўқийдиган китобларим Қозон, Оренбург, Бокуда босиларди. Айниқса, Қозон китобларини кўп ўқиганман.

Абдулла Тўқайни, Мажид Гафурийни, Фотиҳ Амирхонни, Ризоуддин бинни Фахриддинни, Олимжон Иброҳимовни ва бошқа-бошқаларни ўша замондаёқ таниган эдим. Ҳамза Ҳакимзода ва Маннон Уйғурлар бунёд қилган ҳозирги Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрини вояга етказишда машҳур татар сахна арбоблари Абдулла Камол, Девишев, Халил Абжалилов ва бошқаларнинг ҳам хизмати синган. Рус қизи Мария Кузнецова, ўзбек қизи Маъсума Қориева ўзбек артистларининг биринчи отрядидандир...

Ўзбекистон матбуотини ривожлантиришда ҳам татар зиёлиларини маълум ҳиссаси бор. Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Зиё Саид, Аъзам Аюб, Л. Олимий, А. Ёкубовлар билан бир қаторда Аҳмад Донской, Вали Алломов, Қ. Сорокин, М. Ҳасан, Ф. Сулаймон, Ш. Муртазин ва бошқалар “ўзбек журналистларининг” биринчи отрядини, бўғинини ташкил қилдилар”.¹


Гафур Гулом озарбайжон ва татар тилларини акаси Рихси қори ёрдамида ўрганишга, ҳаракат қилган. Тушунмаган сўзларни эса кечкурун отасидан сўрашган. Китобга ўчлиги туфайли ўша давр нашрларини кўз қорачиғидек асраб авайлаганки, ҳозирги кунда улар Гафур Гулом уй-музейининг нодир экспонатларидан бирини ташкил этади. 1912 йилда Бакуда нашр қилинган Собир Тоҳирзоданинг “Хўбхўбнома” КП-4511, XIX асрнинг охирларида Қозонда нашр қилинган “Тарихи Шоҳруҳий” КП-4451, “Ахтари Кабир” КП-4448 инветар рақамлари остида сақлаб келинаётган китоблар фикримизни исботидир.

¹ Гафур Гулом. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1971, 283-290-бетлар.



Ушбу китоблар Ғафур Ғуломни Қозон маданиятига бўлган қизиқишини ҳамда ихлосини оширди. У имкон топилди дегунча Қозонга бориш, татар маданияти ва адабиёти билан янада яқиндан танишиш орзусида бўлди. Ниҳоят, йиллар ўтиб орзулари ушалди. 1928 йилда у Зиё Саид билан Қозон шахрига боришади. Татар ижодкорлари ўзбек адибларини ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишади. Сафар таассуротлари вақтли матбуотда кенг ёритилди. Қозон шахрида Ғафур Ғулом ўзининг қаламкаш дўсти Ҳоди Тоқташ билан учрашади. Улар 1919 йилда Тошкентда танишишган эди. Улар Қозон университетига бўлишади, университет фаолияти билан яқиндан танишишади. Ҳоди Тақтош ўз навбатида Қозон адабий муҳити билан ўзбек ижодкорларини таништиради. Булар орасида Одил Кутуй, Демьян Фатхий, Шомил Усмонов, Афзал Шомов, Қавий Нажмий, Муса Жалил бор эди. Ғафур Ғуломни Муса Жалил билан таништиради экан "Келажаги ўтдай балқиб турган ёш шоир, ундан умидимиз зўр", - дейди.

Ғафур Ғулом Ҳоди Тақтошнинг "Муҳаббат тавбаси", "Тоқтош ўлди", "27 январь", "Қуюндан сўнг", "Сен душманам менинг", "Жавоб" каби шеърлари ҳамда Шомил Усмоновнинг "Помирдан радио" фантастик повестини татар тилидан ўзбек тилига таржима қилади. Ҳоди Тоқтош вафотидан кейин унинг ўғли Рафаэль Тоқтошга Ғафур Ғулом оталарча ғамхўрлик қилади. Бу ҳақда Рафаэль Тоқтош ўз қайдларида "Отамнинг дўсти, буюк шоир Ғафур Ғулом менга оталарча ёрдам берди, ҳомийлик қилди. Мен Ғафур Ғулом шеърятини доим тарғиб қиламан. Умр бўйи бу улкан шоир ва улкан инсондан миннатдорман," - деб ёзади. Шу муносабат билан ҳам санъатшунослик фанлари доктори Рафаэль Тоқтош Ғафур Ғулом вафотидан кейин шоирнинг оила аъзолари билан муносабатни узмагани Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик юбилейи тантаналарида ва



уй-музейнинг янги биносининг очилиш маросимларида фаол эштирок этганини таъкидлаш жоиздир.

Ғафур Ғулом иккинчи бор Қозонга Шокир Сулаймон бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари, жумладан, Абдулла Қодирий, Амин Умарий ва бошқалар билан 1936 йил бўлди. Бунда кўпчилик татар газета ва журналлари Амин Умарийнинг "Она", Ш. Сулаймоннинг "Янги Қозон" асарлари билан бирга Ғафур Ғуломнинг "Кўп қопқасин қоққанда" асарини босиб чиқарди. Татар шоири Ҳасан Тўфон "Хуш келдингиз, ўртоқлар"¹ номли табрик мақоласида Ғафур Ғуломнинг Қозондаги Мулланур Воҳидов номидаги завод ишчиларига бағишланган шеърининг моҳияти, халқлар дўстлигининг ҳаётбахш кучи тўғрисида тўлқинланиб ёзган эди.

Ўз навбатида Ғафур Ғулом ҳам Шокир Сулаймон билан биргаликда "Қизил Ўзбекистон" газета саҳифаларида чоп этилган мақоласида Ўзбекистон ёзувчиларининг Қозонга қилган сафаридан кўзда тутган мақсадни "Ўзбек ёзувчилари бригадасининг Қозонга келиши татар адабиёти, танқидчилиги ва саҳна асарлари билан танишиб, тажриба билан ўртоқлашди"² – деб эътироф этган эди.


Бу сафардан кўпчилик ўзбек ёзувчи ва шоирлари қатори Ғафур Ғулом ҳам катта таассурот билан қайтади.

Татар шоири Ҳасан Тўфон Ғафур Ғуломга бағишланган "Тошкент боғларида" шеърида ўзбек халқининг гўзал диёри, ҳаётга бўлган чуқур меҳр-муҳаббати, шонли тарихи, буюк сиймоларига бўлган дўстона муносабатларини куйлайди.

Ғафур Ғуломга бағишлаб татар шоири Шайхи Маннур ("Ғафур Ғуломга"), бошқирд шоири Сайфи Қудаш

¹ Ҳасан Тўфон. "Хуш келдингиз, ўртоқлар!". "Совет адабиёти". Қозон, 1936, 7-сон, 38-39-бетлар.

² Ғ.Ғулом, Ш. Сулаймон. Ўзбекистон совет адабиёти. "Қизил Татаристон", 1936, 14 август.



(“Тортиқ”, “Улкан шоир ва гражданин”) каби бир қатор шоирлари ҳам шеър ва мақолалар ёзганлар. Унда Гафур Гулом сиймосида халқлар дўстлиги ва ҳаётбахш кучини кўришлиги ҳақида куйлашган. Айниқса, бошқирд шоири Сайфи Кудаш дўсти Гафур Гуломни “бутун талантини, юрагининг жўшқин туйғуларини она юртига, жонажон халқига бағишлаган”¹ шоир сифатида юксак баҳолайди. Сайфи Кудаш таваллуди муносабати билан Гафур Гулом дўстини табриклар хат ёзган. Ўз навбатида Сайфи Кудаш ҳам ўзининг янги нашрдан чиққан китобини Гафур Гуломга ўз дастхати билан юборади. Бу китоблар Гафур Гулом уй-музейи сақланмоқда. Сайфи Кудаш. Избранное. Уфа. 1954. КП 35/562. Афтограф “Глубокоуважаемому Гафуру Гуляму в день Свего шестидесятилетия. С неизменной дружбы Сайфи Кудаш. 3/ X-1954 г. Уфа.” Сайфи Кудаш. Москва. 1964 г. Ўз навбатида Гафур Гулом қардош дўстининг юбилеи муносабати билан табриклар экан қуйидаги мазмундаги мактубни йўллайди. “Сенинг таваллуд кунинг бошқирд халқининг маданий байрами бўлибгина қолмасдан, балки кўпмиллатли адабиётимизнинг ҳам байрамидир”². Сайфи Кудаш: “Шоир Гафур Гулом ўз гражданилик бурчини чуқур англаб ижод йўлига кирди ва бутун талантини, юрагининг жўшқин туйғуларини она юртга, жонажон халқига бағишлади”³ – деб дўсти Гафур Гулом ижодини баҳолайди.

Адиб кутбхонасида қуйидаги дастхатли китобларни учратиш мумкин. “Дорогому брату-другу Гафуру Гуляму. С. Кудаш. 12/X 1964. Уфа.” КП 35/615. Сайфи Кудаш. Избранные произведения. Том I. Уфа. 1965 г. КП-603. Сейфи Кудаш. эсэрзер III. Башгосиздат 1951. КП 35/604. Сейфи Кудаш. “Йешлек эззере буйлап”. КП 35/572.

¹ Сайфи Кудаш. Улкан шоир ва гражданин. “Шарқ юлдузи”, 1953 й. 5-сон, Б- 93.


² Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент. Фан. 1984 й. Т- 12. Б-409

³ Оташнафас шоир. Тошкент. Фан. 1994 й. Б-221.

Башкортостан Китап Нэшриэте. Офе.1964. Китоблардаги дасхатлар ижодкорларнинг бир-бирига бўлган самимий дўстлиги, ўрталаридаги меҳр-оқибатдан бизни воқиф этади. Шу билан бирга бошқа татар ва бошқирд ижодкорларининг дастхати битилган асарлари ҳам Ғафур Ғулом кутубхонасидан ўрин олган. "Татар халык жырлары" 1965 й. КП 35 /917. , М.Х. Гайнуллин , Ж.Г. Вэзиева «Татар эдэбияты» Казан. 1954. КП 35/4239, Б. Бикбай Сайланма асарлар. Башгосиздат. 1952. КП 35/363. Мостай Кэрим. Сайланма асарлар. Уфа. 1951 г. «Г. Гуляму – замечательному советскому поэту – с приветом из далекий Башкирии. Мустай Карим. 23/ V. 53 г.», Сэғит Ағиш. Һайланма хикэйэлэр. Офе. 1953 й. КП 35/294. Хади Такташ "Избрание произведение". Казан. 1952 г. КП 909. Китобларнинг аксарият қисмлари татар тилида ёзилган. Ғафур Ғулом ва унинг ижодкор дўстлари ўртасидаги ёзишмалардан у фақат татар тилини эмас балки тожик, қозоқ, турк, қирғиз, араб тилларини ҳам билгани маълум бўлади.

1961 йил феараль ойида Тошкентга татар шоири Самад Шокир келади ва Ғафур Ғулом билан учрашади. Ўша кезлари Қозонда Абдулла Тўқай туғилган кунига 75 йил тўлиши арафасида тайёргарлик ишлари бораётган эди. Академик шоир ўз навбатида юбилейга тайёргарлик ишлари билан қизиқиб сўрайди. "Мен ўзим Тўқай шеърларини ўқиб ўсганман. Уни чин кўнгимдан ҳурмат қиламан. Шеърларини ўзбек тилига таржима қиламан. Ҳозир унинг 75 йиллик тўйига атаб мақола ёздим. Уни Қозонга "Совет адабиёти" журнаliga юбораман" – дейди¹. Улар китоб дўконига кирадилар. Абдулла Тўқайнинг эндигина босилиб чиққан китобига қуйидаги дастхатни ёзиб Самад Шокирга совға қилади."Қардош Самад Шокирга, татар шоирига! Ушбу ҳурматли А. Тўқай китобини Сизга совға қиламан, Ғафур Ғулом, 18.07. 1961".

¹ Оташнафас шоир. Ўзбекистон ФА "Фан" нашриёти. Тошкент.1994.229-бет.



Тўқайнинг бу китобидаги шеърларни Уйғун, Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Шухрат, Мамарасул Бобоев каби тажрибали шоирлар таржима қилишган эди.

Самад Шокир Қозонга қайтганидан сўнг "Ўрта Осиёда ёзилган шеърлар" туркумини ёзиб, "Шарқ юлдузи" журнаliga юборади. Бу шеърлар журналнинг 1962 йил сентябрь сонидида "Қардошларимиз Ўзбекистон ҳақида" деган сарлавҳа билан Шухрат таржимасида чиқди. Ғафур Ғулом ва Шухратлар журнални Самад Шокирға юборишади. Унда Ғафур Ғуломнинг "Шофёр" деган шеъри ҳам босилган эди. Кейинчалик ушбу шеърни Самад Шокир татар тилига таржима қилиб нашр қилдиради.

1963 йилда Қозонда Ғафур Ғуломнинг "Шарқдан келаётирман" номли китоби босилиб чиқади. Уни эса ўз навбатида Самад Шокир муаллифга юборади.


Ҳақиқатан ҳам Абдулла Тўқайнинг туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати билан Ғафур Ғулом мақола ёзади ва ушбу мақола 1961 йилнинг 26 апрель куни Ўзбекистон радиосида эшителилади. Ушбу нутқни эшитган ҳамюртларимиздан бири Нажия Бегашева Ғафур Ғуломга куйидаги мазмунда мактуб йўллайди.

Фозил муҳтарам Ғафур Ғулом ҳазратлари!

26 апрель кунидида радиодан классик шоиримиз Абдулла Тўқайнинг туғилганига 75 йил тўлиши муносабати ила мазмундор нутқингизни 45 ёшлик ўғлим Ўлмас билан икковимиз мароқланиб тингладик.

Ўрта Осиёда анча вақтлар яшаганимиз даврида татарларнинг Ўзбекистон маданияти, санъати тараққиёсида бўлди хизматлари бор эканинг ҳам унинг тақдир этили-вудан биринчи маротаба эшитиб ғоят хурсанд бўлиб келажакда ҳам халқларимизнинг бирдам ишлавларин тиладик.

Абдулла Тўқай марҳум ўзининг қисқа умри мобайнида рус, ғарбий Европа ҳам Шарқ ёзувчилари билан танишиб олардан ўрнаклар олмакка улгурди.



“Бўлмаса” сарлавҳали шеъринда:

“Бермади Лайло каби маҳбубага дунё баҳо,

Ул оддий бир қиз они қаршинда Мажнун бўлмаса” – дейди. Кечирасиз шундай қимматли материални кўчириб ололсак эди.

Мактуб усти: Теран хурмат ва ташаккурлар билан пенсионерка Нажия Бегашева. 5 май 1961 йил.

Тошкент шаҳри Чилонзор массиви, 7а-3.


Матн 16x21 см ўлчамдаги сарғиш йўл-йўл ўқув дафтари варағига сафсар ранг туш билан ёзилган. Араб ёзувида¹.

Ғафур Ғуломнинг айниқса, татар мумтоз адабиёти вакили бўлган Абдулла Тўқайга нисбатан хурмати ва эҳтироми чексиз бўлган. Уни ўзининг маънавий устози деб билган ва унинг бюстини ўз кабинетида сақлаган. Ҳозирда ушбу бюст эса Ғафур Ғулом уй-музейида сақланмоқда.

“Тўқай менинг устозим! – дейди Ғафур Ғулом. Мен унинг асарларини ўқиб адабиётга кирдим. Тўқайни чин кўнглимдан улуғлайман, хурмат қиламан.”² Адиб болалигидан Тўқай шеърларини отасидан эшитиб улғайган ва 9-10 ёшида эса Тўқай китобларини ўзи сотиб олиб ўқий бошлаган. Дастлабки шеърларини Тўқай таъсири остида ёзган эдида. 1966 йилда Абдулла Тўқайнинг 80 йиллик юбилеи Қозон шаҳрида ўтказилади. Ўзбек шоир ва адиблари билан биргаликда Ғафур Ғулом ҳам устози юбилейига қатнашгани Қозонга шаҳрига боради. У ерда юбилей тантаналарида қанашиб, Абдулла Тўқайнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда ўзбек ва татар халқларининг самимий дўстлиги ҳақида татар тилида доклад қилади. Ғафур Ғулом мазкур докладида татар халқига нисбатан ўз хурматини қуйидаги сатрларда ифодалайди:

¹ Ғафур Ғулом. Академик нашрга кирмаган асар ва мактублари. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижод уйи. Тошкент. 2018 й. 38-бет.

² Оташнафас шоир. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. Тошкент 1994. 236-бет.



“Ўртоқлар Татар халқи билан ўзбек халқининг ноихоятда яқин алоқалари – кўп йиллик тарихдир.

Биз қадим-қадим замонлардан бери бир оила фарзандлари сифатида яшаб келдик. XIX аср охиридан ўзбек китоблари сизнинг Қозонда босила бошлади. Ўзбек халқига биринчи мартаба миллий ҳарф олиб борувчи ҳам татар халқи бўлди. Биринчи янги замон муаллимлари ҳам, ўқитучилари ҳам бизга татар халқининг фарзандлари орасидан чиқиб келдилар. Биринчи алифбо китоблари янги замон тилида Қозонда тайёрланди.


...XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб татар шеъриятининг намуналари бизга етиб кела бошлади. Биз ўша шоирларни яхши устозларимиз деб биламиз. Улар орасида бизнинг буюк оғамиз Абдулла афанди Тўқаев ҳам бор. У ўзбекнинг улугъ шоирлари, сўз усталари – Фурқатлар, Муқимийлардан бир оз кейинроқ ўтган бўлса ҳам бизнинг муаллимимиз ҳисобланади”.

Ғафур Ғулом Тўқай яшаган Қирлай овули ва уй-музейи билан танишади, устози ҳайкали пойига гулчамбар қўяди ҳамда қабрини зиёрат қилади. Қирлай овулида ўтказилган юбилей тантанасида Ғафур Ғулом қизгин нутқ сўйлайди:

“ – Абдулла Тўқай Ўзбекистоннинг ҳам шоири, - дейди у. Ҳар бир мактабда, ҳар бир кутубхонада унинг китоби бор. Тошкентдаги кўчалардан бирига унинг номи берилган. Тўқай юрагимизнинг тўрида!”

Шундан кейин Қирлай овулини, Қирлай ўрмонини, Тўқай яшаган Саъди абзий уйини, шоир ўқиган мадрасаси ўрнини бориб кўради. Кутубхона-музейга кириб, эсдалик ёзувлари биттади. Унда шундай ёзувлар битилган эди: “Қаҳрамонлик ва халқлар дўстлигини куйлаган шоир қошида бош эгамиз”!


(Миклай Казаков (Мари АССР), Гомер Дахир (Финландия), Азиз Шариф (Озарбайжон), Ғафур Ғулом (Ўзбекистон), Хатиб Усмон (Қозон), 1966 йил, 26 июнь.)



Юбилей тантаналарида Тўқай ижодини ташвиқ этишдаги ва унинг шеърларини таржима этиш борасидаги хизматлари учун Ғафур Ғуломга, Собит Муқоновга, Сайфи Кудашга, Жақон Сиддиқовга, Қамчи Жунусовга, Пеер Хузангайга Татаристон Олий Кенгашининг фахрий ёрлиғи берилган.

Ғафур Ғулом Абдулла Тўқай, Ҳоди Тоқтош ва Мусо Жалилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида “Абдулла Тўқай бизнинг ҳам шоиримиз”, “Кураш ва дўстликнинг жасур куйчиси”, “Шоирнинг умрбоқийлиги”, “Ҳаёт куйчиси” каби бир қатор мақолалар ёзган.

Ғафур Ғулом ва унинг ижодкор дўстлари ўртасидаги адабий дўстлик нафақат ижодкорларнинг қолаверса ўзбек, татар, бошқирд халқлари ўртасидаги дўстлик ва миллатлараро тотувлик тимсоли сифатида эътироф этилади.






Туғрал Шокиров,
Донишгоҳи давлатии ҳуқуқ,
бизнес ва сиёсати Тоҷикистон,
доктори илмҳои филология, профессор,
академики Академияи табиатшиносии Россия

ҒАФУР ҒУЛОМ ВА АДАБИЁТИ МУОСИРИ ТОҶИК

Таърих ва адабиёт мафҳумҳои мебошанд, ки бо инсон пайвастагӣ доранд. Инсон бошад, бе одам наметавонад зиндагӣ кунад. Зиндагӣ бо дӯстӣ моҳият пайдо менамояд. Дӯстӣ мафҳуми зиёд ва фарогири аст. Аз қадимул айём мардум бо ҳам зиндагӣ мекунанд. Мардумоне ҳастанд, ки онҳоро аз ҳам ҷудо тасаввур кардан имкон надорад. Зеро онҳо таърихи доимо ҳамдигарро пурра карда меоянд ва мардуми тоҷику ўзбек аз ҳамин ҷумла буда, аз азал дар ҳамзистиву дӯстӣ таърих меофаранд. Робитаи адабии миллатҳои тоҷику ўзбек низ решаҳои дерин дорад.


Бинобар ин вақтҳои охир таҳти сиёсати дурандешонаи Пешвои миллат муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Президенти муҳтараму дӯстпарвари Ўзбекистон муносибати сиёсӣ ва иҷтимоӣ, иқтисодӣ, фарҳангиву адабӣ, илмӣ, умуман дар тамоми соҳаҳо миёни Тоҷикистону Ўзбекистон рушди ғарифта истодааст [10].

Чунин алоқаро дар тарҷумаи осори адабӣ ба ин забонҳо мушоҳида намудан мумкин аст. Ин робита аз асрҳои XII-XIII бо тарҷумаи ўзбекии «Шоҳнома», «Самаки айёр», «Чор дарвеш», «Саргузашти Ҳотами Той» ва амсоли онҳо дар насли ривояти оғоз гардидааст. Тавре ки борҳо таъкид кардаанд, дар асари барҷастаи Юсуфи Баласоғунӣ «Кутадғу билиг» («Маърифати саодатофар»), ба ин қаробат, ҳамкорӣ ва баҳрабардорӣ равшан ишораҳо шудааст [14]. Аммо



аз асри 15 сар карда, адабиёти ин ду миллат ба якдигар таъсири хуб расонидааст ва яке аз хусусиятҳои адабиёти ин давраинаи ҳар ду миллат дузабонии шоирону адиюони онҳост. Маҳалли зисти ин ду миллат ва расму оинҳои суннатӣ аз ҳамзистӣ барпост. Адабон ин давра бо забонҳои якдигар бедушворӣ эҷод мекарданд ва осорашон интишор меёфт. Масалан, шоир Ҳаким Саной бисёр қиссаҳои тоҷикиро ба ўзбекӣ баргардонидааст ва ё шоири ўзбек Сайқалӣ достони "Баҳром ва Гуландом"-ашро аз қиссаҳои шўрангеzi тоҷикӣ шурӯъ намудааст.

Шоирони ўзбек ба мисли Атой, Саккоқӣ, Лutfӣ ва ғ. ашъорашонро бо забони тоҷикӣ низ эҷод кардаанд. Бо таҳаллуси Фонӣ ғазалҳои тоҷикӣ эҷод кардани Алишери Навоӣ ба ҳама маълум аст. Ҳамчунин маълум аст, ки Навоӣ дар пайравии Низомии Ганҷавӣ асари "Ҳамса"-и хешро офаридааст. Ин анъанаро бисёр шоирони баъдӣ идома дода, ба он сифатҳои нав ҳамроҳ кардаанд. Махсусан, адибони ўзбек, аз қабилҳои Турдӣ, Машраб, Махмур, Гулханӣ, Увайсӣ, Нодира, Муқимӣ, Фурқат, Убайдуллои Завқӣ, Нодира, Умархон, адибони тоҷик Ҳилолӣ, Восифӣ, Бедил, Зебуннисо, Аҳмади Дониш, Шоҳин, Асирӣ, Дилшоди Барно, Умархон ва дигарон ғазалу қасида, достону маснавӣ ва асарҳои насриро ба забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ таълиф кардаанд [1]. Зулисонайнӣ ба нишонаи ашрофзодагӣ расида буд. Дар ин маврид нависандаи ўзбек Одил Ёқубов таъкид мекунад, ки «Дўстии ҷудонашавандаи ўзбеку тоҷикро дар зулисонайнӣ забон ва адабиётмон мебинем. Ин ҷараёни эҷодӣ он қадар густириш ёфтааст, ки дар натиҷаи он дар адабиётмон услуби махсуси бадеӣ ба вучуд омадааст. Ғазалиёте, ки дар услуби ширу шакар эҷод шудааст, дар адабиёти ҷаҳонӣ ҳодисаи ноёб шуморида мешавад. Ширу шакар шабеҳи аз ду тори асбоби мусиқӣ танинандоз гаштани садои форам аст. Маҳз дар ҳамин дўстии ҷудонашавандаи тоҷику ўзбек намоён мегардад» [2; 4].




Дар асри 20, баробари дар сарзамини Осиёи Миёна интишор ёфтани рӯзнамаву маҷаллаҳои тоҷикиву ўзбекӣ шоирону нависандагон ва аҳли адаби ин ду миллат маводашонро бо забонҳои якдигар чоп мекарданд. Аз ҷумла, устод Садриддин Айни дар рӯномаи "Меҳнат-кашлар товушӣ" маводҳои зиёд ба нашр расонида, солҳои 30-юми асри 20 "Ғулумон" ва "Марги судхӯр"-ашро бо забонҳои ўзбекӣ рӯи чоп овардааст.

Дар рӯномаи ўзбекии "Қутулиш" ашъори бисёр адибон бо забони тоҷикӣ рӯи чоп омадааст. Ҷамза Ҷақимзода Ниёзӣ қариб 60 ғазалашро бо забони тоҷикӣ навиштааст.

Чунин иқдоми пайвандгарой дар даврони Шӯравӣ низ идома ёфтаасту имрӯзҳо раванқ дорад ва дар сарғаҳи он баъд аз Садриддин Айниву Ҷамза Ҷақимзода Ниёзӣ ва як қатор адибони номдори ўзбеку тоҷик шоири маъруфу маҳбуи ўзбек Ғафур Ғулум низ меистод. Масалан, Ғафур Ғулум достони "Кремл"-и устод Абулқосим Лоҳутиро ду маротиба бо забони ўзбекӣ дар ду вазн тарҷума намудааст.

Устод Абулқосим Лоҳутӣ бо забони ўзбекӣ хуб балад набуд, вале бо меҳри афзун доир ба бузургии ин мардум ва меҳнатқаринии онон бо номи "Ўзбекистон", "Супориши модари ўзбек" ва ғайра шеърҳои мондагор офаридааст. Нависандаи маъруф Ойбек низ дар ин хусус барои дигарон намунаи ибрат буд.

Мирзо Турсунзода солҳои 30-ум дар Тошканд таҳсил намудааст. Дар он ҷо бо адиби ўзбек Ғафур Ғулум шинос мегардад, ҳардуи онҳо дар ҷодаи назм ҳамкорӣ мекунанд. Мирзо Турсунзода достони «Ҷасан аробакаш», Ғафур Ғулум бошад, достони «Кӯкан»-ро эҷод мекунанд. Мазмуни ҳарду дoston ба ҳам монанданд, тақдири қаҳрамонҳои dostonҳо айни яканд. Қаҳрамонҳои асарҳо – Кӯканро тоҷику Ҷасанро ўзбек хондан мумкин аст. Дар dostonҳо муаллифон ҳодисаҳои даврро воқеъбинона инъикос намудаанд [4, 46-47].




Чун Чомиву Навой адибони ду халқи бародар дар замони навинамон – Абдулло Қодирӣ ва Садриддин Айни, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Зулфия ва Мирсаид Миршакар, Эркин Воҳидов ва Лоиқ Шералӣ ва дигарон дар эҷодиёти худ дӯстии ҳақиқӣ ва самимии халқҳои тоҷику ўзбекро тараннум кардаанд. Хосатан, яке аз адибони тараннумгари дӯстии ду халқ устод Садриддин Айни мебошад, ки низ ба тақозои замон ва истеъдоди бузург бисёр асарҳояшро ба ду забон – тоҷикиву ўзбекӣ навиштааст, яке аз асосгузори адабиёти шӯравии ўзбек маҳсуб ёфта, дар рушди он саҳми арзанда гузошта, ба бисёр адибони ўзбеки нимаи аввали қарни ХХ ҳаққи устодӣ дорад. Аз ин рӯ, табиист, ки адибоне чун Ғафур Ғулом дар Ўзбекистон Садриддин Айниро устоди хеш медонанд [8]. Муносибати дӯстонаи халқҳоямон илҳомбахши эҷодиёти бисёр адибони минбаъда гаштааст. Мирзо Турсунзода солҳои 30-ум дар Тошканд таҳсил намудааст. Дар он ҷо бо адиби ўзбек Ғафур Ғулом шинос мегардад, ҳардуи онҳо дар ҷодаи назм ҳамкорӣ мекунанд. Мирзо Турсунзода достони «Ҳасан аробакаш», Ғафур Ғулом бошад, достони «Кӯкан»-ро эҷод мекунанд. Мазмуни ҳарду достон ба ҳам монанданд, тақдири қаҳрамонҳои достонҳо хеле айният дорад. Дар достонҳо муаллифон ҳодисаҳои даврро воқеъбинона инъикос намудаанд [4, 46-47].

Дӯстии Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода махсусан аз солҳои 50-уми асри 20 қаввию пурмаҳсул мегардад. Баробари нашри «Қиссаҳои Ҳиндустон»-и Мирзо Турсунзода Ғафур Ғулом яке аз аввалинҳо шуда

онро ба ўзбекӣ тарҷума мекунанд.


Умуман, тарҷумаҳои Ғафур Ғулом чунон табиӣ ва асли митармаданд, ки баргардон буданаш эҳсос намешавад. Масалан байтҳои зеринро аз «Бозгашт ба Ватан»-ро бубинед:



Мен қачон туққан Ватан тупроғига қўйдим қадам,
Тоза рухсориға юз суртиб ўпардим дам-бадам,
Озгина муддат узоқлашдим, бироқ ёди анинг,
Бошим узра тонг елидек чеврилар эрди шу дам,
Энди дўстлар бағрида ўзни кўриб тўйгай кўзим,
Қайта айтгайман қулоғига бу кун ширин сўзим,
Қайтиб олгайман нафас тоза ҳавосидан анинг
Қайта ичгайман қониб қайнар булоғидан ўзим.

Бо мақсади мустаҳкам намудани дўстии халқҳои ду чумхурии бародар соли 1968 Даҳаи адабиёт ва санъати Тоҷикистон дар Ўзбекистон баргузор гардид. Дар он олимон ва адибони номвари тоҷик Мирзо Турсунзода, Боқӣ Раҳимзода, Ҷалол Икромӣ, Аминҷон Шукӯҳӣ, Ато Ҳамдамов ва дигарон иштирок намуданд. Баъди маросими кушодашавии Даҳа аҳли фарҳанг ба якчанд гурӯҳ тақсим гашта, ба водии Фарғона, вилоятҳои Хоразм, Сирдарё, Қиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Чумхурии мухтори Қарқалпоқистон ба сафарҳои хотирмон баромаданд [8,3-4].

Санаҳои 29 июн – 5 июли соли 1998 дар Ўзбекистон рӯзҳои фарҳанги Тоҷикистон баргузор мегардад. Бо қарори тарафайн бахшида ба ин чорабинии фарҳангӣ ду китоб бо номҳои «Обшори меҳр» ва «Қуёш остонаси» ҳамчун меваи ҳамкорӣ ба таъб расид. Аввалӣ фароғири шеърҳои аз ўзбекӣ ба тоҷикӣ баргардоншуда, дуюмӣ шомили ашъори аз тоҷикӣ ба ўзбекӣ тарҷумашудаи шоирони ҳарду мамлакат буд. Вобаста ба ин нависандаи ўзбек Одил Ёқубов таъкид доштааст, ки «Дўстии чудонашавандаи ўзбеку тоҷикро дар зуллисонайнии забон ва адабиётмон мебинем. Ин чараёни эҷодӣ он қадар густариш ёфтааст, ки дар натиҷаи он дар адабиётмон услуби махсуси бадеӣ ба вучуд омадааст. Ҳазалиёте, ки дар услуби ширу шакар эҷод шудааст, дар адабиёти ҷаҳонӣ ҳодисаи ноёб шуморида мешавад. Ширу шакар шабеҳи аз ду тори асбоби мусиқӣ




танинандоз гаштани садои форам аст. Маҳз дар ҳамин дӯстии чудонашавандаи тоҷику ўзбек намоён мегардад» [5].

Ҳамкорихои илмиву фарҳангӣ торафт густариш ёфта, кайҳост, ки омӯзиши эҷодиёти намоёндагони адабиёти классикӣ ва муосир дар ду давлат ба роҳ монда шудааст. Дар Тошканд ва шаҳрҳои дигари Ўзбекистон олимону коршиносони ўзбек бо омӯзиши осори мондагори классикони форсу тоҷик даҳҳо рисолаҳои илмӣ ба таъ раоснидаанд. Яке аз фаъолон шарқшинос Шоислом Шомуҳаммедов буда, «Шоҳнома»-и Фирдавиро ба забони ўзбекӣ дар се ҷилд тарҷума намудааст (1975-1979).

Шоирони ўзбекзабони тоҷикистонӣ Амон Раҷаб, ки маҷмӯаҳои ашъораш бо забонҳои ўзбекӣ бо номҳои «Учқунлар», «Ишонч», «Ситора-ситора мемонад», «Сирочи дилҳо» ва ғайра дар нашрияҳои Тоҷикистону Ўзбекистон ба таъ расидааст, бо пайравонашон ашъори шоирони гузаштаву муосири тоҷик Саъдӣ, Ҳофиз, Амир Хусрав, Сайидо, Мӯъмин Қаноат, Лоиқ, Бозор Собир ва дигаронро ба забони ўзбекӣ тарҷума намуда, адабиёти тоҷикро барои хонандагони ўзбекзабон муаррифӣ кардаанд.

Алҳол дар Тоҷикистон беш аз 40 адиби ўзбек ҳамчун узви Иттиҳоди нависандагони ҷумҳурӣ қору фаъолият мекунанд. Инҳо Сулаймон Эрматов, Амон Чуманов (барои тарҷумаи насри тоҷик ба ҷоизаи ба номи С. Айнӣ сарфароз шуд), Тӯрон Тӯйчиев, Амон Раҷаб ва дигарон мебошанд.

Солҳои охир чопи намунаҳои эҷодиёти нависандагони ўзбеки муқими Тоҷикистон ва ҳуди Ўзбекистон дар нашрияҳои «Адабиёт ва санъат» ва «Садои Шарқ» ба таври ҳамешагӣ сурат мегирад. Яке аз охири қорҳои, ки дар самти шиносоии адабиёти ўзбек дар Тоҷикистон сурат гирифтааст, нашри маҷмӯаи 700-саҳифагии намунаҳои эҷодиёти адибони ўзбек дар 100 соли охир дар китобе бо номи «Армуғони дӯстӣ» аст, ки 17- августи соли 2018 аз ҷониби Президенти Тоҷикистон ба раиси Ҷумҳурии Ўзбекистон тақдим шуд.




Дар китобхонаҳои Ўзбекистон асарҳои бадеии адибони форсу тоҷик – Амир Хусрави Деҳлавӣ, Абулқосим Фирдавси, Умари Хайём, Кайковус, Ҳофиз, Бедил, Мирзо Турсунзода ва дигарон аз ҷониби китобхонон бо шавқӣ баланд қироат мегарданд.

«Дар воқеъ, дӯстии ин ду халқ аз қадим на танҳо дар анъанаву суннатҳо ифода меёфт, балки дар робитаҳои фарҳангӣ адабияшон низ таҷассум гардида, шуҳрати беандоза касб мекард. Бовар дорем, ки ба шарофати ташрифи меҳмони олиқадр Президенти Ҷумҳурии Ўзбекистон муҳтарам Шавкат Мирзиёев ва сиёсати адабпарваронаю фарҳангпарваронаи Асосгузори сулҳу ваҳдати миллӣ — Пешвои миллат, Президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ин дӯстӣ боз ҳам рушд карда, ҷуғрофияи тоза мегарад ва пайгоми меҳру муҳаббат ва рафоқату бародарии ин халқҳоро ҷуну кабултарони сулҳ ба дуриҳои дур бурда, номи ҳар ду халқро дар арсаи ҷаҳонӣ боз ҳам бештар машҳур мегардонанд» [2; 6; 8; 11; 13]. Яке аз ситораҳои дурахшонии адабиёти муосири ўзбек Гафур Ғулом дар дӯстии адабиёти ўзбеку тоҷик ҷунон саҳме гузоштааст, ки он аз боду борон газанд наёфта, беш аз пеш мустаҳкам мегардад.

Адабиёт:

1. Абдушуқри Абдусаттор. Адибони зулисонан – мурағғибони дӯстии халқҳои тоҷику ўзбек // <http://tnu.tj/index.php/tj/to-ikiston-uzbekiston-sa-ifai-nav-dar-ta-rikhimunosibat-oi-muta-obilai-du-khal-i-barodar/542-adibonizulisonajn-mura-iboni-d-stii-khal-oi-to-iku-uzbek> (Санаи муруҷиат: 07. 05. 2023)

2. Абдуҷаббор Раҳмонзода: Равобитаи адабию фарҳангӣ — рукни муҳими таҳқими дӯстии тоҷикон ва ўзбекон» // <http://www.vfarhang.tj/index.php/tj/khabar-o/601-abdu-abbor-ra-monzoda-ravobiti-adabiyu-far-ang-rukni-mu-imi-ta-kimi-d-stii-to-ikon-va-zbekon> (Санаи муруҷиат: 07. 05. 2023)



3. Аскар Маҳкам –шеърлар//<http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/asqar-mahkam-sherlar.html> (Санаи муроҷиат: 07.05.2023)

4. Бобозода Ф. Т. Ретроспективный взгляд на историю таджикско-узбекских взаимоотношений в советском периоде// Известия Академии наук Республики Таджикистан отделение общественных наук.–№3.–, 2015.–С. 44-49.

5. Ёқубов Одил. Ажралмас дўстлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 3 июл.

6. Мирзиёев Ш. Мумтоз шеърятнинг порлоқ юлдузи // Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд.–Тошкент, 2018.–С. 333-339.

7. Ниёзмухаммадов Б. Аз таърихи дўстии ду халқ.–Душанбе, 1970.

8. Низом Қосим. Саҳифаҳои дурахшони қаробату рафоқат//<http://navisandagan.tj/tj/index.php/khabar/617-sa-ifa-oi-durakhshoni-arobatu-rafo-at> (Санаи муроҷиат: 07.05.2023)

9. Сайфуллоев А. Дўстии адабиётҳо – дўстии халқҳо.–Душанбе: Ирфон, 1975.–132с.


10. Ўзбекистан – Таджикистан: новые точки роста сотрудничества. Международное сотрудничество 2 майи соли 2023

11. Ўзбекистон умумий уйимиз.–Тошкент: Ўзбекистон, 2004.–226 б.

12. Шарқ тароналари//<https://ru.wikipedia.org/wiki/%>(Санаи муроҷиат: 07.05.2023)

13. Эмомалӣ Раҳмон. Суханронӣ дар «Шоми дўстӣ» ба муносибаи ти сафари давлатии Президенти Чумхурии Ўзбекистон. 07.05.2023 //<http://www.president.tj/node/17221> (Санаи муроҷиат: 07.05.2023)

14. Юсуф Баласағунский. Благодатное знание / Пер. Иванова. — М.: Наука, 1983. — 560 с.






Бахтиёр Файзуллоев,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент

ҒАФУР ҒУЛОМ БАДИИЙ МАҲОРАТИГА ДОИР БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

Ижодкорлар асарларида бадиийликни юзага келтирувчи бир қатор бадиий-эстетик мезонлар мавжуд бўлиб, шулардан бири бадиий матнларда қўлланувчи анъанавий тасвирий воситалар ҳисобланади. Бадиият илмида анъанавий учликдан бири саналган “*шеърий санъатлар*” ёхуд “*бадиий санъатлар*” истилоҳлари билан аталувчи тасвирий воситалар шеърий матнларда муҳим поэтик юкни ўз зиммасига олган бўлади. Шунинг учун ҳам мумтоз шеъриятда бунга алоҳида эътибор билан қаралган. Қайд этиш лозимки, бадиий тасвирий воситалар фақатгина шарқ адабиётигагина хос поэтик ҳодиса бўлиб қолмасдан, балки дунё халқлари адабиётида ҳам муҳим ўринга эга эканлиги Аристотелнинг “Поэтика” асарида ҳам таъкидланган¹.

Шунингдек, шарқ мумтоз адабиётида бадиий санъатларга доир алоҳида илмий асрлар ярататиш ҳам анъанага айлангани тарихдан яхши маълум. Бадиият илмига доир асарлар ҳар бир давр адабий муҳитида муҳим қимматга эга бўлган. Жумладан, XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоийнинг таклифи ҳамда маслаҳати билан яратилган “Бадоеъ ус-саноеъ” (Атоуллоҳ Ҳусайний) асарида 150 тадан ортиқ шеърий санъатлар ҳақида


¹ Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. - 42-43- бетлар.



назарий маълумотлар берилган¹. Ўтмишда бадииятга доир бошқа асарларни ҳам санаб кўрсатиш мумкин. Атоуллоҳ Хусайнийнинг фикрича, шеърий санъатлар асар бадиияти ва шоир маҳоратини кўрсатувчи муҳим воситалардан ҳисобланади. Дарвоқе, шеърий санъатлар туфайли бадиий матнлар ўзининг *таъсир кучи, безакдорлиги, жарангдорлиги ва чуқур фалсафий маънодорлигига* эга бўлади. Шунинг учун ҳам мумтоз шеърият вакиллари доимо унга махсус тайёргарлик билан муносабатда бўлиб, ўз ижодларида тасвирий воситалардан иқтидорлари даражасида фойдаланиб келишган. Анъанавий учлик (*илми аруз, илми қофия, илми бадеъ*) лар ўтмишда мактаб ҳамда мадрасаларда алоҳида фан моқомида ўрганилган. Бадиий ижоддаги бу анъанавий ҳодиса фақат матннинг ташқи беагаги ёки шаклий томонини кўрсатувчи шунчаки, бир воситагина бўлиб қолмасдан, балки асарлар бадиийлигини таъминловчи асосий омиллардан бири саналган.

Бадиий санъатлардан фойдаланишдаги мезонларидан *биринчиси*, ижодкорнинг назарий тайёргарликка эга экани, унинг шахсий услуби ҳамда ижодий тажрибаси муҳим ўринга эга бўлса, *иккинчидан*, яратилган асарларнинг жанр хусусияти, *учинчидан*, аср мавзуси, *тўртинчидан*, эса ижодкор бадиий маҳорат сирлари энг муҳим мезонлар ҳисобланган. Таъкидлаш лозимки, мумтоз шоирларнинг деярли кўпчилиги бадиий ижод билан бирга, бадииятга доир илми билан ҳам мунтазам шуғилланиб борган. Умуман олганда, мумтоз адабиётимизда *нимани ёзишдан кўра, уни қандай ёза олиш* деган масала асосий мезон мақомига эга бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқда бошқа илмлар қаторида бадиийлик илмининг ҳам тараққий этган. Амир Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис"

¹ Қаранг: Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ (Форсий тилдан Алибек Рустамов таржимаси) – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1983.



(“Гўзал мажлислар”) таз-кираида шоирлар ижодига баҳо берганида уларнинг бадиий санъатлардан қай даражада истефода эта олганлигига ҳам махсус эътибор қаратиб борганки, бу ўзига хос илмий қимматга эга бўлган назарий дастурдир.

Шу нуқтаи назардан XX аср ўзбек адабиётининг феномени даражасига айланган академик шоир Ғафур Ғулумнинг ижоди такомилда ўзбек ва тожик мумтоз адабиётидаги мавжуд анъаналарини ўзига хос синтезини кузатиш мумкин. Улуғ шоир ижод жараёнига улкан талаблар билан ёндоша олганлиги мавжуд асарларидан маълум бўлади. Адабиётнинг манбаи – ҳаёт – чексиз гўзалликлар манбаи эканлигини таъкидлаган шоир ўзининг “Ҳаётни пухта ўрганайлик” мақоласида даъват мазмунидаги қуйидаги фикри характерлидир: “Шоир – нима деган сўз, - деб ёзади аллома Ғафур Ғулум. – У суҳбатнинг гули ёки боғнинг булбулими? Шоирлик газетада қуюқ ҳарф билан қўйилган имзо ёки китобнинг биринчи бетида илжайиб турган сурат учунми? Йўқ, йўқ! Қўшнисининг юкини енгил қилган, йироқ-йироқлардаги нотаниш замондошига офтоб бўлиб юрак тафтини етказа олган, гўдаклар қаршисида оламни дастурхондай ёйиб, мўйсафидлар кўзига йигитлик нуруни қайта бахш этолган ижодкорни шоир деймиз... Шеърят кўнгил эрмаги эмас; у ўқувчига қанотдай, йўлчига ҳамроҳдай, уй бекасига игнадай зарур нарса”, -дея таъкидлаган эди¹.

Дарҳақиқат, чинакам шеър ва шоирлик мутафаккир шоир уқтиргани каби одамлар қалбига “*офтоб бўлиб юрак тафтини етказа олиш*” ёки “*мўйсафид кўзига йигитлик нуруни бахш этолган*” тақдирдагина ўзининг ҳақиқий мухлисига эга бўлиб, уни ҳайратига сабаб бўлади. Янада аниқроғи, чинакам бадиий кашфиёт мақомида ўз

¹ Ғафур Ғулум. Кечмиш ва кечирмишларимдан (автобиография) // Асарлар. Ўн жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1970, 13 –бет.

ўқувчисининг маънавий мулкига айланади.

Ғафур Ғулумнинг ана шундай мазмундаги асарлардан бири, шубҳасиз, “Вақт” фалсафий шеърдир. Ушбу шеър ҳақда адабиётшуносликда етарли даражада ишлар қилинган. Биз мазкур шеърнинг баъзи ўринларида Ғафур Ғулум томонидан маҳорат билан қўлланган *талмиҳ* бадий санъати шоирнинг поэтик мақсадини қанчалик қисқа ва лўнда бир ҳолатда ёки Машрабона лутф билан айтганда: “*минг маънини бир нукта билан мухтасар эта*” олгани билан шеър мухлисларини ҳайратга солади ҳамда ҳақиқий шеър қандай бўлиши кераклигига ишонтиради.


*Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига, ўзликни жамлаб,
Шу улуг бинога бир ғишт қўйсак, бас.*¹

Академик Наим Каримов ўринли қайд қилганидек: “... Ғафур Ғулум, ўз моҳиятига кўра, лирик шоир. Аммо унинг шеърларидаги қарийб ҳар бир сатр эпик кенгликка эга. Шоир *турли тарихий воқеалар ва шахсларни* (таъкид бизники – Б.Ф.) шунчаки тилга олиб ўтган пайтларида ҳам китобхон бу воқеалар ва шахсларсиз шеърнинг ғоявий мазмуни ғариб бўлиб қолиши мумкинлигини сезади...”².

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган машҳур мисраларда инсоният тарихида юз берган мудҳиш воқеалардан бирига шоирона ишора мавжуд. Янада анқроғи, шоирнинг мақсади *талмиҳ санъати* ёрдамида узукка қўйган кўздек заргарона маҳорат билан нақши нигор топган. Бу тасвирлар Ғафур Ғулум бадий маҳоратидан бир шингил, албатта.

¹ Ғафур Ғулум. Викиор. Ўзбек классик шеърляти – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980 йил.

² Наим Каримов. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2008, 261-бет.



Эҳтимол, шоирнинг юқоридаги машхур мисралари юзасидан бир неча бетдан иборат шарҳ ҳам ёзиш мумкин. Чунки шарҳнавислик анъанаси Шарқ адабиётидаги энг оммалашган усуллардан ҳисобланган. Мавлоно Жалололдин Румий асарларига ёзилган шарҳларни эслаш кифоя. Аслида ҳақиқий шеър ҳикмат даражасида бўлади. Таниқли олим устоз Ваҳоб Раҳмоновнинг фикрича: “Замонавий адабиётимиз зарварақларида Ғафур Ғулом ижодий сиймосини тасаввур этсак: шеърияти фалсафий теранлик, фикрий куюқлик, буюк ҳикматомузлик, салмоқдорлик, рубобий тимсол ўқтамлиги, замон муаммоларига ҳозиржавоблик, замон ҳодисаларини тарих ва ўтмиш кўзгусига солиб тасаввур этиб хулоса чиқариш, ўзбеконалик дейиладиган чуқур миллийлик, поэтик жасорат тажассум бўлган шоир гавдаланади”¹.

Дарҳақиқат, Чўлпоннинг “Гўзал”, Ойбекнинг “Наъматак”, Шайхзо-данинг “Тошкентнома”, Ҳамид Олимжонинг “Ўрик гуллаганда”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим”, Ҳалима Худойбердиеванинг “Муқаддас аёл”, Шавкат Раҳмоннинг “Туркий-лар”, Муҳаммад Юсуфнинг “Лолақизғалдоқ” каби шерлари улар ижодининг гултожиси сифатида, қанчалик эстетик қиммат касб этса, “Вақт” шеъри ҳам Ғафур Ғулом шеъриятининг худди шундай юксак чўққиларидан бири сифатида шеърхонлар учун қадрлидир. Сабаби мазкур шеърда *лаҳза, умр, ғалаба, бахт, шуҳрат* каби азалий ва абадий тушунчалар фалсафий мушоҳада этилгани билан абадиятга дахилдор ижод намунасиدير.

Юқоридаги мисраларда Ғафур Ғулом шоирона нуктадонлик билан *талмиҳ* бадий санъатининг байналмилал навига мурожаат этиб, зўр натижага эриша олган. Шу ўринда мазкур санъат билан боғлиқ

¹ Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. Мақолалар тўплами -Тошкент: «O'zbekiston», 2015.


қуйидаги маълумотга ҳам эътибор қаратсак, Гафур Ғулом фалсафасини англашимиз янада осон бўлади. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, шоирнинг дилбар шеърияти сув ичган маънавий булоқлардан ҳам янада яхшироқ хабардор бўламиз.

Таниқли олим Нусратулла Жумахўжа қайд этганидек: "Талмеҳ Навоий ғазалиётида энг кўп қўлланган ва нисбатан содда бадий усуллардандир. Бу санъат таомилига кўра, шоир тарихий, бадий ёхуд афсонавий образларни тилга олади ва уларнинг сифатларини эслаш орқали ғазал қаҳрамонлари фазилатларни ойдинлаштиради"¹. Мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий шеърия-ти таъсирида камолга етган Гафур Ғулом ҳам бу анъанага тўла амал қилиб, ўзининг бадий мукамал асарлари билан ўзбек шеърияти хазинасини бойитишга муносиб ҳисса қўша олганлигини унинг биргина "Вақт" шеъри орқали маълум бўлади.

Хўш, шеърда номи келтирилган Герострат деган кимса ким ўзи? У эфеслик грек. Дунёда шухрат қозонмоқ мақсадида милоддан аввалги 356 йилда антик санъатининг машҳур намунаси – дунёдаги етти мўъжизадан бири бўлган Артемида ибодатхонасига ўт қўйган ва номи тарихда ёвузлик тимсоли сифатида сақланиб қолганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихдан маълум. Диана эса қадимги Юнон афсоналарида ой худоси бўлиб, милоддан аввалги V асрдан бошлаб, Артемида деб юритиладиган бўлган.

Гафур Ғулом мазкур шеърида ёвузлик тимсолига айланган Герострат номини шунчаки тилга олиб ўтган эмас, албатта. Талмиҳ бадий санъати воситасида ишора қилиш асносида шоирнинг айтмоқчи бўлган муддаоси шуки, тарихда ном қолдириш учун Геростратдек ёвузликка қўл уриш шарт эмас. Бу ҳам Худо, ҳам инсоният олдидаги

¹ Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 93-бет.



энг катта жинойтлардан бири. Шу ўринда тасаввуф алломаларидан бирининг: *"Шухратда – офатдир!"*, деган орифона фикри ёдга келади. Дунёда шухрат қозониш ва тарихда қолиш учун эса инсон хайрли ва яхши ишларни амалга ошириши, эркин ва бахтли келажак биносига бир ғишт қўйиши лозим деган улуғ бир ҳикматли фикр мисралар бағрига сингдирилгани ҳам маълум бўлади.

Ғафур Ғулумнинг ижод мактабида камолга етган шоирларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов *яширин талмиҳ* воситасида устоз фикрларини "Алишер" шеърида янгича бир сувратда мисраларга нақшлай олганлиги талмиҳ бадий санъатининг катта имкониятларга эга эканлиги янада ойдинлашади:

*Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун,
Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку рост¹.*

Умуман олганда, Ғафур Ғулум шеъриятида бадий санъатларнинг бошқа намуналари ҳам фаол қўлланганлигини кузатиш мумкин. Яна ҳаммага ёд бўлиб кетган, "Вақт" шеъридаги қуйидаги мисраларга назар ташлайлик:

Азиз асримизнинг азиз онлари,

*Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин².*

Келтирилган бандда уч марта такрорланган "азиз" сўзи такрор бадий санъати саналади. Биринчи байтда эса

¹ Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983, 188- бет.

² Ғафур Ғулум. Виқор. Ўзбек классик шеърияти – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980, 65-66-бетлар.


ташхис (жонлантириш) санъати кўрсаткичи мавжуд бўлиб, азиз онлар шахслантирилган. Ҳайратли томони шундаки, азиз онлар азиз одамлардан ўз қадрини сўрамоқда. Шунингдек, энг фаол санъатларидан яна бири *ташбеҳ* – умрнинг дафтарга нисбат берилгани мисрага ўзгача зеб берган. Бундан ташқари, Гафур Ғулом “*шоҳ сатрлар*” деганда Ватан ва эл-юрт йўлида амалга оширилиши керак бўлган хайрли ҳамда яхши амаллар ва буюк ишларни кўзда тутганки, бу ғоятда муҳим шоирона хулоса эканлиги билан шеърхоннинг фикрий ҳайратга солади.

Гафур Ғуломнинг мумтоз шеърият анъаналарига қанчалик даражада содиқлик билан ижод қилгани унинг “Йигитларга” шеърида ҳам намоён бўлган. Ушбу шеър халқнинг кўнгил тубидан жой олишининг сабабларидан бири унинг бадий етуклиги билан изоҳланса, яна бир томони эса Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон ва Тожикистонда Республикаларида хизмат кўрсатган элимизнинг севимли ҳофизи Шерали Жўраевнинг юксак пардадаги ижроси билан изоҳлаш ўринлидир. Шунингдек, шеърда мумтоз шеъриятдаги ҳамду сано (*таъриф ва тавсиф*) усулидан фойдалангани маълум бўлади. Шубҳасиз, мазкур шеърни бемалол “давлат таянчи” ҳисобланган йигитлар шаънига битилган *қасида* дея аташ мақсадга мувофиқ:

*Йигитлар халқларнинг мақтови –кўрчи,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...¹*

Юқоридаги мисраларга ўзгача зеб бериб, уларни таъсирчан ҳамда жозибали бўлишини таъминлаган

¹ Қаранг: Гафур Ғулом. Виқор. Ўзбек классик шеърияти – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980, 77-бет.




шеърый санъатлар: *ташбеҳ* (ӯхшатиш) ва *таносиб* каби бошқа бадиий санъатларининг бадиий матндаги "хизмати" эканлигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим.

Ғафур Ғулом бадиий маҳорат сирларини унинг фақат бадиий санъатлардан фойдаланиш билан бирга бошқа шеърый унсурларидан моҳирлик билан фойдалана олганлигида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ғафур Ғулом мумтоз шеърятнинг асосий шеър ўлчови ҳисобланган "*шариф фан*" (А.Навоий) дея аталган - аруз вазнида қандай қалам тебратган бўлса, XX аср ўзбек шеърятинида етакчи вазнга айланган бармоқда ҳам худди шундай арузий вазндаги мумтоз шеълари билан бемалол бўйлаша оладиган баркамол асарлар ярата олгани унинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, Маяковский услубида яратилган "Яловбардорликка" ва "Турксиб йўлларида" каби эркин вазндаги шеълари билан ўзбек тили-мизнинг ҳам имкониятлари нақадар бой эканлигини кўрсата олгани унинг шоирлик маҳоратининг яна бир ўзига хос қирраси дейишга имкон беради.

Шоир ижодидидаги яна бир ўзига хослик мавжудки, бу унинг бетакрор истеъдод эгаси эканлигини намоиш этади. Яъни Ғафур Ғуломнинг шундай қуйма сатрлари борки, уларда шеърятнинг азалий чор чўбаси қоидаларидан биров чекинган ўринлар ҳам кўзга ташланади.

Кейинги йилларда илм аҳлига ижоди маълум бўлган биринчи ўзбек адабиётшунос олими Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул балоға" ("Етуклик илмлари") асарида адабиёт илмига доир назарий масалалар қаторида анъанавий учликдан бири – *қофияга* ҳам алоҳида тўхталиб, "*шеърининг асли- қофия*",- эканлиги алоҳида такидлайди. Демак, бундан шу нарса маълум бўладики, шеърни шеър қиладурган унсурлардан бири қофия эканлигига ҳеч ҳам шубҳа йўқ. Ҳаттоки, Навоий ҳазратлари устоз Атоий



ижодига тўхталганда одоб билан устоз шоир байтининг "қофиясида айбғинаси бор",- эканлигини назокат ила таъкидлаган эди.

Энди масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, академик шоир Ғафур Ғуломнинг мангуликка дахилдор шеърларидан бири – "Сен етим эмассан" даги қуйидаги мисраларга эътибор қаратайлик:

*Сен етм эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг – онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор – отанг бор...*

Мисраларни зийнатлаб турган бир нечта бадий санъатлар унинг бадийлигига хизмат қилганига шубҳа йўқ. Аммо ҳозир гап у ҳақида эмас.

Агар юқоридаги шеърий матнга эътибор берсангиз, мисраларда бирорта ҳам қофияланган сатр кўзга ташланмайди. Бунинг учун шоирни айблашга ҳам маънавий асосимиз йўқ. Бунинг боиси нимада? Бунга яна тўғри жавобни Алишер Навоидан топамиз. Мутафаккир шоир бадий асарлари бағрида айрим назарий фикларини ўта зукколик билан баён қилиб, назмий (шеърий) асарлардаги *мазмун* ҳамда *шакл* масаласига тўхталиб, қуйидаги назарий хулосани илгари сурган эди:


*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг сурати ҳароне дурур...¹*

¹ Навоий А. МАТ (Мукамал асарлар тўплами) 20 томлик, 7-том. – Тошкент: Фан, 1991, 61-62-б.



Демак, Ғафур Ғуломнинг мисраларидан етимликнинг оғир уқибатларни бошдан кечирган шоир уруш даҳшатлари туфайли юзага келган манзарани ўз кўзлари билан кўриб, даҳшатга тушади. Бу мисраларлар унинг тилидан эмас, балки қонталаш дилидан оқ қоғоз саҳифаларига оқиб тушгани маълум бўлади. Бир бурда нонга зор бўлган етим болаларни кўриб, ич-ичидан фарёд ўкириб чиқаетган кишининг йиғи аралаш айтга олган сўзларидир. Назаримизда, бундай тасвирлар учун ҳар қандай шакл (суврат)лар торлик қилади ёки улар шунчаки оддий нарсадай бўлиб туюлади. Жумладан, қофияни юзага келтирувчи оҳангдош сўзларнинг поэтик вазифасини ҳам шеърий мазмун (маъно) ўз зиммасига оланлиги учун ҳам шеърдаги жарангдор ва зарворли мисралар инсон қалбини ларзага солишга қодир. Шундай таъсир кучига эга бўлганлиги учун ҳам ушбу шеър дастлаб "Правда" газетасида, кейин фронт газеталарида босилиши оламшумил воқеа бўлган эди. Ҳаттоки, шеърнинг газета саҳифаларидан олинган матни фронтдаги жангчиларнинг гимнастиёркаси чўнтагида сақлангани ҳам шунчаки, афсона эмас, балки ҳақиқат эди.


Юқорида айтилга айрим фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин. Яъни Ғафур Ғуломнинг бадиий маҳорат масаласи ғоятда кенглиги, фалсафий чуқрлиги ва теранлиги билан ўзбек адабиётида ўзига хос феноменал ҳодиса саналади. Адибнинг илк шеърларидан бошлаб сўнгги сатрларигача ўзбек халқининг миллий ғурурини ўзида жамул –жам эта олган донишманд шоирнинг эстетик кредоси сифатида миллатимиз маънавияти учун кўп йиллар хизмат қилишига ишончимиз комил. Ғафур Ғуломнинг шеърий ҳамда насрий ижод намуналарини янги миллий мафкура талаблари асосида бадиийлик нуқтаи назардан поэтик режада мукамал тадқиқ



этиш адабиётшунослик илмининг навбатдаги муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.(Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри) – Тошкент: "O'ZBEKISTON", 2014.
3. Навоий А. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами). 20 томлик, 7–том. – Тошкент: Фан, 1991,
4. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020. 110 б.
5. Раҳимжонов Н. Ғафур Ғулумнинг адабий-эстетик қарашлари // ЎТА, 2013, № 3,11-15 б.
6. Ғафур Ғулум. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами)-Тошкент:Фан,1983
7. Абдулла Ориф Ўзбекнинг ўз шоири // Ўз АС, 1993, 28 май.
8. Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. (Хотиралар, адабий ўйлар). –Тошкент: 1990, 26-71- б.






A.D. Babadjanov,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Magistratura va sirtqi ta'lim fakulteti dekani,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent,
G'afur G'ulom nomidagi ko'krak nishon sohibi

G'AFUR G'ULOM IJODIY MEROSI TALQINLARI

Turkiy ma'rifiy doston "Qutadg'u bilig" da "Tana ulushi – taom, og'izdan kirar, Jon ulushi – so'z, quloqdan kirar" degan hikmat aytilgan. Bunda inson ruhi, joni yaxshi so'zdan quvvatlanishi urg'ulangan. Darhaqiqat, so'z insonga ato etilgan buyuk ne'mat. U olam tasarrufi, odam islohi, hayot inkishofining sababchisidir. Shu bois inson yaralganidan buyon so'zga oshno, so'z izlaydi, istaydi, ijod etadi. Ruhiy go'zallikka so'z qanoti ila parvoz etadi.

Milliy adabiyotimiz vakillari o'z so'zi bilan millat taraqqiyoti, ma'naviyati, ruhoniy kuch-quvvatini oshirishga xizmat qilib kelishgan. Ijodkorlarimiz adabiyot, badiiy so'zni millatning najoti, hayoti, kelajagi o'laroq anglab, shunga bor kuch-g'ayratini sarf etishgan. Ayniqsa, jadid ma'rifatparvarlari ishlab chiqqan milliy taraqqiyot dasturining asosida adabiyotning qo'yilishi bejiz emas.


Bugun davlatimiz rahbari tomonidan ilgari suriladigan Uchinchi Renessans, Yangi O'zbekiston g'oyalarini ham adabiyotsiz, badiiy so'zsiz aslo amalga oshirib bo'lmaydi. Shu bois huqumatimiz tomonidan bu borada alohida qaror va farmonlar chiqarildi. Dastlab kitobxonlik tanlovlarini o'tkazish bilan boshlangan bu boradagi ishlar "Besh muhim tashabbus" bilan yanada mustahkamlandi. Milliy islohot, ilm-fan yo'lida o'limga ham tik borgan jadid ma'rifatparvarlari, qolaversa, milliy adabiyot tarixida o'z o'rniga ega bo'lgan ijodkorlar hayoti va ijodini o'rganish va keng targ'ib qilishga qaratilgan




qarorlar ham masalaning naqadar muhimligi dalillaydi. Ayniqsa, Prezidentimiz Sh.Mirziyoevning 2020-yilning 20-may kuni Adiblar xiyoboniga tashrifi chog'ida: "Adabiyot – xalqning yuragi, elning ma'naviyatini ko'rsatadi. Bugungi murakkab zamonda odamlar qalbiga yo'l topish, ularni ezgu maqsadlarga ilhomlantirishda adabiyotning ta'sirchan kuchidan foydalanish kerak. Ajdodlar merosini o'rganish, buyuk madaniyatimizga munosib buyuk adabiyot yaratish uchun hamma sharoitlarni yaratamiz", degan fikrlari jamiyat ma'naviy taraqqiyotining adabiyotsiz o'nglanmasligi yana bir bor tasdiqladi. Shu bois Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 24-avgustdagi 502-son qarori qabul qilinib mazkur qaror mohiyatida ham ayni shu maqsad, ya'ni jamiyat ma'naviy hayoti, ayniqsa, yoshlarning ongu shuuri, tafakkur va qalbini tarbiyalashda ijod ahlining hayot yo'li va asarlari g'oyalariga tayanish nazarda tutildi.

Mazkur qarorga muvofiq Toshkent davlat yuridik universitetida o'zbek adabiyotining atoqli namoyandasi G'afur G'ulom hayoti va ijodini chuqur o'rganish, uni keng jamoatchilik, ayniqsa, yoshlar o'rtasida targ'ib etish vazifasi topshirildi. Mazkur qarorga binoan Toshkent davlat yuridik universiteti rektorining **2020-yil 4-sentabrda** "O'zbek adabiyotining zabardast vakillaridan biri G'afur G'ulom ijodini keng targ'ib qilish hamda bu boradagi ishlarni samarali tashkil etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlarni belgilash to'g'risida"gi **08-156-son, 2020-yil 15-sentabrda** "Toshkent davlat yuridik universitetida jamoatchilik asosida faoliyat yurituvchi ilmiy-adabiy maslahatchi lavozimiga xodim tayinlash to'g'risida"gi **08-172-son, 2020-yil 16-sentabr** kuni "G'afur G'ulom" nomidagi ko'krak nishoni bilan taqdirlash to'g'risida"gi **02-122-son, 2020-yil 20-oktabr** kuni "G'afur G'ulom" nomidagi ko'krak nishoni bilan taqdirlash to'g'risida"gi **08-200-son buyruqlari** qabul qilindi.

TDYU rektorining "G'afur G'ulom hayoti va ijodini chuqur o'rganish va uni keng targ'ib etish to'g'risida"gi buyrug'i asosidagi "O'zbek adabiyotining zabardast vakillaridan biri



G'afur G'ulom ijodini keng targ'ib qilish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar rejasi"ga binoan Magistratura va sirtqi ta'lim fakultetiga qarashli O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida professor-o'qituvchilari tomonidan qator ishlar amalga oshirildi. Bajarilgan ishlar sirasida akademik shoir hayoti va ijodiga doir 10 dan ortiq nomdagi kitobning nashr etilishi alohida ahamiyatga ega. Mazkur nashrlarni qisqacha tavsif etsak:



1. Adabiyot va huquq uyg'unligi: G'afur G'ulom ijodida insonparvarlik, odillik, mehr-oqibat masalalari. Onlayn konferensiya materiallari 2020-yil 15-may. Mazkur to'plamda G'afur G'ulom asarlarining ilmiy badiiy qimmati, akademik shoirning o'zbek adabiyotida tutgan o'rni, shoir ijodining o'rganilishiga doir maqolalar kiritilgan. Aytish joizki, akademik shoirning "Vaqt", "Soginish" she'rlarining falsafiy, badiiy qiymati, ayniqsa, "Sen etim emassan", "Shum bola", "Yodgor" asarlaridagi huquqiy qarashlar tahliliga doir maqolalar to'plamning ilmiy salmog'ini yanada oshirgan.

2. "G'afur G'ulom: Sharqdan kelayotirman" / "Гафур Гулям: Иду с Востока" / "Gafur Gulyam: I am coming from the East" // Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – T.: TDYU, 2021. – 144 bet.


TDYUda 2021-yil 21-mayda akademik G'afur G'ulom asarlarini o'rganish asosida adib ijodini respublika va xalqaro miqyosda keng yoyish va ommalashtirish; buyuk adib G'afur G'ulom she'riyatida sharqona falsafa, yuksak tuyg'ularning badiiy talqini xususida



fikr almashish va bu fikrlarni o'quv jaryoniga tatbiq etish; G'afur G'ulom ijodining chet elda o'rganilishi, adib asarlarining tarjimalari va bu borada amalga oshirish lozim bo'lgan vazifalarni belgilash; akademik G'afur G'ulomning yaqinlari bilan shoirning hayoti, amalga oshirgan ishlari, hayot tarzi va insoniy qiyofasi haqidagi suhbatlar o'tkazish maqsadida tashkil etilgan mazkur konferensiya ko'tarinki ruhda o'tkazildi. Konferensiya to'plamidan G'afur G'ulom ijodida davr muammolarining aks etishi; G'afur G'ulom nasrida huquqiy masalalarning ifodalanishi; G'afur G'ulom she'riyatida Sharq falsafasi; G'afur G'ulom asarlarini boshqa tillarga tarjima qilish muammolariga doir maqolalar o'rin olgan.

3. G'afur G'ulomning badiiy mahorati. Ilmiy maqolalar to'plami / Nashr. tayyorl. N. Bozorova, T. Matyoqubova. – Toshkent: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2021. – 240 b.

Mazkur to'plamda o'zbek adabiyotida yorqin iz qoldirgan G'afur G'ulom ijodiga doir maqolalar saralab olingan. To'plamga taniqli adabiyotshunos olimlardan Naim Karimovning "Serqirra bilim sohibi", Baxtiyor Nazarovning "G'afur G'ulomning nasriy asarlari", Umarali Normatovning "Shum bola": mafkuraviy-siyosiy tazyiq sharoitida ruh erkinligi, Ibrohim Haqqulning "Sharq mumtoz adabiyoti va G'afur G'ulom ijodiyoti", Hamidulla Boltaboyevning "Navoiy bahridan bahramand ijod", Abdug'afur Rasulovning "G'afur G'ulom ijodi tanqidchilar talqinida", Qozoqboy Yo'ldoshevning "Millat ruhi ifodachisi", Suvon Melining "Komik katarsis" kabi qiziqarli maqolalari kiritilgan. Ayniqsa, O'zbekiston Qahramoni Ibrohim G'afurovning "G'afurona tarona" maqolasida G'afur G'ulom badiiy so'zining inson umrininshg eng mushkul savdosi – vaqtni yengib o'zga vaqt kengliklari tomon yo'l olishining asoslari



yoritib berilganki, kitobxon muallifning akademik shoir ijodidan ta'sirlanganini maroq bilan o'qiydi, "G'afurona tarona"dagi durdona qaydlardan ko'ngli yorishadi.



4. G'afur G'ulom xotiralarda /
Nashrga tayyorlovchilar: N. Ramazonov, L. Ilhomjonov. O'zR Adliya vazirligi, TDYU. – Toshkent: TDYU, 2021. – 208 b.

Ushbu kitobda atoqli adib G'afur G'ulom haqidagi xotiralar jamlangan. Shoirning o'z zamondoshlari xotiralaridagi qiyofasi, u bilan ro'y bergan ibratli voqealar adib hayoti va ijodini yanada chuqurroq anglash, hayoti bilan bog'liq hodisalarga oydinlik kiritishda katta yordam beradi.

Hassos shoira Zulfiya G'afur G'ulomni shunday xotirlaydi: "Adabiyotda ustoz-u shogirdlikning mantig'i shuki, birov-birovga qanday ijod qilishni o'rgatmaydi. G'afur aka o'z davrining juda ko'p yoshlariga ma'naviy homiy edilar. Keyin keyin anglab yetdimki, u kishining har bir talabi, o'giti, mehribonligi qadim-qadimdan an'ana bo'lib kelgan ustoz-u shogirdlik maktabi saboqlarining davomi ekan". Ramz Bobojon esa atoqli shoirni shunday esga oladi: "60-yillar... Kunlardan bir kun Qo'qondan o'tib, Bag'dodga bordik. Qosh qorayib qolgan edi, G'afur aka har galgiday bozorga kirib ketdi-da, dam o'tar-o'tmas kayfi chog' chiqib keldi... "Ha, namuncha xursandsiz", desam, "E, bu yerda bozor juda arzon ekan, mezbon uyida tunab qolsak ham bo'ladi", deb kuldi. Keyin bilsam, G'afur aka narx-navoning baland-pastligiga qarab, mehmondorchilik mavrudini belgilar ekan..." Bu xotiralarning barchasi bugungi yosh avlod uchun o'rnak.


Bundan tashqari to'plamdan Mirtemir, Sobit Muqonov, Samad Shokir, Said Ahmad, Abdulla Oripov, Sobir Abdulla, Hamid G'ulom, Mirmuhsin, Odil Yoqubov, Erkin Vohidov, Ozod

Sharafiddinov, Naim Karimov, Abduqodir Hayitmetov, Omon Muxtor va shoirning rafiqasi Muharram G'ulomova hamda qizi Oltos Ahmedovaning noyob xotiralari o'rin olgan.

5. G'afur G'ulomning "Shum bola" qissasini ta'lim jarayonida o'rganish.

O'quv-uslubiy qo'llanma / N. Bozorova.

– Toshkent: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2021. – 72 b.



Mazkur metodik qo'llanma XX asr o'zbek adabiyotiga munosib hissa qo'shgan, o'zbek she'riyatiga olov nafasi bilan toza ruh kiritgan, samimiy tuyg'ular tasviri bilan yuraklarga kirib borgan, insoniy muomala, munosabat, mehr va hamdardlikning buyuk sinoati haqidagi sharqona falsafaga ishonitiruvchi asarlari bilan o'zbek nasrini yana bir pog'onaga yuksaltirgan G'afur G'ulom hayoti va ijodini o'rganish va uni yosh avlodga o'rgatishga yordam beradi. Qo'llanmada G'afur G'ulom hayoti va ijodiga doir barcha ma'lumotlar berilgan bo'lib, o'qituvchining bu xususdagi bilim va ma'lumotlarini oshiradi va o'quvchilarning G'afur G'ulom hayoti, ijodini keng o'rganishiga yordam beradi. Shuningdek, qo'llanmadagi ma'lumotlardan G'afur G'ulom hayoti va ijodini targ'ib etish, badiiy va adabiy kechalar uyushtirish, ilmiy-nazariy konferensiyalar o'tkazish, yozuvchi asarlarini mustaqil o'qib, o'zlashtirishda ham foydalanish mumkin.

6. G'afur G'ulom hayoti va asarlarini o'rganish .

Mazkur o'quv qo'llanma atoqli shoir G'afur G'ulomning hayoti va asarlarini o'rganishni soddalashtirish, o'rganilgan bilim va ko'nikmalarni mustahkamlashga qaratilgan. Buni amalga oshirishda mualliflar jamoasi tomonidan adibning hayoti va asarlariga doir







savol-javoblar va testlar mavzulashtirgan holda tayyorlangan. Qo'llanmadan unumli foydalanish yozuvchi hayoti va asarlarini o'rganishga samarali yordam beradi.

Mazkur kitob o'qituvchilar, talaba va o'quvchilar hamda mustaqil o'rganuvchilar ommasiga mo'ljallangan.

7. Изучение творчества Гафура Гуляма // Учебное пособие [коллектив авторов]. – Ташкент: ТГЮУ, 2021. – 192 с.




Shuningdek, O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida va adibning uy-muzeyi xodimlari hamkorligida akademik shoirning asarlari "Ozorник" qissasi va "Farzandlarimga" she'riy to'plami nashr etildi. G'afur G'ulomning "Shum bola" qissasi A.Naumov tomonidan tarjima qilinib, 1974-yilda "Ozorник" nomi bilan nashr etilgan edi. Mazkur kitobning qayta nashri shu vaqtga qadar amalga oshirilmagandi. TDYU O'zbek tili va adabiyoti kafedrasida professor-o'qituvchilari sa'y-harakati bilan mazkur kitob qayta chop etildi va hatto 1-kurs talabalarining bu asarni o'rganishi o'quv dasturiga kiritildi.



"Farzandlarimga" she'riy to'plamidan "Bilib qo'yki, seni Vatan kutadi" kabi yoshlarni bilim olish, o'qish, izlanishga da'vat qiluvchi she'rlar bilan bir qatorda "Alisher", "Go'zallik nimada", "Sog'inish", "Kuzatish", "Vaqt" kabi betakror she'rlari ham o'rin olgan.

Umuman olganda, akademik shoir G'afur G'ulom ijodiyotini o'rganish va targ'ib etish borasidagi ishlarimiz hali nihoyalagani yo'q.

Shoir ijodini huquqiy jihatdan o'rganish, qissa va hikoyalarni tarjima qilish, o'rta ta'lim uchun metodik materiallar tayyorlash ishlari galdagi vazifalarimizdir. Shu bois talabalarimizni akademik shoir ijodiyotini yosh huquqshunos nazari bilan o'rganishga chorlab qolamiz.





Абдусамад Эрмухамедов,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент


ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ТАЛМИХ САНЪАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Шеърни юксак ғоя, янги мавзу, эзгу тилак ҳамма вақт ҳам умрбоқийликка дахлдор қилавермайди. Бунинг учун умуминсоний ғоявий ният ва орзу-истак гўзал ва бадий шаклда ифодаланиши ҳам керак. Шу боис ҳам улуғ Шарқ шоирлари инсон, табиат ва замон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, ҳукм ва хулосаларини бадий санъатлар асосида акс эттиришган. Бунда бошқа бадий санъатлар қатори талмих санъати алоҳида мавқе тутади.

Шарқ илми бадеъ тарихидан маълумки, талмих ўрта асргача, ўрта аср ва ундан кейин ҳам салмоқли илмий тадқиқотларда анъанавий ўрганилган. Ундан кейин ХХ асрнинг иккинчи ярмида янада сермаҳсул ўрганилди.

Шарқ бадий санъатлари илмида Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайнийнинг «*Бадоеъу-с-саноеъ*» китоби талмихнинг таъриф ва таснифи, бошқа шеър санъатлари билан муносабатлари борасида ягона илмий мезон бериш жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади.

Атоуллоҳ Хусайний илмий мукамал асари ўзбек ва тожик тилига нашр қилингунча адабиётшунос Тўракул Зеҳнийнинг «*Санъати сухан*» асари асосий манба эди. Яқин йилларгача талмихнинг таърифи «*Санъати сухан*» китобига асосланиб келинди. Бу таъриф бошқа илмий асарларга ҳам кўчган. Аввало шуни айтиш жоизки,



китобдаги талмиҳ таърифи Шарқ шеършунослари тавсифига уйғундир. Шеър санъатларининг замонавий шеърятдаги ўрни, қўлланиш доираси шоир маҳорати билан боғлиқ таҳлил қилинган. Ундаги таъриф шундай:

*«Агар талмиҳни ислоҳ билан «тамлиҳ» шаклига келтирсак, маъноси туз солишга келадик, бу ҳам тўғридир. Чунончи бадий адабиётда тарихий воқеалар, ривоят, қисса, афсоналар ва ҳоказоларга ишора қилишга талмиҳ санъати дейлади».*¹ Муаллиф яна бир ўринда талмиҳга изоҳ беришга уринган: *«талмиҳ каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмактин иборатдур»*²

Атоуллоҳ Ҳусайний эса: *«Талмиҳ луғатта бир нимага назар солмоқдур ва бу санъатга шеър ва андин ўзга нималарга ишорат этилгани учун ани талмиҳ деб атаптурлар»*, - дейди.

Қайс Розий илк марта талмиҳга махсус санъат сифатида шундай таъриф берган: *«Шоир озгина сўз билан кўп маънони ифодаласа, ана шунга талмиҳ дейлади».*³

Ўзбек адабиётшунослигида шеър санъатларининг билимдонларидан бири Алибек Рустамов талмиҳга шундай аниқлама беради:

*«Бадий асарда бирор машҳур воқеа, қисса, шеър ёки мақолнинг ўзини зикр этмасдан унга ишора қилиб кетиш ҳам санъат ҳисобланади.»*⁴

Воқеан, талмиҳга манба бўлувчи воқеа-ҳодиса ва нарса-предмет айнан келтирмайди, аксинча унга ишора қилинади. Бу – талмиҳнинг бош аломати. Талмиҳ борасида қалам тебратган ҳар бир адабиётшунос унинг таърифига қизиққан. Уни янада тўлдириш ва мукаммаллаштиришга

¹ Зеҳнӣ Т. Санъати суҳан. – Душанбе, 1967, с.108.

² Уша китоб. –С. 135.

³ Розӣ Қайс. Ал-мўъҷам. – Душанбе: «Ирфон», 1991, -с. 301.

⁴ Рустамов Алибек. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент, 1979. –с. 60.



саъий ҳаракат қилган. Жумладан, поэтикшунос Ё.Исҳоқов ҳам талмиҳга бағишланган мақоласида шундай шарҳ беради: «Демак, талмиҳ шоирга бир ишора билан чуқур маънони ифодалаш имконини берувчи санъатдир. У истиора, ташбиҳ каби санъатлардан фарқли ўлароқ ижодкорга тарихий ёки афсонавий воқеалар, машҳур асарлар ва қаҳрамонлар тимсолига ишора қилиш ва шу йўл билан ўз фикрини мўъжаз ҳолда кучайтириш учун имконият туғдиради».¹ Адабиётшуноснинг тавсифи Қайс Розий, Атоуллоҳ Хусайний ва Тўрақул Зеҳнийнинг таърифидан келиб чиқади ва уларни умумлаштиради. Бизнингча, талмиҳга тортилган воқеа-ҳодиса маънони кучайтириш билан бирга, уни кичрайтириш, озсиндириш каби хусусиятлари ва шеър, байт, мақол ҳамда конкрет тарихий шахслар ҳамда инсон ҳаёти билан боғлиқ муҳим воқеа-ҳодисаларга ишора ҳам талмиҳ саналиши изохдан тушиб қолмаслиги керак.

Адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов талмиҳга берган изоҳида юқоридаги фикрларни кенгайтириш ва умумлаштиришга ҳаракат қилган:

«Шоир ўз фикрий йўналиши давомида тасвирланаётган объект, воқелик, образ ҳолатини янада ёрқинроқ ифодалашга эришиш учун дунё классик адабиёти, жаҳон тарихи ва халқ оғзаки ижодида бўлган ҳодисалар ёки қаҳрамонларни йўл-йўлакай эслатиб ўтади. Талмиҳ санъатини қўллашдан мақсад: шу воқеа ёки туйғунинг конкрет шароитдаги аҳволини қадимги ёки яқин ўтмишдаги маълум ва машҳур ҳодисалар фони ёнига кўчириб, ўз фикрини ҳам аниқроқ, ҳам тўлиқроқ, ҳам муболағалироқ тарзда гавдалантиришдан иборат».²


Ўзбек халқининг атоқли шоири Ғафур Ғулом ўз шеърларида талмиҳ санъатидан маҳорат билан фой-

¹ Исҳоқов Ё. Талмиҳ // Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. 1970, № 3. – с. 60-70.

² Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. – с. 70.

даланган. Гафур Гулом «Алишер Навоий қабри устида» шеърида Навоий ва замон муаммосини усталик билан қаламга олган. Навоий асарлари билан замон руҳига чуқур ва умрбоқий кириб бормоқда деган фалсафий фикрни сингдирган. Шоир шеърда ўша фалсафий фикрни замона билан боғлаш учун ҳам Навоийдан мавзу ва поэтик тимсолга монанд қуйидаги мисрани келтиради: «*Навоий ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб*». Воқеан ҳам мисра Гафур Гуломнинг Навоий ҳақидаги теран фикрини, хусусан, улуғ шоир сўзи билан тўлароқ исботлашга муваффақ бўлган.

Ўзбек адабиётида мақол қўллаш ва уни бадий тафаккурга сингдиришнинг ўзига хос тарихи ва табиати бор. Биринчи босқич ўзбек дунёвий адабиётида мақолни тўлиқ келтириш ҳоким анъана бўлиб, баъзи ғазаллар бошдан-оёқ мақол билан зийнатланган. Навоий дастлабкилардан бўлиб, мақолни ғазал жисми ва руҳига сингдириб юборишни тажриба қилди ва бунда юксак маҳорат қозонди. Бу анъана замонавий ўзбек шеъриятига ҳам ижодий тажриба сифатида кириб келди. Хусусан, академик шоир Гафур Гулом мақол қўллашда Навоий ижодий анъаналарига содиқ қолиб, замонавий ўзбек шеъриятида янги ижодий тажрибаларга қўл урди. Унинг шеъриятида мақол тазмин шаклида қўлланмасдан, уни шеър ғоявий мазмуни, бадий-эстетик пафосига сингдириб юборади. Баъзи ҳолларда эса мақолни айнан келтирмасдан, мақол асосида янги мисра ва байт тартиб бериб, мазкур халқ мақолига ишора қилади. Бошқача айтганда, халқ мақоли мазмуни ва руҳида янги мисра ҳамда байт яратилади. Ўша мисра ёки байт замирида халқ мақоли ётади, уни хотирда тиклаб, англаб олиш мумкин. Масалан: «*Боласиз уй мозор, болали уй бозор*» қабилидаги мақол «*болалик уй қалб уйининг бозори*», «*Тузини ичган ернинг тузлиғига тупурма*» каби мақол эса «*туз ҳақини*



оқламоқ мангу ишимиз” шаклида ижодий ўзлаштирилган. Бундай қараганда, мақоллар қайта яратилганга ўхшайди. Барибир уларнинг замири ва асосида эслатилган халқ мақоллари ётади. Ғафур Ғуломнинг мазкур байтлари мутолаа қилинар экан, китобхон тасаввур ва хотирасида зикр этилган халқ мақоллари гавдаланади. Бу маънода юқоридаги Ғафур Ғуломнинг мисра ва байтларини мақолга ишора талмиҳ, деб бемалол айтиш мумкин.

Замонавий шеърятда талмиҳ бўлмиш байт шоир гоёвий нияти, ижодий қараши, олға сураётган фикрларига муҳим кенглик беради. У янгидан-янги анъаналарнинг туғилишига асос вазифасини ўтайди. Байтга талмиҳ боғлаш Ғафур Ғулом шеърятда алоҳида ўрин тутди. Чунки шоир мумтозлар шеърятига ижодий анъанавийлик жиҳатдан бот-бот мурожаат қилган. Воқеан, у ҳам мумтоз адабиётимизнинг билимдони эди. Бирор шеър йўқки, мумтоз адабиёт анъаналарига ишора қилиб ўтмаса. Ҳофиз, Саъдий, Бедил, Фузулий ва Навоийларнинг байту тимсолларига татаббуъ ёки тазмин боғлаш ғафурона фалсафий ва бағри кенг шеърятнинг руҳий парвози ва сеҳрли жозибасини ташкил қилади

Ғафур Ғулом «Улуғ ҳинд халқига»¹ шеърида Ҳиндистон мустақиллигининг олти йиллигини қутлаб, миллий халқнинг башарият оламига берган буюк маданияти, чўнг тарихи, улуғ ва озод ўлкалиги ҳақида гапиради-да, ҳинд қизининг ташқи қиёфасига чизгилар беради. Ғафур Ғулом ҳинд гўзалининг манглайидаги хос холини янада нафосатлироқ ифодалашга бетакрор ташбиҳ қидиради. Уни шоир Фурқатдан топади:

**Кўзларнинг қувончи, Фурқат айтгандай,
Ҳинду қизларининг манглайида хол.²**

¹ Ғафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). Тошкент: Фан, 1984, 75- бет.

² Ғафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). – Тошкент: Фан, 1984, 76- бет.

Фурқатнинг байтига ишора Гафур Ғулом поэтик нафис тасвирини тўлдиради. Бунда талмиҳ ажойиб тасвирга янада ўзгача кўрк бағишлаган. Мана ўша байт:


**Қоши узра холининг асроридин бир нуқтадур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.¹**

Гафур Ғуломнинг ҳинд қизи холи назмий чизгисига Фурқатдан қилинган ишора талмиҳи лирик қаҳрамон суратининг фусункор тасвирини кучайтирган. Натижада Гафур Ғулом тасвирнинг романтик бўёқдорлигини тубдан бойитган. Ҳинд қизи қоши ва холи одатдаги тасвирдек, фусункоргина эмас. У изоҳланадиган, шарҳланадиган «тафсир». Хол ўзи бир нуқта каби, аммо сирли нуқта. Сирлилиги шундаки, ҳинд қизининг қоши ва холи биргаликда нун (ن)ни ўқишга муяссар қилади. Пайваста икки нун ўқилади. Сирнинг сирлиги шундаки, ҳар икки нунга бир нуқта. Бу етмагандек, уни тафсирлаш ҳам керак. Қанчалик тафсирламанг бир нуқтада икки пайваста нунни ўқийсиз. Ҳар икки нун ҳинд қизи қоши, икки нунга бир нуқта эса унинг холидир. Фурқатона талмиҳ Гафур Ғуломнинг ҳинд қизи холи тасвир чизгиларининг сеҳрли поэтик бўёқдорлигини тўлдирган, хол асрорини орттирган.

Гафур Ғулом «Халқлар дўстлиги ГЭС»ига² шеърида Қайроққум ГЭСи тап-тақир ер, чўли биёбонда яратилганини тасдиқлаш учун Муқимийга ишора қилади. Шоир яратувчи халқимиз дашти-биёбонларни биҳиштга айлантиришга қодир эканини янада аниқроқ, равшанроқ кўрсатишни талмиҳ воситасида далиллашга муваффақ

¹ Фурқат. ТА, 2 томлик, 1-том. – Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 25- бет.

² Гафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). – Тошкент: Фан, 1984, 80- бет.



бўлади. Муқимийга ишора қилинган талмиҳ ёрдамида ГЭС қурилган даштнинг янада жазирама чўлу биёбонлиги таъкид топади. Аввалги талмиҳ гўзалликни тасдиқлаш, иккинчиси хунуклик-жазирама даштни янада чўлу биёбон сифатида тасвирни чуқурлаштирган.

Хуллас, Муқимийга ишора талмиҳ академик шоир поэтик фалсафасини янада бўрттириб, фикр доирасини кенгайтирган. Тасвирга ўзига хос аниқ чизгилар бахш этган. Муқимийдан байт:

**Жағларим Шайдонни даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг,
Энгакимдин баралла Маҳрам намоён кўсамен.¹**

Муқимийнинг байтини Ғафур Ғулом куйидагича талмиҳлайди:


**Бу сарзамин Қайроққумдир, бир бўғин аввал
Муқимийлар ҳажв қилган Шайдоннинг дашти.²**

Биз юқорида татаббуъ билан тазминни, тазмин билан шоҳ байт талмиҳни бир-бирига ёндош ва келиб чиқиш ўзаги бир дедик. Унинг яна бир далили муаллиф ўзига ўзи татаббуъ боғлаганидек, шоир ўзидан ўзига талмиҳ келтириш ҳам мумкин. Ғафур Ғулом «Фарзандларга» шеърида:

**Аввалги шеъримда айтиб ўтганман:
Расо қоматингиз – бизларга асо, -
дейди.**

¹ Муқимий. ТА, (нашрга тайёрловчи Ғафур Ғулом), -Тошкент: ЎзССР давлат нашриёти, 1953, 38- бет.

² Ғафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). – Тошкент: Фан, 1984, 82- бет.



Шеър ёш авлод она-Ватанга, жамиятга ва ота-онага суянчиқ, таянч, куч-қувват бўлиши ҳақида. Юрт ва давлатнинг салтанати ва салоҳияти йигит туфайли. У – келажак ҳаётнинг посбони, у борки, ота уйқусида ҳаловат бор.

Шоир «Фарзандларга» шеърида худди шу ғоявий оҳангли шеърининг айнан шу мазмундаги байтларига ишора қилади ва ҳатто уни ўзгаришсиз келтиради. «*Расо қоматингиз – бизларга асо*» шоирнинг талмиҳли мисраси «*Йигитларга*» шеъридан ўрин олган. Ҳар икки шеър бадий мазмун, шоир кечинмаси, ҳаётий ният ва орзуси жиҳатдан ҳамоҳанг. Мавзу ва поэтик фикр бир нуқтадан келиб чиқади. «*Йигитларга*»¹ шеърида йигит жангу жадал кунлари Ватан ва тинчлик посбони ва тинчлик таянчи. «Фарзандларга» шеърида эса йигит – тинчлик замон, эмин-эркинлик ва бекойиш ҳаётнинг қўрғони. Ҳар икки шеър бир-бирига мазмун ва фикр жиҳатдан узвий яқин ва уйғун. Фақат тасвирдаги воқеа бошқа-бошқа замонларда кечади.

Ғафур Ғуломнинг «*Сўз навбати тошкентликларга*» ва «*Бухородан Андижонга очиқ хат*» шеърларида ҳам худди шу қабилидаги байт талмиҳларга дуч келамиз.

**Зўр уринг, донғингиз дўстлар эшитсин,
Шоядки, Тошкент ҳам тортса хижолат.**

Шоир мавзу, муаммо ва масала бир «Сўз навбати тошкентликларга» шеърида юқоридаги мисрага ишора қилади:

**Бухоро, Андижонни ёзиб, айтгандим:
«Шоядки, Тошкент ҳам тортса хижолат».**

¹ Ғафур Ғулом. Асарлар, 5 томлик, 1-том. – Тошкент: "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти, 1964, 216- бет.



Мазкур мисолларимизда тазмин билан талмиҳнинг ёндош ва бир-бирини тақозо қилиши яққол кўринади. Ҳар икки мисолда ҳам тазмин, ҳам талмиҳ амалга ошган, мисранинг айнан келтирилишини тазмин, «ёзиб айтгандим» дея аввалги шеърига ишора этилиши талмиҳ саналади.

Мисоллардан аёнки, татаббуъ, тазмин ва талмиҳ бир-бирига туташ ва ҳатто айтиш мумкин ҳамжинс шеър санъатлари экан. Ҳар учала шеър санъати ғафурона куйма ва кутилмаган юксак тимсолларда бадий шаклланган.

Замонавий шеърятда бирор тарихий-маърифий сиймо борасида поэтик фикр кетадиган бўлса, унинг асарларини талмиҳ сирасига кўчириб, у ҳақда ҳаётий-тарихий фикр ва хулоса айтишга уриниш ҳоким анъана тусини олган. Ориф шоир Жалолиддин Румий ҳақида «*Маънавийи маснавий*», Саъдий «*Бўстон*», «*Гулистон*», Фирдавсий «*Шоҳнома*», Беруний «*Осору-л-боқия*», «*Сайдана*», Ибн Сино «*Ал-қонун*», Улуғбек «*Зичи Кўрагоний*», Бобур «*Бобурнома*», Навоий «*Хамса*», «*Хазойин улмаоний*», шунингдек, машхур ижодкорлар борасида сўз кетса, машхур асарлари талмиҳга нисбат берилиб, уларнинг назмий образини яратиш қулай ва синалган анъанага айланди. Ғафур Ғулом Айнийга бағишланган шеърида устодни ўтмиш тарихни «Дохунда»да, куллар нафасини «Куллар»да куйлаган куйчи деб ардоқлайди. Айниқса, Ғафур Ғулом ҳаётимиз мазмуни минг «Шоҳнома» бўлажак деган нодир талмиҳни топади. Уни яратишда устод Айний пешқадам дейди. Ғафур Ғулом мавзу доираси, материали, ифодага тортилаётган ҳаёт манзараларига қараб китоб номларини талмиҳларга жалб қила боради. Рус маданияти тарихи ва унинг маърифий моҳияти ҳақида сўз кетса, «*Первая книга*», ҳинд халқи тарихи «*Маҳабхарата*», узоқ ўтмиш ва тарих борасидаги ҳаётни «*Минг бир кеча*» афсонасига қиёс қилинади. Шоир сиёсий мавзуларни янада аниқроқ, янада кенг ва


конкретроқ ифодалаш учун «*Манифест*», «*Капитал*» каби талмихларга бот-бот мурожаат қилади.

Фафур Гулом – фалсафий фикрлайдиган шоир. Унинг фикр уфқи ҳам кенг миқёсли. Шу боис ҳам шоир кенг уфқли ҳаёт мазмунини дoston ва қисса қилиш учун унга мос кўтаринки қиёс топишга интилади. Бунга буюк Фирдавсийнинг ўлмас ва безавол «*Шоҳнома*»си энг монанд ва мос қиёс бўлиб чиқади. Шоир уни кўп ҳолларда талмихга тортади. Янги тарихимизни ёзмоққа «*Шоҳнома*» кичиклик қилади, жангчининг муборак қони билан минг «*Шоҳнома*» ёзиш мумкин, дейди шоир. Шоир шеъриятида китоб номи билан боғлиқ қуйидагича талмихларга дуч келинади: «*Дохунда*», «*Шоҳнома*», «*Хамса*», «*Маҳабхарата*», «*Бой ила батрак*», «*Алифбо*», «*Кукан*», «*Хужум*», «*Кукан батрак*», «*Ал-қонун*», «*Минг бир кеча*» «*Манас*», «*Зичи Кўрагоний*», «*Забур*», «*Инжил*», «*Таврот*», «*Куръон*».

30-йиллар шеъриятида баъзан меҳнатга мадху санолар айтиш етакчи тамойилга айланди. Баъзи шеърларда меҳнатнинг яратувчилик куч-қудрати, у янги турмуш ва тузумнинг иқтисодий асоси сифатида ўта кўтаринки тимсолу талмихларда ифодаланди.

Фафур Гулом шеъриятида меҳнатни улуғловчи мумтоз талмихлар етакчи мавқени эгалламаса-да, ижтимоий янги-ланишлар, кишилар шууридаги туб ўзгаришларнинг ифодачиси бўлиб келади. Жумладан, Шарқ дostonларининг машхур қаҳрамонлари асосидаги талмихлар зиммасига ҳам ҳаётийлик, кундалик воқеликлардаги янги-ланишлар, улуғ инсоний сифат ўзгаришлар, янги меҳнат кишиларининг туғилиш жараёни, гигант қурилишлар, маданий ва маърифий туб силжишларни инъикос этиш учун асқотилган.

Фарҳод, *Ширин*, *Лайли*, *Мажнун*, *Узро*, *Вомиқ*, *Тоҳиру Зуҳролар* асосида яратилган талмихлар яна аввалгидек севги-садоқат, меҳру муҳаббат, ишқ савдолари, висол жабру ситамлари каби ғоявий тамойилларни тасвирлашга қара-




тилмади. У ижтимоий жамиятдаги шуурий ўзгаришларни бадий ифодалади.

Ғафур Ғулумнинг уруш йиллардаги бир қатор шеърларида фронт орқасини таъминлашга астойдил бел боғлаган омманинг куч-қудрати ёрқин поэтик сатрларда акс эттирилди. У бу мавзунини ўз идеалидаги ёрқин талмиҳларда ёритишга эришди. Меҳнат ва азму ироданинг жасорат ва қаҳрамонликнинг нишони – рамзи Фарҳод яна замонавий мавзуга тортилди ва айтилганидек шоир эстетик идеалини ифодалашга хизмат қилди. Маълумки, Фарҳод тоғ қазади, канал чиқаради. Ширин ерларини суғоради, элу юртни сув билан баҳраманд қилади. Аммо романтик қаҳрамон бўлгани учун ҳам ўзи яққа ҳаракат қилар эди. Шоир Фарҳод талмиҳини халқнинг куч-қудратига нисбат бериб шундай тасвирлайди:

**Фарҳод деб ўзини атайди халқим,
Халқдадир тоғларни кўпорган қувват.
Халқдадир дарёни тўсолгучи куч,
Фарҳодда намоиш айлаган қудрат.**

Шоир уруш йиллари халқнинг яратувчилик ва жанговар куч-қудратини Фарҳод талмиҳида юксак маҳорат билан акс эттиради. Фарҳоддаги улуғ инсоний хислат, ватанпарварлик ва севгилиси Ширин олдидаги бурчи уруш даври халқ фазилати ва азму иродасига кўчирилган.

Фарҳод ва Ширин талмиҳини қўллашда Ғафур Ғулумга хос ижодий тамойил мавжуд. У халқнинг қуриш, яратиш, меҳнат фаолиятидаги шижоатини доимо Фарҳодга нисбат беради. Халқ ўтмишида суғориш иншоотлари ва боғу бўстон яратиш ишқи билан яшаган «*Фарҳод Ширинларнинг кураш мазмуни*», «*Фарҳод ер суғоради, қулоқ очади Ширин*», Алишер Навоийнинг асрий орзулари рўёбга чиққан: «*Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган бахтли саҳродан*», бугунги



авлод меҳнатсеварлик, халқ орзусини ушатиш учун курашади, аҳду вафода: «*Йигити Фарҳоду қизи Шириндай*».

Мисоллардан аёнки, Ғафур Ғулом ва Ширин талмиҳини замоннинг бош муаммоларидан бири меҳнат инсонни гўзал қилади ва шарафлайди, деган юксак идеал (ёки ғоя)дан келиб чиқади ва унга бутун ижоди давомида содиқ қолади. Мажнун ва Лайли талмиҳига Ғафур Ғулом ниҳоят кам мурожаат қилган. Бу талмиҳ биргина ўринда учрайди. У ҳам бўлса, меҳнат ва меҳнат аҳлининг яратувчилик фаолиятига нисбат берилган: «*Меҳнатдадир даланинг барча Мажнун, Лайлоси*».


Бутун бошли ғазал ёки шеърнинг талмиҳланиб келиш ҳолати Ғафур Ғуломда биргина ўринда, яъни тўртликда учрайди:

**Йигитлик сўнггида Мажнун бўлсам,
Улуғ дoston аро мазмун бўлсам.
Чунончи Вомиқу Узро бўлсам,
Чунончи Тоҳиру Зуҳро бўлсам.**

Кўп сонли мисоллардан аёнки, Шарқ машхур дostonлари қаҳрамонлари билан алоқадор талмиҳлар Ғафур Ғуломда янги дунёнинг янги кишилари меҳнат ва яратувчанлик фаолияти ва уларнинг ички дунёсини очишга хизмат қилган.

Шеърят тарихида анъанавий, яъни мумтоз талмиҳ ҳақиқий ва мажозий ишқ, ҳақиқат ва адолат, одам ва одамийлик, ошиқ ва маъшуқа, хусусан, заминий севги муҳаббат бобидаги меҳру вафо, садоқат, қолаверса, лирик қаҳрамон сурат ва сийратини ифодалашга йўналтирилган. Мумтоз талмиҳ XX аср бошлари шеърлятида анъана сифатида давом эттирилди.

Мумтоз талмиҳлар мисолида Ғафур Ғулом янги давр одамларининг меҳнатда яратувчанлик жасорат ва матонати, ижодий куч-қудратларини, замона киши-



ларининг янгича муносабатлари, севги, вафода янгича садоқатларини улуғлади. Бошқача айтганда, мумтоз талмиҳда нуктасанжлик устувор намоён бўлди. Ҳар бир давр шеърляти ўзининг бадий-эстетик тамойилига эга.

Талмиҳ – тарих ва давр меваси. Ҳар бир давр шеърляти ўз талмиҳларига эга. 20-йиллар Октябрь тўнтариши ва фуқаролар уруши, 30-йиллар беш йилликлар фидойилари, 40-йиллар уруш қаҳрамонлари ва воқеалари талмиҳга омил бўлди. Шахсий услуб талмиҳда ҳам намоён бўлди. Фафур Фулом тарихни замонавий мавзуга ва руҳият тасвири учун хизмат қилдиради.

Тарихнинг чўнг воқеалари асосидаги талмиҳлар – фикрнинг баланд пардаси, лирик қаҳрамон руҳий олами чизгилари ва миллий «мен»ни ифодалаш воситаси. тарих ва тарихий сиймо шоирнинг энг севимли талмиҳидир. Тарих – шоир Фафур Фулом талмиҳлари учун бебаҳо хазина.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зеҳнӣ Т. Санъати суҳан. – Душанбе, 1967.
2. Исҳоқов Ё. Талмиҳ // Ўзбек тили ва адабиёти. Ж. 1970, № 3.
3. Муқимий. ТА, (нашрга тайёрловчи Фафур Фулом). -Тошкент: ЎзССР давлат нашриёти, 1953, 176 бет.
4. Розӣ Қайс. Ал-мўъҷам. – Душанбе: «Ирфон», 1991.
5. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972, 182 б.
6. Рустамов Алибек. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент, 1979.
7. Фурқат. ТА, 2 томлик, 1-том. – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960, 232 бет.
8. Фафур Фулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). Тошкент: Фан, 1984, 328 бет.
9. Фафур Фулом. Асарлар, 5 томлик, 1-том. Шеърлар. – Тошкент: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1984, 344 бет.




Олимжон Абдуллоев,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент

ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ТАРАННУМИ

**(“Қардош тожик халқига ўзбек халқидан салом” шеъри
мисолида)**

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири, атоқли шоир Ғафур Ғулом ўзининг ёрқин ижоди билан ўзбек адабиёти осмонида ҳамиша йўлчи юлдуз каби порлаб тураверади.

Унинг ижодида юртини, миллатини чин дилдан севувчи чин инсонни, гуманизм, одамийлик, ватанпарварлик, элпарварлик, миллатпарварлик, ўз юрти ва миллатини бошқа миллат ва элатларни, юртларни камситмаган ҳолда чексиз даражада севадиган, ундан фахрланадиган, барча эзгу хислатлар соҳиби бўлган тимсолни, шу тимсол воситасида Ғафур Ғуломни кўраимиз. Шу боис, шоирни бошқа миллат вакиллари ҳам чексиз ҳурмат қилганлар, унинг сиймосида Ўзбекистонни ва ўзбекистонликларни тасаввур этганлар. Буни белорус халқининг машҳур шоири Якуб Коласнинг Ғафур Ғуломнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан юборган табрик хатида ҳам кузатиш мумкин: *“Ғафур Ғулом! Унинг номини тилга олганда, менинг тасаввуримда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлмиш Тошкент, қизил, оқ ва номларини мен билмайдиган минг турли гулларга бурканган ям-яшил парк ва бульварлар гавдаланади. Ғафур Ғулом поэзиясида Ғафур Ғуломдек*



ажойиб шоирни тарбиялаб этиштирган ва менга ҳам жонажон бўлган Ўзбекистоннинг гўзаллигини кўраман".¹

Файласуф шоир Мақсуд Шайхзода Гафур Ғуломнинг 60 ёши арафасида 5 томлик "Асарлар"и нашр этилиши муносабати билан ёзган "Шоир тили – халқнинг дили"² мақоласида "Шундай шоирлар борки, улар оламни кўради, бошқа бир хиллари дунёнинг борлигини эштади. Бизнинг оқсоқол Гафур домламиз эса, жаҳонни қалби билан ҳис этиб, тарих томиридаги қоннинг тепишини (набзини) бехато сезиб туради. Бу салоҳият эса шоир учун буюк бахт ва асло ўтмаслашмайдиган фазилятдир"³, - деган эди.

"Тарих томиридаги қоннинг тепишини (набзини) бехато сезган" (М. Шайхзода эътирофи) буюк шоир Гафур Ғулом ижоди чексиз уммон. Бизнинг шоир ижодидаги ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги тараннум этилган шеърларни тадқиқ этиш мақсад қилинган ушбу мўъжаз мақоламиз ушбу уммондаги дуру жавоҳирлардан баҳра олган ҳолда ёзилди.

Мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганган ва билган, умуминсоний қадриятлар, ғоялар ошуфтаси бўлган Гафур Ғулом ҳамиша асарларининг халқчил, тушунарли, оммабоп ва бадий жиҳатдан етук бўлишига интилган. Унинг шеърларини мутолаа қилар эканмиз, шоирнинг сўз санъати сирларини чуқур эгаллаганлигини, мумтоз адабиётимизнинг мангу барҳаёт асарларидан баҳраманд бўлганлигини, шакл ва мазмун уйғунлигига қатъий амал қилганлигини кузатамиз. Чин байналмилаллик руҳида тарбия топган Гафур Ғулом ўз шеърларида ушбу ғояни улуғлади. Дўстлик, қардошликка бағишланган

¹ Ўзбек совет адабиёти. 10- синф учун дарслик, ўнинчи нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 67-68- бетлар.

² Гафур Ғулом. Асарлар, 5 томлик, 1- том. – Тошкент: "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти, 1964, 5- 22- бетлар.

³ Гафур Ғулом. Асарлар, 5 томлик, 1- том. – Тошкент: "Тошкент" бадий адабиёт нашриёти, 1964, 22- бет.

қатор шеърлар битди. Шоирнинг аксарият шеърлари марказидаги тимсол инсонпарварлик ва байналмилаллик ғояларини ташувчи инсон тимсолидир.

Адиб ижодини тадқиқ қилган адабиётшунос олим Умарали Норматов ўзининг *"Ғафур Ғулом поэзиясининг эстетик принциплари"*¹ номли мақоласида *"Адабиёт, шунингдек поэзия ҳар бир нафаснинг файзини, ҳар бир куннинг мазмунини ва тарихини қайд қилмоғи, ҳаёт мазмунининг, гўзаллигининг сирини кашф этмоғи керак. У замон билан бирга бормоғи, унинг овози давр билан, даврнинг катта ишлари, мазмуни билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим"* деган эди. Айнан шу жиҳатларни биз Ғафур Ғуломнинг ижодида тўла кузатамиз. Унинг турли байрамлар, ютуқ ва ғалабалар муносабати билан турли халқлар ва миллатларга, жумладан Тожикистон ва тожик халқига бағишлаб ёзган шеърлари бунинг ҳақиқий мисолидир.


Шоирнинг 1964 йилда чоп қилинган *"Асарлар"*ида ҳам, шоир таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан чоп қилинган *"Мукамал асарлар тўплами"*да жамланган шеърларида ҳам (3- том²) Ғафур Ғуломнинг бутун дунё халқларига, шу билан биргаликда, Тожикистон ва тожик халқига бўлган чексиз эҳтиромини кўрамиз. Унинг Тожикистон ССР ташкил топганлигига 25 йил тўлиши муносабати билан ёзган *"Қардош тожик халқига ўзбек халқидан салом"*³, *"Халқлар дўстлиги"* ГЭСи қурилишига бағишлаб ёзган *"Халқлар дўстлиги ГЭСига"*⁴, давлатга пахта топшириш режасини муваффақият билан уддалаган

¹ Ўзбек адабиёти масалалари (адабий-танқидий мақолалар тўплами). – Тошкент: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 126- 155- бетлар.

² Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 528 б.

³ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 28- 29- бетлар.

⁴ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 80- 82- бетлар.



тожикистонлик пахтакорларга атаб ёзган “Тожикистон пахтакорларига”¹, “Май манзараси”² ва бошқа кўплаб шеърлари бунинг яққол мисолидир.

Мақоламиз мавзуси ва мақсадидан дан келиб чиққан ҳолда шоирнинг “Қардош тожик халқига ўзбек халқидан салом” шеъридаги айрим бандлар мисолида шоир маҳоратини кўздан кечирсак ва ўз фикримизни исботласак.

Ушбу шеър қуйидаги банд билан бошланади:

*Қардошлик тарихимиз ярқироқ саҳифаси
Бошланур минг йилларнинг тонги отган чоғидан.
Бизга камолот берган она-Ватан сийнаси,
Мард ўғиллар бўй етди Осиё кучоғидан*³.

Келтирилган банднинг ҳар бир мисраси, ҳар бир сўзидаги маъно товланиши теран лиризм ва дўстлик пафоси билан, чин инсоний самимият билан суғорилган. Шеърни ўқир эканмиз, қалбимиз шеърга мафтун бўлади, шоирнинг тарихни чуқур билганлигига, теран фалсафий фикрларни сатрлар қатига жойлай олганига қойил қоламиз. Она-Ватанини севган ва тарихини чуқур билган шоир ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги азал-азалдан мавжудлигини, минг-минг йилларга бориб тақалишини айтар экан, шу она-Ватан, шу она-Заминдан мард ўғлонлар етишиб чиққанлигини таъкидлайди. Ушбу бандни ўқир эканмиз, гўё кўз ўнгимизда тарих жонланади. Она-Ватан дея жондан кечган юрт қаҳрамонлари: *Широқ, Тўмарис, Деваштич, Муқанна, Темур Малик, Жалолiddин Мангуберди, сарбадорлар, Амир Темур*, ушбу диёр номини дунёга

¹ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 101- бет.

² Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 270- бет.

³ Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 28- бет.

танитган Рудакий, ал-Бухорий, ат-Термизий, аз-Замахшарий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Жомий, Навоий каби алломалар хаёлимиздан ўтади. Қалбимизда фахр ҳисси жўш уради. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам ушбу шеърни қалби тўла ғурур, кўнгли тўла фахр билан ёзган десак, муболаға бўлмайди.


"Тарих томиридаги қоннинг тепишини бехато сезган" Гафур Ғулом айтгани каби бугун бу тарих бағри янги қаҳрамонлар: икки халқ ўртасига қўйилган сунъий тўсиқларни олиб ташлаган Ўзбекистоннинг жасур ва бағри кенг Президенти ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳамда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти, муҳтарам Эмомали Раҳмон каби мард инсонлар, жамоат арбоблари билан бойиди.

*Панжакент қазмасининг Варахидан не фарқи бор,
Икки тил, икки номли қардош халқ ишидир бу.
Суғдийларнинг авлоди ака-ука беғубор,
Бундан ким фарқ ахтарса, тарихда бўлар кулгу¹.*

Шоир ўзбек ва тожик халқини икки тил, икки номли қардош халқ дея эътироф этар экан, уларни беғубор, покиза кўнгилли ака-укага қиёслайди. "Тарих томиридаги қон тепишини бехато сезган" Гафур Ғулом томонидан шеърятга суғдийлар авлоди дея киритилган ибора вақт ўтиб яна бир карра ўз тасдиғини топди. Ўзбек ва тожик халқлари ака-ука бўлиб яшаётган мустақил Тожикистон Республикасидаги собиқ Ленинобод вилояти мана неча йилдирки Суғд вилояти деб юритилмоқда.

Бу икки халқ орасини ажратмоқчи бўлганларнинг тарихда кулги бўлиши, икки тилли бир халқ нафратига дучор бўлиши, шубҳасиз.

¹ Уша асар, 28- бет.



*Яқин қуда-қудағай, қадим-қадимдан буён,
Бирининг ўғли тожик, келини ўзбек қизи.
Отаси фарғоналик, модараш аз Бадахшон,
Она тилиси тожик, аммо ўзбекдир ўзи¹.*

Ғафур Ғулом авлоди томонидан турли тўй ва тадбирларда қайта-қайта айтиладиган, неча-неча мақолаларга зеб берган, адабиёт кабинетларида шоир тасвири ёнига жойлаштирилувчи ушбу банд, дарҳақиқат, юксак умуминсоний, халқчил, байналмилал маъно ва мазмунга эгаллиги боис халқимизнинг севимли шеърига айланган, деярли барча учун ёд бўлиб кетган. Қаерда ўзбек ва тожик халқларининг дўстлигига бағишланган тадбир ўтказилса, албатта, ушбу банд шеърлар гултожи сифатида қироат қилинади. Ҳақиқатан ҳам шоир тасвирлагани каби ўзбек ва тожиклар аралаш яшовчи минтақаларда ўзбекдан келини бўлмаган ёки тожикдан куёви бўлмаган, қўйингки, қон-қариндош бўлиб кетмаган ўзбек ва тожик оилаларини учратиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг тожик, ҳар бир тожикнинг ўзбек қариндоши борлиги икки халқнинг бири-бирига чуқур эҳтироми, қалин дўстлиги ифодасидир. Буни Ғафур Ғулом юқорида келтирилган бандда жуда ишонарли тарзда тасвирлаган.

*Ажралмас дўстлигимиз тимсоли бўла олар
Навоий, Жомийларнинг туғма биродарлиги.
Қондошлик, қариндошлик аср-асрлар қолар
Халқларнинг жудоликни билмас дўстпарварлиги².*

Ушбу банднинг дастлабки икки мисрасида шоир фикрининг исботи, яъни ўзбек ва тожик халқларининг азалий ва абадий дўстлиги исботи сифатида мумтоз

¹ Ўша асар, 28- бет.

² Ўша асар, 28- бет.


Ўзбек адабиёти ва эски ўзбек тилининг асосчиси, ўзбек халқининг мангу фахри, зуллисонан шоир ҳазрат Алишер Навоий ва унинг устози, ҳамиша Навоийни қўллаган, "Ҳамса"ни ўзбек тилида ёзишга ундаган, Навоийни ўз фарзанди каби кўрган, ўз давридаги нақшбандийлар тариқатининг пири Абдураҳмон Жомий дўстлигини келтиради.

Маълумки, Алишер Навоий асарларида улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийга юксак эҳтироми баён қилинган. Чунки Навоий Жомийнинг энг яқин шогирди ва дўсти эди. Шу сабабли ўз ёзган асарларини дастлаб Жомийга кўрсатиб, унинг фикрини оларди. Навоийнинг жуда кўп ғазал, қасида, рубоийлари ва, шунингдек, «Ҳамса»сига кирган дostonлари Жомий маслаҳати ва асарлари таъсирида яратилган. Чунки Жомий ижодда буюк шоир ва олим, тасаввуф бўйича муршиди комил, ҳаётда эса донишманд раҳнамо даражасида бўлган. Навоий 1469 йилда Самарқанддан Ҳиротга қайтгач, Жомийни ўзига устоз тутиб, эҳтиром ва садоқат билан шогирдлик вазифасини бажарган. Бу икки шоир дўстлиги икки халқ дўстлигининг ёрқин тимсолидир.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам Садриддин Айний ва Мирзо Турсунзода каби тожик алломалари билан чин дўст бўлиб, ушбу дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига ўзининг арзирли ҳиссасини қўша олди ҳамда янги давр ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг рамзига айланди.

*Тарихни эслаб ўтсак тўй кунда ярашур,
Янги тарих яратдик шу улуғ замон ичра.
Қуёшга қарагандай ҳавас кўзи қамашур,
Қардошлик шухратимиз ёйилди жаҳон ичра¹.*

¹ Уша асар, 28- бет.



Дарҳақиқат, академик шоир Ғафур Ғулом таъкидлагани каби кейинги йилларда икки халқ дўстлигини янада мустаҳкамлайдиган янги тарих яратилди. Деярли барча буюк форс-тожик алломалари ва адиблари: Рўдакий, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Жалололдин Румий, Фариддин Аттор, Хусрав Деҳлавий, Камол Хўжандий, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий ва бошқаларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу ишларда Ғафур Ғуломнинг ўзининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Аини дамда Алишер Навоийнинг "Ҳамса" си таркибидаги дostonлар, Машраб ғазаллари ва бошқа бир қанча асарлар тожик тилига таржима қилинди.

Шуни фахр билан алоҳида таъкидлаш лозимки, "янги тарих яратиш" (Ғафур Ғулом ибораси) анъанаси бугун ҳам давом этмоқда. С.Айний, Лойиқ Шерали, Фарзона, Озарахш ва бошқа кўплаб тожик шоир ва ижодкорларининг асарлари ўзбек тилига ўгирилган бўлса, Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Шароф Бошбеков, Алихонтўра Соғуний ва бошқа кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарлари тожик тилига таржима қилинди ва дўстлик арқони янада мустаҳкамланди. Ғафур Ғулом таъкидлагани каби "Қардошлик шухратимиз ёйилди жаҳон ичра".

*Қардош тожик халқининг шарафли байрамида
Ваҳшнинг тўлқинларидай кўпирсам, тошсам, дейман.
Ватаним хазинаси Помир – олам тоmidан
Академик-физикдай одимлаб ошсам, дейман¹.*

*Тожик маърифатининг Синоча улуғлиги,
Тожик шеърятининг Камолча тўлуғлиги,
Кимни ўзига тортмас айтингиз-чи дўстларим,
Тожикистон ерининг шунчалар бўлуғлиги².*

¹ Ўша асар, 28- бет.

² Ўша асар, 29- бет.

Юқорида таъкидлаганимиз каби ушбу шеър Тожикистоннинг улуғ айёмларидан бирига бағишлаб ёзилган. Шеърда Гафур Гуломнинг чин маънодаги донишмандлиги: икки халқ тарихини, жўғрофиясини, адабиётини, маданиятини, маърифатини чуқур билганлиги ўз ифодасини топган. Юқорида келтирилган бандлар ҳам бунинг яққол намунасидир. Шоир *"Вахшнинг тўлқинларидай кўпирсам, тошсам, дейман"*, дер экан, Тожикистондаги Вахш дарёсининг ўта шошқин, тезоқар дарё эканлигига урғу қаратади. Юксак чўққилар ва музликлар макони *"Помир – олам томи"*ни забт этишни орзу қилади. Аслини олганда, шоир бундан-да катта оламини – инсонлар қалбини забт эта олди.


16 банддан иборат бўлган ушбу шеърнинг деярли ҳар бир бандида Тожикистон ва тожик халқига тааллуқли ашёлар тасвир доирасига тортилади, тожикистонликларнинг машҳур пахтакор эканликларига (*"Қўлингиз дард кўрмасин пахтакор оғайнилар"*), юксак тоғларига (*"Табосар тоғларидай шу хирмонлар сизники"*) урғу қаратар ва таърифлар экан, таърифини шундай давом эттиради:

*Мақтовингиз ёзаркан, тилимда мирсанжали,
Варзоб нистаси каби мағзим тўлуқ, лабханда.
Тожикистон – гулистон васфин ёзарман ҳали,
Қомусларнинг мазмуни яширин бу чаманда. ...*

*Гўзал шаҳри Душанба Тошкент билан баравар,
Каттакон Шарқ уфқида порлаб турган кўшчароғ,
Жаҳон халқи қалбига бахтидан берар хабар,
Бугун ғоят чиройли, эрта бундан ярқироқ. ...¹*

Ушбу бандларни ўқир эканмиз, яна Мақсуд Шайхзоданинг Гафур Гуломга берган таърифи ёдга тушади: *"Бизнинг оқсоқол Гафур домламиз эса, жаҳонни*

¹ Уша асар, 29- бет.



қалби билан ҳис этиб, тарих томиридаги қоннинг тешишини (набзини) беҳато сезиб туради". "Каттакон Шарқ уфқида порлаб турган қўшчароғ" – Тожикистон Республикаси Пойтахти Душанба ва Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент Гафур Ғулом ҳаётлигида ғоятда чиройли эди ва бугун (шоирнинг таъбирида "эрта") дарҳақиқат янада кўркамлашган ва тобора гўзаллашиб бормоқда ҳамда ҳар икки шаҳар ҳам "жаҳон халқи қалбига" бахтидан, мангу бахтидан: тинчлик ва дўстлик насимлари эсиб турган, икки халқ вакиллари осойишта, бағри кенглик билан шоду хуррам турмуш кечираётган, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустақкамлаётганидан хабар бермоқда.

Шоир шеърини

*Қардош Тожикистоннинг йигирма беш ёшида
Ўзбекистон халқидан туганмас қутлуғ салом.
Чунки бири бирининг қабоғида, қошида,
Мақтаб тугатолмайди шоир Гафур Ғулом, -¹*


мисралари билан якунлайди. Дарҳақиқат, шоир таъкидлагани каби ўзбек халқи билан тожик халқи бир-бирига қош билан қабоқ қадар яқин. Икки халқнинг аҳиллигини, дўстлигини, бир-бирига бўлган меҳрибонлигини, асрлар давомида бир-бирига берган ёрдамини айтиб тугатиб бўлмайди. Бир заминда яшаган бу икки халқ ҳаминиша юрт бошига ташвиш тушса, биргаликда даф қилган, бирининг ютуғидан бошқаси боши осмонга етгудек қувонган. Бири бирига яхши кунларида йўлдош, оғир кунларида қўлдош бўлган. Эт билан тирноқ каби, қош билан қобоқ каби бир-бирига яқин бўлган ўзбек ва тожик халқининг таърифини айтиб тугатиб бўладими? Албатта йўқ! Шу боис ҳам "Мақтаб тугатолмайди шоир

¹ Уша асар, 29- бет.

Гафур Гулом". Унинг "Ўзбекистон халқидан туганмас қутлуғ салом"и абадий. Бу салом, табрик ва мақтов Тожикистоннинг бўлаётган ва бўлажак барча байрамлари учундир. Зеро, у туганмас. Чунки бу икки миллатнинг "Бугуни ғоят чиройли, эртаси бундан ярқироқ".

Гафур Гуломнинг келтирилган шеъри ҳам бошқа шеърлари каби бадий жиҳатдан юксак савияда яратилган. Шоир шеърда турли бадий- тасвирий воситалардан, бадий санъатлардан унумли фойдаланади. Шеърда метафора ("Қардошлик тарихимиз ярқироқ саҳифаси Бошланур минг йилларнинг тонги отган чоғидан"), сифатлаш ("мард ўғиллар", "Каттакон Шарқ"), талмиҳ ("Навоий, Жомийларнинг туғма биродарлиги", "Тожиқ маърифатининг Синоча улуғлиги, Тожиқ шеъриятининг Камолча тўлуғлиги), ташбиҳ ("Қуёшга қарагандай ҳавас кўзи қамашур", "Ваҳининг тўлқинларидай кўпирсам, тошсам, дейман", "Академик-физикдай одимлаб ошсам, дейман", "Табошар тоғларидай шу хирмонлар сизники" (9- банд, 2- қатор), "Варзоб нистаси каби лабим тўлуқ, пурханда", "Тожикистон - гулистон", "Дарвоз гўзалларининг қошларидай баржаста" (12- банд, 4- қатор), "Гўзал шаҳри Душанба Тошкент билан баравар, Каттакон Шарқ уфқида порлаб турган қўшчароғ"), истиора ("Мақтовингиз ёзаркан тилимда мирсанжали") ва бошқа турли хил шеър санъатларини кузатиш мумкин.

Шеърнинг қофияланиш тартибига диққатимизни қаратайлик: шеърнинг 14 банди *а-б-а-б* тарзида қофияланган. Саккизинчи банд *а-а-б-а* тарзида, ўн бешинчи банд *а-а-а-а* тарзида қофияланган. Ушбу бандларнинг бу тарздаги қофияланиши мисраларнинг янада оҳангдор ўқилишини таъминлаган. Бандларнинг 1- ва 3- мисралари, 2- ва 4- мисралари ўзаро қофияланган (саккизинчи ва ўн бешинчи банд бундан мустасно). Шеърдаги ҳар бир мисра 14 бўғиндан иборат.



*Қар-дош-ла-рим, дўст-ла-рим то-жик шо-ир-ла-ри-нинг 14
Мун-та-зам ға-зал-лари жо-ним би-лан пай-вас-та. 14
Ёз-ган ҳар бир мис-ра-и санъ-ат мо-ҳир-ла-ри-нинг 14
Дар-воз гў-зал-ла-ри-нинг қош-ла-ри-дай бар-жас-та¹. 14*

Шеър 7+7 туроқли вазнга эга.

7 7

Кўлингиз дард кўрмасин / пахтакор оғайнилар, /

7 7

Табошар тоғларидай / шу хирмонлар сизники. /

7 7

Ўзбек пахтакорлари / сиз учун шараф тилар, /

7 7

Ҳамиша кўпайсину / бўлсин бирингиз икки. /²

Шеър бўғинлар миқдори тенг бўлганлиги учун содда вазндан иборат. 7+7 туроқли вазнда ёзилган 14 туркумли шеър бўлиб, бармоқ шеърый тизимининг содда вазнида битилган.

Хулоса:

1. Шеърда шарқона фалсафа, юксак туйғу ва орзуларнинг бадий ифодаси ўз аксини топган.
2. Шеър юксак миллий ва умуминсоний ғоялар, гуманизм руҳи билан ёзилган.
3. Шеърда ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги мадҳ ва тараннум этилган.
4. Шеър Гафур Ғуломнинг донишманд шоир эканлигини, хусусан, адабиёт, тарих, жўрофия ва бошқа фанларнинг билимдони эканлигини кўрсатиб турибди.
5. Шеър бадий жиҳатдан юксак, унда ташбих, истиора, талмиҳ ва бошқа санъатлардан унумли фойдаланилган.

¹ Ўша асар, 29- бет.

² Ўша асар, 28- бет.

6. Шеър 7+7 туроқли вазнда ёзилган 14 туркумли шеър бўлиб, бармоқ шеърий тизимининг содда вазнида битилган.

7. Шеър шаклан ва мазмунан уйғун.


Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбек адабиёти масалалари (адабий-танқидий мақолалар тўплами). – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959, 380 бет.

2. Ўзбек совет адабиёти. 10-синф учун дарслик, ўнинчи нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 272 б.

3. Ғафур Ғулум. Асарлар, 5 томлик, 1- том. – Тошкент: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1964, 344 бет.

4. Ғафур Ғулум. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик, 3- том. – Тошкент: Фан, 1984, 528 б.





Равшан Усанов,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ
маданиятшунослик кафедраси
доценти, фалсафа фанлари номзоди
Бахтиёр Усанов,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ докторанти


ФАЛСАФИЙ ДЎСТЛИК ВА БИРЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Жорий йил Тожикистон Қаҳрамони, тожик ва ўзбек халқи учун бирдек азизу мўътабар, улкан ёзувчи ва давлат арбоби Садриддин Айнийнинг 145 йиллиги ва шундай номга сазовор улуғ ўзбек адабиёти бобокалони Ғафур Ғуломнинг 120 йиллиги Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида кенг нишонланади. Ҳақиқатдан ҳам бу икки донишманд шахслар тожику ўзбек адабиётларининг маънавий хазинаси ҳисобланишади.

Уларнинг энг муҳим хизматларидан яна бири шуки, Абдраҳмон Жомий ва Алишер Навоий бунёд этган фалсафий дўстлик дарахтини янада мустаҳкамлаб, янги поғонага олиб чиқишди, икки халқнинг севган мутафаккирларига айланишди.

Тожикистонда ўзбек тилида нашр этилувчи “Халқ овози” ва “Суғд ҳақиқати” Садриддин Айний ва Ғафур Ғулом ҳақида шундай сўзлар келтирилади: “Йигирманчи асрда Садриддин Айний икки дўст халқнинг кўп асрлик эзгу анъанавий адабий алоқаларининг давомчиси эди.

Устоз Айний атоқли ўзбек адиблари – Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом билан



шахсан таниш бўлиб, улар билан яқин ижодий ҳамкорлик қилган.


Тожик ва ўзбек халқлари адабиётидаги бундай яқинлик икки буюк сиймо – Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик, биродарлик, пиру муридлик ва устоз-шогирдлик муносабатларидан бошланган.

Устоз Садриддин Айний "Тожик адабиёти намуналари" асарида форс шоирлари қаторида Алишер Навоийни ҳам ёдга олиб, форс тилида шеър ёзишда унинг "қўплаб форс шоирлари билан тенглаша олиши, қолаверса, устунлиги"ни ҳам алоҳида таъкидлаб, форсча ашъоридан намуналар келтирган.

Кейинчалик Садриддин Айний шоирнинг тожик тилида ёзган шеърлари, таржимаи ҳоли, унинг асарлари ва шеърларидаги луғатлар шарҳини чопга тайёрлашда катта заҳмат чекиб, "Алишер Навоий ва тожик адабиёти" мақоласи ва "Алишер Навоий" монографиясини ёзади. Бу билан тожик ва ўзбек халқлари адабий алоқаларининг тарихий илдизларини исботлаб, навоийшунослик илмининг амалий ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Садриддин Айний ижодини Алишер Навоий сиймосиз тасаввур қилиш қийин. Чунки улўф адиб адабиётшуносликдаги кўп йиллик фаолиятини Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишлаган. Шунингдек, унинг ижодида янги ўзбек адабиёти вакиллари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулло Қодирӣ, академик Ойбек, давлат арбоби Шароф Рашидов, Абдулло Қаҳҳор, Миртемир, шоира Зулфия ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси бор. Тожикистон Ёзувчилар Иттифоқи аъзоси Сулаймон Эрматовнинг келтиришича, қоридан номлари тилга олинган ўзбек ижодкорлари Садриддин Айнийни устоз сифатида тилга олишган.

Тожик ва ўзбек халқлари тарихида узилмас ришталаран бири бу икки миллатнинг алломалари ва мутафаккирлари



бўлмиш Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг устозу шогирдлик даражасидаги муносабатларидир. Буни қарангки, XX асрда бу дўстликни Садриддин Айний ва Ғафур Ғулом давом эттирди ва бир-бирларига устозу шогирд бўлишди. Улар ўртасидаги ўтган асрнинг 20-30 йилларида бошланган адабий дўстлик даврнинг зиддиятли бўҳронларида тобланди, сайқаллашди ва барчага намуна бўлиб келмоқда.


Ғафур Ғуломнинг эслашича, Самарқанддалик даврида у тез-тез Садриддин Айний хонадонига бўлар, ижод масаласида маслаҳатлар сўраб турган ва Сулаймон Эрматовнинг ёзишича, бу суҳбатларда тожик адиблари Мирзо Турсунзода, Сотим Улуғзода, Раҳим Жалил, Абдусалом Деҳотий, Жалол Икромий, Муҳаммаджон Раҳимий, Камол Айний, Фотеҳ Ниёзий ва бошқалар қатнашишган. Тақдир тақозоси билан бобокалон шоир Тошкент шаҳрига кўчиб келгандан сўнг, бу алоқалар мактублар шаклида давом этган. Мана шундай муносабатлар икки халқ ижодкорлари ўртасидаги адабий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат килган десак хато қилмаймиз.

Ўз навбатида Садриддин Айний ҳам Ғафур Ғуломни Ўзбекистон Республикаси Олий Совети номзодлигига тавсия этиш мақсадида ёзилган "Ўрмат ва таҳсинга муносиб шоир" (1927 йил) номли мақоласида адиб тўғрисида унинг беназир қобилияти ҳақида ёзади:

- Ғафур Ғулом тез улғаётган улкан истеъдод эгаси бўлиб, унинг "Қизил Ўзбекистон" газетасида чоп этилган шеърлари билан таниганман. Шунинг учун эски танишдай самимий суҳбатлашдик...У халқнинг ишончига сазовор бўла олишига ишонаман.

Атоқли ўзбек адиби Садриддин Айнийдан шу шаклда дуо олган эди...

Буни қарангки, Ғафур Ғулом 1935 йил шу газетада "Айнийга" деган шеърини ёзиб, унга ўз миннатдорчилигини




бидиради. Бундай эътирофлар узоқ йиллар давом этади. Тожикистон ёзувчилар Иттифоқи аъзоси Сулаймон Эрматов "Тожикистон" газетасида (15.04.2020) чоп этилган "Садриддин Айни ва Гафур Гулом - дўстии ибратбахши ду пояи ду миллат" ("Садриддин Айний ва Гафур Гулом икки миллат дўстлигининг икки пойдевори") номли мақоласида шундай ёзади: Гафур Гулом «Хурматли устоз» ("Муҳтарам устод") номли мақоласида (1953) устозининг беназир хизматларини шундай таъкидлайди: Устоз Айний замонамиз адабиётини вужудга келтириш ва унинг ривожини қаҳрамонлик кўрсатди, муносиб асарлар ёзди ва улар ёш қаламкашлар учун мактаб вазифасини ўтади. Бу буюк инсоннинг яратган асарлари нафақат тожик адабиёти нодир намунаси, балки ўзбек адабиёти хазинасининг дурдонаси ҳисобланади".

Гафур Гулом бу мақоласида Садриддин Айний ижодиёти бебаҳо фазилатлари ҳақида шундай дейди:

– Устоз моҳир адиб ва шоир бўлиш билан бирга тожик адабиётшуноси ва тилшуноси сифатида ҳам маълуму машҳурдир. Фундаментал асарлари билан илмнинг ривожланишига ҳам муносаб ҳисса қўшди. Бугунги тожик ва ўзбек ёш адиблари устознинг маҳорат сирини, ҳаёт ва фаолиятини яхши ўрганишлари лозим ва унинг натижасида адабий-илмий асарлар яратишсин. Бу буюк инсоннинг оталик ва бебаҳо таълимидан ҳамда асарларидан бевосита ва билвосита баҳраманд бўлишсин...

– 30 йилда буён бу инсон билан таниш ва дўстман. Самарқанддалиқ давримда у кишидан кўп маслаҳатлар олардим, ижойий тавсиялар олардим. Тожикистон халқи бу улуг устозни жуда қадрлаганидек, биз ўзбеклар ҳам у кишини ҳурмат қиламиз, қадр қийматини қори кўтарамиз, унга нисбатан муҳру муҳаббатимиз доимо жўш уради. Аввалига Ўзбекистон Фанлар Академияси фахрий



аъзоси, Тожикистон Фанлар академияси Президенти этиб сайланиши унинг буюклигидан далолат беради...

– Шундай забардаст устоз билан асрдош, яқин дўст эканлигимдан доимо фахрланаман...


– Устоз қачон Тошкентга келганларида ўз уйидек бизнинг хогадонимизга ташриф буюрадилар. Мен ҳам Самарқандга ёки Душанбега борсам у кишининг хонадонига бораман ва маҳорат дарси оламан...

У икки тилда ижод қилиб, “Тожиқ адабиёти намуналари” номли асарида ўзбек халқи ва унинг фарзандлари тақдири воқеий баҳо берган. Алишер Навоий, Лутфий, Муҳаммад Солих, Акмал, Гулшаний, Нодира, Машраб ва бошқаларнинг ижодига юқори баҳо беради.

Шунингдек, устоз Айний 1940 йил Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини ўзбекча чоп этиб, унга муқаддима ёзади ва Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг адабиётни ривожлантиришдани ўрнини алоҳида таъкидлайди.

Икки халқнинг бошқа шоиру ёзувчилари ўртасидаги илмий ва адабий алоқалар борасида маълумотлар жуда кўп. Бу нуқтани академик Бобожон Ғафуров ҳам қайд этади: «Асрлар давомида тожиқ ва ўзбек адабиёти ўртасида ўзаро таъсир мавжуд эди. Натижада бу даврда тожиқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги урфу одатлар, маросимлар ва маданият синтези узоқ давом этган».

Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги факулда ва мухтор элчиси, Тожикистон илмлар миллий Академияси академиги Абдуҷаббор Раҳмонзода ҳам икки халқ ижодкорларининг дўстлиги ҳақида шундай дейди: “Бу муваффақиятларнинг асосий белгиси шакку шубҳасиз, тинчлигу бирлик ва дўстлик бўлиб, тожиқлар ва ўзбеклар бу олий сифатларни бошқаларга тарғиб қилишган, кўз қорачиғидай асрашган. Шунинг учун дўстлик, бир-бирин тушуниш тожиқлар ва ўзбекларнинг оламшумул адабиёти ва маданияти энг асосий мавзуларидан ҳи-




собланади. Дарвоқе, икки халқнинг дўстлиги қадимдан нафақат анъаналарда давом этган, балки адабиёт ва маданият ўзаро алоқаларида шараф топган”.

Тадқиқотчи Сахидод Раҳматуллозода эса адабиётла дўстлиги ҳақида шундай дейди: “Шарқ буюк реалистик мактаби ҳаммадан аввал Айний номи билан боғлиқдир. Бунга қазоқ ёзувчилари Мухтор Аvezов ва Собит Муқанов, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, озарбайжон ёзувчиси Маҳти Хусейн, ўзбек ёзувчиси Ғафур Ғулом, туркман ёзувчиси Берди Қўнонбоев ва бошқалар иқрор бўлишган. С.Айний ўзбек адабиёти асосчиларидан бири сифатида тан олинган. Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзига хос эҳтиром билан С.Айнийни ўз устози Мухтор Аvezов каби устозлари қаторида ҳисоблаган.

Устоз Садриддин Айнийнинг икки халқ адабиёти асосчиси ва маънавий устозига айланиши билан адиблар - Абулқосим Лоҳутий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мирзо Турсунзода, Раҳим Жалил, Абдулла Қаҳҳор, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода, Ҳамид Олимжон, Абдусалом Деҳотий, М.Раҳимий, Раҳмат Файзий, Ҳамид Ғулом, Мирсаид Миршакар, Аминжон Шуқуҳий, С. Жавҳаризода ва бошқаларнинг дўстлигу ҳамкорликлари ижодий хусусият касб этди.

Мана шундай самарали ҳамкорликларни устоз Садриддин Айнийнинг ўзбек ижодкорлари, жумладан, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойдин, Собир Абдулло, Мирмуҳсин, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Шароф Рашидов, Ойбек, Саид Аҳмад ва бошқалар билан бўлган адабий, илмий ва самимий муносабатларида мушоҳада этиш мумкин. Бу эса, икки адабиёт учун ҳам манфаатли бўлиб, тожик ва ўзбек халқлари тарихий алоқаларини кенгайтиради.

Мирзо Турсунзода ўз ижодий фаолиятининг аввалида Ғафур Ғулом ижодиётига бўлган мухлислигини алоҳида



қайд этиб ўтган. Бу мухлислик кейинчалик таниқли адибларнинг дўстлик ва ҳамкорлигига айланиб кетди.

Ғафур Ғулом томонидан Лоҳутийнинг "Эрон қизи", "Ватан қарзи" ҳамда "Кремл" достонининг икки марта икки вазнда ўзбек тилига таржима қилиниши Лоҳутий шахси ва тожик шоирига бўлган муҳаббат намунасидир.


Ғафур Ғулом тожик ва ўзбек халқларининг узоқ яқинлиги борасида шундай деган:

*- Аз қадим ҳарду қудову андаанд,
Он писар - тожик, арўсаи ўзбек аст.
Модар аз Помир, падар - фарғонагӣ
Ё худаиш ўзбек забонаш тожик аст".*

Тожикистон Республикаси Президенти, Миллий бирлик ва тинчлик асосчиси, миллат Пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи шарафига уюштирилган «Дўстлик оқшоми»да сўзлаган нутқи келтирилган сатрларга эътибор беринг: "Ҳақиқатдан ҳам, тожик ва ўзбек халқлари ҳамиша дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга интилиб келишган бўлиб, бу қадриятларга садоқатларини исботлашди.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муносабатлари юқорида айтилган фикримизнинг ёрқин мисолидир.


Устоз Айний айтганидек: «Жомий ва Навоий ўз даврининг асосий муаммоларига ёндашишда маслақдош бўлишиб, уларни ҳал этиш учун бир-бирлари ёрдамида курашишган, жамиятнинг етакчи кучларини ушбу курашда иштирок этишга ҳидоят қилишган. Бундай бирдамлик уларнинг адабий ва илмий ижодиёти, жамоатчилик фаолияти, жумладан, Навоийнинг сиёсий фаолиятига катта таъсир кўрсатган».



Ўз мамлакати ва халқини чин дилдан севувчи, унинг манфаатларини кўзловчи, ўз асрининг барча талаблари ва хусусиятларига мувофиқ келадиган иқтидорли давлат арбоби ва етук сиёсатчигина ўз миллатининг ҳақиқий Пешвоси бўла олади. Икки мамлакат Президентлари Эмомали Раҳмон ва Шавкат Мирзиёевлар ўзларининг худди ана шундай Миллат пешвоси, етук давлат арбоби ва сиёсатчи сифатида ўзларини намоён этдилар. Яъни, улуг адибларимиз тараннум этган дўстлигу бирлик давлат раҳбарларимиз сиёсий фаолиятларида ҳам этаётгани дилларга қувонч бағишлайди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Бобожон Ғафуров. Тожиклар (Тоҷикон). – Душанбе, 2022. 975 с.
2. «Халқ овози» газетаси. – Душанбе: 2018.
3. «Суғд ҳақиқати» газетаси. – Хужанд: 2018.
4. www.president.tj.
5. www.jumhuriyat.tj





Олимжон Абдуллоев,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент

ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИНИНГ ТОЖИКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ (Ўрта умумтаълим муассасалари, “Академик Б. Ғафуров номидаги ХДУ” ДТМ адабиётшунос ва тилшунос олимлар илмий тадқиқотлари мисолида)


Ўзбекистоннинг таниқли шоири, ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби Ғафур Ғуломнинг шеърляти ва насрида шоирнинг нақадар даражада билимдонлиги, ўз халқ тарихини жуда чуқур билганлиги ўзининг бадий ифодасини топган.

Турли жанрларда ижод қилган Ғафур Ғулом замонавий ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Шеърларида мумтоз шеърят анъаналаридан, шу жумладан, бадий санъатлардан, насрий асарларида халқ оғзаки ижоди жавоҳирларидан унумли фойдаланди.

Ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, яхшилик, эзгулик, биродарлик, дўстликни улуғлаган, эл-юртни юксак кўтаринкилик ва ҳалол меҳнат қилишга чорлаган Ғафур Ғулом халқни, оммани сафарбарликка даъват қилди. Келажакка катта умидлар билан қарашга ундади.

Тожиқ тилини яхши билган, форс-тожиқ мумтоз шеърлятини чуқур ўзлаштирган, ушбу шеърлятнинг кўплаб намуналарини ёдида сақлаган шоир кўплаб тожиқ шеърляти намуналарини ўзбек тилига таржима қилган.

Тожиқ адиллари, айниқса, Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Раҳим Жалил каби ижодкорлар билан яқин



дўст бўлган Гафур Ғулом ижоди Тожикистонда ҳам кенг ўрганилмоқда.


Биз ушбу мақоламизда шоир ижодининг Тожикистондаги таълим тизими ўзбек тилида бўлган ўрта умумтаълим муассасаларида, "Академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети" давлат таълим муассасасида ўрганилиши ҳамда Гафур Ғулом ижодининг адабиётшунос ва тилшунос олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этилишини ёритишни мақсад қилдик.

Донишманд ва файласуф шоир Гафур Ғулом ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда, хусусан, Тожикистонда ҳам кенг ўрганилмоқда.

Тожикистонда таълим тизими ўзбек тилида бўлган ўрта умумтаълим муассасаларида 6- синфда ва 11- синфда ўтиладиган "Адабиёт" фанларида Гафур Ғулом ижоди ўрганилади¹. Шоир ижодини ўрганиш учун 6- синфда 2 соат ажратилган бўлиб, унда Гафур Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси ўрганилади. 11- синфда эса Гафур Ғулом ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш учун 4 соат ажратилган бўлиб, шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг Иккинчи Жаҳон уруши давридаги ижоди, "Турксиб йўлларида" ва "Соғиниш" шеърлари, "Шум бола" қиссаси ўрганилади. Бошқа асарлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

"Академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети" давлат таълим муассасаси ўзбек филологияси факультети ўзбек адабиёти ва унинг таълими методикаси кафедраси тасарруфидаги "Ўзбек

¹ Ўзбек адабиёти (дарслик-мажмуа), 6-синф. – Душанбе, 2006, 85-86- бетлар. Ю.Шоназаров, Б.Мўминов, А.Эрмухамедов, О.Абдуллоев. Адабиёт. Тожикистон ўзбек ўрта умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун ўқув қўлланма. – Хўжанд, 2015, 140-153- бетлар. Б.Мўминов, Ю.Шоназаров, Э.Назаров. Адабиёт. Тожикистон ўрта умумтаълим муассасаларининг таълими ўзбек тилидаги 11-синфи учун дарслик. Тожикистон маориф ва илм вазирлиги коллегияси тасдиқлаган. – Душанбе: "Принт", 2019, 106-115- бетлар.



адабиёти тарихи (30-60- йиллар)" фанини ўтиш асносида Гафур Ғулум ҳаёти ва фаолияти "ўзбек тили ва адабиёти" ҳамда "тожик тили ва тожик адабиёти ва ўзбек тили ва ўзбек адабиёти" ихтисосликларида ўрганилади. Уларда Гафур Ғулум ҳаёти ва фаолияти, шоир лирикаси, унинг Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди, ҳикоянавислик ва қиссанавислик фаолияти ёритилар экан, кафедра ўқитувчилари томонидан Гафур Ғулумнинг бадиий маҳорати кўрсатиб берилди. Шу билан биргаликда, Гафур Ғулум ижоди турли курс ва диплом ишларида, ўзбек адабиёти ва унинг таълими методикаси кафедраси қошидаги "Ёш адабиётшунослар" ва ўзбек тили ва унинг таълими методикаси кафедраси қошидаги "Ёш тилшунослар" илмий-методик тўғаракларида таҳлил доирасига тортилади.

Ўзбек адабиёти ва унинг таълими методикаси кафедраси ҳамда ўзбек тили ва унинг методикаси кафедраси ўқитувчилари томонидан Гафур Ғулум ижодини ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Гафур Ғулум ижодига доир тадқиқот ишларини ўзбек адабиёти ва унинг таълими методикаси кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Абдусмад Эрмуҳамедовнинг турли йилларда нашр қилинган қатор мақолаларида, "XX аср ўзбек шеъриятида талмиҳ санъати" мавзусидаги номзодлик рисоласида ҳамда шу номдаги монографиясида кузатиш мумкин. Жумладан, ушбу адабиётшунос олимнинг "Анғанавийлик ва талмиҳ шакллари"¹ мақоласида Гафур Ғулумнинг талмиҳ санъатидан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикрлар билдириб ўтилган. Адабиётшунос олим А. Эрмуҳамедов тадқиқотига мансуб "XX аср ўзбек шеъриятида талмиҳ

¹ А.Эрмуҳамедов. Анғанавийлик ва талмиҳ шакллари / Ўзбек адабиётининг долзарб масалалари. – Хўжанд: Нури маърифат, 2000, 25- 32- бетлар.

санъати” монографиясида¹ Ғафур Ғуломнинг талмиҳ санъатидан фойдаланиш маҳорати ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилади:

“Замонавий шеърятда талмиҳ бўлмиш байт шоир ғоявий нияти, ижодий қарashi, олға сураётган фикрларига муҳим кенглик беради. У янгидан-янги анъаналарнинг туғилишига асос вазифасини ўтайди. Байтга талмиҳ боғлаш Ғафур Ғулом шеърятини алоҳида ўрин тутди. Чунки шоир мумтозлар шеърятини ижодий анъанавийлик жиҳатдан бот-бот мурожаат қилган. Воқеан, у ҳам мумтоз адабиётимизнинг билимдони эди. Бирор шеър йўқки, мумтоз адабиёт анъаналарига ишора қилиб ўтмас. Ҳофиз, Саъдий, Бедил, Фузулий ва Навоийларнинг байту тимсолларига татаббуъ ёки тазмин боғлаш Ғафурога фалсафий ва бағри кенг шеърятнинг руҳий парвози ва сеҳрли жозибасини ташкил қилади.


Ғафур Ғулом «Улуғ ҳинд халқига»² шеърини Ҳиндистон мустақиллигининг олти йиллигини қутлаб, миллий халқнинг башарият оламига берган буюк маданияти, чўнг тарихи, улуғ ва озод ўлкалиги ҳақида гапиради-да, ҳинд қизининг ташқи қиёфасига чизгилар беради. Ғафур Ғулом ҳинд гўзалининг манглайидаги хос холини янада нафосатлироқ ифодалашга бетакрор ташбиҳ қидиради. Уни шоир Фурқатдан топади:

*Кўзларнинг қувончи, Фурқат айтгандай,
Ҳинду қизларининг манглайида хол.³*

¹ А.Эрмухамедов. XX аср ўзбек шеърятини талмиҳ санъати (монография). – Хўжанд: Нури маърифат, 2022, 134 б.

² Ғафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). Тошкент: Фан, 1984, 75- бет.

³ Ғафур Ғулом. МАТ, 12 томлик, 3-том. Шеърлар (1954-1966). – Тошкент: Фан, 1984, 76- бет.



Фурқатнинг байтига ишора Ғафур Ғулом поэтик нафис тасвирини тўлдирди. Бунда талмиҳ ажойиб тасвирга янада ўзгача кўрк бағишлаган. Мана ўша байт:

*Қоши узра холининг асроридан бир нуқтадур,
Сураи Нун ўқудим пайваста ҳар тафсирда.¹*

Ғафур Ғуломнинг ҳинд қизи холи назмий чизгисига Фурқатдан қилинган ишора талмиҳи лирик қаҳрамон суратининг фусункор тасвирини кучайтирган. Натижада Ғафур Ғулом тасвирнинг романтик бўёқдорлигини тубдан бойитган. Ҳинд қизи қоши ва холи одатдаги тасвирдек, фусункоргина эмас. У изоҳланадиган, шарҳланадиган «тафсир». Хол ўзи бир нуқта каби, аммо сирли нуқта. Сирлилиги шундаки, ҳинд қизининг қоши ва холи биргаликда нун (ن)ни ўқишга муяссар қилади. Пайваста икки нун ўқилади. Сирнинг сирлиги шундаки, ҳар икки нунга бир нуқта. Бу етмагандек, уни тафсирлаш ҳам керак. Қанчалик тафсирламанг бир нуқтада икки пайваста нунни ўқийсиз. Ҳар икки нун ҳинд қизи қоши, икки нунга бир нуқта эса унинг холидир. Фурқатона талмиҳ Ғафур Ғуломнинг ҳинд қизи холи тасвир чизгиларининг сеҳрли поэтик бўёқдорлигини тўлдирган, хол асрорини орттирган»²

Адабиётшунос олим Абдусамад Эрмуҳамедов Ғафур Ғулом тўғрисида юқоридаги фикрларни айтар экан, шоир анъанаси янги авлод шоирлари, хусусан, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодида янада сайқал топганлигини айтади ва ўз фикрларини шоирларнинг шеърлари воситасида исботлайди.

¹ Фурқат. ТА, 2 томлик, 1-том. – Тошкент: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960, 25- бет.

² Эрмуҳамедов А. XX аср ўзбек шеърлятида талмиҳ санъати. – Хўжанд: Нури маърифат, 24-25- бетлар.

Шунингдек, *"Давр руҳи ва талмиҳ"*¹ мақоласида ҳам Гафур Ғулумнинг *"Сув ва Нур"* балладасида Фарҳод ва Ширин саргузаштлари билан боғлиқ воқеалар ёритилиб, шоирнинг талмиҳ санъатидан фойдаланиш маҳорати кўрсатилган.

"XX аср ўзбек шеърлятида талмиҳ санъати" монографиясининг "Тарих ҳақиқати ва янги талмиҳ"² фаслида Гафур Ғулум томонидан қўлланган муборак тарихий номларга диққатни қаратади³ ҳамда монографиянинг "Хулоса" қисмида *"Мумтоз талмиҳлар мисолида Гафур Ғулум янги давр одамларининг меҳнатда яратувчанлик жасорат ва матонати, ижодий куч-қудратларини, замона кишиларининг янгича муносабатлари, севги вафода янгича садоқатларини улуғлади"*⁴ дея фикр билдиради.

Ўзбек тили ва унинг таълими методикаси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Баҳромжон Жабборовнинг илмий тадқиқотларида ҳам Гафур Ғулум ижодининг тил нуқтаи назаридан ўрганилишини кузатиш мумкин. Ушбу тилшунос олимнинг *"Бадий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар"*⁵ мавзусидаги мақоласи Ғ.Ғулумнинг *"Менинг ўғригина болам"* ҳикояси мисолида ёзилган. Баҳромжон Жабборов мақоласида мавзунинг ёритиш учун келтирилган қуйидаги фикрларни учратиш мумкин: *"Қуйида ўзбек адабиётининг ўтган асрдаги йирик намояндаси Гафур Ғулум қаламига*


¹ Эрмуҳамедов А. Давр руҳи ва талмиҳ / Ёш олимларнинг илмий конференцияси материаллари. – Хўжанд, 2002. – С. 330-331.

² Эрмуҳамедов А. XX аср ўзбек шеърлятида талмиҳ санъати. – Хўжанд: Нури маърифат, 78- бет.

³ Эрмуҳамедов А. XX аср ўзбек шеърлятида талмиҳ санъати. 79- 80- бетлар.

⁴ Эрмуҳамедов А. XX аср ўзбек шеърлятида талмиҳ санъати. – Хўжанд: Нури маърифат, 120- бет.

⁵ Жабборов Б. Бадий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар (Ғ.Ғулумнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси мисолида) / Материалы международной научно-практической конференции "Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари", Наманган ДУ, 21.05.2021. – Тошкент: Тамаддун, 2022, 225- 230- бетлар.



мансуб "Менинг ўғригина болам" ҳикоясидан кетма-кет келтирилган айрим парчалар асосида уларнинг ўзаро лисоний ва мантиқий жиҳатдан боғланиши, ана шу боғланишни ташкил этган бирликлар хусусида фикр юритмоқчимиз.

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам – онамнинг оналари Роқиябиби келиб турадилар. Бу кишини биз эркалаб "қора буви" деб атаймиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Келтирилган парча икки абзацдан, яъни икки яхлит мураккаб жумладан иборат бўлиб, биринчи яхлит мураккаб жумла 4 та грамматик жиҳатдан шаклланган синтактик бутунликдан, яъни гапдан иборат. Иккинчи абзац – иккинчи яхлит мураккаб жумла эса битта грамматик жиҳатдан шаклланган синтактик бутунликдан – гапдан иборатдир."¹ Ушбу фикрдан сўнг мавзу Гафур Гулом ижодидан келтирилган матн асосида изчиллик билан ёритиб борилади ва ёзувчи маҳорати тўғрисида хулоса чиқарилади: "Хуллас, бадиий матннинг яхлитлигини таъминловчи мантиқий ва лисоний бирликлар муҳим аҳамиятли бўлиб, матннинг мазмуни ва моҳиятини, шунингдек, унинг шаклини рўёбга чиқарувчи асосий бирликлар бўлиб хизмат қилади. Албатта, бадиий матннинг ушбу талабларини бажариш ёзувчи маҳоратига боғлиқдир. Биз кўриб ўтган XX аср ўзбек адабиёти йирик вакили Гафур Гулом қаламига мансуб бўлган "Менинг


¹ Жабборов Б. Бадиий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар (Ғ.Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси мисолида) / Материалы международной научно-практической конференции "Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари", Наманган ДУ, 21.05.2021. – Тошкент: Тамаддун, 2022, 225- 230- бетлар.

ўғригина болам” ҳикоясининг дастлабки абзацлари – яхлит мураккаб жумлаларнинг ўзаро грамматик ва мантиқий жиҳатдан тўла шаклланганлиги, узлуксизлиги ва лисоний воситаларнинг ўрни билан моҳирона қўлланганлиги ёзувчининг катта маҳорат эгаси эканлигини тўла ибботлайди.¹

Баҳромжон Жабборов томонидан айнан шу кафедранинг яна бир ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Абдуназар Раҳмонқулов билан ҳамсуаллифликда ёзилган “Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалар матннинг социал-лингвистик аҳамиятини белгиловчи воситалар сифатида”² мавзусидаги илмий мақоласида ҳам ХХ аср ўзбек адабиёти йирик вакили Гафур Ғулом қаламига мансуб бўлган “Менинг ўғригина болам” ҳикояси асос қилиб олинган. Мақолада моҳир ҳикоянавис ва қиссанавис Гафур Ғуломнинг ушбу ҳикоясида асар қаҳрамонлари нутқларида ишлатилган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалар таҳлил доирасига тортилиб, ёзувчи Гафур Ғуломнинг матнда халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалардан фойдаланиш маҳорати ёритиб берилган ва қуйидагича хулоса чиқарилган: “Хуллас, буюк ёзувчи Гафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси матнида қўлланилган мақол ва иборалар ҳикоянинг социал-лингвистик хусусиятларини ифодалашда етакчи воситалар сифатида хизмат қилган. Умуман олганда, ёш авлодни миллий қадриятлар ва маданият, халқнинг асрлар давомида шаклланган

¹ Жабборов Б. Бадиий матн яхлитлигини таъминловчи лисоний бирликлар (Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси мисолида) / Материалы международной научно-практической конференции “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари”, Наманган ДУ, 21.05.2021. – Тошкент: Тамаддун, 2022, 225- 230- бетлар.

² Жабборов Б., Раҳмонқулов А. “Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалар матннинг социал-лингвистик аҳамиятини белгиловчи воситалар сифатида” (“Ғ.Ғуломнинг менинг ўғригина болам” ҳикояси мисолида) / Филологиянинг умумназарий масалалари (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари). –Жиззах, 2021, 49-52- бетлар.



маънавияти асосида тарбиялаш ишида мақоллардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади".¹

Бундан ташқари, тилшунос олим филология фанлари, дотсент Б. Жабборов томонидан ёзилган "Матн қисмларининг боғланишида тил бирликларининг ўрни"² ва "Матннинг социал-лингвистик аўамиятини белгиловчи айрим воситалар ҳақида" (Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси мисолида)³ мақолаларида ҳам Ғафур Ғулом ижоди тадқиқ этилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёш авлодни миллий қадриятлар ва маданият, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавияти асосида тарбиялашга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган маҳоратли академик шоир Ғафур Ғулом ижоди турли хил бадий санъатларга бойлиги ҳамда ушбу забардаст шоирнинг халқ оғзаки ижодини яхши билганлиги ва улардан ўз асарларида ўз ўрнида унумли фойдалана олганлиги боис халқимиз юрагидан жой олган. Унинг ижоди Тожикистондаги таълим тизими ўзбек тилида бўлган ўрта умумтаълим муассасалари ва олий таълим муассасаларида ўрганилмоқда. Шу билан бир қаторда, шоир ижоди тожикистонлик адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг диққат марказидан жой олиб, тадқиқот предмети бўлиб келмоқда.


¹ Жабборов Б., Раҳмонқулов А. Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалар матннинг социал-лингвистик аҳамиятини белгиловчи воситалар сифатида (Ғ.Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси мисолида) / Филологиянинг умумназарий масалалари (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари). –Жиззах, 2021, 49-52- бетлар.

² Жабборов Б. Матн қисмларининг боғланишида тил бирликларининг ўрни / Материалы международного научно-практической конференции «Ғафур Ғулом: Шарқдан келаётирман» ("Иду с Востока"). – Ташкент, 21.05.2021.

³ Жабборов Б. "Матннинг социал-лингвистик аҳамиятини белгиловчи айрим воситалар ҳақида" (Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикояси мисолида) / "Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари", 30-китоб, (доцент А.Эрмухамедовнинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган конференция материаллари). – Хўжанд: Нури маърифат, 2022, 38-42- бетлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Б.Мўминов, Ю.Шоназаров, Э.Назаров. Адабиёт. Тожикистон ўрта умумтаълим муассасаларининг таълими ўзбек тилидаги 11-синфи учун дарслик. Тожикистон маориф ва илм вазирлиги коллегияси тасдиқлаган. – Душанбе: “Принт”, 2019, 226 бет.
2. Материалы международной научно-практической конференции «Гафур Ғулом: Шарқдан келаётирман» (“Иду с Востока”). –Ташкент, 21.05.2021.
3. Филологиянинг умумназарий масалалари (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари). –Жиззах, 2021, 1065 бет.
4. Эрмухамедов А. XX аср ўзбек шеъриясида талмиҳ санъати (монография). – Хўжанд: Нури маърифат, 2022, 134 б.
5. Ю.Шоназаров, Б.Мўминов, А.Эрмухамедов, О.Абдуллоев. Адабиёт. Тожикистон ўзбек ўрта умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун ўқув қўлланма. – Хўжанд, 2015, 314 б.
6. Ўзбек адабиёти (дарслик-мажмуа), 6-синф. – Душанбе, 2006.
7. Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. 30-китоб, (доцент А.Эрмухамедовнинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган конференция материаллари). – Хўжанд: Нури маърифат, 2022, 106 бет.
8. Ўзбек филологиясида матншунослик ва манба-шунослик муаммолари (материалы международной научно-практической конференции) Наманган ДУ, 21.05.2021. –Тошкент: Тамаддун, 2022.
9. Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари, 30-китоб, (доцент А.Эрмухамедовнинг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган конференция материаллари). – Хўжанд: Нури маърифат, 2022, 106 бет.






Обитжон КАРИМОВ,
Наманган давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

ҒАФУР ҒУЛОМ – УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ АСОСЧИСИ

Мамлакатимизда бу йил халқимизнинг ардоқли ва атоқли ижодкори, Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шунингдек, 2023 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилганига 80 йил тўлади. Шоирнинг 40 ёшида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси илмий даражасига лойиқ топилгани ҳам мақтовга сазовардир. Бу фикрларимиз ардоқли адиб ижодини янада чуқур ўрганишга чорлайди.

Чиндан ҳам, XX аср ўзбек адабиёти кўплаб ижодкорларни етиштирди. Шулар қаторида сеvimли адиб ва шоиримиз, академик Ғафур Ғулом ўзига хос ўрин эгаллайди. Устоз-шогирд мактаби асосчиси Ғафур Ғулом олтмиш йиллик умрининг қирқ йилдан кўпроқ вақтини адабиётимиз ва санъатимиз тараққиётига бағишлади. Ижодкор томонидан яратилган лирик ҳамда эпик асарлар миллий адабиётимиз доvруғини юксакларга кўтарди. Жаҳон адабиёти нодир дурдоналарини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилгани ҳам ижодкор номини катта аудиторияга машҳур қилди. Шу маънода машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор: *“Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини меҳр-муҳаббат билан ўстирган, уни кўп миллатли адабиёт майдонига олиб чиққан ёзувчиларимиздан биридир”*¹, - деганида мутлақо ҳақ эди.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент. 2003.



Ғафур Ғулом "... ижодини, фаолиятини ўз даврига сидқидилдан, самимият билан бағишлади" (Зулфия), ўша даврда адабиётга кириб келаётган кўплаб ижодкорларга устозлик қилди, уларнинг "бошини силади". Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шоира Зулфия Исроилова, Шароф Рашидов, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, шунингдек, Абдулқосим Лохутий, Мирзо Турсунзода, Николай Тихонов, Расул Ҳамзатов каби маълум ва машҳур ижодкорлар ҳам Ғафур Ғулом ҳақида, ижоди ҳақида фахрланиб гапиришган, устоз дея эътироф этишган¹.


Ўзбекистон халқ шоири Зулфия "Элнинг ўктам куйчиси эди" мақоласида куйидагиларни ёзади: "Шоир Ғафур Ғулом ўз навбатида:

*Сиз агар самони қучмоқ бўлсангиз,
Мен нечук елкамни тугиб бермайин? —*

дсб улуғ ният қилганда ёшлар орасидан саф-саф бўлиб иқтидорли, зукко, мулло, бири бирига ўхшамайдиган шоирлар етишиб чиқдилар. Улар бизнинг елкаларимиздан ўтиб, поғонама-ноғона юксалиб бораётганларидан ифтихор қиламан.

Бугунги кунни, инсон руҳиятини, эрку озодлик қадрини чуқур ҳис этиб ёзган шеърларига ҳавасим келади Яна... айна кунлар тарихимизниинг энг ёрқин саҳифалари, таърифга сиғмас онлари эканлигини ўйларканмай, қалбимизда, Ватанмиз осмонида, мустақиллик кенгликларида бир соғинч ҳис қиламан, бу — айна шу масъуд онларда иқтидорли шоирларнинг шеърятга, жўровозликка етишмаётган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзодаларшиг мағрур овозлари

¹ Бу ҳақда қаранг: Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент. 2003.



эмасми? Ҳар қалай, мен шундай фикрдаман"¹. Бу фикрларда заррача муболаға йўқ. Шоир атрофини қуршаётган шогирдлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда эди...

"Адабиётда устозу шогирдликниинг мантиғи шуки, биров бировга қандай ижод қилишни ўргатмайди. Ғафур ака ўз даврининг жуда кўп ёшларига маънавий ҳомий эдилар. Шоирнинг ҳар бир талаби, ўгити, меҳрибонлиги қадим-қадимдан анъана бўлиб келган устозу шогирдлик мактаби сабоқларининг давоми экан"².

Биз Ойбек, Ҳамид Олимжон каби шоирлар билан бирга Ғафур Ғуломнинг шеърларини ўқиб, ёдлаб катта бўлган авлодмиз. Бизгача ҳам шундай авлодлар бўлган, ишончим комилки, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бунга шоирнинг тез ёд бўладиган, халқчил шеърлари сабаб деб ўйлайман. "Сен етим эмассан", "Вақт", "Соғиниш", "Кузатиш", "Олтин медаль", "Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим...", "Сени Ватан кутади" каби шоир ижодининг қалбига айланган инсонпарварлик мавзусидаги ҳароратли шеърлари фикрларимиз тасдиғи бўла олади. Ғафур Ғулом она юртига, у ерларда бўлаётган ўзгаришларга, жонажон халқига бефарқ эмаслигини яна кўплаб шеърларини мутолаа қилиш жараёнида, таҳлилда пайқаймиз. Шоир қаерга бормасин, ўша юрт шаънига, меҳнаткаш халқига ашъорлар битади. Бундан ташқари, тарихий саналарга ҳам кўплаб шеър ва дostonлар ёзган. Шу маънода Ғафур Ғуломни календар шоир десак ҳам янглишмаган бўламиз.

Шоирнинг Наманган шаҳри ва сахийқалб инсонларига меҳри бўлакча. "Наманган учун" номли шеърига эътибор қаратайлик:

*Наманган деганда ҳар қари-ёшнинг
Лабидан бол томар, тиллари ширин.*

¹ Зулфия. Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент. 2003.

² Зулфия. Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент. 2003.

*Азалдан файзи бор бунда қуёшнинг,
Юзларда қон-қаймоқ ранги яширин.*

*Сихат тилаганлар бу ерга келур,
Ошиқлар мот қолган ишвалар бунда.
Бу ерда ипорнинг қадри тўкилур,
Эрка бир ҳаловат кезади танда¹.*

Ғафур Ғулом шеърда водий гавҳари дея таъриф ва тавсиф этилган

Наманган шахрини, гўзал қишлоқлари ва содда табиат, ширинсўз кишиларини мадҳ этади. Шеър ёзилганига 70 йилдан ўтган бўлса ҳам, ҳамон ўзининг жозибасини, тароватини йўқотмай келаётгани ҳам киши диққатини тортади:


*Ажойиб замона, бахтиёр инсон,
Шарафли меҳнатда яшнаган Ватан.
Сидирға ёқутдан тизилган маржон
Йурик дурдонаси бўлган Наманган².*

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилганда Ғафур Ғулом биринчилардан бўлиб академик этиб сайланади. Ҳукуматнинг бу ҳақдаги қарори “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Ғафур Ғулом “Навой ва бизнинг давр” (1948), “Фарҳод ва Ширин” достонининг ҳозирги замон тилидаги насрий баёни (1940), “Фольклордан ўрганайлик” (1939) тадқиқотларини, “Жалолиддин драмаси ҳақида” (1945), “Муқимий” (1941), “Фурқат” рисоаларини ёзган. Ғафур

¹ Ғафур Ғулом. Шеърлар. Назм. Нашрга тайёрловчи Мирпўлат Аъзам. Тошкент. 2016. 85-бет.


² Юқоридаги китоб, 87-бет.



Гулом Муқимий асарларини биринчи бор нашрга тайёрлаб кенг жамоатчиликка тақдим этган. Бу шоирнинг олимлик йўлидаги хизматларидир. Кўплаб олимларни тайёрлашда ҳам Гафур Гуломнинг хизматлари катта десак арзийди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Салоҳиддин Мамажонов, машҳур адабиётшунос олимлар Азизхон Қаюмов, Асқар Зуннунов, Нуриддин Шукуровларнинг илм йўлига кириб келишларидаги илк устозлари ҳам Гафур Гуломдир.

Салоҳиддин Мамажонов академик Гафур Гулом илмий раҳбарлигида "30-йиллар поэзиясида меҳнат темаси" мавзусида илмий изланишлар олиб бориб, 1958 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Олим устози Гафур Гулом ижодига боғлиқ "Шоир ва замонавийлик", "Гафур Гулом прозаси", "Гафур Гуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати", "Услуб жилолари" номли рисоалар ва талайгина илмий мақолалар ёзган бўлса, академик Наим Каримов "Гафур Гулом поэзияси" (2003), академик Бахтиёр Назаров "Гафур Гулом олами", олим Адҳам Акбаров "Гафур Гулом" илмий рисоаларни яратишган.

Йирик адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов "Услуб жилолари" китобида устоз асарларини таҳлил қила туриб қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: *"Гафур Гулом прозаси учун ўткир сюжетлилик, қизиқарлилик хосдир: у романтик кўтаринки бўлишига қарамай айни чоқда чуқур реалистикдир. "Ёдгор", "Тирилган мурда" ... каби повестларида ва тугалланмаган романи "Шум бола"да ажойиб, доно ҳикоячи намоян бўлади. "Шум бола"да Гафурнинг ўз образини, болалик шўхликларини, саргузаштлари ва саргардонлигини англаш мумкин. У ўз бошидан кечирган нарсаларнинг ҳаммасини қизиқарли қисса шаклига солди, қайсики, унда ҳақиқатга ўхшаган*



бадий тўқималар кўп ва ҳаётнинг чин ҳақиқати жўш уриб турибди. Моҳият жиҳатидан чуқур миллий руҳдаги бу асар Марк Твеннинг "Том Сойернинг саргузаштлари", Диккенснинг романларига яқиндир"¹.

Академик Бахтиёр Назаровнинг "Ғафур Ғулом олами" рисоласида ижодкор ҳаёти ва ижодий меросига умумбашарий мезонлар асосида илмий-назарий муносабат билдириб ўтилган. Бу фикрлар шоир ва носир поэтик олами асосларини белгилашни ҳам назарда тутгани характерлидир.

Ғафур Ғулом асарларини мутолаа қилар эканмиз, инсонпарварлик яхлит ижодий меросига, жумладан насрига хос хусусият эканини англаймиз.

Ғафур Ғулом шеърлари қатига, академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек,

*"...реалликдан ташқари, орзу ва идеал ҳам сингишиб кетган"*².

¹ Мамажонов Салоҳиддин. Услуб жилolari. Тошкент. 1972, 105-бет.

² Бахтиёр Назаров. Ғафур Ғулом олами. Тошкент, 2003, 16-бет.





Дилдархан Хашимова,
доктор педагогических наук, профессор ТГЮУ


ТВОРЧЕСТВО ГАФУРА ГУЛЯМА — ПОЭТИЧЕСКАЯ ЛЕТОПИСЬ УЗБЕКИСТАНА

Как пишет знаменитый литератор Салахитдин Мамаджанов в своей книге «Поэт и современность»: «Было бы несправедливо сказать, что о народном поэте Узбекистана Гафуре Гуляме написано мало. Творчество Гафура Гуляма – это поистине поэтическая летопись Узбекистана. Все важные события в жизни народа нашли отзвук в сердце поэта и свое художественное отражение в его творчестве. Активное отношение к жизни, стремление преобразовать ее на новых началах, коммунистическая партийность, которая пронизывает его поэзию, – все это делает стихи поэта особенно близкими народу».

Начав свой творческий путь еще в годы формирования и становления литературы, Гафур Гулям сразу же определил свой собственный путь, свою политическую платформу. Он стал вдохновенным певцом новой жизни и в своей публицистике, и в своих художественных произведениях.

Для узбекских писателей старшего поколения вопрос «В чем суть творчества?» был далеко не праздным. Не случайно первое стихотворение Гафура Гуляма называлось «В чем красота?». Поэт утверждал в нем красоту самой жизни, деятельной борьбы и труда. Самое прекрасное в мире – это труд и деяния народа, и он стремился как можно полнее воссоздать то, чем была насыщена атмосфера современности.

Связь поэта с реальной действительностью, стремление откликнуться на важнейшие события времени, обращение не к узкому кругу ценителей поэзии, а к самым широким



народным массам отнюдь не приводили к «упрощению» его творчества. Наоборот. Эта теснейшая связь с современностью определила весь строй его поэзии, его смелое художественное новаторство.


Гафур Гулям ломает веками устоявшиеся каноны, вводит новые жанры, новые формы стиха, в том числе свободный стих Маяковского. «Диапазон вдохновения» необычайно расширяется, вбирая в себя сложные вопросы современности, жизни и борьбы народа.

Стремясь осмыслить грандиозные перемены в жизни и в психологии людей, Гафур Гулям обращается также к глубокой философской лирике, к произведениям, посвященным прошлому, однако и эти темы освещаются, «просветляются» острым чувством современности, ясным пониманием перспектив исторического развития. Однако хотелось бы, чтобы процесс превращения замысла в образ был прослежен более обстоятельно, с привлечением рукописей, черновиков. Материал этот был бы весьма интересен и полезен для молодых поэтов, которые многому могут научиться у такого взыскательного художника слова, каким является Гафур Гулям.

Стихотворения Гафура Гуляма переведены на многие языки мира, в том числе и на русский. Например, стихотворения «Мать», «Сентябрь», «Авторучка», «Гранат», «Снег», «Аму-Дарья» были переведены таким замечательным переводчиком, как С. Северцев. Переводы стихотворений

«Ташкент», «Осенние работы садовода» и др. принадлежат В. Державину, а такие стихотворения, как «Очень разными были годы...», «Снова девушки где-то запели...», «Эти песни не хотят на пенсию...», «Хурджун» были выполнены А.Наумовым.

Приведем некоторые образцы прекрасных переводов стихотворений талантливого поэта в исполнении русских переводчиков:




Гафур Гулям «Разум и перо».

Перо, пустой чурайся фразы,
Не отставай и не спеши!
Ты подчиняешься приказам
Народной доблестной души.
Геракл, окованный цепями, -
Таков был разум в путях тьмы,
Но ярко запылал над нами
Свет, озаряющий умы.
Ты наделён чудесной властью,
Поэт, петь вольным языком.
Воспой же нам дорогу к счастью —
Советский мудрый наш закон.
Когда с народом связь ослабла,
Забудь о песнях и молчи,
Ищи в цветах полей и яблонь
От вдохновения ключи!
Не торопись, перо стальное,
Ты у народа в толмачах.
Я вижу небо над страную
В горячих ленинских лучах.
Когда от жизни изобильной
Я хищной смертью буду взят,
Пусть над моей плитой могильной
Перо, как знамя, водрузят.

Перевод С. Северцева.

Гафур Гулям «Мавджуда»


Ещё в твоей памяти горечь бывшего жива:
Четыре сиротки и мать, молодая вдова,
Вы жили в труде, но на корку хватало едва,
Тебя вековая томила нужда, Мавджуда.
Вращался весь мир наподобие веретена:
Голодные дни и унылые ночи без сна.



Судьба, точно пряжа, была и скудна и темна,
Как нити, мечты обрывались всегда, Мавджуда.
Челнок по основе летал, и худая рука
Соседа была, как челнок, и суха и легка.
Бывало, следишь за работой ткача-старика –
И медленно тянется дней череда, Мавджуда.
Ты ловкой рукою в движенье приводишь станки,
Задорно сверкают в глазах у тебя огоньки;
Струится, как плавные волны свободной реки,
Поток твоего молодого труда, Мавджуда.
Ткачиха искусна, красива, проворна, ловка,
Подруги её разодеты в цветные шелка,
И песня о счастье звучит, широка, глубока,
Наполнены ею сады, города, Мавджуда.
Прядёшь ты надёжную нить небывалой длины,
Но более прочною нитью сердца скреплены.
Ты – славная дочь трудовой обновлённой страны,
Республика наша, как ты молода, Мавджуда!

Перевод В. Потаповой

Взгляните на портрет поэта. Его выразительное лицо, добрые морщинки вокруг простодушных и мудрых глаз, улыбочивый рот и всегда лукаво приподнятые брови — это лицо располагает к себе с первого взгляда. «Одною дорогой с народом я шёл и правду великую встретил!» — сказал о себе Гафур Гулям. Родившийся на заре нашего столетия, рано осиротевший, с детства хлебнувший горя и унижений, он с первых дней сразу осознал своё место в борьбе за новую жизнь. Шестнадцатилетним юношей, окончив курсы, он стал народным учителем, потом перешёл работать в газету. Это были бурные годы. Молодой писатель был всё время на передовой — почти ежедневно появлялись на страницах газет его острые фельетоны, статьи, очерки, сатирические новеллы. Но главным его оружием с самого начала стала поэзия.



Гафура Гуляма называют «узбекским Маяковским». Ещё в начале 20-х годов зазвучал громкий, смелый, задорный голос поэта. Этот голос призывал смелее шагать по новому пути, развевал флаги над новостройками. А звучные, призывные ритмы этих стихов, подобно острым лемехам, по-новому вспыхивали сухие, слежавшиеся пласты старой восточной поэтики. Гафур Гулям стал поистине «агитатором, горланом, главарём» новой узбекской поэзии. Да и строки самого Маяковского — его поэма «Во весь голос» — впервые прозвучали на узбекском языке в переводе Гафура Гуляма.

Мы с уверенностью можем сказать, что творчество Гафура Гуляма — это поэтическая летопись Узбекистана. В его стихах и поэмах «На путях Турксиба», «Юлдош», «Кукан-батрак», «Аму-Дарья», «Гранат», «Пирамиды», «Тагдузи», «Ты не сирота» и других отразились все важнейшие события, все труды, тревоги и радости, все перемены, произошедшие в жизни узбекского народа.

Гафур Гулям — автор нескольких десятков поэтических сборников, а также многих рассказов по истории узбекской литературы.

До преклонных лет Гафур Гулям оставался поэтом-трибуном, любимцем молодёжи, пламенным лириком. «Наш Гафур-ака» — так с ласковой гордостью называл и ещё долго будет называть народ своего любимого поэта. Глубок и светел след, оставленный его жизнью и трудом. Велик его вклад в поэзию Узбекистана.






Gulnora Gulyamova,
TDYU, filologiya fanlari nomzodi, v.b. professor

G'AFUR G'ULOM – SERQIRRA IJOD SOHIBI

Muhtaram Prezident Shavkat Mirziyoev tashabbusi bilan Toshkentning xushmanzara maskanlaridan biri – O'zbekiston Milliy bog'i hududida Adiblar xiyobonining yaxlit me'moriy ansambli yaratildi. Vatanimizning el sevgan mashhur namoyandalar xotirasiga bag'ishlangan yangi yodgorlik majmuasi barpo etildi. Bobokalonimiz Hazrat Nizomiddin Mir Alisher Navoiy haykali atrofida 20 dan ziyod atoqli shoir va adiblarning haykallari joy oldi. Bu yerda Zulfiya, Hamid Olimjon, Oybek, Said Ahmad, Saida Zunnunova, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov va boshqa atoqli yurtdoshlarimizning badiiy kompozitsiyasi yaratilgan. Ular orasida O'zbekiston xalq shoiri, akademik, adabiyotimiz gulshanida o'zining munosib o'rnini topgan G'afur G'ulom siymosini ham ko'ramiz.

O'ziga xos iste'dod sohibi, milliy madaniyatimiz, adabiyotining ravnaqiga o'zining ulkan hissasini qo'shgan serqirra adib, O'zbekiston xalq shoiri, O'zbekiston Fanlar akademiyasining haqiqiy akademigi G'afur G'ulom qoldirgan meros ilmiy, badiiy, ijodiy jihatdan katta ahamiyatga ega.


Adibning ijodi rang-barang. U o'zining shiddatli ijodida davomida yetuk adib bo'lib shakllandi. Ko'plab she'rlar, qo'shiq va dostonlar, qasidayu hikoyalar, qissalar G'afur G'ulomning qalamiga mansub. Adibning ham she'riyati, ham nasri umuminsoniy g'oya va qarashlar bilan yo'g'rilgan. «Netay», «Yodgor», «Tirilgan murda» qissalari o'zbek adabiyotining mulkiga aylangan. Masalan, uning bir necha marta nashr qilingan «Shum bola» qissasi o'tkir hajviy asar bo'lib, real voqealar va yoshidan qat'i nazar, insonlar taqdiriga



bag'ishlanadi. Asar yozuvchining bolaligi, o'z hayoti bilan bog'liq epizod va faktlarni qamrab olgan. G'afur G'ulom murg'ak bolacha hayoti, kechinmalari, dunyoqarashi orqali jamiyatdagi qabohatli muhitni haqqoniy tasvirlaydi. Adibning ko'plab asarlari bolalar mavzusiga bag'ishlangan. "Ikki bolalik", "Bilaman", "Seni Vatan kutmoqda" kabi she'rlar shular jumlasidandir.

G'afur G'ulom tinchlik, do'stlik, vatanparvarlik mavzusida ajoyib asarlar yozib, to'plam yaratgan. "Dunyo minbaridan", "Yashasin, tinchlik!", "Bu — sening imzoing" kabi o'lmas she'rlari to'plamdan joy olgan. Adibning ijodida urush mavzusi ham alohida o'rin tutadi. Shoir har qanday urushni qoralaydi va bundan faqat insonlar aziyat chekishini asarlarida bot-bot ta'kidlaydi. Urush yillarida G'ofur G'ulom "G'alabachilar qo'shig'i", "Vaqt", "Xotin", "Vaqt", "Kuzatish", "Ayol", "Seni kutyapman, o'g'lim!", "Bizning ko'chada ham bayram bo'lajak" kabi she'rlar yozdi. Ayniqsa, o'zbek xalqining bolajonligi, millatidan qat'i nazar bolalarga bo'lgan muhabbati adibning ajoyib "Sen yetim emassan" she'rida yaqqol tasvirlangan. Mazkur she'r asosida badiiy fil'm ham yaratilgan.


"Yodgor" qissasida adib begonaning farzandini o'z qaramog'iga olib, uni tarbiya qilayotgan oddiy inson orqali milliy mentalitetimizga xos xislatlarni ifodalagan. O'zbeklarning ana shu milliy xususiyati haqida Rossiyaning mashhur insonlari ham qayta-qayta ta'kidlaydi. Jumladan, taniqli rus aktyori Yuriy Stoyanovning onasi urush paytlarida Toshkentga evakuatsiya qilingan va qizaloq oddiy o'qituvchi oilasida qo'nim topgan ekan. Oilada 7 nafar farzand bo'lishiga qaramay, rus qizini o'zbek oilasi o'z farzandlari safiga qo'shgan, oq yuvib, oq taragan, mehr bergan. "Ajablanmang! Men Odessada tug'ilganman, butun umrimni Moskva va Sankt-Peterburgda o'tkazganman, lekin aynan O'zbekiston haqida gapiraman, chunki shu yurt sharofati bilan, men Odessada tug'ildim va umrimning ko'p qismini Moskva va Sankt-Peterburgda



oʻtkazyapman. Oʻzbeklar buyuk, dono va oʻta kamtar xalq”, – degan Y.Stoyanov oʻz intervyusida.

Urushdan keyin Gʻafur Gʻulom ijodida mehnatsevarlik, shijoat, gʻurur, tinchlik, doʻstlik, mehr kabi mavzular yetakchilik qildi. Uning bir qator sheʼriy toʻplamlari chop etilgan. “Onalar”, “Yashasin, tinchlik!”, “Oʻzbek xalq gʻururi”, “Yangi sheʼrlar”, “Oʻzbekiston olovlari”, “Tong qoʻshigʻi” kabi sheʼrlari toʻplamlardan joy olgan. Asar personaji – osoyishta hayot kechirayotgan oddiy mehnatkash inson. Gʻafur Gʻulom – mohir tarjimon. U oʻzbek tarjima maktabining yuzaga kelishiga ham beqiyos hissa qoʻshgan. Uning oʻn ikki jildlik “Mukammal asarlar toʻplami”ning sakkizinchi, toʻqqizinchi va oʻninchi jildlari tarjimalardan tashkil topgan. Adib Pushkin, Lermontov, Griboedov, Mayakovskiy, Nozim Hikmat, Rustaveli, Nizomiy, Shekspir, Dante, Bomarshe va boshqalarning asarlarini oʻzbek tiliga oʻgʻirgan. Atoqli venger adibi Gidashning “Qichqiringiz” sheʼrlar toʻplamining oʻzbekcha tarjimasi, Roʻdakiyning “Qarilikdan shikoyat”, Shota Rustavelining “Yoʻlbars terisidagi pahlavon” dostonidan boblari, Krilov masallari, A.Griboedovning “Aqllilik balosi”ning oʻzbekcha variantlari Gʻafur Gʻulom qalamiga mansub. Adib, shuningdek, T.Shevchenko, A.Tolstoy, Fet, A.Maykov, Nekrasov, Surkov, Lohutiy, Bexer, Tvardovskiy, Tursunzoda, Simonov kabi mashhurlar asarlarini, oʻnlab turli xalqlar qoʻshiqlarini oʻzbek tiliga tarjima qildi.

Oʻzbek sheʼriyatining otashin kuychisi, mohir adib Gʻafur Gʻulom ijodi – chinakam hayot maktabidir. Uning oʻlmas asarlari xalqimiz maʼnaviy hayotining ajralmas qismiga aylangan va bu asarlar qalblarni doim zabt etaveradi.






Polina Xaimova,
Isroil davlati yozuvchilar uyushmasi a'zosi


MILLATNI ARDOQLAGAN SHOIR

Mening bolaligim O'zbekistonning go'zal va qadimiy shahrlaridan birida, Shaxrisabz shahrining obod mahallaridan birida o'tgan. Bolaligidan o'zbek adabiyoti va madaniyatini juda sevib va shu muhitda katta bo'ldim. Bizning uyimizda kitoblar javoni bor edi, shu javonda jahon adabiyoti kitoblari va shu qatorda, o'zbek adabiyoti adiblarining kitoblari bor edi. Navoiyning "XAMSA" asari, Boburning "BOBURNOMA" asari, Shuhratning "OLTIN ZANGLAMAS" romani, Abdulla Qodiriyning "O'TKAN KUNLAR" va "MEHROBDAN CHAYON" romanlari va yana boshqa kitoblar qatorida, G'afur G'ulomning "SHUM BOLA" asari va she'rlar to'plami kitoblari bor edi. Shu she'rlar to'plamini varaqlar ekanman, "MEN YAHUDIYMAN" she'rini o'qib, faxrlanib ketar edim.

Esimda, G'afur G'ulom bobomizning rasmlarini diqqat bilan nazarimdan o'tkazib, u kishining ko'zlaridagi mehr va oqibatni his etar edim. Hozirgi vaqtda, men Isroil davlatida yashayman va mening uyimda Navoiy, Boburlar qatorida G'afur G'ulomning rasm portretlari bor. Men ularga nazar solsam, yuragim zavqga to'lib, qalbim g'ururlanib ketadi. Chunki men ham O'zbekiston farzandiman. O'zbekiston xalq shoiri, Sharq adabiyotining yetuk vakili, buyuk adabiyotshunos olim, 1943-yilda, G'afur G'ulom O'zbekiston FA tashkil etilganda birinchilardan bo'lib, akademik etib saylangan. 1942-yilda harbiy frontga jo'natilgan o'zbek delegatsiyasi tarkibida G'afur G'ulom ham bor edi. Jahon xalqlarining adabiy xazinasidan o'rin olgan "MEN YAHUDIYMAN" she'ri, G'afur G'ulom ijodida alohida o'rin tutgan. Ikinchi jahon urushining ilk kunlarida yozilgan ushbu asar, boshqa asarlar qatori johonning 30 tilida, shuningdek, ivrit tilida ham tarjima etilgan. Yahudiy millatini



himoya etib madh etgan bu asar, Gʻafur Gʻulomni qanchalik xalq parvarligini va insoniyligini aks etdiradi. Shu bois Isroil davlatining Kiriya Gat shahrining shinam koʻchalaridan birida, 2005 yili, Gʻafur Gʻulom maydoni tashkil etilgan va shu maydonda buyuk shoirga bagʻishlangan yodgorlik haykali oʻrnatilgan. 2021-yil 10-mayda, Gʻafur Gʻulomning 119 yilligi munosabati bilan, Oʻzbekistonning Isroildagi favqulodda muxtor elchisi, Feruza Maxmudova Yuldashevna tashaboslari bilan, Gʻafur Gʻulomning yodgorlik haykali, restavratsiyadan soʻng, yana ochilish marosimi, tantanali ravishta oʻtkazildi. Gʻafur Gʻulomning 120 yilliga bagʻishlab Isroil davlatidagi “Buxarskiy yevrey” jurnalining redaktori Markiel Fozilov rohbarligida, navbatdagi jurnalning hama sahifalari, Gʻafur Gʻulomning ijodi va hayotiga bagʻishlandi. “MEN YAHUDIYMAN” sheʼri uch tilda – rus tilida, oʻzbek tilida va ivrit tilada nashr etildi. Yana Gʻafur Gʻulomning 120 yilligiga bagʻishlangan tantanali konferensiya, Isroil davlatining “Butun jahon Buxoro yahudiylarining kogress” sariyda boʻlib oʻtdi. Bu marosimlar tantanali va bayramona kayfiyatda oʻtdi. Oʻzbekiston tomonidan bu tantanali anjumanda, professor Shoxista Maxsudova ishtirok etdilar. Mendek vatanparvar insonlar uchun bu katta baxt va oʻzbek xalqiga boʻlgan cheksiz hurmat ramzi deb bilaman. Gʻafur Gʻulomning 120 yilliga bagʻishlangan onlayn konferensiyada Isroil davlati tomonidan professor Aba Priyev, Isroil davlat, Buxoro yahudiylarining yozuvchilar uyushmasi rohbari shoir Nisan Niyazov – Niyaziy va men ishtirok etdik. Bu konferensiyada Akademik Sayidasror Gʻulomov, Olmos Gʻafurovna va boshqalar ishtirok etishti. Bu konferensiyaning jahonshumulligi shundaki, shu yili shoirning 120 yilligiga bagʻishlab, Gʻafur Gʻulom nomli stipendiya va koʻkrak nishoni tashkil etilgan. Men bu konferensiyada ishtirok etganimdan va buyuk mutaffakir Alisher Navoiy tili boʻlmish oʻzbek tilida gapirib ishtirok etdim. Shu marosim ishtirokchilari, Isroil davlatining vakilasi sifatida, menga



G'afur G'ulom ko'krak nishonini taqdim qilishni bir ovozdan tasdiq etishtii. Men uchun bu kutilmas baxt quyoshi bo'ldi. Quvonganimdan ko'zlaridan yosh oqib ketdi, o'zimni qo'yarga joy topolmadim. Men baxtli ayolman! Bu ko'krak nishonini ko'z qorachig'idek asrayman. Bu olamshumul ta'rixiy daqiqalar mening vatanparvarlik hissiyotimni yanada kuchaytirdi. O'zbekiston va Isroil davlatlari o'rtasidagi do'stlik kuychisi sifatida aytmoqchi man kim, bu ko'krak nishoni, menga berilgan yuksak baho deb bilaman va butun o'zbek xalqiga o'z minnatdorligimni bildiraman.


*Men yahudiyman deb, dilimda g'urur,
O'zbekim eliga hurmatim chuqur.
Urush nomi yo'qolsin yer yuzidan,
Tinchlik so'zin sevamiz azaldan.
Jahonning ekinchi urushi davri,
Yer yuzi tanidi Toshkent – "NON SHAHRI"
Nogiron qolgan yetimlar yeg'lab qon,
Toshkentga ham keldilar oxtarib non.
Bir yarim million kelgan aholi,
O'zbek eli xabar oldi ahvoli.
Eki yuzu ellik ming yahudiylar ham,
O'zbekim yerida bo'lmadilar kam.
"MEN YAHUDIYMAN" – deb yozdi bu shoir,
G'afur G'ulom nomi qalbimda muhr.
Bir yuz yigirma yoshligin nishonlab,
Dilda g'urur bilan eslaymiz yeg'lab.
Edgorlik haykali ostida gullar,
Kiriyat Gad shahrida porlaydi nurlar.
Isroil xalqining dilida nomi,
Unutmaymiz uni asrlar davomi.
Polinaning bu qo'shig'in kuyiman,
G'afur G'ulomdek men ham YAHUDIYMAN.*



G'afur G'ulom bobomizning nomlari dilimizda va tilimizda mangu va barhayotdir! Men ham shu muqaddas o'lka – O'zbekiston farzandi bo'lganimdan baxtiyorman.

Har karra O'zbekistonga borsam, albatta "ADIBLAR XIYOBONI" ga borib G'afur G'ulom haykali ostiga gullar qo'yib ziyorat etaman. Yana bir orzuim bor, Xudo xohlasa kelgusi safar O'zbekiston sari safar qilsam, albatta, G'afur G'ulom uy-muzeyida bo'lishni va G'afur G'ulomning to'ng'ich qizlari, Olmos opa G'afurovna bilan uchrashaman, degan umiddaman.

Akademik va xalq shoiri G'afur G'ulom nomi butun jahon yahudiylari dilida mangudir!






Насиба Бозорова,
Тошкент давлат юридик университети
доценти, филология фанлари номзоди

ҒАФУР ҒУЛОМ – МУҚИМИЙ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМЧИСИ


Ўзбек адабиётининг ривожига феъли-хўйи қанд (*Исҳоқхон Ибрат*) – Қўқон ижод аҳлининг ҳиссаси бениҳоя катта бўлган. Искандари Румий ҳамда Қубод ва Афросиёбдан қолган шаҳри надим Фарғонанинг асосий маркази саналган бу маскандан жуда кўп ижодкорлар етишиб чиққан. Маърифатпарвар олим Пўлатжон Домулла Қаюмов ўзининг тазкирасида Қўқонда нашъу намо топган 40 га яқин ижодкорнинг адабий салоҳияти, ижоди ҳақида атрофлича маълумот берган¹. Ҳақиқатда, Қўқон адабий муҳитидан етишиб чиққан Амир Умархон, Равнақ, Гулханий, Махмур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Нисбатий, Муҳаййир, Усмонхўжа Зорий каби ижодкорлар мероси фақат шу ҳудуд эмас, балки умумўзбек адабиёти тарихини ўрганиш, тадқиқ этишда алоҳида қиймат касб этади. Ёки шу ижод аҳли билан бир даврда, бир маконда, улардан заррача ортда қолмай бадиий ижод, сўз санъатида юксак натижаларга эришган Нодирабегим, Махзуна, Жаҳон Отин Увайсий, Дилшоди Барно, Анбар Отин каби шоирларнинг девон, мажмуа фалсафий-таълимий дostonлари ўзбек адабиётининг алоҳида саҳифаларини ташкил этишини барча бирдек эътироф этади. Адабиётшуносликда мазкур шоирлар ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш асосида ўзбек адабиёти шеърий жанрлари, айниқса, саёхатнома, мухаммас ва мусаддаснинг тадрижи ва такомилли,

¹ Қаранг: Қаюмов П. Тазкирайи Қаюмий. –Тошкент: Ўз РФА Қўлэзмалар инсти-
тути таҳририй нашриёт бўлими, 1998 (1,2,3 китоб).



бадий-тарихий асарлар, тазкирачилик анъаналарининг тараққиёти, сатирик ҳажвиёт ва шеърятнинг ижтимоийлашув ҳодисаси, мактубот ва унинг ижодкор фаолиятини ўрганишдаги аҳамияти каби илмий муаммолар ҳал этилди. Изланишлар асосида "Қўқон адабий муҳити" деган илмий истилоҳ юзага келди.

Адабиётшуносликда таъби назми юксаклиги ва ижод аҳлига бўлган хайрихоҳлиги, илиқ муносабати, ижодий муҳитни шакллантириш ва уни қўллаб-қувватлаш ишларига нисбатан Қўқон хони Амирий ўзбек адабиёти тарихида "Қўқон адабий муҳити" деб аталган эстетик ҳодисанинг асосчиси сифатида эътироф этилади. Бу ҳақ гап. Бироқ илмий истилоҳ ўлароқ бу тушунчанинг оммалашиши кўпроқ Қўқондан етишиб чиққан ижод аҳлининг адабий меросини ўрганган, тадқиқ этган заҳматкаш олимларнинг саъй-ҳаракати натижасидир. Бунда Сотти Хусайн, Ҳоди Зариф, Холид Хусайн, Ғулум Каримов, Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Абдурашид Абдуғафуров, Шариф Юсупов, Маҳбуба Қодирова каби кўплаб олимларнинг, шунингдек, бу борадаги изланишлар дебочасида Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулум каби академик шоирларимизнинг заҳматли меҳнати борлигини эътироф этмоқ жоиз. Уларнинг изланишлари натижасида қўқонлик ижодкорларнинг бадий ижодда ўз ўрни ва сўзига эгаллиги, адабий меросининг ўзига хос хусусияти ўзбек адабиётининг ривожини, тараққиётига қўшган ҳиссаси аниқланди ҳамда бир макон ва замон, ижодий ҳамкорлик, устоз-шогирдлик, адабий таъсир нуқтаи назаридан "Қўқон адабий муҳити" илмий истилоҳи оммалашди. Олимларимиз томонидан давр талотўплари, тазйиқ, таъқиб ва талаби остида Амирий асос солган Қўқон адабий муҳитини "сарой адабиёти" ўлароқ ўрганилиши ҳам аслида катта иш бўлган. Чунки шу ўрганиш асосида XVIII-XIX асрга тааллуқли кўплаб



адабий асарларнинг нусхалари бир жойга жамланган, қўлёзмалар жорий алифбода нашр этилган, баъзилари таржима қилинган, бадийлик тамойиллари асосида баҳоланган, илмий истеъмолга олиб кирилган. Қолаверса, амалга оширилган ўша ишлар ҳозирга қадар шу билан боғлиқ тадқиқотлар учун ҳам мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.


Биз бу ўринда Қўқон адабий муҳити намояндалари ижодини ўрганишда академик шоир Ғафур Ғуломнинг қўшган ҳиссаси хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ғафур Ғуломнинг Қўқон адабий муҳити ва қўқонликлар ҳаётига қизиқиши катта бўлган¹. Унинг республикамиз шаҳарлари орасидан Қўқонга кўп боргани, мактаб ўқувчилари, меҳнаткаш халқ вакиллари билан ушрашувлари, шоир номига қўқонлик мухлислардан келган мактублар, қўқон адабий муҳити вакилларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиши, тенгқур ижодкорлар билан ўтказилган адабий мажлис, ижодий гурунглари – барчаси Ғафур Ғулом ҳақидаги хотира китобларда, шоирнинг мактубларида акс этган. Академик шоирнинг Моҳларойим Нодира ижодий меросининг (хоннинг рафиқаси бўлганлиги боис) ўрганилишига қаршилик қилганларга кескин раддия билдиргани, шоира асарларининг илмий тадқиқ этилиши ва оммалашishi, халқ маънавий мулкига айланишидаги хизматлари, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаши таҳсинга лойиқ. Шунингдек, Фурқат, Ажзий Хўқандий каби ижодкорларнинг шахси ва ижоди ҳақидаги мақолалари ҳам Ғафур Ғулом ва Қўқон адабий муҳити мавзусини

¹ (Ғафур Ғулом уй-музейига борганда, шоир яшаган ҳовлига кирар экансиз, ҳовли саҳнида уйда кираверишдаги айвоннинг ўймакор нақшлари беихтиёр ҳаёлингизни ўғирлайди. Уй-музей директори атоқли шоирнинг қизлари Олмосхон Ахмедова бизга бу айвон махсус қўқонлик усталар томонидан отаси, яъни куёвлари (оналари Муҳаррам ая қўқонлик) учун қурилганини айтиб берди. Балки, Ғафур Ғулом ижодининг кўп жиҳатлари Қўқон билан боғлиқлигининг туб сабабларидан бири шундандир – Н.Б).

тўлдиради. Академик шоирнинг Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ижодини тадқиқ этиши эса алоҳида мавзу. Таниқли адабиётшунос Азиз Қаюмов “Академик Ғафур Ғулом” китобида 1935-1939 йилларда Қўқон адабий муҳитида алоҳида ўрин тутган Муқимийнинг вафотида 35 йил тўлиши муносабати билан қатор ишлар амалга оширилганини қайд этиб шундай ёзади: “Ғафур Ғулом ўз ижодий ва илмий фаолиятида Муқимий ижодий меросини ўрганиш ва уни оммалаштиришда катта ўрин берган ижодкорлардан биридир. Ҳозирги замон ўқувчисига Муқимийнинг биринчи шеърлар тўпламини тақдим этган олим Ғафур Ғуломдир. У 1938 йилда Муқимийнинг жорий ёзувдаги биринчи шеърлар тўпламини тайёрлади ва чоп этди. Бу тўплам “Муқимий баёзи” деб аталади. Шундан сўнг Ғафур Ғулом Муқимийнинг нисбатан тўлароқ тўпламини нашрга тайёрлаб халққа тақдим этди”¹. Адабиётшунос Ғ.Каримов эса 1938 йилда Муқимий асарларини тўплаш, ўрганиш, нашр этиш устида қизғин ва самарали ишлар олиб борилгани, газета ва журналларда кўплаб мақолалар босилганини айтиб, мақолалар ичида Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжоннинг мақолалари диққатга сазоворлигини қайд этади². Дарҳақиқат, 1938 йилда Ғафур Ғулом томонидан тузилиб, Тошкентда нашр этилган “Муқимий баёзи”да 800 мисрадан иборат шеърлар жанр хусусиятига кўра тартиблантирилиб, изоҳ ва луғатлар билан берилган. Бундан ташқари, манбалар “Муқимий танланган асарлари”дан тўрт нашрнинг учтаси Ғафур Ғулом томонидан тайёрланганини тасдиқлайди. Академик шоирнинг мукамал асарлар тўпламининг 11-жилдига шоирнинг Муқимий ҳаёти ва ижодига доир бир нечта адабий-танқидий мақолалари киритилган. Тўпламда 1938

¹ Қаюмов А. Академик Ғафур Ғулом. –Тошкент: ART FLEX. 2008.– Б.32.

² Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. –Тошкент: Ўқитувчи. – Б.79.



йилда нашр этилган "Муқимий баёзи"нинг сўзбошиси ҳам "Муқимий" сарлавҳаси остида берилган. Ҳажман кичик ушбу мақолада қуйидаги масалалар умумий тарзда ёритиб ўтилган:

- Муқимийнинг яшаб ўтган даври, кичқача биографияси;

- шоирнинг ҳаёт тарзи, адабий қизиқишлари, иқтисодий аҳволи;

- Муқимий шеърларининг мавзу қўлами, тили, шоир услуги;

- шоир ижодининг даврга ҳамоҳанглиги (Бир гуруҳ "фаолларлар"нинг Муқимий жадидчилар намояндаси бўлганлиги боис уни ўрганмаслик керак деган фикрларини рад этади ва Муқимий ижодининг қиммати, тарихий аҳамиятини собиқ шўролар мафқурасига мос талқин этади (Эҳтимол, Ғафур Ғулом шундай йўл билан Муқимийнинг ўрганилишига йўл очгандир).

Академик шоирнинг "Мулла Муҳаммад Аминхўжа Муқимий", "Муқимий мактублари", "Муқимий ва Муҳйи", "Муқимийнинг янги уч шеъри", "Демократ шоир" каби мақолаларида ҳам Муқимий ҳаёти ва ижоди хусусида сўз юритилган. А. Қаюмов таъкидлашича, Ғафур Ғулом Муқимийнинг таржимаи ҳоли ва шеърий мактубларига оид бир маълумотни дастлаб илмий истифода этган. Бу йўналиш кейинроқ Ҳоди Зариф ва Ғулом Каримовларнинг ишларида давом этиб Муқимий ижодининг янги қирралари кашф этилган, шоир биографияси янги маълумотлар билан бойитилган, тўлдирилган¹.

Таъкидлаш керакки, Ғафур Ғуломнинг шоир Муқимий ҳақидаги ўша дастлабки изланишлари, мулоҳазалари, мақолаларидаги маълумотларни ҳозир ҳам адабиёт тарихи китобларида учратамиз, ўқиймиз. Академик шоирнинг

¹ Қаюмов А. Тоға-жиян ёзишмалари// Академик Ғафур Ғулом. –Тошкент: ART FLEX. 2008.– Б.35.

Муқимий ижодини текширишга доир қарашларига методик жиҳатдан таянамиз. Гафур Ғулумнинг Муқимий ғазалларидан:

Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростни,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун.


Ёки:

Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман¹, –

каби байтларни танлаб олиши ва таҳлилда нималарга эътибор қилганини билиш қизиқарли ва фойдали, деб ўйлаймиз.

Гафур Ғулум Муқимий ижодини фақат ўрганибгина қолмай, шоир адабий ҳаракати, қизгин мушоираларининг ҳам давом этишида хизмат қилган. Бир пайтлар Ҳазрат мадрасаси ҳужрасида жамулжам бўлиб, тонготар давом этган шеърӣ мунозара, мушоира, мубоҳасалар 1950 йил ўрталарига келиб янгидан жонланди. Яъни Қўқон шаҳридаги ўша мадрасадаги ҳужра ҳукумат қарорига мувофиқ Муқимий ҳужра-музейига айлантирилгач, эски шеърӣят кечалари янгича файз билан қайталанди. Азиз Қаюмов ўзининг хотира китобида 1940-1941 йилларда Муқимий ҳужра-музейининг ташкил этилиш ишлари жадаллашгани, бир қатор жонкуяр илм аҳллари томонидан музей экспонатлар билан тўлдирилгани ҳақида маълумотлар бериб, бу жой Қўқоннинг амалдаги адабий даргоҳига айланганини қайд этади ва шундай ёзади: “Тошкентдан ёки бошқа шаҳардан келувчи адабиётчилар ҳам бу ерда албатта бўлар, адабий суҳбатларда қатнашар эдилар. Хусусан, Гафур Ғулум, Собир Абдулла, Чустий каби

¹ Ғулум Ғ. Мукаммал асарлар тўплами. 11-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.34.



машхур шоирлар хужра-музейни зиёрат қилмай кетмас эдилар"¹.

Ҳақиқатда ҳам, Муқимий хужра-музеи Гафур Ғуломнинг сеvimли маскани бўлган. Ҳар гал Қўқон ташрифиди, албатта, бу масканга бир назар кириш одатга айланган эди. Буни Гафур Ғулом уй-музеи ходимлари томонидан нашр этилган "Ғафур Ғуломнинг академик нашрга кирмаган асарлари ҳамда мактублари" ҳам тасдиқлайди. Китобда академик шоирнинг Қўқондаги Муқимий хужра-музейида ёзган дастхати келтирилган. Дастхатда қуйидагилар битилган:

"1958 йилнинг 26, 27, 28, 29 июлида Қўқонда эдик. 29 июль сешанба эди. Шунда Муқимий хужрасига келдик.

"Жиловхона"да иссиқдан қочиб ҳийлагина чой ичдик. Мавлоно Чархий қўқонвор илтифотлар билан кутиб олдилар. Кўп хурсанд бўлдик. Бу зиёратда мен билан бирга каминанинг маҳрамалари Муҳаррамхон, қизим Олмосхон, Тошхонбека, ўғилларим Ҳусанжон, Мирзо Хондамир, келиним Нафиса, набираларим Мирхонд, Рустамжон иштирок қилдилар. Мазкур воқеа чин эканига хужра саҳнидаги шойигул япроғини эзиб, бармоғим босдим. Гафур Ғулом, 29. VII – 1958 йил"².

Демак, академик шоир Муқимийнинг ижодининг том маънодаги ўрганувчиси, давом эттирувчиси, ом-малаштирувчиси бўлган. Айниқса Муқимийнинг ҳажви, сатиралари, аччиқ ҳақиқатни кескир тил билан ифода-лаши, саёхат таассуротларини тасвирлашдаги маҳорати Гафур Ғуломга маъқул келган ва бу усулдан у ўз ижодида маҳорат билан фойдаланган.

1 Қаюмов А. Муқимий хужра-музеи // Академик Гафур Ғулом. – Тошкент: ART FLEX. 2008. – Б.30.


2 Гафур Ғуломнинг академик нашрга кирмаган асарлари ҳамда мактублари. – Тошкент: 2018. – Б. 127.

Бу фикрга Гафур Гуломнинг Зокиржон Ҳабибийга 17.09.1953 йилда йўллаган қуйидаги мактубини ўқиб ҳам амин бўлиш мумкин:

“Гулханишин муҳаббат, мавйиз садоқат, ғазалсаройи қандолат, нашъабахш, улфат, дўстиқадим мухтарам мулло Муҳаммад Зокиржон Ҳабибийга, салом адосидан сўнгра маълум бўлғайким:

*Янги ойда, яхши кунда, азм ила айлаб сафар,
Саъд соатда Қўқон қишлоққа етдик бехатар.
Учрашиб энг ибтидода мулла Муҳаммаджон билан.
Қайси Муҳаммаджон Алиф тан уйига жон билан.
Улфату аҳбоблар бирлан қуриб базму даранг,
Сизни йўқлаб, маҳфилоролар ўқур эрдик ўланг.
Базм аро айлаб муҳайё бизга бода шира чой
Кайф аро сархуш бошга қўлкалар солиб Хумой.
Шеър ўқиб ялло қилиб, маъқуллашиб бай-байлашиб,
Пирликка шайх Абдулла бобони сайлашиб,
Базм аро гулханишинларнинг куйи муқал бўлиб
Қалблар кўзгусидан Занги кудурат ҳал бўлиб.
Баъзи мофийҳо табиатлар эритган мой эди,
Адресимиз Сизга машхур эски Тентаксой эди”.*

Мазкур мактуб-шеърда Муқимий ғазалларининг оҳанги ёрқин сезилиб турибди. Зукко ўқувчи ушбу шеърда Муқимийнинг машхур “Навбаҳор” ғазалидаги руҳ, мазмун ва ифода ўхшашлигини дарров илғайди. Шеърдаги “азм ила айлаб сафар”, “Қўқон қишлоққа етдик бехатар”, “Улфату аҳбоблар” “қуриб базму даранг”, “маҳфилоролар” каби сўз ва бирикмалар Муқимий ижоди таъсирида туғилганини инкор этиб бўлмайди. Бу таъсир мактубнинг охирида янада яққол билинади. Мактуб давомида Гафур Гулом қандай мақсадда Қўқонга сафар қилгани Муқимий даври



адабий тили ва услубида насрий баён этади. Сўнг яна шундай сатрларни битади:

“Мулло Муҳаммад Зокиржон Ҳабибий Шоший Беш-оғочийга Қўқонқишлоғида сайру-саёҳат қилиб юргувчи биродарингиз Мирзо Абдулғафур ибн Мирзо Ғулом, анга май йуда ижжом.

Мулло Муҳаммад Зокиржон Ҳабибий, таълимоти имом.

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин,
Тўй ночор қилди ёлғондин¹.


Кўриниб турибдики Ғафур, Ғулом Муқимий меросини ўрганиш орқали маърифатпарвар шоир услуби, тасвир ва оҳангини-да яхши ўзлаштирган ҳатто “Тўйи Иқон бачча” сатирасига ҳам ишорат этиб ўтган.

Умуман, ҳар иккала ижодкорнинг асарлари қиёсий ўрганганда бу каби мисоллар кўплаб топилади. Зеро, инсон онгу шуури, қалби билан бирор ишга машғул бўлса, ўз-ўзидан, тафаккурда шу машғуллик ҳосиласи акс этади ва у тилда намоён бўлади.

Хуллас, айтиш мумкинки, Ғафур Ғулом Қўқон адабий муҳити вакиллари, хусусан, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳаёти ва ижоди ўрганиш, шоир номини оммалаштиришда катта ҳисса қўшган. Академик шоир Муқимий билан боғлиқ масалаларга каттадир, кичикдир жиддий ёндашган ва ижобий ҳал этишга ҳаракат қилган. Академик шоирга ёзилган мактублар, ариза, шикоят хатлари билан танишар эканмиз, Қўқон билан боғлиқ аксар ўринларда Муқимий ҳақидаги маълумотларни ҳам учратамиз. Ғафур Ғулом ҳатто маърифатпарвар шоир номини абадийлаштириш учун Қўқондаги “Қувват” артелининг Муқимий номи билан аталиши ҳақидаги қарорнинг “Молиявий операциямиз катталашиб кетади, энди бу

¹ Кўрсатилган асар. – Б.202-203.

номни расмий суратда янаги йилдан ўзгартирамиз” дея шу чоққача тарафкашлик қилиб келингани ҳақида мактаб ўқувчисининг аризасини ҳам эътиборга олганига шоҳид бўламиз. Бу каби мисоллар Ғафур Ғуломнинг Муқимий ижодига ҳурмати баланд бўлгани, унинг адабий меросини ўрганиш асосида маърифатпарвар шоирнинг адабий маҳорати, сўз, тасвир ва ифодада ундан илҳомланганини тасдиқлайди. Шунингдек, академик шоир Муқимий ҳаётини ўрганиш орқали, қўқон адабий муҳитига хос бўлган анъанавий адабий гурунглارнинг ижобий натижасини чуқур англади. Шу асосда шоир устоз ижодкорлар анъаналарини янги даврда жонлантириш ва адабий баҳс, фикр алмашув, ижодий ҳамкорлик, ўсиб келаётган ёш қаламкашларни тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш ишларида бош бўлди. Шунинг натижасида кўпгина ижодкорлар Ғафур Ғулом дарсхонасида етилди, академик шоир кўмаки, қўллови остида илм майдонида ўз ўрнини топди.






Oybek Barziyev,
Farg'ona davlat universiteti katta o'qituvchisi,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, PhD
Barchinoy Sayitxonova,
Farg'ona shahar kasb-hunar maktabi o'qituvchisi

G'AFUR G'ULOM VA BOKIY IJODIDAGI G'OYAVIY MUSHTARAKLIK HAMDA ADABIY HAMKORLIK ALOQALARI

O'zbek adabiyoti poeziyasida lirik asarlari bilan mashhur bo'lgan shoir G'afur G'ulom she'riyatida haqiqiy o'zbekona milliy urf-odatlar, bag'rikenglik, do'stlik rishtalarining ulug'lanishi, mehmondo'stlik kabi ijobiy fazilatlar ko'plab kuzatiladi. Ayniqsa, shoirning urush mavzusida bitilgan lirik asarlarida bu kabi mavzular yaqqol ko'zga tashlanadi. Shoir she'rlarining ichida bog'dorchilik sohasi bilan bog'liq bo'lgan mavzu ham yetakchilik qiladi. Ularda O'zbekistonda g'arq pishib yetilgan sarxil mevalarning o'ta totliligi, uni yetishtirgan bog'bonning beminnat mashaqqatli mehnatlariga hamdu sanolar aytish, tahsinlar keltirish g'oyalari bilan bog'liq she'rlari kishini to'lqinlantirmay qolmaydi. Dehqonning o'zi yetishtirgan hosilni o'zgalarga ilinishi, ulardan totib ko'rishga da'vat qilishi motivlari bilan sug'orilgan she'rlarida milliylikni ifodalashga xizmat qilgan qator detallardan unumli foydalanadi.

Akademik shoir G'afur G'ulomning Moskva shahrida, 1959 yil 15 fevral kuni yozilgan "Bizning uyga qo'nib o'ting, do'stlarim" she'ri barmoq vaznida yozilgan bo'lib, unda shoirning tug'ilib o'sgan manzilgohi aks etgan. She'rda haqiqiy o'zbek otaxonining mehmondo'stligi, mehmonni aziz va mukarram ko'rish yetakchilik qilgan bo'lib, unda chaqiriq motivlari yetakchilik qiladi:



*O'zbekiston yurtiga borgan chog'i,
Gurr ochilur qardoshlikning quchog'i,
Dilda qaynar ne'matlarning o'chog'i,
Asfalt yo'lda "Volga"ning to'pichog'i,
Avval bizga qo'nib o'ting, do'stlarim!*

G'afur G'ulom kimligini bilasiz,
Adresimdir O'zbekiston, shubhasiz,
Qistalang gap, biznikiga kelasiz,
Tashrif etib meni xursand qilasiz,
Baxt uyida tunab o'ting, do'stlarim!

Olam bilar, Furqat ko'cha yo'li bor,
Beruniy maydoni, Yoshlar ko'li bor,
Muqimiy binosini xuddi so'li bor,
Ko'rsatuvchi militsioner qo'li bor,
Bizning uyga qo'nib o'ting, do'stlarim!¹

O'ziga xos milliylik uslubi shoirning mehmondo'stlik sifatleri asosiga qurilgan mazkur she'rda Toshkent shahrining hozirgi Beshyog'ovh dahasi, Furqat ko'chasida joylashgan "G'afur G'ulom uy-muzeyi" joylashgan. Shoir 1942-1966 yillar oralig'ida shu yerda istiqomat qilganligi ayni haqiqatdir. Talmeh san'ati ustuvor bo'lgan mazkur she'rda shoirning yuksak badiiy mahorati ifodalangan. Shu o'rinda ilmiy manbalarda talmeh she'r san'ati mazmun hodisasi bilan bog'liq hodisa sanalib, unda nafaqat tarixiy, adabiy qahramonlar nomini keltirish, balki joy nomlariga murojaat qilish bilan ham xarakterlanadi, deb yozilgan fikrlarni eslash kifoya.

Shoir she'riyatida chaqiriq motivi bilan sug'orilgan lirik asarlar ko'plab uchraydi. Uning 1947 yil 8-may g'alaba munosabati bilan yozilgan "Bizning boqqa kelinglar" nomli

¹ Гафур Гулом. Танланган асарлар. Назм ва наср / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Олмос. – Тошкент: Ф. Гулом номидаги матбаа-ижодий уйи. 2012. – Б.88.

she'rida haqiqiy o'zbeklarga xos bag'rikenglik g'oyalari ustuvor sanaladi:

Uzog' ko'klam qo'lim bilan ekkan edim shaftolu,
Bu bahorda gullar ochdi xuddi baxmal chamanday.
Bizning bog'da o'ynashaylik, havo hushbo'y, salqin suv,
Chamandagul do'ppi kabi, kattaligi Vatanday¹

Shoir she'riyatida shaftoli mevasi detalidan unumli foydalanish, unga g'oyaviy-badiiy jihatdan yodashish an'anasi yuqori darajada seziladi. .

Shoirning sohibkor bog'bon bo'lganligini uning “Bog” nomli she'ridan ham sezsak bo'ladi. Unda shoir yaratgan bog' o'yin-kulgi, ijod maskani ekanligi alohida qayd etiladi. Shu bilan birga u do'stlar bazm uyushtiradigan joy bo'lganligiga urg'u beriladi:

Biz ko'kartirgan bu bog'ning ismi bo'lsin gul-asal.
Shinni-sharbatdan sog'aygay har nuchuk eski kasal,
Ter to'kib, hordiq oluvchilar gurung qurgan mahal,
Navbati jomim to'la tut, bog'bon, o'tkazma gal,
Qung'iroq qah-qahli do'stlar bazmidan qolg'aymi men?²

Shoirning mashhur “Sog'inish” she'rida o'z o'g'lini Ulug' Vatan urushiga kuzatgan mehribon ota siymosi gavdalanitirilgan. She'rda urush taassurotlari va ota uyida bo'lib o'tgan voqealar bog' bilan aloqadorlikda yoritiladi. Quyidagi bandda o'g'ilning olis safarga ketishi kech kuz fasliga to'g'ri kelganligi haqida aytiladi:

¹ Ғафур Ғулум. Танланган асарлар. Ўн томлик. Тўртинчи том. Достонлар, ман-зумалар, болалар учун шеърлар / Нашрга тайёрловчи: Рўзиматов В. – Тошкент: 1973. - Б. 187.

² Ғафур Ғулум. Танланган асарлар. Назм ва наср. Қайта нашри / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Олмос. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.- Б.29.

Xoki anjir tugab, qovun g'arq pishgan,
Baxtli tong otar chog' uni kuzatdim,
Bir mal'un gulshanga qadam qo'ymishkan,
Joni bir jondoshlar qolarmidi jim¹!

Endi ota bor alam va o'g'liga nisbatan bo'lgan sog'inch
iztiroblarini bog'dagi mehnatdan oladi, u ish bilan mashg'ul
holatda otalik mehri bilan tug'ilgan sog'inch tuyg'ularini
yengishga harakat qiladi:

O'rog'u gulqaychi, istak ko'tarib,
Hovrimni bosishga boqqa jo'nadim.
Hasharchi qo'shni qiz — uning sevgani,
Ma'yus bosar edi orqamdan odim.


She'rnig keyingi bandlarida lirik qahramon, ya'ni ota
shaftoli detalidan foydalangan holda uning mayin tuklarini
o'g'lining endi sabza urib chiqayotgan mo'yloviga qiyoslaydi.
U endi o'ziga taskin beradi. Ya'ni, o'g'il sog'-omon urushdan
qaytsa, bog'dan o'zi to'qib ketgan savatiga shaftoli terib chiqib
unga tutqazish niyatida:

Sizlarni keldi, deb eshitgan kuni,
O'zing to'qib ketgan katta savatda.
To'latib shaftoli uzib chiqaman,
G'alaba kunlari yaqin, albatta.

Yayov, ko'ksim ochiq, boshda shaftolu,
Xuddi mo'ylabingdek mayin tuki bor,
Har bitta shaftolu misoli kulgu,
Shafaqday nim pushti, sarin, beg'ubor².

¹ Юқоридаги асар. – Б.48.

² Юқоридаги асар. – Б.50.



G'afur G'ulomning 1958 yil oktyabr oyida yozilgan "Anor" nomli she'ri Namanganning anori tafsilotlarini ta'riflash bilan boshlangan bo'lib, unda ham shoirning mehridaryo va mehmondo'st bog'bon bo'lganligiga guvoh bo'lamiz. She'rning quyidagi bandida uning mehmondo'stligi va mehr-oqibatga to'la o'zbek otasi bo'lganligi ifodalangan:

Bog'imga gul o'tqazdim chakkangizga taqqudek,
Har g'uncha bu bog'imda qon qalbindan nishona.
Gulshanlar tuzib qo'ydim mehmonlar o'tqizgudek,
Sizni taklif qilmoqqa ushbu she'rim bahona¹.

G'afur G'ulomga zamondosh bo'lgan mirishkor dehqon-shoir Bokiy ijodida "Olmasin" radifli g'azali o'ziga xos uslub va ohangga ega. Toshkent va Namanganda yetishtirilgan olmalar madh etilgan g'azal matla'sida lirik qahramonning qilgan safari taassurotlariga bag'ishlangan:

Menki ko'rdim sayr etib har bog'u bo'ston olmasin,
Toshkandu o'zga yerda guliston olmasin².

G'azalning keyingi baytlarida olmalar yetishtirilgan bog' tafsilotlari yanada oydinlashadi. Shu bilan birga o'zbek millatiga xos bo'lgan mehmonnavozlik sifatleri ulug'lanadi:

Gulni ko'rgan bulbuldurmu har bir shoxiga,
To'tiyu xushxon bo'lur, kim yesa mehmon olmasin.

Bir tomonda gullagan chinni bilan shirin anor,
Bir tomonda ko'rgizur yuz tusda alvon olmasin.

¹ Юқоридаги асар. – Б.86.

² Низомиддинова Ч. Барҳаёт сиймо. – "Фарғона" нашриёти, 2010. – Б.50.

G'azalning maqta'sida talmeh san'ati orqali "Do'rmon bog'i" va Ali sino nomlari keltirilgani holda unda yetishtirilgan olmalar tanga darmon ekanligiga ishora qilinadi. Shoirga ilhom ulashgan Toshkentdagi Do'rmon bo'g'ida yetishgan olmalar ta'rif etiladi:

Bu Ali sino agar kelsaydi Do'rmon bog'iga,
Bokiy yanglig' topgay erdi tanga darmon olmasin¹.

Shoir she'riyati bilan tanishar ekanmiz, uning yer sir-sinoati, daraxt o'stirish va payvandlash, dehqonchilik sohasining ustasi ekanligiga guvoh bo'lamiz. Shoirning "O'zbekistonning 20 yilligiga" nomli she'rida qator meva nomlari va ularning navlari keltiriladi. Yurtimizning 20 yilligiga to'yona sifatida yozilgan mazkur she'r G'afur G'ulomning bog'dorchilik sohasidagi qiziqishlarini yodga soladi. O'zbekiston diyorida yetishtirilgan uzum navlari e'tiborimizni tortishi bilan birga uning bag'rida nimalar borligi aytilgani holda madh etiladi:

Eng birinchisi "Husayni" nav'idur, biri "Hasan",
Biri "Kelin barmog'i" deb atalgon senda bor.
"Sohibiyu", "Farkatiyu", "Toifiyu", "Chillaki",
Ikki tus "Doroyi", "Maska", "Kattaqo'rg'on" senda bor.
"La'li yakdona", "Tagobi", "Shakkariy" yoki "Charos",
"Sabzu", "Sirkoi", "Charmi rubah", "Sulton" senda bor.
Ikki xil "Atri"yu, "Obak", "Zangband"u, "Nivgelem",
Ham "Azimboy"u, "Kishmish" ham "Shibirg'on" senda bor.
"Muskat"ing nomini olsam lab labimga yopishur,
Turfa bir a'jubai shirini davron senda bor².

¹ Юқоридаги асар. 2010.

² Оқсоқоллар каломи. Ғазаллар, мураббаълар, мухаммаслар, қасидалар. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.17.



She'rnin keyingi satrlarida o'rik, shaftoli, olcha kabi mevalarning navlari va ularning shirinligi maqtaladi. Fan olamida mazkur meva turlarining navlari bilan hozirgacha ko'p dehqonlar tanish emasligi diqqatimizni tortadi:

O'rik anvoidakim, bay-bay "Nigoriy" nomidur,
"Oq qandak" deb atarlar ahli irfon, senda bor.
"Qozixoniy" birla "Qozine'matillohi" yana,
"Mullahandi"yu, "Gadoiy", "Obidandon" senda bor.
"Boltiboyi", "Isfarak", "Mirsanjali", "Boborajab",
"Luchchak"u, "Mohtobi"yu, "Xurmoyi", "Subxon" senda bor.

Shu o'rinda shoir G'afur G'ulomning qizi Olmos Ahmedovanning qalamiga mansub bo'lgan, bolalik xotiralariga bag'ishlab yozilgan "Girya" nomli risolaning aynan Bokiyo xonadonida bo'lib o'tgan esdaliklarni keltirish joiz. Ular oila a'zolari bilan birga shoir Bokiyo xonadoniga tashrif buyriganida, hovli sahnidagi uzum tokining manzarasini quyidagicha tasvirlaydi:

"Hovlida ajoyib saranjomlik hukm surardi. Tok baland so'ridan ayvongacha chirmashib, uyning tomigacha chiqib ketgan. Uzumlar xonim barmoq, husayni, echkiemar, charoslar shunaqa mirishkorlik bilan taralganki, xuddi har birini alohida-alohida yasab osib qo'yganga o'xshaydi. Ochiq ayvonning ustunlari o'ymakor, ayvon toqisi ham gul solingan yog'ochlardan yasalgan. Ayvonning toqisiga qandaydir uch tishli temir ilgichlar osilgan bo'lib, ularga go'sht, qazi, to'shlar ilig'lik edi¹."

Shoir Bokiyo ning bog'dorchilik sohasiga o'ta mirishkorligini va aynan G'afur G'ulom she'rlarida qo'llagan shaftoli mevasini yetishtirishning hadisini olganligini quyidagi satrlar orqali yanada yorqinroq sezamiz:

¹ Olmos. Girya. Xikoya va hajvialar. – Toshkent: Faqur Gulom nomi dagi nashriyat-matbaa ijodiy uyi, 2008. - B.91.

"Bog'da shaftoli ko'p ekan, erta pisharidan qor tagidan topib uzib yeydiganigacha. Biz rosa shaftolixo'rlik qildik. Ularning ta'mi bir-biriga o'xshamasdi. Lekin hammasi lazzeatli.¹"


Yoki aynan shu manbada keltirilgan G'afur G'ulom va Bokiyning ijodiy munosabatlari, adabiy hamkorligi, do'stlik rishtalari 1958 yil, 30-iyul kuni bo'lib o'tgan taassurotlar asarning "Rishton" nomli bo'limida quyidagicha tasvirini topgan:

"Dadam hali yo'lda ayamlarga aytayotgan "domlaga atab sotib olganlari noyob kitob"ni bo'lsa kerak, qaysidir kitobga taqqoslab yozilgan sanansini aniqlashardi. Bog'ning etagidagi salqin, tagidagi zilol ariq o'tadigan so'riga joy solingan, u yer xoli, kishi ko'ziga tashlanmaydigan joydaligi uchun birpas yonboshladik. Ayam domlani qizlari, rafiqalari bilan o'zaro suhbatlashib o'tirishdi, men bolishga yonboshlab, ularning mayin ovozlari, so'ri tagidan kelayotgan suvning shabadasidan rohatlanib ko'zim ilinipti.²"

Xulosa qilib aytganda, o'tgan asrda yashab ijod etgan xalqimizning bu ikki buyuk bobodehqon-shoirlari ijodida insoniy yuksak fazilatlar: mehmondo'stlik, bag'rikenglik, samimiylik, mehribonlik, do'stlik aloqalarining uzilmasligi tahsinga sazovordir. Bugungi globallashuv zamonida insonlar o'rtasida unutilib borayotgan mehr-oqibat, insonparvarlik kabi tushunchalarni mazkur ikki shoirlarning real hayotida bo'lib o'tgan o'zaro ijodiy hamkorlik, do'stlik rishtalarini yoshlar uchun ibrat namunasi sifatida ko'rsatsa arziydi.

¹ Юқоридаги асар. – Б.94.

² Юқоридаги асар. – Б.94.





Насиба Ниязова,
И.о. профессора кафедры Узбекского языка и
литературы ТГЮУ,
кандидат педагогических наук

ТВОРЧЕСТВО ПОЭТА И ПИСАТЕЛЯ ГАФУРА ГУЛЯМА


В последние годы особое внимание уделяется вопросам изучения национальной литературы, а также поощрения интереса среди молодежи.

Президент нашей страны Ш.Мирзиёев, посетив Аллею литераторов, созданную в Национальном парке Узбекистана имени Алишера Навои, ознакомился с созидательной работой, проводимой на этой территории.

В целях более эффективного использования Аллеи литераторов, изучения жизни и творчества каждого писателя, которому установлен памятник на данной Аллее, президент предложил прикрепить установленные в парке памятники к высшим учебным заведениям, расположенным в городе Ташкенте.

В частности, в Ташкентском государственном юридическом университете проводится системная работа по глубокому изучению жизни и творчества выдающегося представителя узбекской литературы Гафура Гуляма и его пропаганде среди широкой общественности, особенно, молодежи.

В ТГЮУ созданы все условия для эффективного изучения молодежи жизни и творчества Гафура Гуляма. Для активной студенческой молодежи, а также преподавателей университета учреждена стипендия и нагрудной знак Гафура Гуляма. В этом учебном году, как стало доброй традицией, стипендии и нагрудные знаки




в честь 120-летия со дня рождения Гафура Гуляма были вручены преподавателям, сотрудникам музея Г.Гуляма и студентам, принимающим активное участие в изучении творчества писателя и поэта Гафура Гуляма.

Сегодня, говоря о прозе начала XX века, нельзя не упомянуть о весомом вкладе крупного представителя узбекской литературы первой половины прошлого столетия Гафура Гуляма в реалистическую и юмористическую прозу.

Изучая творчество поэта, мы видим, что творчество писателя состоит из красочных стихов, дастанов, касыд, повестей и рассказов.

Особое место в творческом наследии писателя занимают произведения, адресованные юным читателям. Свое творчество Г.Гулям начал со стихов, посвященных детям и молодежи. В стихотворениях, посвященных детям, Г.Гулям не только с юмором и детским языком объясняет вопросы нравственности, воспитания, но и в этих стихах раскрываются права детей, их равноправие. Одним из наиболее ярких стихотворений поэта является стихотворение "Солнце светит всем одинаково", содержание которого составляют идеи равенства и свободы, т.е. независимо от цвета кожи, расы, все люди имеют одинаковые права. Писатель еще раз напоминает, что свобода людей является самым важным благословением.


Говоря о произведениях для детей, следует особо отметить одно из самых замечательных творений выдающегося художника – повесть «Озорник». В повести, рассказывая читателю о скитаниях своего юного героя, Гафур Гулям пишет о годах собственного детства, отмечает близость судьбы главного героя с судьбой самого автора. Оригинальность и своеобразие повести «Озорник» в огромной мере заключены в затейливом, бесконечно



разнообразном переплетении подлинного, достоверного автобиографического материала с неистощимой фантазией автора. Следует подчеркнуть глубокую народность этого произведения. У веселой выдумки Гафура Гуляма – глубоко народные истоки. Различные истории, которые происходят с героем, напоминают сюжеты сказок, окрашенных фольклорным колоритом. Весь арсенал художественных средств народного поэта направлен на то, чтобы воспеть вольную душу народа, никогда не мирившегося с несправедливостью и рабством.

Следует подчеркнуть, что тема детства — счастливого или несчастливой — проходит через все творчество Гафура Гуляма, набирая особенную силу в последние десятилетия жизни поэта. По своему обыкновению, отталкиваясь от конкретного, реального факта (порой наблюдая за своими же собственными детьми), он размышляет о взаимозависимости между общественными условиями и судьбой детей, о том, какие качества следует родителям воспитывать в ребенке, на живых примерах, часто в шуточной форме, преподносит уроки нравственности самим детям в стихотворениях, вошедших в сборник: «Детям», «Моя одна строка», «Школьная весна», «Учимся думать».

Гафур Гулям известен и как мастер короткого, остросюжетного рассказа, где вводится в качестве повествовательного приема авторская речь и свободное обращение к читателю в форме живой дружеской беседы-спора, переполненной вопросами и ответами самого писателя. Большинство прозаических произведений, созданных писателем, посвящено человеческим взаимоотношениям. Основные проблемы, которые он ставит и разрешает в произведениях, – это борьба за нравственное воспитание человека, за его моральное и культурное развитие, обличение пороков, отношение



к женщинам («Друзья», «Тени», «Счастье разбойника»). Кроме того, писатель создает в своих прозаических произведениях яркие положительные образы. Положительным героем, человеком с большой душой изображен Джура в повести «Ядгар». Он воспитывает чужого ребенка. Именно в отношении обыкновенного человека к чужому ребенку автор показал высокий нравственный уровень Джуры.


Кроме того, Г.Гулям, выросший среди простых тружеников, в стихах обращался к бытовым деталям, картинам родной земли, что определяло народность поэта, а также прочную связь с той землей, которая породила его и вскормила. Можно отметить два стихотворения о Ташкенте, «Сад», «Слово чести» и другие, в которых определена связь, запечатлевшаяся в образах и пейзажах Узбекистана.

ТАШКЕНТ («Ташкент построен в лучшей части света...»)

*Ташкент построен в лучшей части света,
он весь — в просторной синей чаше гор,
и в знойное сорокадневье лета
здесь ветром омывается простор.
Горюет солнце над чужой землейю
и радуется, восходя у нас,
льет кроткие лучи живой рекою,
идет... помедлить хочет хоть на час.
Как свежи и как звонки реки наши
— Чирчик, Ахангаран, Анхор, Салар!
Долина блещет бекасама краше
— Ташкента моего душевный дар...*

САД

*Наша Родина прекрасна —
розы, мак, полей атлас.*



*Голубое небо ясно,
и сады ласкают глаз.
Наши девушки чудесной
красотой чаруют вас,
и отвагою джигитов
любовался я не раз...*

СЛОВО ЧЕСТИ

*Как велик мой народ!
О величии предков потомкам говорят города,
что древнее седых пирамид,
полустертая надпись на древнем хорезмском обломке
о преданиях нашей земли говорит...*


Отметим, что произведения Гафура Гуляма пронизаны поэтичностью, ощущением внутренней свободы и красоты мира.

Говоря о творчестве узбекского писателя, нельзя не отметить поэзию и прозу в которых нашла своё художественное воплощение история узбекского народа, в частности, годы Великой Отечественной войны.

Обладая тысячелетней историей своей государственности, узбекский народ на всех этапах исторического развития смог из поколения в поколение передать и проявить присущие для него идеи гуманизма и толерантности.

За военные годы Гафур Гулям создал такие замечательные стихотворения, получившие широкую известность, как «Время», «Будет и на нашей улице праздник», «Проводы», «Женщина», ставшие образцами высокой гражданской поэзии. Они вошли в сборник «Иду с Востока».

В стихотворении «Жду тебя, сын мой!» поэт воспевает стойкость и мужество отцов, которые своим героическим трудом в тылу приближали победу над врагом.




«Военные» стихи Гафура Гуляма приобрели чрезвычайно широкую популярность прежде всего потому, что в них сумел с непревзойденной яркостью выразить и всенародную любовь к воинам – защитникам жизни, детей, домашнего очага и любовь каждого отдельного человека к тому родному, единственному, который ушел в огонь битвы, откуда не всем суждено возвратиться.

Великая Отечественная война обострила и высветлила чувство братства между людьми, ощущение единства исторических судеб у народов нашей Родины. Из многих проявлений этого единства Гафура Гуляма с особенной силой привлекло то, что Узбекистан, далекий от фронта, сделался прибежищем для тысяч людей, кого война лишила крова.

Узбекская земля для сотен тысяч человек стала вторым домом. Многие дети были усыновлены в узбекских семьях, получив такое же воспитание, как и родные дети. Немало таких обездоленных принял Ташкент, особенно — детей, осиротевших, либо разлученных с родителями. Их целыми эшелонами, порой в холодных, разбитых вагонах, привозили сюда, обессиленных от голода, искалеченных, выгружали прямо на путях...

Ташкентцы всех возрастов и национальностей спешили прямо на вокзал, чтобы взять на воспитание ребенка, а то и двоих, троих. И в наши дни в республике все знают имена супругов Шаахмеда Шамахмудова и Бахри Акрамовой (ныне уже покойных), которые усыновили и удочерили четырнадцать эвакуированных мальчиков и девочек разных национальностей. Притом сумели вырастить, вывести в люди!

Гафур Гулям, чуткий ко всему, был прекрасно осведомлен обо всех событиях того времени. Он сам встречал «сиротские эшелоны» на вокзале, навещал семьи, приютившие детей. Любовь человека к детям в те тяжелые годы приобрела великий смысл.



Всё увиденное и осмысленное стало толчком к созданию знаменитого стихотворения «Ты не сирота», в котором с пронзительной силой звучат мотивы любви к детям, братства разных народов, скрепленного общей бедой, наконец — мотив глубочайшей ненависти и презрения к фашизму, губителю всего живого, светлого и доброго.


*Разве ты сирота?..
Успокойся, родной!
Словно доброе солнце,
Склонясь над тобой,
Материнской, глубокой
любовью полна,
бережет твое детство
большая страна....*

В газете «Правда» 27 апреля 1942 года было напечатано стихотворение, в переводе Светланы Сомовой, которое приобрело широкую известность в тылу и на фронте, где оно оказывало духовную поддержку людям, потерявшим своих детей на войне. Ленинградская поэтесса Анна Ахматова, которая находилась во время эвакуации в Узбекистане, также создала один из вариантов перевода данного стихотворения.

Многим известны случаи, когда именно стихотворение Гафура Гуляма натолкнуло таких обездоленных родителей на мысль искать, путем переписки своих детей в Узбекистане — и поиски увенчивались успехом.

В годы войны, чутко улавливая и отражая как бы «разлитую» в народе тоску по мирному труду на мирной земле, Гафур Гулям мечтает о времени, которое обязательно придет, потому что война завершится победой:

*Клянемся честью, скоро над врагом
последний, смертоносный грянет гром.*




*Жизнь закипит, не будет литься кровь,
страна цветущим садом станет вновь. («Прощание»).*

Военные впечатления, раздумья о судьбах большой Родины и ее разноплеменных сынов, сражающихся с врагом, обогатили творческую палитру узбекского поэта, усилили социальное, гражданское звучание его стихов. Эти стихи стали бесценным достижением узбекской лирики военной поры.

Таким образом, обобщая творчество Гафура Гуляма важно отметить, что произведения поэта и писателя пользуются признанием и любовью миллионов читателей в нашей стране и за рубежом. Стихи и проза Гафура Гуляма переведены на английский, русский, персидский, испанский, польский, болгарский и другие языки. Кроме этого большое количество замечательных произведений Гафура Гуляма пронизаны взволнованной поэтичностью, ощущением внутренней свободы и красоты мира; чистое его сердце всегда останется открытым всему прекрасному.

Список использованной литературы

1. Гафур Гулям. Избранное. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. – Ташкент, 1983. С.15
2. XX аср узбек адабиёти тарихи. – Ташкент, Укитувчи, 1999. с. 230
3. Хамраев Ф., Боярская Н., Вульф О., Мирзаев Р. Внеклассное чтение. Хрестоматия по узбекской литературе. – Ташкент, Издательство «Укитувчи», 2015.
4. Ниязова Н. Ж. Роль изучения текстов в обучении монологической речи учащихся и студентов (на примере творчества Гафура Гуляма) //Conferences. – 2021.
5. Ниязова Н.Ж. Роль творчества Гафура Гуляма в духовно-нравственном воспитании молодежи» // Учитель Узбекистана» (9 мая 2023, №19 (2769))






Durdona Rasulmuhamedova,
TDYU dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

G'AFUR G'ULOM MOHIR TARJIMON

O'zbek xalq madaniyati va milliy adabiyoti rivojiga ulkan hissa qo'shgan ijodkor, O'zbekiston xalq shoiri, Fanlar akademiyasi akademigi G'afur G'ulom o'zidan keyin katta adabiy-ilmiy meros qoldirgan. G'afur G'ulom qisqa, ammo o'tkir syujetli hikoyalar ustasi sifatida ham mashhur. Uning 30-yillarda yaratgan ko'plab nasriy asarlari yangi insoniy munosabatlarga bag'ishlangan. G'afur G'ulom o'z asarlarida yoritib bergan asosiy muammolar va ularni hal etish yo'llari insonni axloqiy tarbiyalashga, uning ma'naviy-madaniy kamolotini yuksaltirishga yordam beradi.

G'afur G'ulom ijodining o'ziga xosligi shundaki, unda o'zbek adabiy tilining o'tmishi va bugungi holati, tilning umumiy yo'nalishi va taraqqiyot qonuniyatlari, tilda kechayotgan jarayonlar keng miqyosda namoyon bo'ladi. G'afur G'ulom so'z san'ati ustida ko'p mehnat qilgan. U milliy adabiyotimizga kerakli so'zlarni tanlashda konkret obrazdan foydalana bilgan ijodkordir. G'afur G'ulom o'z asarlarida real hayot obrazi va jonli kadrlarni ko'rsatadi, bu esa odamda hayajon tuyg'usini uyg'otadigan jozibali manzara yaratish maqsadida so'zning emotsional kuchini oshiradi.


G'afur G'ulom Pushkin, Lermontov, Griboyedov, Mayakovskiy, Nozim Hikmat, Shota Rustaveli, Nizomiy, Shekspir, Dante, Bomarşe va boshqalarning asarlarini o'zbek tiliga mohirona tarjima qilgani, adabiy-publisistik maqolalari bilan ham mashhur. Ayniqsa, Vladimir Mayakovskiy ijodi G'afur G'ulomning ijodiy olamining paydo bo'lishiga, badiiy didining shakllanishiga katta ta'sir ko'rsatdi. G'afur G'ulom o'z maqolalaridan birida shunday deydi: "Men rus klassiklarini bilaman, ularni yaxshi ko'raman, ularning ko'plab asarlarini



ona tilimga tarjima qilganman. Ammo men aytmochimanki, "o'zim uchun men Mayakovskiyning shogirdiman", u she'rning so'z boyligi, timsoli va tuzilishi sohasida eng yorqin va cheksiz imkoniyatlarni ochdi. Ammo Mayakovskiy satirasida ulkan g'azab, tanqidiy kinoya, lirikadagi bag'rikenglik kuchida men qo'rqmas ritorikaning kuchini, uning uslublarini, metafora dadilligini, ifodali mubolag'alarni jamlashga harakat qildim. Men hatto o'zbek she'riyatida uslubiy, ohangdor va ifodali poetik qurilishga murojaat qilishga majbur bo'ldim". G'afur G'ulomning ko'plab she'rlarida, jumladan, "Turksib yo'lida", "Vatan" she'rlarida ana shunday ko'rinishlar mavjud.

G'afur G'ulom turli davrlarda G'arb adabiyotining ko'plab asarlarini ham o'zbek tiliga tarjima qilgan. G'afur G'ulom badiiy tarjima masalasiga ijodiy yondashgan, asarning g'oyaviy mazmuni, badiiy xususiyatlari, muallif fikri, til va uslub jihatlarini aks ettirish "sirlarini" yaxshi bilgan so'z ustasidir. Xususan, ingliz dramaturgi Shekspir tomonidan nafis did bilan yaratilgan o'lmas obrazlarni o'zbek tilida san'atkorning o'ziga xos mahorati bilan qayta tikladi. Shoir 1940-yilda "Otello", 1956-yilda "Qirol Lir" tragediyasini o'zbek tiliga tarjima qilgan. G'afur G'ulom o'z ishiga chuqur sadoqat bilan yondashadi. Shekspir uni ideal obrazlar yarata olganligi bilan hayratga soldi. G'afur G'ulom Shekspirni sahna asari yaratish san'atining shohi deb atagan edi. U tarjima tajribasida ingliz dramaturgining o'ziga xos uslubini saqlab qolish, o'zbek tilida "o'z yo'lida" qolish uchun astoydil harakat qildi. Buning uchun shoir Shekspir pyesalarini sinchiklab o'qidi, uning asarlari tarixi, uslubi va tekstologiyasini qunt bilan o'rgandi.

G'afur G'ulom Shekspirning "Otello" tragediyasi bilan tomoshabinni xushnud etishda ona tili imkoniyatlaridan muvaffaqiyatli foydalanadi. U buyuk dramaturg yaratgan asarlar qalbiga, obrazlar olamiga chuqurroq kirib borish uchun tragediyaning bir necha ruscha tarjimalari bilan tanishdi. Qahramonning tarjimada aks etishi muhim omillardan biri



sanaladi. Tarjimada asar qahramoni obrazini to'g'ri yetkazish ko'pincha butun asar tarjimasining taqdirini belgilab beradi. G'afur G'ulom tarjimada Shekspir xarakterini tiklashda asosiy maqsadiga erishdi: unda asl nusxadagi kabi personajlar erkin harakatlanadi. Tarjimaning yana bir yutug'i shundaki, tragediyada hislar nutqi juda yaxshi aks ettirilgan. Shekspir qahramonlari xayoliy tarkibda emas, balki bir-biri bilan jonli suhbatda, muhokamada bo'lishadi.

G'afur G'ulom o'z tarjimasida Shekspir qahramonlarining realistik va badiiy barkamolligini mahorat bilan tiklay oldi. Natijada o'zbek tilidagi tarjimadagi obrazlar jonlandi: hayot ziddiyatlariga ko'ra, kishilarning ichki dunyosidagi o'zgarish sezilib, keyinchalik ularning tashqi qiyofasi – xatti-harakati, nutqida o'z aksini topdi. Xulosa o'rnida shuni ta'kidlaymizki, tragediyaning o'zbek tilidagi tarjimasida ham Shekspir personajlari obrazlari to'liq saqlanib qolgan.





Нодир РАМАЗОНОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент
ТДЮУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири


САЪДИЙ “ГУЛИСТОН”ИДАГИ ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР ҒАФУР ҒУЛОМ ТАРЖИМАСИДА

Форс адабиётида Саъдий Шерозий дидактика ва ғазал жанрининг йирик вакили ҳисобланади. Унинг «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари бой ҳаётий тажриба асосида яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шарқ дидактик адабиётининг гултожи ҳисобланган «Гулистон» саккиз бобдан иборат бўлиб, у “Дебоча”; “Подшоҳлар сийрати зикрида” (биринчи боб); “Дарвешлар ахлоқи зикрида” (иккинчи боб); “Қаноат фазилати зикрида” (учинчи боб); “Сукут сақлашнинг фойдалари зикрида” (тўртинчи боб); “Ишқ ва ёшлик зикрида” (бешинчи боб); “Қариллик ва заифлик зикрида” (олтинчи боб); “Тарбият таъсири зикрида” (еттинчи боб); “Сухбат одоби зикрида” (саккизинчи боб) сингари таркибий қисмлардан ташкил топган.

Ушбу асар қисқа ҳаётий ҳикоятлар ва уларни хотималовчи, айтиш мумкинки, ўқувчига қиссадан ҳисса чиқаришга кўмаклашувчи шеърий парчалардан таркиб топган. Ғафур Ғулом ўз таржимонлик фаолияти билан ўзбек адабиётини форс шеъриятининг юксак намуналари билан бойитди, замонавий ўзбек таржима мактаби анъаналарини давом эттирди.

«Гулистон»нинг ўзбек тилидаги тўртинчи таржимаси 1968 йили босилиб чиқди. Асардаги шеърларни Ғафур Ғулом ва Шоислом Шомухамедов таржима қилган, наср қисмини Рустам Комилов ўзбекчалаштирган. Айтиш



мумкинки, замонавий ўзбек ўқувчиси ўлмас «Гулистон» асари билан айнан шу таржима туфайли танишиш бахтига муяссар бўлди.

Биз ушбу мақоламизда «Гулистон»нинг 1968 йилги нашри асосида Гафур Ғулумнинг таржимонлик маҳоратига тўхталиб ўтамиз, шоирнинг форс тилидан амалга оширган таржимасининг ўзига хос хусусиятларини ўрни-ўрни билан Сайфи Саройи таржималарига муқояса қилиш орқали очиб беришга ҳаракат қиламиз.

اگر ز باغ رعيت ملك خورد سيبی
بر آورند غلامان او درخت از بيخ
به پنج بيضه كه سلطان ستم روا دارد
زند لشكريانش هزار مرغ به سيخ

Аслиятнинг мазмуни:


Агар подшоҳ фуқаро боғидан бир олмани еса / Унинг хизматчилари дарахтни илдизи билан кўпорадилар. / Агар султон беш тухумни зўрлик билан тортиб олса, / Унинг аскарлари минг товуқни сихга тортадилар.

Сайфи Саройи:

Раият боғининг султон олиб еса бир олмасин,
Юзор мундин егай бир қул барини илмайин тишка.
Буюрса беш юмurtқани олурға куч била султон,
Навкарлари тутуб санчар **йигирма ғозни** бир шишка.

Ғафур Ғулум:

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,
Навкарлари кўпоради дарахтларнинг илдизин.
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,
Аскарлари сихга тортур **товуқлардан беш юзин**.




Ушбу шеърий матн таржимасининг фақат бир ўрнида турличалик кузатилади: агар аслиятда “минг товуқ” ҳақида сўз борса, Сайфи Саройи ушбу маънони “йигирма ғоз” орқали ифодалайди, Ғафур Ғулом эса “беш юз товуқ” иборасини қўллайди. Саъдий “бирига минг” жуфтлигини қўлласа, Сайфи Саройи “йигирма ғоз” ифодаси билан аслиятдан анча узоқлашади (ҳам сонда (бирига йигирма), ҳам товуқни ғозга алмаштириш орқали), Ғафур Ғулом эса товуқни аслиятга мувофиқ ўгиради ва тухум–товуқ ассоциациясини тиклайди, аммо у ҳам “бирига беш юз” ифодасини вазн ва қофия талаби асосида “бирига минг” шаклига келтиришни лозим топмайди, аммо маъно (“подшоҳнинг битта қондани бузиши фуқаро (подшо атрофидагилар)нинг мингта қондани беписанд қилишига олиб келади”) ўз ифодасини топган дейишимиз мумкин, чунки “беш юз” ҳам “ўта кўп” маъносини беради.

Кейинги мисол Ғафур Ғуломнинг таржимада адекватликка интиланлигини яққол кўрсатувчи далил сифатида аҳамиятлидир:

اَقْلُ جِبَالِ الْاَرْضِ طَوْرًا وَ اِنَّهُ
لَا عَظْمٌ عِنْدَ اللّٰهِ قَدْرًا وَ مَنْزِلًا
آن شنیدی که لاغری دانا
گفت باری به ابلهی فربه
اسب تازی و گر ضعیف بود
همچنان از طویله ای خر به

Аслиятнинг мазмуни:

Гарчанд Тур тоғи бошқа тоғлардан пастроқ бўлса ҳам /
Унинг Оллоҳ наздида қадри баланддир. / Эшитмадингми,



бир кун озгин доно киши / Семиз аблаҳ одамга дуч келиб
деди: / Гарчанд този (чопағон) от заиф кўринса ҳам, / Бир
сурув эшакдан яхшироқдир.


Сайфи Саройи:

Бир ориқ оқил одамий айтти,
Бир семиз аблаҳа келиб қарши.
Неча бўлса заиф тозий от,
Бир тавила эшакдан ул яхши.

Ғафур Ғулом:

Тур тоғи кўп тоғдан тубан аслида,
Хурмати юксакдир Тангри наздида.
Шуни эшитдимки, бир ориқ доно
Семиз бир аблаҳга айтганди бир кун:
“Араб тўпичоғи хипча бўлса ҳам,
Бир оғил эшакдан қийматда устун”.

Ушбу шеъринг матн таржимасининг ўзига хос хусусиятларига киришар эканмиз, аввало Сайфи Саройи матн парчаси бошидаги Тур тоғи ҳақида сўз борган ва кейинчалик Саъдий томонидан тамсил учун ишлатилган араб тилидаги дастлабки икки мисрани ташлаб кетганлигини қайд этишимизга тўғри келади. Нега Сайфи Саройи бундай йўл тутганлиги бизга қоронғу, лекин матн моҳиятини очиб беришда бу қисқартириш ўзини оқламаганлиги аниқ, чунки Тур тоғининг бошқа тоғларга қараганда пастроқ эканлиги, аммо бу унинг Яратган наздида улуғлигига таъсир қилмаганлиги (далил: диний ривоятларга кўра Оллоҳ Мусо пайғамбар билан Тур тоғида гаплашган, ваҳий юборган) тамсили кейинчалик този отнинг заиф шаклу шамойили унинг бир уюр эшакдан афзаллигига путур етказмаганлиги, бинобарин, озгин ақли расо киши семиз аҳмоқдан



устунлигини асослаш учун хизмат қилган. Эътибор берадиган бўлсак, шундай кетма кетлик чизилади: (паст) Тур тоғи – (заиф) този от – (озғин) ақлли инсон ва бу Саъдий томонидан семиз ақли ноқиснинг аслида пастлигини тасвирлаш ва ўқувчини асл қадрият – “заиф, аммо ақли юсак киши семиз (кўркам), аммо ақли ноқис инсондан устун” постулатига ишонтиришга хизмат қилдирилади. Ушбу ҳолатни тўғри пайқаган Гафур Ғулом адекват таржима орқали Саъдийнинг фикрини тўғри етказишга эришган.

Кейинги матн таржимасида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келамиз:


إذا رأيت اثيماً كُنْ سائِراً و حليماً
يا من تُفَبِّحْ امرى لِمَ لا تَمُرْ كريمة
متاب، ای پارسا، روی از گنهگار
به بخشایندهی در وی نظر کن
اگر من ناجوانمردم به کردار
تو بر من چون جوانمردان گذر کن

Сайфи Саройи:

Ёзуқли қул кўруб, эй порсо эр,
Тилаб ҳақдин ани сен хуш назар қил.
Нечаким ул ёмон бўлса сен эйгу,
Эранлартек анинг узра гузар қил.

Ғафур Ғулом:

Бир гуноҳкор учратдингми, шафқат қил, айбин яшир,
Гуноҳидан жиркансанг ҳам кўриб-кўрмай ўтабер.
Гуноҳкордан юз ўгириб кета берма, ҳой йигит,
Унга айбин кечирганлар кўзи билан қарагил.



Мен-ку, ушбу қилиқ билан бир номардлик қилибман,
Сен-чи, менга жувонмардлик қилмоқликка ярагил.

Бу ўринда ҳам Сайфи Саройи томонидан арабча матн қисқартирилган, Ғафур Ғулом эса аслият мазмунини тўлиқ акс эттиришга интиланган.

Кейинги матн парчаси ва унинг таржимасига эътибор қаратамиз:

كس نياید به زیر سایه بوم
ور همای از جهان شود معدوم

Аслиятнинг мазмуни:

Инсон бойқушнинг соясига келмайди / Ҳумо қуши жаҳондан буткул йўқолиб қолса ҳам.


Сайфи Саройи:

Кетса жаҳон вилоятин тарк этиб Ҳумой
Бойқуш кўланкасина киши келмаги муҳол.

Ғафур Ғулом:

Жаҳондан Ҳумо қуш йитиб кетса ҳам,
Бойқуш соясини истамас одам.

Ҳар иккала таржимада ҳам кўзга ташланиб турган жиҳат – мисралар ўрнининг алмашишидир. Шеърый парчада тезис иккинчи мисрада ифодаланган – бу “жаҳондан Ҳумо қушининг йўқолиб қолиши”дир. Биринчи мисра аслида ушбу тезисни қувватлайдиган аргумент вазифасини бажариб келган. Форс тилида аниқланмиш олдин, аниқловчи кейин келади (*китоб-и ман*). Ўзбек тилида аксинча – аниқловчи олдин, аниқланмиш эса кейин келади (*менинг китобим*). Ушбу принцип мазкур шеър парчаси форсий аслиятида айнан намоён бўлади: олдин



аргумент (аниқланмиш), кейин эса тезис (аниқловчи) келган. Ҳар икки ўзбек таржимони ҳеч иккиланмай форсий байт мисралари ўрнини алмаштириб, туркий тил қонун-қоидаларига (ўз ўқувчилари тафаккурига яқинлаштириш мақсадида) мослаб ўгиришади.

Кейинги мисолларни ёнма-ён келтириш орқали, матнларнинг ўзини таққослашга ҳаракат қиламиз.

ابر اگر آب زندگی بارد
هرگز از شاخ بيد بر نخوری
با فرومایه روزگار مبر
کز نی بوريا شکر نخوری

Аслиятнинг мазмуни:


Булутдан ҳаёт суви ёғса ҳам / Тол дарахти шохида мева битмайди. / Тубан инсонга вақтингни сарфлама / Бўйрабоп қамишдан шакар чиқмайди.

Сайфи Саройи:

Агар ёғса булутдан оби ҳайвон,
Яқин бил тол ағочинда емиш йўқ.
Ёмон бирла умрни зоеъ этма,
Қури найдан киши шақкар емиш йўқ.

Ғафур Ғулум:

Булутдан чин ҳаёт ёмғури ёғса,
Тол дарахт шохида мева пишмайди.
Уринма ёмонни яхши қилишга,
Бўйрабоп қамишдан шакар чиқмайди.



شمشير نيك از آهن بد چون كند كسى
ناكس به تربيت نشود اى حكيم كس
باران كه در لطافت طبعش خلاف نيست
در باغ لاله رويد و در شوره بوم خس
زمين شوره سنبل بر نيارد
در او تخم و عمل ضايع مگردان
نكويى با بدان كردن چنان است
كه بد كردن به جاى نيك مردان

Аслиятнинг мазмуни:


Яхши қилични киши ёмон темирдан қандай яасин? /
Эй ҳақим, нокас тарбия билан яхшига айланиб қолмайди!
/ Нафис табиатли ёмғирнинг ҳосилини кўр: / Боғдан лола
ундирар, шўрхоқдан хас-хашак. / Шўрхоқдан сунбул униб
чиқмайди / Унга уруғ ва меҳнат зоеъ қилма. / Ёмонларга
яхшилиқ қилмоқ мисли / Яхшиларга ёмонлик қилмоқ
билан баробар.

Сайфи Саройи:

Яхши қилич бўлурми ҳаргиз ёмон темирдан,
Ювмоқ билан кетарми лавни қора кўмурдан.
Ёвузга эйгуликни қилмоқлик ўйладур бил,
Хайр ишлара ёмонлик қилмоқ бўлур муқобил.


Ғафур Ғулом:

Кескир ханжар бўлмас ёмон темирдан,
Одам қилиб бўлмас, ким эса нокас.



Гўзал табиатли ёмғур минг ёгсин
Боғдан лола унар, шўрхоқ ердан хас.
Шўра тупроқ ердан гул униб чиқмас,
Дон сочмоқ овора бўлмоқ демакдир.
Яхшига ёмонлик қилмак мисоли,
Ёмонга яхшилик қилмак демакдир.

Ушбу шеъринг матн парчасининг сўнгги мисраларида Гафур Гулом аслиятдан узоқлашганлигини, асл матннинг мазмунини нотўғри ўгирганлигини қайд этишга тўғри келади. Ҳамма гап шундаки, Саъдийнинг шеърида ёмонларга яхшилик қилиш, яхшиларга ёмонлик қилишга тенглаштирилган. Шеърнинг моҳиятини тўғри англаган Сайфи Саройи уни аслиятга мувофиқ ўгирган ва мазмунни тўла сақлаган, бироқ Гафур Гулом таржимасида шеърнинг мазмуни "Яхшига ёмонлик қилмоқ, ёмонга яхшилик қилмоқ билан баробар" тарзида жўнлаштирилиб берилган ва аслият мазмуни бузилган. Саъдийда сўз яхшига ёмонлик қилиш – ёмонга яхшилик қилишга баробарлиги ҳақида эмас, аксинча, ёмонга яхшилик қилиш – яхшиларга ёмонлик қилишга баробарлиги ҳақида бормоқда. Бир қарашда фарқсиздек туюлган ушбу икки фикр ўртасида аслида жуда катта тафовут мавжуд. Уларнинг оқибати ҳам аслида икки хил: битта яхшига ёмонлик қилсанг, фақат ўша яхши азият чекади, битта ёмонга билибми, билмайми яхшилик қилсанг, минглаб яхшиларга ёмонлик қилган бўласан, чунки сен кўрсатган яхшилик, мурувват, саховатдан куч олган ёмон, кейинчалик юзлаб, минглаб яхшиларга ёмонлик қилиш имконига, қудратига эга бўлади. Саъдий тафаккурининг теранлиги, у етказмоқчи бўлган фалсафий-ахлоқий муаммонинг моҳияти ҳам айнан шунда.



دوست مشمار آن که در نعمت زند
لاف یاری و برادر خواندگی
دوست آن دانم که گیرد دست دوست
در پریشان حالی و درماندگی

Аслиятнинг мазмуни:

Дўст санама ул инсонники неъмат илинжида / Ёру
биродарлик лофини ургай. / Дўст деб уни билгинки,
дўстнинг қўлидан / Қийин кун тушганда ва чорасиз
қолганда тутгай.

Ғафур Ғулом:

Қўлинг очик, дастурхонинг мўл куни
Дўсту ёринг манман деганлар эмас.
Дўст ўшаки, қийин кунга тушганда,
Қўлтиғингдан даст кўтариб қўйган кас.

نه هر که قوت بازوی منصبی دارد
به سلطنت بخورد مال مردمان به گزاف
توان به حلق فرو بردن استخوان درشت
ولی شکم بدرد چون بگیرد اندر ناف
نماند ستمکار بد روزگار
بماند بر او لعنت پایدار



Аслиятнинг мазмуни:

Ҳар кимнинг ҳам мансабдорлик қўлидан келмас
/ Салтанатда ўлтириб халқ молини тўқис еса / Катта
суякларни томоқдан ўтказиш мумкин / Аммо киндикка
ўралса, қоринни йиртади / Ёмон ишлар қилгувчи ситамкор
бу дунёда қолмайди / У абадий лаънатга қолади.

Ғафур Ғулом:

Ҳар кимнинг мансаби, қуввати бордир,
Халқ молин емакка қудрати бордир.
Каттакон сўнгалар халқумдан ўтар,
Лекин пастга тушиб қоринни йиртар.
Халққа зулм этса ҳар бир ситамкор,
Унга қарғиш-лаънат бўлур пойдор.


حاصل نشود رضای سلطان
تا خاطر بندگان نجویی
خواهی که خدای بر تو بخشد
با خلق خدای کن نکویی

Аслиятнинг мазмуни:

Султоннинг ризолигин топа олмассан, / Токи бандалар
кўнглини топа билмассанг. / Худо гуноҳимни кечирсин
десанг, / Худо розилиги учун халққа яхшилик қил.

Ғафур Ғулом:

Султоннинг ризосин топа олмайсан,
Токи фуқаронинг кўнглин топмассанг.
Худо бандасига яхшилик қилғил,
Худо гуноҳимни кечирсин десанг.



چو کاری بی فضول من بر آید
مرا در وی سخن گفتن نشاید
و گر بینم که نابینا و چاه است
اگر خاموش بنشینم گناه است

Аслиятнинг мазмуни:

Агар бирор иш менинг иштирокимсиз битадиган бўлса,
/ Мен у ҳақда сўзлашим жоиз эмас. / Аммо кўрсамки, кўзи
кўр чоҳнинг лабида турибди, / Агар кўриб жим турсам,
гуноҳ бўлади.


Ғафур Ғулом:

Бирор иш менсиз ҳам битажак экан,
Нега шу тўғрида мен валақлайман?
Кўрдимки, битта кўр чуқур лабида,
Ҳай-ҳайлаб қўймасам, бу гуноҳ манда.

آن نه من باشم که روز جنگ بینی پشت من
آن منم گر در میان خاک و خون بینی سری
کاتکه جنگ آرد به خون خویش بازی می کند
روز میدان و آن که بگریزد به خون لشکری

Аслиятнинг мазмуни:

Мен ул эмасдирманки, жанг куни ортимни ўгириб
қочсам / Мен улменки, қонли тупроққа беланиб жанг
қилурмен. / Ул кишиким, мен билан урушмоқ истаса, ўз



жони билан ўйнашади / Жанг куни қочмоқчи бўлсанг,
билки / Лашкаринг сендан олдин жанг майдонини тарк
этади.

Ғафур Ғулом:

Жанг кунидир орт кўрсатиб қочувчидан эмасман,
Урушаман қон тупроққа беланиб оғиз-бурун.
Сен мен билан урушаркан, жонинг-ла ўйнашасан,
Қочар бўлсанг, сендан олдин қочар қўшининг бутун.


درختی که اکنون گرفته‌ست پای
به نیروی شخصی برآید ز جای
و گر همچنان روزگاری هلی
به گردنش از بیخ بر نگسلی
سر چشمه شاید گرفتن به بیل
چو پر شد نشاید گذاشتن به بیل

Аслиятнинг мазмуни:

Энди илдиз отган дарахтни / Бир одам жойидан
суғуриши мумкин / Вақт ўтиб илдизи мустаҳкамланса
/ Тўфонлар ҳам илдизини суғура олмайди. / Бел билан
булоқнинг кўзини ёпиш мумкин / Тўлиб оқса, фил билан
ҳам кечиб бўлмайди.

Ғафур Ғулом:

Кўчат эндигина томир қўйган он,
Бир одам суғуриб олиши осон.
Вақт ўтиб илдизини отганида-чи,
Қўпора олмайди бўронлар кучи.



Булоқни бўғилса бўлур бел билан,
Тўлса кечиб бўлмас, ҳатто, фил билан.

با بدان يار گشت همسر لوط
خاندان نبوتش گم شد
سگ اصحاب كهف روزی چند
پی نیکان گرفت و مردم شد

Аслиятнинг мазмуни:

Ёмонларга ёр бўлди Лутнинг хотини / Пайғамбар
хонадони йўқолиб кетди. / Асҳоби қаҳфга бир неча кун
эргашган ит / Яхшиларга эргашиб одам аталди.

Ғафур Ғулом:

Ёмонга қўшилди Лутнинг хотини,
Пайғамбар хонадон тўзди, тарқалди.
Ит эса асҳоби Қаҳфга эргашиб,
Яхшилар қатори одам аталди.

عاقبت گرگ زاده گرگ شود
گرچه با آدمی بزرگ شود

Аслиятнинг мазмуни:

Алалоқибат бўрининг боласи бўри бўлади / Гарчи
одамлар орасида катта бўлса ҳам.


Ғафур Ғулом:

Одамлар нечоғли қилса тарбият,
Бўрининг боласи – бўри оқибат.



Ушбу байтда ҳам мисралар ўрнини алмаштириб таржима қилиш орқали, матннинг ўзбек китобхонига тушунарли тарзда етказилишига эришилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ғафур Ғуломнинг таржимонлик маҳорати аслият мазмунини имкон қадар тўлиқ акс эттириш, Саъдий томонидан тамсил учун ишлатилган араб тилидаги мисраларни ўзбек тилида ҳам тўлиқ акс эттириш (бундай ўринлар “Гулистон”да кўплаб учрайди), шеър таркибидаги деталларни аслиятда қандай мазмун ташиган бўлса, ўша мазмунда бериш, аслият вазнини сақлашга ҳаракат қилишда айниқса яққол намоён бўлади.





Norbibi Ruzimurodova,
Termiz davlat universiteti erkin tadqiqotchisi

XALQLAR DO‘STLIGI G‘AFUR G‘ULOM VA SALIM ASHUR TALQINIDA


G‘afur G‘ulom betakror iste‘dod sohibi edi.U falsafiy she‘rlari, sermazmun nasriy asarlari bilan adabiyotimiz maydonini boyitdi.Xalqimiz ftixori, millatimiz faxri bo‘ldi.

G‘afur G‘ulom nafaqat bir xalqning shoiri, balki qardosh xalqlarning ham sevimli ijodkori sifatida shuhrat topdi. Uning ijodiyotida tinchlik, birdamlik,ozodlik,baxt-saodat,do‘stlik tuyg‘ulari asosiy mavzu sifatida talqin etilgan.Ayniqsa,yetim bolalarga,ularning turmush tarziga bo‘lgan qiziqish G‘afur G‘ulom uchun asosiy maqsad edi.Chunki adibning o‘zi ham yetimlikka,azob-uqubatlarga o‘sganligi bois,ularning bunday holati shoirga tanish edi.

G‘afur G‘ulomning birinchi she‘ri 1923-yilda yozilgan.Shoir yashaydigan yillarda yetim bolalar internatning mudiri edi. Aytishimiz joizki, shoirning dastlabki she‘rlari shu internatda yozilgan. "Shu kecha o‘z yetimligim, boshimdan kechirganlarim va shu yetim bolalar ahvoli,hukumatimizning shu go‘daklarga g‘amxo‘rligi to‘g‘risida she‘r yozdim.Shu she‘rimni birinchi she‘rim desam bo‘ladi”.¹

G‘afur G‘ulom ustoz shoir edi.Uning ijodiyotidan nafaqat o‘zbek ijodkorlari, balki qardosh xalq shoirlari ham bahramand bo‘lib, o‘rnak oldilar.Uning xalqlari do‘stligi va ularning birdamligi mavzusida yozgan she‘rlari o‘z davrida barcha she‘riyat ixlosmandlarini diqqat markazidan joy oldi.G‘afur G‘ulomning "Qozoq elining ulug‘ to‘yi", "Biri-biriga ustoz, biri-biriga shogird", "G‘oliblar sharafiga" kabi she‘rlarida xalqlar do‘stligi va ularning birdamligi tarannum etilgan.¹

¹ Адабиётимиз автобиографияси.Тошкент .1973.178




Shu bilan birga bunday mavzuda yozilgan she'rlarda obrazlarning aniqligi, fikrlarning teranligiga alohida e'tibor qaratgan. Lirik qahramon hayotiy tajribalarini, ichki kechinmalarini milliy va hamdo'stlik ohanglarda tasvirlagan. G'afur G'ulomning "Ulug' rus xalqiga", "Qozoq elining ulug' to'yi", "Bizning uyimizga qo'nib o'ting, do'stlarim", "Ozarbayjonlik paxtakor yurtdoshlarga" kabi she'rlari shunday xususiyatlari bilan diqqatga sazovordir. G'afur G'ulom qaysi xalqning do'stligini tasvirlasa, o'sha xalq milliy qadriyatini urf-odatini asosiy o'rinda qo'ygan. Shu bilan birga har bir xalqning milliy tarixiy manbalarga tayangan. Jumladan, "Qardosh tojik xalqiga" she'rida o'zbek va tojik xalqlarning o'zaro do'stliklari, qarindosh - urug'ligi xususidagi fikrlari bayon etilgan. Bu ikki xalqning azaliy do'stligi, quda-andachilik, qondoshlik tuyg'ulari haqida teran mulohazalar yurutilgan.

Yaqin quda -qudag'ay qadim-qadimdan buyon,
Birining o'g'li tojik, kelini o'zbek qizi,
Otasi Farg'onalik, onasi az Badaxshon,
Ona tilisi tojik, ammo o'zbekdir o'zi¹.

Zamonaviy adabiyotimizning taniqli shoiri Salim Ashur ijodiyoti ham xalqlar do'stligi mavzusi yetakchilik qilgan. G'afur G'ulomning yuqorida tilga olingan she'riga hamohang she'rni Salim Ashurda ham uchratamiz. Azaldan qarindosh, do'st-birodar bo'lgan tojik va o'zbek xalqlarining o'zaro do'stlik rishtalari xususida Salim Ashur ham she'ri bor. Salim Ashur talqinidagi "O'zbek bilan tojikning she'ri G'ulomning "qardosh tojik xalqiga" she'riga o'xshashdir.

Ikki so'z san'atkorlari talqinidagi xalqlar do'stligi mavzusi ikki she'rda ham mazmunan bir xildir. Ammo she'rning tuzilishi va uslubi mutlaqo farq qiladi. G'afur G'ulomning "Qardosh tojik xalqiga" she'ri falsafiy ma'nolarga boy bo'lib, she'rning har bir bandi to'rt misradan iboratdir. Har bir band va har bir misrada

¹ G'afur G'ulom to'plami Toshkent (12-jiltlik) 3-tom. Toshkent. 1970-1978-yil.



alohida ma'nolar mujassam etilgan bu ham G'.G'ulomning betakrorshoir ekanligidan dalolatdir.

Salim Ashurning "O'zbek bilan tojikning" she'ri nisbatdan sodda, qo'shiqbob usulda yozilgan. She'rning har bir bandi besh misradan tashkil topgan bo'lib, "O'zbek bilan tojikning" misrasi har bir band intihosida takrorlanib kelgan. Bunday takrorlanish she'rning ohangdorligini oshirib, she'r mazmuniga o'zgacha shukuh bag'sh etgan:


Suxani bir, so'zi bir,
Maslagi bir, ko'zi bir.
Dili bir-u, o'zi bir,
Namagi bir, tuzi bir -
O'zbek bilan tojikning¹

Salim Ashur O'zbekistonni shoiri bo'lsa-da, asli qo'shni Tojikiston Respublikasida tug'ilgan. Keyinchalik ularning oilasi O'zbekistonga ko'chib kelgan. Uning she'rlarida tug'ilgan joyi sanalgan qo'shni Tojikiston Respublikasida bo'lgan mehr-muhabbati ufurulib turadi. Salim Ashur O'zbekistonni vatanim deb chin dildan e'tirof etsa-da, Tojikistonga bo'lgan mehrini ayrim she'rlarida oshkor aytadi. Uning "O'zbek diyorida" she'rida bu tuyg'ulari oshkoro namoyon etilgan.

Oqsoch Osiyomiz ochadi jamol,
Hamqadam yursa-da ikki birodar
Mabodo esganda izg'irin shamol
Bir-birini holidan oladi xabar
O'zbekcha, tojikcha kalomlar bo'lsin,
Ona diyorimdan salomlar bo'lsin³

Haqiqiy she'r millat, din urf-odat tanlamaydi. Bunday she'r har qanday xalqning qalbiga chuqur joy olib, asl

¹ Salim Ashur "Mangu el" Toshkent" Adabiyot" nashriyoti 2022-yil. 115-bet



muxlislariga ega bo'ladi. G'afur G'ulomning xalqlar do'stligini tarannum etuvchi she'rlari shunday xususiyatga egadir. U hali hayot vaqtidayoq ijodiyotida bo'lgan qiziqish keng ommani o'ziga jalb etdi. Shuning uchun uning ijodiyotidagi namunalar qardosh xalqlarning tiliga tarjima qilindi. Masalan, G'afur G'ulomning "Qardosh tojik xalqiga" she'rini mohir tarjimon M. Farhat tojik tilida tarjima qilgan. U she'rni nozik did bilan tarjima qilganligi bois, she'r ma'nosiga putur yetmagan. Aksincha, G'afur Gulom she'rida ikkinchi umr bag'sh etgan:

Рузи жашни халки тожик аз дили миннаткарин
Халки узбак мефиристоннад салому ехтиром.
Чунки ин аз он хуш асту хуш бувад он хам аз ин,
Васфашонро месарояд доимо шоир Гулом.¹


G'afur Gulom betakror so'z ustasi edi. Uning she'riyatidagi xalqlar do'stligi mavzusi alohida e'tiborga molik. Qardosh xalqlarni ko'plab olimlari, shoir va yozuvchilari ham uning bunday she'rlari xususida fikr mulohaza bildirgan. Qardosh tojik xalqining taniqli shoiri Ali Bobojonning quyidagi fikrlari G'afur Gulom ijodiyotida berilgan yuksak baho edi. "

"Ин дусти,-меғуфт у, -комёбии бубаҳои мо, яке аз баржастатарин музаффариятҳои социализм буда, барои ҳар яки мо азизу муътабар ва ба дил наздик мебошад."⁴

Tarjimasi: O'zbek xalqining zabardash shoiri G'G'ulom xalqlar do'stligi mavzusini a'lo darajada kuyladi. U bu do'stlikni doimo aziz bilardi. Shu bilan birga xalqlar do'stligi mavzusi uning she'rlarini asosiy g'oyasi edi.

G'afur G'ulomning xalqlar do'stligini kuylovchi boshqa she'rlari ham mavjud. Qozoq xalqi va o'zbek xalqi o'rtasidagi do'stlikni e'zozlab yozgan "Qozoq e'lining ulug' to'yi", Ozarbayjon o'lkasi haqida ozar va o'zbek xalqining hamdo'stligi

¹ "Китоби Дустӣ". Гулдастаи Назм, Душанбе. "Адиб" 1989-сол.-Б 178



xususida "Biri biriga shogirt, biri biriga ustoz" she'rlari shular jumlasidandir.

Guvohi bo'lganimizdek ustoz shoir G'afur G'ulom qalbi do'stlikka limo- lim ijodkor edi.U har bir millatni, xalqni o'z xalqi va millati singari qadrlagan. Doimo odamalar orasida, do'stlar davrasida bo'lishni istagan.

Xulosa qilib aytish mumkinki, G'afur G'ulom adabiyotimizda xalqlar do'stligi mavzusini an'ana tarzida olib keldi.uning bu uslubini keyingi avlod ijodkorlari davom ettirdi.Bugungi kunda ijodkorlarimiz ham G'afur G'ulom ijodiyotidan o'rnak olib, uning ijod maktabidan saboq oliyapdilar.





Умида Пулатова,
и.о. доцента ТГЮУ


РОЛЬ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ («Озорник» Гафура Гуляма)

Художественная литература (*проза*) – один из видов искусства, отличающийся от остальных только материалом, из которого создаются произведения, – это только слова и художественный язык. Результат творчества в художественной литературе – произведения, отражающие эпохи, имеющие высокую художественную ценность и приносящие эстетическое наслаждение¹.

Действительно, произведения художественной литературы увлекают читателя в мир событий, происходящих с героями, и он невольно становится их незримым спутником. Читатель совершает путешествия в другие эпохи, в другие страны, в другие культуры, знакомится с именами, бытом, образом жизни, историей разных народов. Одним словом, читающий художественную литературу человек, получает эстетическое наслаждение. И надо отметить, что это не единственное достоинство художественной литературы.

Произведения художественной литературы также могут служить источником знаний, основой для получения новых знаний, формирования навыков, необходимых в профессиональной деятельности будущих специалистов. Читая романы, рассказы, повести, изучая их героев, анализируя их поступки, оценивая события, читатель учится рассуждать, проводить параллели и связи, обобщать, делать заключения и выводы, как в устной, так и письменной форме.

¹ <https://xn----8sbiectm6bhd8i.xn--p1ai/%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B0%D1%82%D1%83%D1%80%D0%B0.html>



Одним из таких произведений является повесть «Озорник» Гафура Гуляма. Повесть «Озорник» из литературных сокровищ народов мира занимает особое место в творчестве Гафура Гуляма. Повесть Гафура Гуляма «Озорник» на первый взгляд выглядит простой юмористической комедией. Так ли это на самом деле? Читая эту историю, в которой рассказывается о жизни и трагической судьбе сироты, вы будете и смеяться, и страдать. События в произведении «Озорник» происходят в 10-х годах XX века, всего за пять-шесть месяцев до начала первой мировой войны¹.

Включая данное произведение в учебную программу по языковым модулям, преподаватель может поставить перед собой достижение и обучающих, и воспитательных, и развивающих целей. Так, например, работая над содержанием произведения можно вопросы:

1. Как вы думаете, в чем главное отличие преступлений, совершаемых несовершеннолетними?
2. Какие методы профилактики правонарушений вы знаете?
3. Дайте свои предложения по проведению дополнительной профилактической работы среди несовершеннолетних.
4. Какие виды преступлений среди несовершеннолетних вы знаете? Обоснуйте свой ответ примерами.
5. Какова идея повести «Озорник» Г. Гуляма?
6. Как раскрывается характер главного героя? Какая основная черта его характера?
7. Какие социальные проблемы того времени были подняты Г. Гулямом в повести «Озорник»?

Предложить выполнение следующих заданий²:

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/vyrazhenie-idei-svobody-v-tvorchestve-gafura-gulyama-1>

² Фаттахова А. Р. Тема 4. Правовой дискурс в художественной литературе: преступления среди несовершеннолетних; правовая пропаганда среди молодежи (по повести Г. Гуляма «Озорник»)

- Составьте кластер на тему «Причины правонарушений, совершаемых среди несовершеннолетних».



- Перечислите меры по предотвращению преступлений среди несовершеннолетних.




Для закрепления полученных знаний, можно предложить написание эссе. Например:

«Правовая безграмотность среди молодежи как одна из причин правонарушений среди несовершеннолетних (на примере произведения Г. Гуляма «Озорник»).

Проблемы современной молодежи.

Проблема детской беспризорности в современном мире: пути решения.

Таким образом, можем сделать вывод, что чтение и изучение произведений художественной литературы на занятиях будет способствовать как эстетическому, так и интеллектуальному развитию молодежи, в частности, студентов.



G'AFUR G'ULOM SHE'RIYATIDA "OILA" KONSEPTIGA OID ASSOTSIATSIYALAR

Oxirgi vaqtlarda tilshunosligimizda asosiy e'tibor qaratilayotgan sohalardan biri kognitiv tilshunoslikdir. Kognitiv tilshunoslikning keng qamrovda o'rganilayotgan, eng ko'p murojaat qilinayotgan obyektlaridan hisoblangan konsept masalasi esa turli aspektlarda tahlil qilinmoqda. Ko'pgina sohalarda ma'lum bir farqli ma'no qirralari bilan qo'llanuvchi "konsept" atamasi, aynan "tushuncha" so'zining kalkasi bo'lib, u fanga ilmiy atama sifatida rus tilshunosligida XX asrning birinchi choragida faylasuf S. Askoldov tomonidan kiritilgan [1:12]. Ushbu termin o'tgan asrning 80-yillariga qadar tilshunoslikda tushuncha so'ziga sinonim sifatida ishlatilgan bo'lsa, hozirgi kunda uning ma'nosini anchayin kengayganini kuzatish mumkin. Ayniqsa, lingvopoetik tahlil jarayonida ham konsept tushunchasiga qayta-qayta murojaat qilinayotgani, bu masala o'rganilishi chuqur tadqiqotlardan biri ekanligining isboti deyish mumkin [2.32]. Badiiy adabiyotda ijodkorning lisoniy boyligi, so'zlarning denotativ ma'nosidan tashqari, konnotativ ma'nolarini ham topa olish imkoniyati keng. Shu sababli assotsatsiyalarni o'rganishda ham biror konseptni badiiy asar tahlili misolida o'rganish, tadqiq qilinayotgan konseptning kam uchraydigan assotsiatsiyalarini aniqlashga yordam beradi.


Shunday o'ziga xos assotsiativ munosabatlarni o'z nasrida va nazmida ifodalay oladigan ijodkorlarimizdan biri G'afur G'ulomdir. G'afur G'ulom ijodiga, ayniqsa poetik merosiga nazar solsak, o'ziga xos ko'p qirrali lingvopoetik tahlil elementlarini uchratish mumkin

Ijodkor o'z asarlarida murojaat qiluvchi mavzusi, biror konseptga ko'proq urg'u qaratishi, uning shaxsiyati, ongida saqlanib qolgan ongosti tushunchalari bilan bevosita bog'liqdir. Ham nasrda, ham nazmda birday ijod qila olgan G'afur G'ulomning ijodida "oila" konseptiga oid birliklarni ko'proq uchratishimiz mumkin. G'afur G'ulom ijodida "oila" konseptini yuzaga keltiruvchi assotsiativ birliklar sifatida: *ota, ona, farzand, o'g'il, yetimlik, uy, yor* kabi tushunchalarga ko'p murojaat qilinadi. Ayniqsa, bu tushunchalar G'afur G'ulom ijodidagi g'oyaviy jihatdan eng ko'p tahlilga tortiluvchi she'rlarida asosiy detallardan bo'lib xizmat qiladi. G'afur G'ulomning ijodida ushbu konseptga oid bo'lgan so'zlarning faolligi bolalik yillari, oila so'zi bilan aloqador hayotidagi muhim voqealarning ta'siri bilan tavsiflanadi.

Masalan, o'sha mashhur "Sen yetim emassan" she'rida aynan o'zi his qilgan tuyg'ular, "oila" deb atalmish ne'matga o'zining naqadar tashna ekanligini sezdirgan so'zlari orqali g'oya ta'sirchanligini yanada oshiradi. Shoir she'rda oila tushunchasining asosi hisoblangan ota, ona tushunchalarini vatan, xalq so'zlari bilan tenglashtiradi. Bundan aytish mumkinki, "oila" so'ziga beriladigan assotsiatsiyalarning ichida "Vatan" assotsiatsiyasi ham uchraydi.

*Sen yetim emassan,
Tinchlan, jigarim.
Quyoshday mehribon
Vataning-onang,
Zaminday vazminu
Mehnatkash, mushfiq
Istagan narsangni tayyorlaguvchi
Xalq bor- otang bor.*

Shu bilan birga she'rda qo'llangan "jigarim" undalmasi ham "oila" konseptining asosiy assotsiatsiyalaridan biri bo'lib, ma'no ko'chishi orqali hosil bo'lgan "jigar" so'zi o'zbek tilida oila a'zosiga nisbatan qo'llanuvchi ta'sir doirasi kuchli




so'z hisoblanadi. She'rda "jigarim" so'zi bilan birgalikda qo'llangan "uxlamoq", "tinchlanmoq" fe'lining buyruq maylidagi shakllaridan ham foydalanilgan. Aynan ushbu fe'llar ham oilaga oid xotirjamlik ma'nosini tashish uchun xizmat qilgan. Shu bilan birga she'rda *uy, nasl, yetimlik, mehribon qo'l, farzand, arzanda, otalik, kulgi, kelajak, erkalash* kabi "oila" konseptiga nisbatan o'tkazilgan tajribalarda juda ko'p uchraydigan assotsiatsiyalarni ko'rishimiz mumkin.

Ulug' oilaning
go'dak farzandi,
bilib qo'y endi:
Sen tezda ulg'ayib,
Olam kezasan.
Manglayda porlagan
Toleing — quyosh,
Butun yer yuzini
Qilur munavvar.

She'r so'ngida G'afur G'ulom aynan "oila" so'zining sifatlovchisi sifatida "ulug'" so'zini qo'llaydi. Bu bilan ijodkor ham oila deb xalqni nazarda tutayotgan, ham oila atalmish tushunchaning ulug' ekanligiga ishora qilayotgan ikki fikrini anglash mumkin.

G'afur G'ulomning yana bir "oila" konseptiga oid tushunchalarni ota obrazi orqali ifodlagan "Sog'inish" she'rini ko'rib o'tsak. She'rda *umid, jondosh, meros, uka, uy, ota, ona, o'g'il, osh, qo'msash, sevgani, yor, padar, chaqaloq, bog'* kabi "oila" konseptiga oid faol assotsiatsiyalarni uchratish mumkin. G'afur G'ulom she'rlaridagi g'oyaning ta'sirchan yoritilishi qo'llangan har bir so'z ijodkorning mavzuga oid assotsiatsiyalari neytral va rang barang ekanligini ko'rsatadi. Ayniqsa quyidagi misrada oila so'zi o'rnida o'xshatishga asoslangan boshqa so'zlar qo'llansa ham, ifodalar oila konseptiga oid assotsiatsiyalarni paydo bo'lishiga xalaqit qilmaydi.



Ey o'g'lim, jonginang salomat bo'lsin,
O'z bog'ing, o'z mevang, danagin saqla.

Shu meros bog'ingni o'z qo'lingga ol,
Menga topshirilgan merosiy haq-la.

Ushbu jumlar orqali oila konseptiga aloqador oila qurish, avlodni davom ettirish, oilani asrash mas'uliyati va nasllar almashishi kabi assotsiatsiyalar yuzaga keladi. G'afur G'ulom "Sog'inish" she'rida "oila" konseptiga oid eng ko'p yuzaga keluvchi "*farzand*" assotsiatsiyasi orqali boshqa assosiativ birliklarni izchil zanjir tarzida qo'llay olgan.

G'afur G'ulom poetikasida bu kabi misollarni ko'plab keltirish mumkin. O'zbek she'riyatining otashin jarchisi bo'lgan[4:6.] G'afur G'ulom ulkan so'z san'atkoridir, uning adabiy merosi tilshunosligimiz uchun ham ko'plab tadqiqotlar manbasi bo'lib xizmat qiladi.


Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мардиев Т. Концептнинг лисоний структураси // "Хорижий тиллар ва адабиётларни ўрганишда маданиятлараро мулоқот". – Тошкент: ЎзДЖТУ нашри, 2010. – Б. 247-250.

2. Юлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 48.

3. G'afur G'ulom. Tanlangan asarlar. Nasr va nazm. "G'afur G'ulom" nashriyoti – 2021 y.

4. www.kh-davron.uz





Manzura Shamsitdinova,
Toshkent davlat yuridik universiteti
Xorijiy tillar kafedrası

G'AFUR GULOM – XX ASR O'ZBEK ADABIYOTINING YIRIK NAMOYANDASI


Aziz asrimizning aziz onlari,
Aziz odamlardan so'raydi qadrin.
Fukrsat g'animatdir, shoh satrlar-la,
Bezamoq chog'idir umr daftarin.

G'afur G'ulom.

O'zbekiston Xalq shoiri, akademik adib G'afur G'ulom 1903 yil 10 mayda Toshkent shahrida tug'ilgan. Uning bolaligi dunyoda ro'y berayotgan ulkan o'zgarishlar, yangilanishlar davrida kechdi. Xalq qo'zg'olonlari boshlanishi, shuningdek, jadidlar harakati, yangi maktablar faoliyati odamlar ongida yangicha dunyoqarash shakllanayotganini ko'rsatardi. Bu voqealar G'afur G'ulomning ongiga ta'sir qilmasdan qolmadi. U yangi davrga yangicha orzular, maqsadlar bilan qadam qo'yadi. Ammo uning ezgu orzulari ushalishini mustamalakachilik ko'tarmadi...

G'afur G'ulom taloto'p davrda, sarosima zamonda 9 yoshida otasidan, 12 yoshida onasidan ayrilgach yetimlikning iztirobli holatlarini ko'rdi. Ochlikning shafqatsiz xurujini qalban sezdi. Uning "Sen yetim emassan" she'ring hayotga hamohang ekanligi ham shundan.

Bo'lajak akademik shoir oilasini boqish uchun o'smirlik chog'idayoq bosmaxonada harf teruvchi bo'lib ishlaydi. Ishdan uzilmagan holda 8 oylik o'qituvchilar tayyorlash kursida o'qiydi. O'qishni tugatib, u avval Toshkent shahridagi Bodak mahallasida joylashgan "Cho'lpon" nomidagi maktabga




o'qituvchi etib tayinlanadi. 1924 yili "Hayot" maktabida, so'ngra "Umid" musiqa bilim yurtida ishlaydi. Yurt ertasi, erki, muhtoriyati parchalanayotgan bir davrda, ya'ni 1926 yili 3-boqimsiz (o'sha davrda shunday nomlangan) bolalar uyiga mudirlikka tayinlanadi. Shuningdek, u 7 yillik "Urfon" maktabida mudirlik vazifasini ham bajaradi

Albatta, mehnat va mashaqqat orti kechgan turmush jarayonlari ulkan adibning ijodida ham o'z aksini topdi. Ayniqsa, "Shum bola", "Yodgor", "O'g'rigina bolam" nasriy asarlari hayotiyiligi bilan odamlar orasida shuhrat qozondi. Adib hikoya va qissalarida voqealarni sodda, samimiy, eng muhimi, xalqona tilda yorita olganligi bilan qadr topdi.

U tarjimai holidan shunday yozadi: "1928-yil 15-sentyabrdan boshlab, "Kambag'al dehqon" gazetasida sekretar bo'lib xizmatga kirdim... Biror kun yo'q ediki, "Qizil O'zbekiston"da, "Kambag'al dehqon"da, "Mushtum"da yo boshqa jurnal, gazetada biror maqola, feletonim, ocherkim yo she'rim bosilmasa... Ijodim yana-yana yangi ilhom bilan avj olib borar edi".

Shu tariqa, adabiyot qismati ekanligini anglagan G'afur G'ulom tarjimon sifatida ham o'z iste'dodini namoyish qila oldi. U Jomiy, Bedil, Rudakiy, Lutfiy, Shayx Sa'diy, Shekspir, Lope de Vega, Gogol, Mayakovskiy, Pushkin, Lermontov, Nekrasov, Demyan Bedniy, Taras Shevchenko, Kirilov, Nozim Hikmat asarlarini o'zbek tiliga mohirlik bilan o'girdi.

1930-yillarda O'zbek adiblarining ijodida adabiyotga yangicha qarash usullari kuchayadi. Sobiq ittifoq iskanjasida qolgan ko'pgina millat ziyoliylari zamonaviylashuv yo'lini tanlashadi. Shu o'rinda, mahalliy aholi hayotiga rus tilining, adabiyotining bostirib kirib kelishi ijodkorlar tajribasida alohida o'rin tutdi. Mamlakatda yangi, rus tuzem maktablari faoliyat ko'rsata boshladi. Shuningdek, zavod, fabrikalar ishga tushirildi, temir yo'l magistrallari qurilishi boshlandi. Shu bilan birga, jadid milliy adabiyoti ham tez suratlarda rivojlandi.



Bunday o'zgarishlar har qanday ijodkorni shoshtirib qo'yishi tabiiy.

Shunga qaramay, G'afur G'ulom sermahsul ijod qildi. Uning 1931 yilda "Dinamo", 1932 yilda esa "Tirik qo'shiqlar" nomli birinchi she'riy to'plamlari chop etildi.

Aytish mumkinki, adibning "Xalq otlandi", "Men yahudiyman", "Sen yetim emassan", "Kuzatish", "Sog'inish", "Qish", "Xotin", "Bizning ko'chada ham bayram bo'lajak", "G'oliblar", "Vaqt", "Qish va qor", "Non", "Toshkent", "Qutbda saylovlar", "Qish", "Bog'", "Qayg'u", "Kuz keldi", "Kuzgi ko'chatlar" kabi she'rlarida urib turgan yurakning pinhon hayqiriqlari ko'zga tashlanadi. Masalan, G'afur G'ulom "Sog'inish" she'rida shunday yozadi:


*Zo'r karvon yo'lida yetim bo'tadek,
Intizor ko'zlarda halqa-halqa yosh.
Eng kichik zarradan Yupitergacha
O'zing murabbiysan, xabar ber, Quyosh!*

*Uzilgan bir kiprik abad yo'qolmas,
Shunchalar mustahkam xonai xurshid.
Bugun sabza bo'ldi qishdagi nafas,
Hozir qonda kezar ertagi umid...*

Ayniqsa, adib "Netay", "Yodgor", "Shum bola" qissalari va "Shariat nayranglari", "Mening o'g'rigina bolam" hikoyalarida xalq kechmishi, milliy manfaatlar har narsadan ustun ekanligini tavsirladi.

Uning yuksak ruhda yozilgan yetuk asarlari albatta e'tiborsiz qolmaydi. 1943 yilda O'zbekiston Fanlar Akademiyasi tashkil etilganda G'afur G'ulom birinchilardan bo'lib, akademik etib saylanadi.

Shundan so'ng, O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi G'afur G'ulom "Navoiy va bizning davr", "Folklordan




oʻrganaylik” tadqiqotlarini, “Jaloliddin dramasi haqida”, “Muqimiy” maqolalarini matbuotda chop ettirgan.

Gʻafur Gʻulom asarlarida bolalarga bagʻishlagan boblar alohida ahamiyat kasb etadi. “Shum bola” hikoyasida qahramon oʻzining fojiali hayoti haqida oʻzi soʻzlaydi. Maʼlumki, Qoravoy uyidan narsa olib chiqib ketayotganida uni tutib olgan onasi jazolaganligi sabab uyidan qochadi. Ammo, bolaning omadi kelmaydi. U qoʻnim topgan togʻasining uyida togʻasi uchun bolasidan ham aziz boʻlib qolgan bedanasini oʻldirib qoʻyadi. Va u yerdan ham haydaladi. Shunday qilib, uning darbadarlik hayoti boshlanadi. Yozuvchi bu asarida oʻz eʼtiborini shum bolaning hodisalar, atrofni oʻrab turgan borliqqa nisbatan bola tuygʻularini ochib berishga harakat qiladi. Shum bolaning shumligi aslida adolatni qaror toptirishga qaratiladi. Toʻgʻrilik, insoniylik gʻoyalari tarannum etiladi.

Gʻafur Gʻulomning “Ikki bolalik”, “Bilaman”, “Seni Vatan kutmoqda” singari sheʼrlari yuksak pafos bilan yozilgan. U “Sen yetim emassan” sheʼrida “Sen yetim emassan, tinchlan jigirim”, deb xalqimizning azaliy odati — yetimning boshini silash insoniy mehr falsafasi ekanligi mohirona bayon etiladi. Mushkul kunlarda ota-onasini yoʻqotgan bolalarga odamlarning sidqidildan qilgan gʻamxoʻrligini tasvirlaydi. “Sharqdan kelmoqdaman” toʻplamidan joy olgan “Bahaybat”, “Gʻalabachilar qoʻshigʻi”, “Vaqt”, “Xotin” sheʼrlari fuqarolik sheʼriyatining namunalari hisoblanadi. Urushning qonli kechmishlari, tinchlikning topilmas neʼmat ekanligi adib ijodida adohida oʻrin tutadi.

Gʻafur Gʻulom oʻz maqolalaridan birida: “Rus mumtoz ijodkorlarini bilaman va ularni sevaman va ularning koʻplab asarlarini ona tilimga tarjima qildim. Lekin men uchun vazn, lugʻat, timsol, sheʼrning ohang tuzilishi sohalarida eng serqirra va cheksiz imkoniyatlarni ochgan Mayakovskiyning shogirdiman, deyishni istayman. Uning usullarining dovyurak notiqlik kuchini, metaforalar jasorati, mubolagʻalar ifodaliligini



jamlashga harakat qildim. Hatto, usulli, ohangli va ma’no ifodaliligini oshiruvchi she’r qurilishidan ham foydalanishimga to’g’ri keldi”, deb yozadi. G‘afur G‘ulomning “Turksib yo’llarida”, “Ona yer”, “Yashasin, tinchlik!” singari she’rlari buning aynan isbotidir.

G‘afur G‘ulom o‘zbek adabiyotida tinchlik, do‘stlik va xalqlar baxtining jo‘shqin kuychisi bo‘lib qolishiga shubha yo‘q.





Рашид Матенов,
И.о. доцента кафедры узбекского
языка и литературы ТГЮУ


ГОЛОС ДУШИ В ТВОРЧЕСТВЕ ГАФУРА ГУЛЯМА

10 мая в узбекской литературе считается знаменательной датой. В это день родился великий узбекский прозаик и поэт Гафур Гулям.

Гафур Гулям – талантливый художник и иллюстратор пера. Он создал невероятные произведения, наполненные эмоциями, красками и уникальным стилем, являются отражением глубокой внутренней мудрости и таланта автора, вызывают сильные эмоции и заставляют задуматься о глубоких философских темах.

Произведения Гафура Гуляма во многом автобиографичны, исповедальны. Истоки художественной правды писателя восходят к его тяжелому детству. Все, что было пережито в прошлом, вошло в его личный духовный опыт, помогло исследованию жизни в ее сложных связях и противоречиях. Раскрывая мир человеческой души, писатель достигает глубоких философских обобщений, ставит вопросы, связанные с осмыслением важнейших бытийных проблем: человек и общество, человек и природа.

Повести и рассказы «Нетай», «Ядгар», «Озорник», «Хитрости в шариате», «Мой сыночек воришка» принесли писателю широкую известность. Сострадание, любовь, воля - те нравственные критерии, которыми измеряются в его произведениях поступки и поведение людей, их судьбы, что находит отражение и в стихотворениях поэта «Зима и снег», «Хлеб», «Ташкент», «Я еврей», «Зима»,



«Женщина», «К сожалению, сожаления не похоронили», «Сад», «Тоска», «Осень пришла», «Осенние саженцы» вдохновляют читателей и по сей день.

Стилевая структура творений Гафура Гуляма многообразна. Это своего рода исповедальная интонация, и философские раздумья, и прославление гуманности. Жизненная философия писателя основана на любви к родному краю, на вере в человека и его возможности. Мы можем видеть, как автор противопоставляет равнодушие и жестокости человека гармонию, естественность.

Гафур Гулям относится к поколению людей, которые прошли тяжелые предвоенные и военные годы – годы полные горя и нужды. И эти страдания нашли своё художественное отражение в произведениях гения пера. Произведения его трагичны, но наполнены жизнеутверждающим пафосом и окрашены глубоким лиризмом, раскрывая трагическую обреченность, беспросветность человеческого существования в те тяжелые годы.

Писатель в своём творчестве поднимает свой голос за живую душу человека, которая борется с человеческими страданиями и болью.

Всем свои творчеством Гафур Гулям раскрывает глубинные мысли, которые заставляют задуматься о жизни, человеческих отношениях и самопознании.

Использованные ресурсы:

1. <https://arboblar.uz/ru/people/gafur-gulyam>
2. <https://knigogid.ru/authors/60750-gafur-gulyamov>






Амина Фаттахова,
и.о. доцента ТГЮУ

ПО СТОПАМ ГАФУРА ГУЛЯМА, КАК ГЛАВНОГО СТОРОННИКА БОРЬБЫ С БЕЗГРАМОТНОСТЬЮ

В настоящее время в нашей стране особое внимание уделяется развитию национальной литературы, углубленному изучению, а также широкой пропаганде известных представителей классической и современной литературы. Так, по поручению Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева в Национальном парке Узбекистана имени Алишера Навои была создана Аллея писателей, которая должна поспособствовать развитию интереса у молодежи к литературе, а также пробуждению в них духа патриотизма. Вместе с этим, Ташкентский государственный юридический университет на постоянной основе проводит плановую работу по углубленному изучению и пропаганде жизни и творчества одного из ярких представителей узбекской литературы – Гафура Гуляма.

Гафур Гулям – крупный представитель узбекской литературы первой половины XIX века, в поэтическом восприятии которого время непрерывно находится в движении, как и другие важные элементы Вселенной – вода, воздух, почва¹. Главная идея стихотворения «Время» – идея о ценности времени и важности правильного его использования проявляется в образе самого Времени. Главная мысль поэта заключается в том, что судьба человека напрямую зависит от времени, т.к. в один

¹ Гулям Г. Стихи // Художественная литература. – М., 1971.



миг, за считанные секунды она может полностью измениться. Причиной, побудившей поэта к написанию стихотворения, были подаренные ему часы. Г.Гулям – один из борцов за ликвидацию неграмотности, он стал и одним из организаторов борьбы с беспризорностью детей (руководил интернатом). Он ещё в детстве начал писать стихотворения, где-то еще «подражая» великим узбекским классикам. Так, постепенно под воздействием самой жизни развился его талант, где вдохновением выступал труд свободных людей, превративший Узбекистан в цветущий сад:

*«Красота без прикрас -
в блеске девичьих глаз,
в речи, звучной, как саз...»
Нет! Подумай-ка, брат,
век у этой красы,
как у летней росы,
промелькнет за часы...
Жизнь прекрасней стократ!
Красота - в волокне
и в тяжелом зерне!
Знай, прекрасен в стране
труд, достойный наград!¹*


1923

Говоря о творчестве одного из великих писателей узбекского народа Гафура Гуляма, стоит отметить и важность изучения юристами его творчества. В поэзии и прозе Г. Гуляма нашла свое художественное воплощение история узбекского народа. Творчество писателя разнообразно – стихи, песни, поэмы, оды, рассказы, повести, где творческий путь послевоенного периода

¹ Гулям Г. Стихи // Художественная литература. – М., 1971.

сыграло значительную роль в развитии узбекской литературы. Здесь у нас возникает вопрос: «Какова роль творчества Г.Гуляма в профессии юриста?» Юридическая деятельность разнообразна и носит творческий характер. Различают социальный, организованный, коммуникативный, удостоверительный, поисковый и реконструктивный виды деятельности юриста. В конкретной профессии ведущим является тот или иной аспект. В любом случае профессиональная деятельность юриста связана с правоотношениями – социальными отношениями, складывающимися по поводу принятия, исполнения и охраны норм права. Конкретность норм подразумевает строгий порядок действий субъектов, сжатые сроки их выполнения, а также специфические условия: эмоционально окрашенный фон деятельности с преобладанием конфликтных ситуаций, публичность процесса. Названные особенности зачастую формируют мнение о приоритете формальных догматов в профессии юриста. Подобный однозначный подход к юридической деятельности представляется необъективным, поскольку скрупулезная формализованность является всего лишь обратной стороной творческого подхода к решению проблем.

Творческое наследие академика Г. Гуляма состоит из красочных стихов, поэм, повествований. В его стихах, посвященных детям, разъясняются вопросы воспитания, этикета не только юмором и детским языком, но и знакомит их с правом, стараясь привить им принцип равноправия, а также, воспитывая их в духе толерантности. Именно эти аспекты играют немаловажную роль в работе будущих юристов. Одно из стихотворений поэта, в котором явно пропагандируется право это «Қуёшнинг ёруғлиги барча халққа баробар». В этом произведении автор продвигает идеи равенства и свободы.



*Қуёшу сув, ҳаво, туз.
Она ер – демак ҳаёт.
Барчасидан баҳраманд
Тенг ҳуқуқли одамзод.
Инсонлар оқу қора,
Сариқ бўлиши мумкин.
Аммо ердаги неъмат
Теп – текисдир, теп – текин.*

Здесь автор пытается объяснить детям, что все люди имеют право пользоваться всем, что дала им природа, что неправильно делить людей по расовому признаку, цвету кожи, что все люди равноправны. Поскольку одним из самых глобальных вопросов в мире сегодня является равенство, мы видим, что стихи, написанные поэтом, все еще не теряют свое значение.

Еще одним важным аспектом изучения творчества Г. Гуляма является то, что писатель своими произведениями восхваляет Родину, тем самым пробуждая чувство патриотизма среди людей:


*Будь здорова, моя золотая земля,
В изобилие своих многоцветных плодов!
Будь здоров, человек, счастлив будь, человек,
Славься, мудрый народ мой, во веки веков!¹*

В профессии юриста очень важна роль повышения чувства патриотизма, ведь юрист, который любит свою страну, вырастит достойным сыном, защищая права и свободы своих граждан, принимая справедливые решения. Юрист, который любит свою страну, будет защищать права не только своих граждан, но и в целом всю страну за ее пределами на международных аренах.

¹ Гулям Г. Стихи // Художественная литература. – М., 1971.

Список литературы

1. Гулям Г. Стихи// Художественная литература. – М., 1971.
2. Фаттахова А. Роль современной литературы при обучении студентов нефилологических вузов// "Тил ва адабиёт – юристнинг тафаккур Қуроли / Язык и литература – инструмент мышления юриста / Language and literature – a tool of Thinking for a lawyer" халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Ташкент, 2020.






Maxliyo Mamatqulova,
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti,
Sharq filologiyasi va tarjimashunoslik fakulteti talabasi

G'AFUR G'ULOMNING SO'Z TANLASH MAHORATI ("QIROL LIR" TARJIMASI MISOLIDA)

Navoiy o'zbek adabiyotida, Pushkin rus adabiyoti ahili orasida qanday e'tibor va o'ringa ega bo'lsa, jahon adabiyoti durdonasi Vilyam Shekspir ingliz adabiyotida o'z ijodi bilan bundan bir qadar kam bo'lmagan darajada xurmat- e'tiborga egadir. Uning "Otello", "Qirol Lir", "Hamlet" asarlarining nomini bir marotaba shunchaki bo'lsa ham eshitmagan odam bo'lmasa kerak, garchand bu asarlar o'zga xorij tilida bo'lsa ham. Bunda korinib turibdiki uning asarlari o'zbek tarjimashunosligi olamida ham o'rniga ega. Shuni dalil qilib aytish mumkinki, o'zbek tarjimashunosligining poydevorini qurgan insonlar ham Vilyam Shekspirning ijodiga yuzlanmasdan o'tib ketishmagan. Shekspir asarlarini tarjima qilishda G'afur G'ulom, Yashin, Uyg'un, Shayxzoda, Turob To'la, Q. Mirmuhammedov kabi yozuvchi, nazm shaydolari, tarjimonlar ishtirok etishgan. Yuqoridagi ijodkorlar asosan Shekspir asarlarini rus yoki boshqa tilga bo'lgan tarjimasidan bilvosita tarjima qilishgan, ammo so'nggi yillarda Jamol Kamol uning asarlarini to'g'rida to'g'ri ingliz tilidan tarjima qildi.


Bizga ma'lumki albatta bilvosita va bevosta tarjimalarning bir birida bir muncha farqi bo'lib, bunga asosiy sabablardan biri har bir tarjimon o'z tarjimasida qisman o'z hisslari, dunyoqarashi, fikrlarini bayon etmay qolmaydi. Agar ular o'z ijod mahsullariga yuqoridagi muhim unsurlarni qo'shmasa yoki to'g'rida to'g'ri tarjima qilsa, bu asar bo'lajak o'quvchini o'ziga jalb qilolmaydi, boshqacha yo'l bilan aytilganda bu asar



unga xuddi hissiz toshdek tuyiladi. Ayniqsa tarjima qilinishi kerak bo'lgan asar she'riy yo'lda yozilgan bo'lsa, bu tarjimaga mos qofiya va shunga o'xshash she'riy qoidalarni qo'shishiga to'g'ri keladi, bu esa tarjimonda ikki karra mahorat talab qiladi. Yuqorida aytib o'tganimizdek, Shekispir asarlarining o'zbek tilida ikki yo'l bilan qilingan tarjimalari mavjud bo'lib, bu tarjimalarda bir muncha farqlar kuzatilishi tabbiydir. Rus tili orqali tarjima qilinganlarida uch va ayrim hollarda undan ortiq ijodkorning hisslari va mahorati bo'lsa, bevosita qilingan tarjimalarda faqatgina ikki ijodkor qalbining sirlari yashiringa bo'ladi.

G'afur G'ulom ham Shekispir asarlarini tarjima qilgan. Ijodkor ham nazmda ham nasrda birdek ijod qilib qolmasadan, tarjimonlik sohasida ham o'z o'rniga ega ijodkor hisoblanadi. G. G'ulom tarjimonlik sohasiga o'tgan asrning yigirmanchi yillarida kirib kelgan. U Vladimr Mayakovskiyning "Bo весь голос" , "Hayqiriq", Mark Tvenning "Tom Soyerning sarguzashtlari" va bunda tashqari Rustavelli, Nizom Hikmat, Nizomiy, Dante, Bomarshe kabi jahon adabiyoti ijodkorlarining asarlarini o'zbekchaga tarjima qilgan. Ijodkor qilgan tarjimalar hozirgi zamonaviy mutarjimlar qilgan tarjimalarda kam baholanmaydi. G'afur G'ulom o'z tarjimalariga XX asr madaniyatining ruhiyatini singdirgan. Shekispir asarlari ham G'afur G'ulom tarjimalari orasida o'z o'rniga ega hisoblanadi. U bu asarlarni asosan rus tilidan tarjima qilgan. Yuqorida aytib o'tilganidek nazmni tarjima qilish bir muncha murkkab hisoblanadi. Adabiyotning lirik turida yozilgan "Qirol Lir" asari ham manashunday murakkab mahorat talab qilinganiga qaramasdan, G'afur G'ulom tarjimashunosligida yuqori darajada baholanadiga sar hisoblanadi.

Jamol Kamol ham tarjimonlik sohasida ijod qilgan bo'lib, bu sohada yuksak o'ringa egadir. U ham Shekispir asarlarini tarjima qilgan bo'lib, faqat Jamol Kamolning boshqa yuqorida keltirib o'tilgan ijodkorlardab farqi u bu asarlarni ingliz tilidan



o'z asliyat tilidan to'g'tidan to'g'ri tarjima qilgan. "Qirol Lir" asarini Jamol Kamol ham mahorat bilan xuddi shu yo'nalishda o'zbekchalashtirgan.

Bu ikki asarda bir qancha farqli jihatlar bo'lib, ammo ma'noda deyarli o'zgarish topolmaydi. Masalan G'. G'ulom asarda qirol Lirning bir ayoni ya'ni qiziqchisini yigirmanchi asrning boshlariga xos bo'lgan nom-"masxara"- bilan ataydi. Lekin Jamol Kamol tarjimasida bu nom biroz o'zgarish bilan "masxaraboz" deb ataganini kuzatish mumkin. Yana bu ikki asarning boshqa qismlarida ham bir qancha tafovutlarni ko'ramiz. Masalan:

*"To'g'ri gap-bu hovli qo'riqlaydigan ko'ppakka o'xshaydi, uni qamchi bilan haydaydilar, ammo hurmatli tozilarchi, sasib ketganlarida ham, issiq uyda, gulxan yoniday yotishlari mumkin"*¹

Jamol Kamol tarjimasida esa xuddi shu misra quyidagicha keladi:

*"Haqiqat qo'riqchi itga o'xshaydi, uni nuqul tashqariga haydashadi. Xushomad esa xuddi tozi, sasib-bijg'ib yursa ham uyning to'rida yashaydi"*².

Bu yerda ikki ijodkor ham bir narsanini ifodalash uchun bir xil o'xshatishdan foydalanilgan, ammo Jamol Kamol tarjimasiga qo'shilgan ikkinchi o'xshatish manbaasi ya'ni xushomad o'quvchiga ushbu satrlarni ko'proq tushinishga yordam beradi.

Jamol Kamol bir misrani quyidagicha tarjima qilgan bo'lsa,
*Shunda hisob xo'p bo'lur,
Yigirmadan ko'p bo'lur...*³

G'afur G'ulom esa o'zining tarjimonlik mahoratini namoyish etib, xuddi shu sarlarni mana shunday tarjima qilgan:

¹ Vilyam Shekspir " Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild ,Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.

² Vilyam Shekspir " Saylanma" uch jildlik, birinchi jild, Toshkent , O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashryoti, 2007/

³ Vilyam Shekspir " Saylanma" uch jildlik, birinchi jild, Toshkent , O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashryoti, 2007.

Topsang yelib yugurma.

Ikki o'ndir bu yigirma.¹

Mazkur misralar oxirida keltirilga yigirma soni G'afur G'ulom tarjimasida haqiqiy o'zbek maqoli hisoblanmish "Ikki o'n besh- bir o'ttiz" ga yaqinroq ma'noni o'zida mujassamlashtirib kelgan.

Bizga ma'lumki, tarjimon nazm tarjimasida turli xil o'xshatishlar, sifatlashlar, mubolag'a kabi she'riy san'at vositalarida unumli foydalanadi.

Sen o'zing axir boshqa hamma otlaringniulashib bo'lding. Bu ot bilan esa onadan tug'ilgan eding.²

Mazkur misrada G'afur G'ulom o'zbek tilidagi omonimlarga murojaat qilib, "ot" so'zini ikki joyda turli ma'nolarda qo'llaydi. Ushbu so'z Jamol Kamol tarjimasida " unvon" shaklida kelgan. G'afur G'ulom tarjimasidagi "ot" so'z birinchi gapda "hayvon" ma'nosida qo'llanilgan bo'lib, buni biz unga nisbatan qo'llanilgan "ulashmoq", "sovg'a qilmoq" so'zlari orqali fahimlab olsak bo'jadi. Ammo keyingi gapdagi " bu ot bilan esa tug'ilding" jumlasida esa "ot" unga sinonim so'z bo'lmish "ism" ma'nosida qo'llanilganligidan "ism" ya'ni "unvon"ga ham to'g'ri kelishini ko'rishimiz mumkin. Bundan kelib chiqadiki, G'afur G'ulom bu yerda "Tajnis" san'atidan mukammal foydalangan va o'quvchini ma'noni tushinish uchun o'ylashga majbur qilgan.

Sevinchdan yig'lashdi ular, men esa yig'ladim shrmandalikdan.

Bolaga aylanib qoldi qirolim, boldi yana masxaraboz ham....³

Ushbu misrada esa Jamol Kamol qirol Lirga nisbatan ikki sifat bermoqda. G'afur G'ulom tarjimasida esa bu sifatlari qisqartirilib, faqat yosh bolalik sifati berilgan.

¹ Vilyam Shekspir " Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild ,Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.

² Vilyam Shekspir " Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild ,Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.

³ Vilyam Shekspir " Saylanma" uch jildlik, birinchi jild, Toshkent , O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashryoti, 2007.



*Quvongandan yig'lar edilar, men qayg'irib qo'shiq aytardim
Yosh o'spirin bolalar kabi ahmoq bolib qolgach qirolim.¹*

Ammo bir misrada G'afur G'ulom qirolni to'q insonga ya'ni hayotda ko'proq aysh-u ishratda yashaydigan odam kabi tasvirlaydi:

*To'q eding-u, non burdaga boqmasding
Pushaymonlar qilsang kerak do'stginam.
Mana bu esa bo'sh qirindi qo'vuzg'oq...²*

Jamol Kamol esa xuddi shu misrada qirolni po'stloqsiz to'nkaga o'xshatadi.

*Hmm.. hmm.. nima ham derdim, endi u bir to'nkadir quruq.
Qaro kunga po'stlog'i ham yo'q, bor-yo'g'i qirindi, qipiq...³*

G'afur G'ulom bu o'xshatish orqali ko'proq insonga xos bo'lgan illatni tasvirlagan bo'lsa, Jamol Kamol to'nkaga o'xshatish orqali ko'chma ma'noga ko'proq e'tibir qilgan.

G'afur G'ulom tarjimasida yuqorida aytilganidek o'zbekona ruh ustunlik qiladi, buning isboti esa quyidagi satrda namoyon bo'ladi.

*Chumchuq sho'rlik uzoq muddat hakkani boqdi
Hakka o'sib, u chumchuqning miyyasin qoqdi.⁴*


Jamol Kamol tarjimasida esa "hakka" so'zi o'rniga "kakku" ishlatiladi. Hakka qushi o'zbek adabiyotida qadimdan buyon yolgo'nchi insonlar ramzi bo'lib kelgan, kakku esa deyarli o'zbek adabiyoti ertaklarida uchramaydi va ayrimlarda bu qush haqida tasavvur ham yo'q. Ammo kakku kabi obraz adabiyotda xuddi hakkaning xarakterida kelishi sir emas. Shuni aytib o'rish kerakki, G'afur G'ulom bu sahna asarini tarjima qilgan vaqtda hali oddiy xalq orasida teatrqa nisbatan

¹ Vilyam Shekspir "Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild, Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.

² Vilyam Shekspir "Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild, Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.

³ Vilyam Shekspir "Saylanma" uch jildlik, birinchi jild, Toshkent, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashryoti, 2007.

⁴ Vilyam Shekspir "Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild, Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.



qiziqish unchalik rivijlanmagandi. G‘ G‘ulom esa buni hisobga olgan holda asarni tushunarli bo‘lishi uchun oddiy tilda xalqqa tushunarli bo‘lgan obrazlarni va o‘xshatishlarni qo‘llash orqali tarjima qilgan. G‘afur Gulom o‘z hissiyotlarini asarga berganligi uning Lukretsiya obrazi uchun bergan tasviridan ham ma‘lum.

Qaysiki u qiz o‘zi uchun mute va farmonbardor ota qidirardi¹.

Jamol Kamol esa mazkur misrani quyidagicha bayon etadi:

Ularga “hay” deganda “labbay” deguvchi ota kerak.

Bu ikki misrada otaga berilgan tarif deyarli bir xil, ammo G‘.G‘ulom tarjimasida ko‘proq salbiylik hislati sezilib turadi. Har bir ota qizi murojaat qilganda “labbay” deb javob berishdan qochmaydi. Biroq otalar hech qachon qizlariga mute bo‘lmaydilar. G‘afur G‘ulom qirol Lirni shu darajada xo‘rlanganligini “mute” va “farmonbardor” so‘zlari bilan ifodalagan. Lekin keyingi misralarda bu xo‘rlanganlikni ifodalashda Jamol Kamol o‘zining mahoratidan foydalangan.


Sizdan o‘tinaman, garchi amr etish mumkin bo‘lsa ham.²

Bu misralar Lukretsiyaning tilidan o‘z otasiga nisbatan aytilgan va bunda biz uning otasiga nisbatan o‘ta yomon munosabatda bo‘layotganligini ko‘rishimiz mumkin. G‘.G‘ulom tarjimasida esa “amr etmoq” so‘zi o‘rniga “o‘zimiz qilishimiz ham mumkin” jumlasini qo‘llanilgan.

Yuqorida keltirib o‘tilgan ikki tarjima solishtirmasidan biz shumday xulosaga kelishimiz mumkin, tarjimashunoslik sohasida har bir tarjimonning o‘z yo‘nalishi va uslublari bor. Mutarjimlar o‘zlari tarjima qilgan asarga xuddi o‘zlarining asarlaridek munosabat bildiradilar va shu bilan birgalikda asardan chetga chiqmaslikka harakat qiladilar. Bu tarjima qilinga asarlar tarjimonlar hayotida butun umr o‘chmas iz

¹ Vilyam Shekspir “Tanlangan asarlar” besh jildlik, ikkinchi jild, Toshkent G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashryoti, 1981.

² Vilyam Shekspir “Saylanma” uch jildlik, birinchi jild, Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan” nashryoti, 2007.



qoldiradi. Chunki tarjimon vafot etganda ham uning tarjimalari unga yo maqtov, yo ta'na olib kelishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vilyam Shekspir " Tanlangan asarlar" besh jildlik, ikkinchi jild ,Toshkent G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashryoti, 1981.
2. Vilyam Shekspir " Saylanma" uch jildlik, *birinchi jild*, Toshkent , O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashryoti, 2007.
3. The tragedy of King Lear by Willam Shakespear. Edited by Barbara A. Mowat and Poul Werstine.





Otabek To'xtanazarov,
TDYU, Xalqaro huquq va qiyosiy
huquqshunoslik fakulteti talabasi


G'AFUR G'ULOM NASRIY ASARLARIDA HUQUQIY MUAMMOLAR TALQINI

*G'afurG'ulom ijodini faqatgina
O'zbekistonda emas, avallambor
har tomonlama, butun dunyoga
mashhur qilish kerak
Islom Karimov*

Tasavvurni ishga solib ko'ramiz, agar G'afur G'ulom qalamiga mansub bo'lgan, o'sha mashhur "Shum bola", "Yodgor", "Mening o'g'rigina bolam" asarlaridagi voqealarning aksariyati biz yashayotgan hozirgi jamiyatda sodir bo'lsa, ular qanday huquqiy oqibatlarga olib kelgan bo'lar edi? Asar qahramonlari qay yo'sinda ish tutgan bo'lar edi? Asarlaring qimmatligini oshirishga xizmat qiluvchi syujet o'zgarib ketar edimi yoki aksincha?

G'afur G'ulomni mashhur qilgan asar bu yozuvchini "Shum bola" asari hisoblanadi. Chunki, G'afur G'ulomning mashhurligiga sabab bo'lgan asarlar to'plami anchaginani tashkil etsa-da, lekin uning ijodida "Shum bola" qissasi alohida o'rin egallaydi, ya'ni hamma yozuvchini shu asar bilan taniydi. Lekin G'afur G'ulom nosir, shoir, tarjimon, adabiyotshunos, akademik hisoblanadi hisoblanadi.

Shu o'rinda eslatib o'tish lozimki, G'afur G'ulom yoshligi ayni birinchi jahon urushi yillariga to'g'ri keladi. Shuning uchun ham uning ijodida urushning qalbimizdan o'chira olmaydigan salbiy oqibatlari o'z aksini topgan. Uning asarlari ham bundan mustasno emas. Uning asarlarini



har qanday sharoitda ham, har qanday davrda ham o'qish orqali inson yoshlikdagi xotiralar ummoniga sho'ng'ib ketadi-yu, barcha hayot tashvishlarini ma'lum muddatga bo'lsada butunlay unuta oladi. Ha, u shunday asarlar yozgan-ki, siz uchun yoshlik davridagi eng ajoyib voqealar kalitini qo'lingizga tutqazadiyu, go'yoki vaqt mashinasiga o'tirasiz va manzilingizni aytasiz, qo'yasiz.


Keling, G'afur G'ulom ijodining eng sara namunalari bo'lgan asarlaridan bizga ma'lum bo'lgan voqealarga huquqshunos nazari bilan bir ko'rib chiqamiz! "Shum bola" asarining boshida Qoravoy pochchasining o'sha "boyvachcha qush"lariga suzmani majburlab yedirish natijasida barcha qushlar vafot etadi. Qoravoy qumrini olib yo'lga tushdi va Achabod degan joyda uning atrofiga turli xil o'spirinlar to'planib qumrini sotishni so'rashdi. Lekin, u rozi bo'lmadi. Keyin esa unga do'q-po'pisa bilan qumrini bermasa zo'rlik bilan tortib olishlari haqida Qoravoyni ogohlantirishdi. Ushbu holat bizning qonunchiligimizda taqiqlangan! Ushbu holat jinoyat hisoblandi. Agar hozirgi davrdagi qonunchilik bo'lganda edi, bizning qonunchiligimizda **voysaga yetmaganlarning mulkiy huquqi mavjud** bo'lib, u **O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksining 93-moddasida**¹ o'z ifodasini topgan. Lekin Qoravoy pochchasidan o'g'irladi-ku. Mayli, bu ham bizning jinoyat qonunchiligimizning 169-moddasiga ko'ra mayda o'g'rilikning bir turi hisoblanadi. Endi nailoj, nima qilmaylik "shum bola" shum bolaligicha qolaveradi. Lekin, hozirgi zamon qonunchiligi Qoravoyga nisbatan qilinayotgan zo'raonlikka shunday qarab chidab turmaydi! Keling, yaxshisi vaqt mashinasini sal keyinroqqa haydaymiz...

Asarda Qoravoy do'sti Omon bilan qozoq kampirning uyida tunashga boradi. Ular yarim tunda do'pposlash, mastbozlik, shovqin-suron, to'polon ovozi eshitib yotar edi. Kimnidir o'rtaga olib urishmoqda. Esingizda bo'lsa,

¹ <https://lex.uz/docs/5712113>

bozorda bir odamning hamyonini tuhmat qilib olgan Sulton kissavur bor edi. U o'zi bilan birgalikda kelgan domlani tunash bilan band edi. Domla dod solib boshqa puli yo'qligini aytsa hamki, o'g'rilar ko'na qolishmayapti. Agar shu voqea bizning davrimizda ro'y bersa bormi? Yetmagandek, Yaxshiqiz kampir bunday voqealarni ko'p ko'raverganidan mirshablarga xabar bermagandi. O'zbekiston Respublikasi jinoyat kodeksida belgilanganidek, "Oldindan va'da bermagan holda jinoyat haqida xabar bermaganlik yoki jinoyatni yashirganlik uchun gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchining yaqin qarindoshlari javobgarlikka tortilmaydi". Demak, ushbu vaziyatda biz jinoyat qonunchiligiga murojaat qiladigan bo'lsak, shunday xulosaga kelishimiz mumkin: ***O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 166-moddasida o'zgalar mulkini ochiqdan ochiq talon-taroj qilish*** uchun jazo belgilangan. Ushbu holatda domlani hammaning ko'z o'ngida oshkoralik bilan tunayotgan Sulton kissavur va uning sheriklari ***o'n yildan o'n besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi***¹ bilan jazolanadi. Chunki, Sulton kissavur va uning sheriklari bunday turdagi jinoyatni birinchi marta sodir qilayotgani yo'q-ku. Bundan tashqari, bu jinoyat uyushgan guruh tomonidan sodir qilinmoqda. Asardagi yolg'iz ona siymosida biz o'sha davr ayoli va onalarning yolg'iz bolalarni boqishi va huquq huquqlarini o'zgalar tomonidan belgilangan poymol bo'lganligining guvohi bo'lamiz. Buning asosiy sababi o'sha davrdagi ona va bola huquqlarni mavjud emasligidir. Eng achinarlisi shuki, "Shum bola" asarini o'qib tahlil qilarmiz, qarovsiz qolgan asar bosh qahramoni obrazida o'sha davrdagi voyaga yetmaganlarning xulq-atvorga ega bo'lgan shaxslar domiga tushib qolishi natijasida, ularga bo'ladigan qaltis munosabatlar orqali adib bolalarning. og'ir turmush sharoitini mohirona ko'rsatib bergan. Bugungi kunda, davlatimiz tomonidan voyaga yetmaganlar siyosatiga katta

¹ <https://lex.uz/acts/-111453>



e'tibor qaratilmoqda. Ularning bilim olishlari uchun kerakli yaratilmoqda, voyaga yetmaganlar mehnatidan unumli mas'ul va hisob yurt koriga yaraydigan inson bo'lib yetishishlari uchun ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Buning uchun oila dasturlari dali sifatida , yoshlar ta'limiga oid turli qonun va qonun ostizarlarining hujjatlarini qabul qilish, huquqbuzarlik sodir etgan voyaga qabul qilinmaganlar, Yoshlar ishlar agentligi tomonidan berilgan kafilikka olinishi, qolaversa boquvchisiz , ko'makka kerak, temir daftarga kirgan farzandlariga har doim ko'maklashish, hujjat o'sib-ulg'ayishi, ta'lim olishlari uchun davlat tomonidan berilgan ko'plab hujjatlar yaratilmoqda. Albatta, bu kabi jarayonlarni amalga oshirish hozirgi kunda asar qahramoni shum bolalarning ko'rinishini olishi shubhasizdir.

Asarda Qoravoy bir eshonning uyida qo'nim topib, uning xizmatlarini qilib yurar edi. Hozir ham mana, bizning o'sha Qoravoy qalandarlardan qolib eshonning aytgani bo'yicha uning yoniga bordi. Eshon Qur'onni oldida, Qoravoyning uch marotaba Qur'on kitobni o'pib qo'liga olishini kuzatdi. Eshon bir nimalarni pichirlab o'qigan bo'ldi. Keyin esa Qoravoyni qasam ichishga majbur qildi. Qoravoy eshon aytgan so'zlarni qoldirmasdan xuddi o'zidek takrorlardi. U "pirimning to'rtala xotinlarini onamdan ham ziyoda ko'raman, ularga ko'z olaytirmayman" deydi. Ushbu holat hozirgi zamonda bo'lganda jinoyat hisoblanadi. Ushbu holatni hozrgi zamon qonunchiligi bilan tahlil qilamiz. ***O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 126-moddasida ko'p xotinli bo'lish jinoyat*** hisoblanadi. Eshon hozirgi davrda yashaganda qanday jazo qo'llanilgan bo'lar edi? ***Bazaviy hisoblash miqdorining ellik baravaridan yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki bir yildan uch yilgacha ozodlikdan cheklash,*** ¹ bitta ro'zg'orda bittadan ziyod xotin bilan yashayotganligi uchun ham unga nisbatan jinoyiy javobgarlik mavjud bo'lar edi. Eshon bizning davrimizda


¹ <https://lex.uz/acts/-111453>

yashamaydi bo'lmasa, u nafaqat g'iyohvand moddalar savdosi bilan shug'ullanish, balki ko'p xotinlik uchun ham javobgarlikka tortilgan bo'lar edi.

Bunday xayoliy tasavvurni keltirishimning boisi shundaki, o'sha davrda yashama turib, Qoravoy o'z shumliklarini amalga oshirgan jamiyat insonlarini his qilmasdan turib biz "Shum bola"ning shumliklarini o'rinsiz deb hisoblayveramiz. Lekin, aslida, Qoravoy o'sha zamon odamlarining kirdikorlari, jinoYatlariga qarshi o'z shumliklari bilan javob qaytaradi yoxud kurashadi. Biz Qoravoyni endi ang'lay boshlaymiz. Uning kechinmalarini his qila olamiz. Nega? Chunki, e'tibor bergan bo'lsangiz siz yuqoridagi jinoyatlarni kuzata turib unga sherikdek his qila boshlaysiz o'zingizni. Balki, hozirda bizning jamiyatimizda mavjud bo'lgan ba'zi holatlar va an'analar ancha yillardan so'ng uchinchi avlodga boringki, to'rtinchi avlod qonunchiligi bo'yicha jinoyat hisoblanar... Ular ham hozirgidek biz tahlil qilganimiz singari tahlil qilishar...

"Mening o'g'rigina bolam" asarida ham agar asar voqealari hozirgi davrda sodir bo'lganda O'zbekiston Respublikasi jinoYat kodeksining 169-moddasi bilan o'g'ri jinoiy javobgarlikka tortilishi mumkin edi. Asarni mutolaa qilgan ziyrak o'quvchilarimiz muallifning o'g'rini taniganligini lekin uni hech kimga aytmaganini bilishsa kerak.

"Yodgor" qissasi ham G'afur G'ulomning mashhur qissalaridan biri hisoblanadi. Ushbu asarda ham bir necha holatlar hozirgi zamon bilan oldingi zamon vaqtidagi hodisalar bir-biridan farq qiladi. Masalan, o'sha davrda O'zbekistonga sobiq Sovet davlatlaridan urushda ota-onasi halok bo'lgan bir necha bolalar evakuatsiya qilingan. Oilalar yetim bolalarni asrab olishgan va ularga o'z uyidan joy berishgan. Asarda bosh qahramon yolg'on qurboni bo'lishiga qaramay yakunda Jo'raxon uchun hammasi yaxshi yakunlanadi. Asarda nikohdan ajrashish qismi qiziq. Sababi Jo'raxon bilan Mehrixon birga turmush quramagan lekin ajrashish uchun ZAGSga



borishgan edi. Hozrgi zamonda ushbu holat yuz bersa qanday bo'lar edi? O'zbekiston Respublikasida er-xotin nikohlarini bekor qilish uchun 2 xil usuldan birini tanlashlari mumkin. O'zbekiston qonun hujjatlari ajrashish tartibini imperativ tarzda tartibga soladi: *oila kodeksining 7-bobi; Fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish qoidalarining IV bo'limi*. Nikohni bekor qilmoqchi bo'lgan er-xotinlar ariza bilan qayerga – FHDYo organigami yoki sudgami – murojaat qilishlarini o'zlari tanlamaydilar.

FHDYo organlari quyidagi hollarda nikohdan ajratadilar:

- er-xotinlarning o'zaro roziligiga ko'ra ularning mulkiy nizolari hamda voyaga yetmagan farzandlari bo'lmagan taqdirda;


- er yoki xotindan birining arizasi asosida ulardan biri sud tomonidan bedarak yo'qolgan yoki ruhiyati buzilishi (ruhiy kasalligi yoki aqli zaifligi) sababli muomalaga layoqatsiz deb topilgan yoxud sodir qilgan jinoyati uchun 3 yildan kam bo'lmagan muddatga ozodlikdan mahrum qilingan bo'lsa.

Quyidagi holatlarda nikohdan ajratish sud tartibida amalga oshiriladi, agar:

- er-xotinlarning o'rtada voyaga yetmagan farzandlari bo'lsa (er yoki xotindan birining arizasi asosida ulardan biri sud tomonidan bedarak yo'qolgan yoki ruhiyati buzilishi (ruhiy kasalligi yoki aqli zaifligi) sababli muomalaga layoqatsiz deb topilgan yoxud sodir qilgan jinoyati uchun 3 yildan kam bo'lmagan muddatga ozodlikdan mahrum qilingan hollar bundan mustasno);

- bolalari to'g'risida, birgalikdagi umumiy mol-mulkini bo'lish haqida yoki yordamga muhtoj, mehnatga layoqatsiz er (xotin)ga ta'minoti uchun mablag' to'lash haqida nizo mavjud bo'lsa;

- er-xotindan birining nikohdan ajratishga roziligi bo'lmasa;
- qarshiligi bo'lmasa-da, er-xotinlardan birining FHDYo organida nikohdan ajralishdan bosh tortganda (masalan,




birgalikda ariza berishni rad etsa yoxud arizani berib, nikohdan ajratishni ro'yxatdan o'tkazishga kelmasa).

Shundan ko'rinadiki, agar er-xotinlardan biri nikohdan ajralishga rozi bo'lmasa, oxirgi so'zni aytish sudga qoladi. Shuning uchun "ajrashaman yoki ajrashmayman" degan dag'dag'aning ahamiyati kuchli emas. Juftlarning hatto bittasi nikohdan ajrashishni istamasa-da, sud ularni baribir ajratib yuborishi mumkin.¹ Lekin hozirgi zamonda XX asrdagi holatdagi kabi ish ko'rilmaydi albatta, er va xotinning ajrashishga ariza berilsa ularning shaxsiga oydinlik kiritiladi. Chunki er-xotin turmush qurgandan so'ng mol-mulki bo'lish va boshqa bir qator masalalar yuzaga kelishi tabiiy hol.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, G'afur G'ulomning asarlaridagi qahramonlarni tanqid qilmoqchi emasmiz, chunki o'sha davrdagi vaziyat bilan hozirgi zamondagi holat o'rtasid yer bilan osmoncha farq borligini ko'rishimiz mumkin. Shunchaki o'sha zamon qonunchiligi bilan hozirgi zamon qonunlarini qiyoslash orqali bilimlarimizni yanada mustahkamlab olamiz. Biz yosh huquqshunoslar ulug' adiblarning asarlarini o'qib, ular ko'rsatayotgan kamchiliklarga e'tibor qaratishimiz, jamiyat taraqqiyoti, huquq sohasidagi kamchiliklarni to'g'ri anglab, ularni oldini olishimiz zarur. Ulkan iste'dodlar so'zining ostida so'z bo'ladiki, uni ilg'ash va u orqali muammoga yechim izlash lozimdir. Bunday xayoliy tasavvurni keltirishimning boisi shundaki, o'sha davrda yashama turib, Qoravoy o'z shumliklarini amalga oshirgan jamiyat insonlarini his qilmasdan turib biz "Shum bola"ning shumliklarini o'rinsiz deb hisoblayveramiz. Lekin, aslida, Qoravoy o'sha zamon odamlarining kirdikorlari, jinoyatlariga qarshi o'z shumliklari bilan javob qaytaradi yoxud kurashadi. Biz Qoravoyni endi anglay boshlaymiz. Uning kechinmalarini his qila olamiz. Nega? Chunki, e'tibor bergan bo'lsangiz siz yuqoridagi jinoyatlarni kuzata turib unga sherikdek his qila boshlaysiz o'zingizni. Balki,

¹ <https://tashabbus.org/ajrashish-uchun-qayerga-qanday-murojaat-qilish-kerak/>



hozirda bizning jamiyatimizda mavjud bo'lgan ba'zi holatlar va an'analar ancha yillardan so'ng uchinchi avlodga boringki, to'rtinchi avlod qonunchiligi bo'yicha jinoyat hisoblanar. Ular ham hozirgidek biz tahlil qilganimiz singari tahlil qilishar. Shunday ekan, bizning qonun ijodkorligimiz ham bundan ancha vaqtlar o'tsa ham avlodlarimiz tomonidan salbiy baholanmasligi, ular bizning huquq normalarimizdan jinoyat belgilarini anglamasliklari uchun biz har bir qabul qilinayotgan qonunlar, ularning ishlash mexanizmi, ularning imperativligi darajasiga, ularning himoya qilinish asoslariga juda ham katta ahamiyat berishimiz darkor. Zero, biz shu orqali demokratik-huquqiy davlat barpo etish bosqichining muhim bo'lgan zinalariga qadam qo'yayotganligimizni yurak-yuragimizdan his eta olamiz. Shu o'rinda mashhur arbob Volter tomonidan ifodalangan quyidagi mashhur munosabatni keltirib o'tish o'rinli bo'lar edi.

"Agar siz yaxshi qonunlarni istasangiz, mavjudlarini yoqing va yangilarini yarating!"

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. G'afur G'ulom "Tanlangan asarlar"i;
2. "Shum bola" qissasi;
3. "Yodgor" qissasi;
4. "Mening o'g'rigina bolam" qissasi;
5. O'zbekiston Respublikasi jinoyat kodeksi;
6. O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksi;
7. <https://tashabbus.org>
8. <https://lex.uz>






Farhod Nizomov,
Navoiy davlat pedagogika instituti
katta o'qituvchisi, tayanch doktorant

O'ZBEK ADABIYOTIDA QISSA JANRIGA OID BA'ZI MULHAZALAR

Adabiyotning o'z tili va o'ziga xos imkoniyatlari mavjudki, ushbu til va imkoniyatga suyanib, davrning badiiy in'ikosi yaratiladi. Epik turning o'rtacha shakli bo'lgan qissa janri ayni shu imkoniyatga ega. Mustaqillik davri o'zbek qissachiligi bu borada alohida o'rin tutadi. Undan tashqari ushbu janrda mukammal ijod namunalarini yaratgan va yaratib kelayotgan A.Qodiriy, G'.G'ulom, A. Qahhor, O. Yoqubov, P. Qodirov, Sh. Xolmirzayev, T. Murod, X.Sultonov, X.Do'stmuhammad, Xurshid Davron, Abbas Said ijodiga mansub qissalarda obrazlar sistemasi, ijodiy mahorat, zamonaviy va tarixiy mavzulardagi qissalarning o'ziga xos janr xususiyatlari yuzasidan qimmatli ilmiy fikrlar bildirilgan tadqiqotlar ham yaratilgan. Mazkur maqolada qissa janrning tarixiy taraqqiyoti, janr xususiyatlari, o'ziga xos tarixiy tadriji haqida ba'zi mulohazalar bayon etiladi.

Ushbu maqolani ilmiy asoslashda U.Normatov, A.Rasulov, Q.Yo'ldosh, Q.Qahramonov, D. To'rayev, D.Quronov, I.G'aniyev, U. Jo'raqulov, G'.Murodov, A.Xolmurodov, G.Imomova, U.Rasulova, R.Qo'chqor, B. Karimov, S.Meli kabi atoqli adabiyotshunos olimlarning nazariy qarashlari, internet saytlarida mavzuimizga dahldor mulohazalarga e'tibor qaratildi. Qiyosiy-tipologik, bir necha manbalardan foydalanib ilmiy ma'ruza tayyorlash kabi metod va usullar asosida mavzu tahlil etildi.

Zamonaviy qissalarda yangicha tamoyillarning bo'y ko'rsatayotgani to'g'risida U.Normatovning: "Bugungi qissachiligimizga nazar tashlaganda birinchi galda undagi



mavzu muammo, shakliy, uslubiy jihatdan rang-baranglik e'tiborni tortadi; ular orasida tarixiy, zamonaviy, ijtimoiy-siyosiy, oilaviy-maishiy, ishqiy mavzulardagi ham an'anaviy romantik, realistik, ham modernistik, ham jiddiy, ham yumoristik, sarguzasht-dedektiv yo'nalishdagi asarlarni ko'rish mumkin" [4;47],- degan fikrlari, A.Rasulovning ilmiy izlanishlarida yozuvchi-badiiy asar-kitobxon munosabatlarining bugungi davr talablari nuqtai-nazaridan tahlil etilishi¹, Z.Isomiddinov, Mahkam Mahmud, I.G'afurovlarning adabiy ta'sir, ko'chirmakashlik illati, J.Joys, A.Kamyu va boshqa modernist adiblar ijodining o'zbek yozuvchilari ijodiga ta'siri, an'anaviylik va asllik mohiyati haqida qarashlari va hozirgi adabiy jarayonda kechayotgan o'zgarishlarga bergan baholaridan bilishimiz mumkin. D.To'rayev, Q.Qahramonov, Sh.Daniyarova, D.Salohiylarning yangi o'zbek adabiyotiga xos xususiyatlar yuzasidan olib borgan ilmiy izlanishlari, adabiy-nazariy qarashlari² muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Filologiya fanlari doktori A.Xolmurodovning o'zbek qissalari poetikasi muammosiga bag'ishlangan tadqiqotlarida³ qissa janriga asarlarda obrazlar sistemasi, ijodiy mahorat, zamonaviy va tarixiy mavzulardagi qissalarning o'ziga xos janr xususiyatlari yuzasidan qim-matli fikrlar bildirilgan. Umuman olganda, adabiyotshunoslikda qissa janriga oid bir qator fundamental tadqiqotlar amalga oshirilgan.

Jahon adabiyotida biz qissa deb ataydigan o'rta epik janr turli nomlar bilan, masalan, ruslarda "povest", Ovrupo

¹ Rasulov Abduqafur, Badiiylar-bezavol yangilik, Ilmiy-adabiy maqolalar, talqinlar, etyudlar, "SHARQ" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bo'sh taхририяти, Тошкент, 2007 й. Б. 96, 98, 101.

² Qахрамонов, Адабий жараён ва эстетик талқин, Тошкент, 2014 й. Б.35-36. Ш.Даниярова, Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон, Тошкент, "Mumtoz so'z" 2011 й. Б. 73-86. Салоҳий Дилором, Тасаввуф ва бадий ижод, ўқув кўлланма, "Наврўз" нашриёти, Тошкент, 2018 й. Б.91-108.


³Холмуродов Абдуҳамид, Муқаддас сўз боқийлиги, Тошкент, "Fan". 2007 й. Б.75-76.

adabiyotlarida "qisqa roman" (ing. short novel) yoki novella¹, yaponlarda ranobe deb yuritiladi. Bu janr voqelik qamrovining mo'tadilligi, voqea tasvirining ustuvorligi va qahramonning ichki olamiga chuqur kirilmasligi, voqealarning "men" tilidan hikoya qilinishi bilan yozuvchiga yengillik beradi. Novella Renessans davrida dastlab Italiya adabiyotida paydo bo'lgan bo'lsa, ruslarda – uzoq asrlik tarixga ega bo'lishiga qaramasdan – XIX asrga kelibgina chinakam realistik povestlar yaratildi. Bizda ham realistik qissa XX asrda shakllangan janr hisoblanadi. Bu o'rta epik janr jahon adabiyotida uzoq asrlik, milliy adabiyotimizda bir asrlik yo'lni bosib o'tdi, izchil o'zgarib-yangilanib bordiki, bu hol janrning ilmiy tadqiqi hamisha dolzarb ekanligini ko'rsatadi.

Qissa janri arab tilidan olingan bo'lib, lug'aviy ma'nosiga ko'ra, hikoyat, sarguzasht, u yoki bu shaxs hayoti - faoliyatining muayyan davrini bayon etuvchi ma'nolarini ifodalaydi, u nafaqat o'zbek, balki butun Yaqin hamda O'rta Sharq xalqlari adabiyotida ham keng tarqalgan janrlardandir. Shu bois adabiyotshunoslik terminlarini izohlovchi ba'zi lug'atlarda uning butun tarixiy tadrijini ifodalovchi ikki bir-biriga bog'liq ma'no quyidagicha tavsiflanadi: "Qissa... 1. Yaqin va O'rta Sharqda keng tarqalgan folklor va yozma adabiyot asarlari. 2. O'zbek prozasida keyingi o'n yillar ichida hikoyadan katta, romandan kichik va aksariyat hollarda asosiy qahramon sarguzashtlari asosida yuzaga kelgan badiiy asarlar ham qissa deb yuritilmoqda. Bunday asarlar o'z xarakteri, janr imkoniyatlari, badiiy-tasviriy prinsip va usullari jihatidan povest janri bilan bir xildir" [7; 169].

Ushbu janr haqida: "Qissa - badiiy adabiyotda epik janr turlaridan biri. G'arbiy Yevropa va Amerika adabiyotida povest ma'nosidagi Qissa tushunchasi yo'q, nasrning romandan boshqa barcha janrlari "novella" termini orqali ifoda-lanadi.


¹ Ayrim hollarda "novella" deganda kutilmagan yakunga ega bo'lgan kichik hikoyalar ham tushuniladi. Ammo Ovrupoda novella bizning adabiyotimizdagi qissaga to'g'ri keladi.



Rus va o'zbek adabiyotlarida Qissaning hozirgi va qadimgi ma'nolari o'rtasida farq bor. Masalan, qadimgi rus adabiyotida har qanday nasriy asar povest (qissa) deb atalgan. O'zbek adabiyoti tarixida rivoyat usulida nasr yoki nazmda yozilgan tarixiy-afsonaviy asarlar qissa deb yuritilgan. Masalan: "Qissayi Sayfulmuluk", "Qisasi Rabg'uziy. Hozirgi ma'nodagi o'zbek qissasi rus adabiyotidagi "povest" terminiga to'g'ri keladi va asosan, roman bilan hikoya oralig'idagi o'rtacha hajmli nasriy janrni ifodalaydi" [8] degan fikrlarini keltirish ham o'rinlidir. Bunga mazkur janr haqidagi an'anaviy mulohazalar davomi deb qarashimiz mumkin.

Adabiyotshunos A.Abrorov bu haqda shunday yozadi: "Adabiyotimizning hozirgi davrida prozaning yangi turi-qissaning tashkil topishi va shakllanishida 20 va 30 - yillarda (bunda XX asr nazarda tutilmoqda - ta'kid F.N.) yaratilgan keng syujetli hikoyalarning roli va xizmati shubhasiz katta bo'ldi. Qissa ana shu keng syujetli hikoyadan o'sib chiqdi, tashkil topdi, shakllandi va mustaqil janr sifatida rivojlanmoqda" [1; 89].

Ushbu janrga xos asosiy xususiyatlarni aniqlab, uning yetakchi qirralari haqida fikr bildirgan adabiyotshunos olim A. Xolmurodovning quyidagi fikrlari ahamiyatlidir: "Bu - qissa syujeti asosida yakka qahramonning butun umri davomi-dagi sarguzashtlari emas, balki qahramon hayotining muayyan davri voqealari yotishidir. Shu bois janr xususiyatlari haqida gap ketganda hajmning katta yoki kichikligini emas, balki voqealar qamrovi hamda rivojining romanga nisbatan yengilligi, hikoyaga nisbatan murakkabligini hisobga olish ma'quldir" [6; 7]. Qissa janrining o'rta asrlar og'zaki va yozma adabiyotida keng tarqalgani diqqatni o'ziga tortadi. Tarixiy mavzularda ma'lum voqelik yoki birorta shaxsga atab yozilgan asarlar xususida adabiyotshunos A.Xolmurodovning ilmiy mulohazalari asoslidir. Olim qissa atamasi haqida gapira turib, uni "xalq kitob"lariga yaqin ekanligini ta'kidlab, fikrlarini jahon va o'zbek adabiyoti vakillari qarashlari yordamida dalillaydi [6; 8-9].




Bizningcha, qissani xalq kitoblariga yaqin qilgan yana bir jihat bu – uning ixchamligi, voqealar bayonining cho'zilib ketmasligi, an'anaviy boshlanma va yakunda xulosaning mavjudligi bilan ham belgilanadi.

Dunyo adabiyotshunosligida qissa (povest, novella) janri epik turning nisbatan ko'p tadqiq etilgan, spetsifik xususiyatlari keng o'rganilgan janri bo'lib qolmoqda. Ammo bu holat mazkur janr yuzasidan tadqiqotlar olib borish shart emas, degan fikrga olib bormasligi lozim. Chunki janrning individual uslubdagi har bir namunasi – alohida hodisa, unda umumiy-tipik xususiyatlar bilan birga faqat shu muallifga, faqat shu birgina asarga xos bo'lgan nozik ayirmalar – nyuanslar ham voqe bo'lishi qonuniy holdir [9]. Bu hol badiiy tafakkur hodisasi sifatida san'atda individual-subyektivlikning ustuvorligidan, juz'iylik va tipiklik chegaralari nihoyatda shartlilikidan ham kelib chiqadi. Xuddi mana shu holat alohida olingan uslublar misolida qissa janri tadqiqiga doimiy ehtiyoj borligidan dalolat beradi.

Dunyo adabiyotidagi yetakchi tamoyillarning ta'siri istiqlol yillarida yangicha mazmun va mohiyat kasb etdi. Adabiy tanqidchilik bu tamoyillarning o'ziga xos xususiyatlarining milliy adabiyotimizdagi ko'rinishlarini nazariy va ilmiy jihatdan tadqiq etishga alohida e'tibor bera boshladi. Modernizm, neomodernizm, postmodernizm, syurrealzm, ekzistensializm kabi oqimlarning G'arb adabiyotidagi ilg'or tajribalarining ta'siri tadqiq va tahlil etilgan izlanishlar ko'paydi, ularning muayyan bir janr doirasida ijodiy rivojlantirilishi, yutuq va kamchiliklarni ko'rsatib berishga intilish kuchaydi. "Istiqlol. Adabiyot. Tanqid" nomli to'plamda¹ hozirgi adabiy jarayon, adabiyotshunoslik oldida turgan vazifalar haqida e'tiborli fikrlar bildirilgan.

Ulug'bek Hamdam istiqlol davri adabiyotini ozod tafakkur adabiyoti deb ataydi. Darhaqiqat, istiqlol yozuvchi


¹ Истиқлол. Адабиёт. Танқид, Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам саволлари асосида қўрилган суҳбатлар. - Тошкент, "Turon zamin ziyo", 2015 й.



va shoirlarimizga ijod qilishning keng ufqlarini ochib berdi. "Bugun yurtimiz ijodkorlari,-deydi u,-o'z nuqtai nazarini, ko'hna Sharq adabiyotida bo'lgani kabi, olami sug'ro-mukarram Insonga, uning qalbiga qaratgan. Hamda botindagi murakkab jarayonlarni bayonchilik yo'li bilangina emas(bunday usul bor, bo'ladi va bu g'oyat tabiiydir), ayni paytda, umuminsoniy va umumzamoniy mezonlarga suyangan holda Majoz vositasida ham qog'ozga tushirmoqdalar, san'atga aylantirmoqdalar" [2; 4]. Bunday ijodkorlar safi kengayib boryapti. Bugungi kunda Nazar Eshonqul, Isajon Sulon, Abduqayum Yo'ldosh, Luqmon Bo'rixon, Umid Yoqub, Murod Chovush, Bahodir Abdurazzoq singari yozuvchilarning ijodiy izlanishlari mevalarini kitobxonlar chanqoqlik bilan kutib olishmoqda.

O'zbek adabiyotida bola obrazining shakllanishida muhim o'rin tutgan, hayotiylik, badiiyat, falsafiylik va ramziylik kabi adabiyotning jozibador va yashovchanligini ta'minlaydigan jihatlariga to'la javob beradigan qissalar yaratgan akademik yozuvchimiz G'afur G'ulomning istiqloq davri o'zbek adabiyotida yaratilgan qissalarga badiiy-estetik ta'siri katta bo'ldi. Muallifning "Shum bola" qissasidagi ayrim voqealar, bola ruhiyati tasviri, kichik va katta yoshdagi insonlarning bir-birini anglashdagi murakkabliklar, bola qalbini tushinish, kichik harakatlar bilan katta maqsadlarni ko'zlagan inson tasviri istiqloq yillarida Luqmon Bo'rixon tomonidan yaratilgan "Quyosh hali botmagan" qissasida mahorat bilan tasvirlagan. Har ikki qissada ham do'stlik, sadoqat, oilasini har narsadan ustun bilish, Vatanparvarlik, rostgo'ylik, mehnatsevarlik, samimiyat, vafo, burch, o'z oldiga qo'ygan maqsadlar uchun mardona kurashish singari ahamiyati yuqori tushunchalar o'z badiiy talqini topgan. Obrazlar asar voqealari davomida bu tushunchalarning har birini voqealar rivoji davomida boshdan o'tkazadi. Asardagi muhim yechimlar o'smir yoshdagi bola (Omon va Norsoat)lar tomonidan yechiladi.

Voqelikni aks ettirishda an'anaviy yondashuvlar, an'anaviy




timsollar badiiy talqini hamon yetakchi tamoyil bo'lgani holda hayotga yangicha nigoh bilan qarash, kitobxonning ong osti tuyg'ulariga ta'sir etish yo'llaridan borish, ramziy timsollar vositasida badiiy haqiqat kuchini namoyon etish adabiy jarayonning ko'proq qaynab-toshishiga omil bo'lyapti. Shu sababli ushbu janr haqida fikr bildirganda. Faqatgina qissaga xos nazariy fikrlar, janr tabiati haqida gapirish yetarli bo'lmaydi. Bugungi kun kitobxonini asar mazmuni, muallif aks ettirgan voqelik, obrazlar qismati qiziqtiradi. Ba'zilarni esa yozuvchi uslubi, tili o'ziga jalb etadi.

Badiiy matn, badiiy talqin, badiiy mahorat tushunchalari to'g'risidagi ilmiy-nazariy qarashlarni o'zbek qissalaridagi yangicha tamoyillar asosida ilmiy dalillab berishga harakat qilish, qissa matni orqali voqelikni anglash, muallif badiiy mahoratiga baho berish ilmiy yangilanishga xizmat qiladi.

Jahon adabiyotida paydo bo'lgan absurd adabiyoti, "ong oqimi" tushunchalari o'zbek adabiyotida istiqloq yillarida yaratilgan qissalarni matniy-qiyosiy tahlil etish orqali dalillash ushbu janrga yangicha yondashuvlarning ilmiy prinsiplari shakllantirilishiga xizmat qiladi. Shularni hisobga olib, bu boradagi qarashlarni, ilmiy bahrlarni davom ettirish maqsadga muvofiqdir.

Keyingi davr o'zbek qissachiligi yanada barkamollik kasb etdi. XX asrning so'nggi choragi o'zbek qissachiligida juda katta tub o'zgarishlar ko'zga tashlandi. Istiqloq yillarida adabiyotga kirib kelgan ijodkorlar orasida qissa janrida barakali ijod qilayotgan yozuvchilar ko'p. Bu adiblarning barchasida bir jihat ko'zga tashlanmoqda, ya'ni adabiy qahramonlarning dunyoqarashi, hayotga munosabati, rost tasvir, rael voqelikni ifodalashga alohida urg'u berishida bu jihat namoyon bo'lmoqda. Shu boisdan ushbu janrga oid asarlarning yaratilishi, janr xususiyatlari, taraqqiyoti, o'zbek va jahon adabiyotida bu guruhga mansub asarlardagi o'ziga xos jihatlar, muallif individual mahoratiga batafsil to'xtalish dolzarb bo'lib qolmoqda.



Ushbu maqolada o'zbek qissachiligining taraqqiyotining ba'zi tadrijiy rivojlanish omillari, qahramonlar ruhiy dunyosidagi evrilishlar, o'zbek qissachiligida yozuvchi badiiy tafakkurining qanday kuchga ega ekanligini aniqlashga harakat qilindi. Bugungi qissachiligimizda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan ayrim nazariy qarash va jihatlariga mulohazalar bayon etildi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Abrorov A. O'zbek povesti. -Toshkent: Fan, 1973.
2. Istiqlol. Adabiyot. Tanqid., Yozuvchi va adabiyotshunos Ulug'bek Hamdam savollari asosida qurilgan suhbatlar, -Toshkent, "Turon zamin ziyo", 2015.
3. Karimov B. Ruhiyat alifbosi. -Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2018.
4. Normatov U. "Umidbaxsh tamoyillar". -T.: "Ma'naviyat". 2004.
5. Qahramonov Q. "Adabiy jarayon va estetik talqin", -Toshkent, 2014.
6. Xolmurodov A. "Muqaddas so'z boqiyligi", Toshkent, "Fan". 2007. B.75-76.
7. Xotamov H., Sarimsoqov B. Adabiyatshunoslik terminlarining ruscha - ўzbekcha izohli lug'ati. - T.: Ўqituvchi, 1983,- B.169.
8. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/k/kissa/>






Azizbek Karasayev,
Nawayı mámleketlik
pedagogika institutu oqıtıwshısı

KÁSIPLIK LEKSIKA LINGVOMÁDENIY BIRLIK SÍPATÍDA

Házirgi waqıtta ilimniń dinamikalıq rawajlanıwı, integraciyalanıwı hám jańa tarawlardıń payda bolıwı menen adamzat tilin hám mádeniyatın birlikte úyreniw zamanagóy til biliminiń áhmiyetli máselelerinen biri bolmaqta. Ásirese, bul másele til bilimde antropocentristlik paradigmanıń júzege keliwinen payda bolǵan kognitiv lingvistika, psixolingvistika, sociolingvistika, pragmalolingvistika hám lingvokulturologiya sıyaqlı jańa tarawlar menen baylanıslı. Sonlıqtan házirgi waqıtta dúnya til bilimde tildi sol til iyesi arqalı úyreniw máselesi keń orın aldı.


Kópshilik túrkiy tiller sıyaqlı qaraqalpaq til bilimde de lingvokulturologiyalıq izertlew jumısları baslanıp atır. Til hám mádeniyat arasındaǵı ajralmas baylanıs arqalı ózinde qanday da bir mádeniy belgilerdi saqlap júriwshi til birliklerin lingvomádeniy birlik sıpatında úyreniw házirgi qaraqalpaq til bilimi ushın oǵada áhmiyetli. Frazelogizm, teńew, metafora, evfemizm hám disfemizm sıyaqlı xalıqtıń oy-órisin, dúnyatanımın, qorshaǵan ortalıqqa degen kózqarasın, úrp-ádetlerin kórsetiwshi birlikler solar qatarına kiredi. Nawayı qaraqalpaqları tiliniń kásiplik leksikasın da usınday til birlikleriniń biri sıpatında úyreniw múmkin. Sebebi kásiplik leksika sol tilde sóylesiwshi xalıqtıń mádeniyatın, ózligin, úrp-ádetlerin kórsetiwshi leksikalıq qatlam sanaladı. Sonlıqtan qálegen tildiń kásiplik leksikasın hár tárepleme jetik úyreniwde sol til iyesi bolǵan xalıqtıń ótmishine, jasaw sharayatına, kásip-ónerine hám miynet túrlerine ayrıqsha dıqqat qaratıw lazım.



Ózbekstan Respublikasınıń Nawayı wálayatında jasawshı qaraqalpaqlar da áyyemnen hár túrli kásip-óner menen shuǵıllanıp keledi. Atap aytqanda, olar Nawayı wálayatınıń Kenimex hám Tamdı rayonları aymaǵında balıqshılıq, sharwashılıq, diyqanshılıq, ańshılıq, kesteshilik, ustashılıq, tiginshilik hám basqa da kásip túrleri menen shuǵıllanadı. Biraq aymaqlıq jaylasıwı, qońsılas tuwısqan xalıqlar hám olardıń tiliniń tásiiri nátiyjesinde kásiplik leksikasında birqansha ózgeshelik belgiler bar. Bul milliy-mádeniy belgiler qaraqalpaq til biliminde usı waqıtqa shekem arnawlı túrde lingvomádeniy birlik sıpatında analiz etilmegen. Áne, usınday jergilikli kásiplerge baylanıslı sózlerdi lingvomádeniy birlik sıpatında úyreniw oǵada zárúr. Birinshiden, bul arqalı Nawayı qaraqalpaqları tili menen házirgi qaraqalpaq ádebiy tili arasındaqı uqsashlıq hám ayırmashılıq belgiler úyrenilse, ekinshiden, eki aymaqta jasawshı qaraqalpaq xalqınıń mádeniyatı hám mentalitetindegi ózgeshelikler anıqlanadı. Sebebi kásiplik leksikada uzaq ótmishten baslap házirgi kúнге shekemgi xalıqtıń shuǵıllanǵan kásip-kári, óneri haqqında qunlı maǵlıwmatlar saqlanadı.

Sońǵı waqıtlarda Ózbekstanda, sonıń ishinde Qaraqalpaqstanda til bilimine jańasha kózqaras penen milliy tildi hám ol arqalı xalıqtıń ótmishin, milliy úrp-ádetlerin, salt-dástúrlerin tereńirek úyreniw máselesi jolǵa qoyılǵanı belgili. Bizińshe, Nawayı qaraqalpaqları tilinde kásiplik leksikanı úyreniw de xalıqtıń ózligin ańlawǵa, mádeniyatın ele de rawajlandırıwǵa bolǵan umtılıslarınıń biri bolǵanlıqtan, hárdayım áhmiyetli máselelerdiń biri bolıwı sózsiz.

Kásiplik leksika hárbir tildiń quramında ayırıqsha orıńǵa iye bolǵanlıqtan, dúnya til biliminde álleqashan izertlew obyektine aylanǵan. Biraq túrkiy tillerde kásiplik leksikanıń úyreniliw dárejesi hám izertlew baǵdarı birdey emes. Máselen, ózbek til biliminde S.Ibrahimov tárepinen Fergana sóylesiminiń kásip-óner leksikası boyınsha erteden izertlew jumisları



alip barilgan¹. Qazaq tiliniń kásiplik leksikası Q.Aytazinniń avtorlıǵında baspadan shıqqan "Kásiplik leksika máseleleri" miynetinde lingvistikalıq jaqtan hár tárepleme úyrenilgen². Balıqshılıqqa baylanıslı sózler tatar tilinde O.Byatikova tárepinen izertlengen³.

Rus til biliminde kásiplik leksikanıń struktura-semantikalıq, funktsional-stilistikalıq ózgesheliklerin anıqlaw menen birge, ol jańa baǵdar, kognitiv aspektte úyrenilgen⁴.

Qaraqalpaq tilinde kásiplik leksika boyınsha birqansha ilimiy jumıslar islendi. Olarda qaraqalpaq xalqınıń áyyemnen shuǵıllanıp kiyatırǵan kásiplerine baylanıslı sózler hár tárepleme lingvistikalıq talqı islendi. Máselen, qaraqalpaq tilinde sharwashılıqqa baylanıslı sózler Q.Paxratdinovtıń "Qaraqalpaq tilinde sharwashılıq leksika" atlı kandidatlıq dissertaciyasında arnawlı túrde izertlendi⁵. Onda avtor sharwashılıq terminleriniń leksika-semantikalıq ózgeshelikleri, tariyxıy shıǵısı hám jasalıw usılları haqqında sóz etiledi. Qaraqalpaq tilinde diyqansılıq kásibine baylanıslı sózler Sh.Kárimxojaevtıń ilimiy miynetlerinde arnawlı túrde úyreniledi⁶. Onda diyqansılıq terminleriniń leksika-semantikalıq toparları hám olardıń jasalıwı boyınsha bahalı maǵlıwmat beriledi.

Qaraqalpaq tiliniń kásiplik leksikasında qol ónerine

¹ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси, 1956. // Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. 2, 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси, 1959.


² Айтазин Қ. Кәсіби лексика мәселелері. – Алматы: Арыс, 2000.

³ Бятикова О.Н. Лексика рыболовства в татарском литературном языке. // Автореф. дис...канд. филол. наук. – Казань, 2003.

⁴ Сердобинцева Е.Н. Профессиональная лексика русского языка: структурно-семантический, функционально-стилистический и когнитивный аспекты. // Автореф. дис...доктора филол. наук. – Москва, 2011.

⁵ Пахратдинов Қ. Животноводческая лексика в каракалпакском языке. АҚД. Нукус, 1992.

⁶ Кәримхожаев Ш. Дийханшылық терминлериниң қарақалпақша түсіндірме сөзлиги. – Нөкіс: Билим, 1995.



baylanisli sózler de belgili orındı tutadı. Sh.Allaniyazovanıń “Qaraqalpaq tiliniń qol óneri leksikası” miynetinde qaraqalpaq xalqınıń milliy qol ónerine tiyisli sózlerdiń úyreniliw tariyxı, tematikalıq klassifikaciyası, tariyxıy derekleri hám de olardıń jasalıw sóz etiledi¹. Al qaraqalpaq tilinde balıqshılıqqa baylanisli leksika boyınsha A.Tursınbaev tárepinen izertlew jumısları alıp barılmaqta². Joqarıda sóz etilgen kásiplik leksikağa arnalğan barlıq izertlew jumısları salıstırmalı-tariyxıy hám sistemalıq-strukturalıq paradigma boyınsha alıp barıldı.

Házirgi waqıtta qaraqalpaq tilindegi bunday til birliklerin antropocentristlik paradigma tiykarında qayta úyreniw áhmiyetli. Qaraqalpaq til biliminde bul baǵdarda dáslepki pikirler Sh.Abdinazimov hám X.Tolıbaevlardıń avtorlıǵındaǵı “Lingvokulturologiya” miynetinde ayıladı³. Onda avtorlar qaraqalpaq til biliminde birinshi ret lingvokulturologiyanıń teoriyalıq tiykarları, onıń obykti hám predmeti, maqseti hám wazıypaları, metod hám metodologiyası, lingvomádeniy birlikler haqqında sóz etedi.

X.Tolıbaevtıń qaraqalpaq dástanlarında qollanılğan toponimlerdi lingvomádeniy birlik sıpatında úyreniwge arnalğan miyneti de bul baǵdardaǵı tabıslı jumıslardıń biri⁴. Onda toponimlerdi lingvokulturologiyalıq izertlew obykti sıpatında qarap, olardıń quramındaǵı mádeniy belgiler úyrenilgen. Olardı memorativ hám deskriptiv túrge ajıratıp,

¹ Алланиязова Ш. Қарақалпақ тилинің қол өнері лексикасы. – Нөкіс: Билим, 1997.

² Турсынбаев А. И.Юсупов шығармаларында балықшылық кәсібине байлныслы сөзлер. Глобальная наука и инновация 2021: Центральная Азия. № 2(13). – Нур-султан, 2021.; Турсынбаев А. И.Юсупов шығармаларында балықшылық кәсібине байлныслы сөзлер. «Наука и образование в современном мире: вызовы XXI века» материалы X Международной науч-прак. конф.. – Нур-султан, 2022.


³ Abdinazimov Sh., Tolıbaev X. Lingvokulturologiya. Oqıw qollanba. – Nókis: Qaraqalpaqstan, 2020.

⁴ Толыбаев Х.Е. Қарақалпақ достонларыдағы топонимларнинг лингвомаданий таҳлили. // Филол. илим. канд... дисс. – Нукус, 2022.

semantikasi, mifolingvistikalıq analizi, stillik qollanıwı boyınsha ózgeshelikleri keń túrde mısallar menen kórsetilgen.

Juwmaqlap aytqanda, kásiplik leksika uzaq dáwirler dawamında qáliplesip, ózinde milliy-mádeniy belgilerdi saqlap qalıwshı leksikalıq qatlamlardıń biri. Onda xalıqtıń dúnyağa degen kózqarası, til arqalı átirap ortalıqtı sáwlelendiriw ózgeshelikleri kórinedi.

Kásiplik leksikanı lingomádeniy birlik sıpatında úyreniwdiń áhmiyeti xalıqtıń dúnyatanımı, obyektiv dúnyanı ózlestiriwi hám ózine tán mádeniyatınıń úyreniliwinde kórinedi. Bul baǵdarda izertlew jumısları qaraqalpaq til biliminde lingvokulturologiyanıń ulıwmalıq qaǵıydaların anıqlawğa, kásiplik leksikanı tártiplestiriwge hám sistemalastırıwğa járdem beredi.





Нурбек Тошканов,
Тошкент давлат юридик
университети таянч докторанти


АДАБИЁТ, САНЪАТ НАМУНАЛАРИГА НИСБАТАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРНИНГ МЕРОСИЙЛИГИ ВА УЛАРНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ: ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИ МИСОЛИДА

Бугунги кунда юртимизда интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш ва уни тижоратлаштиришга қаратилган эътибор кундан-кунга кучаймоқда. Авваллари ўзининг шеъри қўшиқ қилиниб, машхур бўлганига қувониб, ҳеч қандай ҳақ талаб қилмаган, ўз ижодий меҳнатини пулга чақмаган кишилардан фарқли равишда бугунги бозор иқтисодиёти шароитида шоир ва қўшиқчилар ўртасидаги баҳслар, лозим бўлса, суд ишларига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

Маълумот учун, қуйида уларнинг Адлия вазирлиги томонидан келтирилган рейтингини келтириб ўтамыз:



¹Адлия вазирлиги Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бошқармаси. <https://www.facebook.com/copyrightdepartmentuz/photos/a.118316980927925/138821488877474/?type=3&theater>



Шу ўринда академик шоир Ғафур Ғулом бундай масалаларда анчайин ўзига пухта бўлганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Бунда бизга Ўзбекистон Қахрамони, атоқли адиб, академик шоирнинг замондоши Озод Шарофиддиновнинг хотиралари ёрдам беради.

Ғафур ака радионинг адабиёт бўлимига тез-тез бориб турар экан. Бир борганида қалам ҳақи масаласида гапиринти.

— *Шеърим ўқилганига бир ҳафта бўлди, шу пайтга қадар ҳақини берганинглари йўқ.*

Бошқа ҳамма ижодий ташкилотлар сингари радио ҳам қалам ҳақини икки ойсиз бермас эди. Лекин Ғафур Ғулом бунақа "қоидалар"ни тан олмас, ҳақни ҳатто баъзан олдиндан олиб қўйишгача борар эди. Лекин бу галги кечикишнинг сабаби бошқа эди. Йигитлар шунини айтишипти:

— *Ғафур ака! Биз китобда босилган шеърингизни берган эдик. У эски шеър, эски асарларга қалам ҳақи берилмайди.*

— *Ҳой, болаи лодон, бу гапни бир айтдинг, ик- кинчи қайтарма. Шунини билиб қўйки, Ғафур Ғуломнинг асарлари эскирмайди.*

Йигитлар қалам ҳақини тўғрилаб беришибди.

Бу гал эса бошқача бўлибди. Ғафур ака бироз ширакайф экан. Бўлимга кирибди-ю, бир столга ўтириб олиб, хўн-хўн-хўн йиғлайверибди. Хонадаги ходимлар нима қилишларини билмай. Саросимага тушиб қолишибди.


— *Ҳой, Ғафур ака! Нима бўлди, ахир? Гапирсангизчи! Ким хафа қилди? — деб кўнгили сўрашибди улар.*

— *Нега хафа бўлмай, — жавоб берибди Ғафур ака кўз ёш аралаш. — Сендай укаларим, шогирдларим бўлса-ю, мен пулсиз, ғарибгина бўлиб юравераманми?*

Ходимлардан бири дебди:

— *Ғафур ака! Негача бундай дейсиз? Биз ҳамма қалам ҳақингизни бериб бўлганмиз. Биздан бекорга хафа бўляпсиз.*

Ғафур аканинг жавоби тайёр эди:



— Нима, ҳамма қалам ҳақини бериб бўлган бўлсаларинг, энди менинг шеърларимни бошқа эшиттирмайсанларми? Кежалакдаги қалам ҳақларим ҳисобига жиндай пул берсаларинг осмон узилиб ерга тушмайди.

Албатга, Ғафур Ғуломдан бошқа одам бўлганида ходимлар тегишли жавобни бериб, ковушини тўғрилаб қўйишарди. Лекин Ғафур Ғуломга бунақа муомала қилиб бўлмас эди-да. Иккита ходим у кишининг илтимосини бажаргани чиқиб кетишибди. 15 минутлардан кейин қайтиб келишса, хонада ҳамманинг чеҳраси равшан, бояги дилсиёҳликдан асар ҳам йўқ, Ғафур ака жуда хушкайфиятда хонадагиларга латифа айтиб, кулдириб ўтирганмиш.

Бир амаллаб, отанг яхши, онанг яхши деб ҳисоб-чидан келгусида ёзилажак асарлар учун қалам ҳақи ундириб чиққанлар пулни аста Ғафур аканинг олдига — стол устига қўйишибди. Ғафур ака пулни кўриб, “Нима бу?” деб сўрабди.

— Ёзилажак асарларингиз учун қалам ҳақи...

— Нима қиламан бу пулларни. Ҳали пулга муҳтож бўлиб қолганимча йўқ. Сенларга пул керакми? Мана пул, олларинг қанча керак бўлса!


Шундай деб шоир ёнидан бир даста пул олиб, стол устига ташлабди. Йигитлардан бири сўрабди:

— Ахир, ўзингиз қалам ҳақимни берасанлар деб туриб олдингиз-ку.

— Эй болам, сендан мен пул сўраганим йўқ эди, қадрим қанча туришини билмоқчи эдим, холос, — дебди шоир.

Хонада кулги кўтарилибди.

Ғафур Ғулом табиатан қувноқ одам бўлгани учунгина қулган эмас, балки у қулгидан бало-қазолардан асрайдиган бир қалқон сифатида фойдаланган. Кулги унинг учун тақдирнинг ўринли-ўринсиз хуружларидан ҳимояланиш учун қалқон вазифасини ҳам бажарган. Баъзан эса ҳаддан ташқари қалтис ва жиддий вазият-лардан қутулиб



кетишда ҳам кулги ёхуд юмор шоирга жуда катга ёрдам берган¹. Бу эса бошқа ҳикоя...

Муаллифлик ҳуқуқининг муаллиф тириклигидаги ҳимояси

Адабиёт асарларига нисбатан ҳуқуқ бошқа интеллектуал мулк объектлари каби иккита ҳуқуқни ўзида жамлайди: мулкӣ (мутлақ ҳуқуқ) ва шахсий номулкий ҳуқуқ.

Мутлақ ҳуқуқ – интеллектуал мулк объектига нисбатан унинг эгасига тегишли бўлган мулкӣ ҳуқуқлар мажмуидир. Бу муаллифнинг ўз асаридан бевосита ёки билвосита моддий наф, даромад ёки бошқача мулкӣ манфаат топиш, яъни уни тижоратлаштириш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади².


Умуман олганда, муаллиф “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” тўғрисида Қонуннинг 19-моддасига кўра асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.

Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган **шартномага биноан**, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

¹ Фафур Гуломнинг кулгиси. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. — Т.: «Шарқ», 2004. — 272-бет

² Омонбой Оқюлов. Мутлақ ҳуқуқ. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mutlaq-huquq-uz/>



1) асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

2) асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

3) асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи);

4) асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи);

5) тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи);


6) асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш ҳуқуқи); *Юқоридаги ҳолатда Гафур Ғулом ана шу асосга кўра радиодан қалам ҳақи ундирганини кўриш мумкин.*

7) асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи); **Кино қилиш, спетакль ташкил қилиш, бу мақсадда сценарийлар яратиш ҳам мана шу ҳуқуқнинг ичига кириб кетади. "Шум бола" асари асосида олинган кинофильм воқеалари асарнинг асл матнидан анчайин фарқ қилишини кўпчилик асарни ўқиганлар билади. Яъни кинофильм учун ёзилган сценарий асарни кино учун мослаштирган ва қайта ишлаган.**

8) асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш ҳуқуқи);

9) асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш ҳуқуқи);

10) асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш ҳуқуқи); **Ҳали-ҳануз Гафур Ғулом шеърлари**



телевидение орқали эфирга узатиб турилиши барчамизга маълум.

11) асарни таржима қилиш (таржима қилиш ҳуқуқи); Гафур Гулом асарларининг подстрочка – сўзма-сўз таржимаси билан асосан Ваҳобжон Рўзиматов шуғулланган бўлиб, рус таржимон шоирлари собиқ Иттифоқнинг марказий нашрларида (мисол учун, "Литиздат") унинг асарларини чоп этганлар. Албатта, мазкур таржималар учун ҳам гонорар тўланиши таъминланган. Шунингдек, шоирнинг асарлари кўплаб бошқа собиқ Иттифоқ халқлари тилларига ҳам таржима қилинган. Биргина "Сен етим эмассан" мисолида буни кўришимиз мумкин¹.


12) асарни барчанинг эътиборига такроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишни амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига такроран юбориш ҳуқуқи).

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга.

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади, ушбу Қонун 23-моддасининг учинчи қисмида, яъни тасвирий санъат асарларига нисбатан қўлланиладиган қоидалар назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилма-

¹ Гафур Гулям. Айбек. Хамид Алимджан. Стихотворения и поэмы, «Библиотека поэта», Большая серия, Л., 1980. // Гафур Гулям. Стихотворения и поэмы. Советский писатель. Москва. 1963 // Гафур Гулям. Избранные стихотворения. Издательство Советский писатель. 1949 год.



ганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.


Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (ихтироларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

Шунга ва бундан олдин амал қилган ушбу мазмундаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Гафур Ғулом асарларидан фойдаланилган ва фойдаланиб келинмоқда, дейиш мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ва меросийлиги

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1065-моддасига кўра муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг **бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин етмиш йил давомида амал қилади**, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Мазкур муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.

Гафур Ғулом 1966 йил 10 июлда вафот этган, демак, муаллифлик ҳуқуқининг муддати 1967 йил 1 январдан ўтишни бошлаган. Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин етмиш йил давомида амал қилиши ҳақидаги қоида 2021 йил 21 августдан кучга кирганлигини инобатга оладиган бўлсак, бунгача амалда бўлган эллик йиллик муддат тўғрисидаги қоида ушбу ҳолатга татбиқ қилинади. Бундан кўринадики, 2017 йилда Гафур Ғуломнинг муаллифлик ҳуқуқи муддати тугаган ва ижтимоий мулкка айланган. ФК 1066-моддасига кўра асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатини тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.



Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг **шахсий номулкий ҳуқуқларига** риоя этилиши керак.

Бу ҳуқуқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи;

Муаллифнинг исмга бўлган ҳуқуқи;

Асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқи.

Ушбу қоида шахсларнинг асардан ўз исмларини қўйган ҳолда нашр қилиш ёки унинг номини ёхуд мазмунини ўзгартиришга бўлган ҳуқуқларини чеклайди. Негаки шеър Алишер Навоийга тегишли бўладими ёки Гафур Ғулумгами – минг йилдан кейин ҳам худди шундай бўлиб қолиши керак.

Меросийлик масаласига келадиган бўлсак, ФК 1113-моддасига кўра мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:


юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.



Демак, адабий асарга нисбатан мулккий ҳуқуқларгина мерос бўлиб ўтиши мумкин. "Шум бола" асари Гафур Ғулумники эканлигича қолади. Унинг меросхўрлари уни саҳналаштириш, чоп этиш ёки бошқача усулда тижоратлаштириш мақсадларида фойдаланишга рухсат бериши мумкин бўлади, холос. Бироқ муаллифлик ҳуқуқи амал қилиши муддатининг тамом бўлганлиги ва асарларнинг ижтимоий мулкка айланганлиги сабабли ҳозирда бунинг имкони йўқ. Умуман олганда, Гафур Ғулум асарлари миллий адабиётимиз олтин фондининг бир қисмига айланиб улгурган. Бундай меросий ҳуқуқлардан ҳали вафот этганига кўп вақт бўлмаган бошқа ижодкорлар, мисол учун, Саид Аҳмад, Пирим Қодир, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ижодкорларнинг ворислари фойдалана олиши мумкин. Афсуски, жамиятда интеллектуал мулк объектига нисбатан бойлик сифатида қаралмаётганлиги сабабли бу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳолатлари деярли учрамайди. Озод Шарофиддиновнинг фарзандлари адибнинг китобларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни мерос ишига кўшиб, у кишининг қизлари – филология фанлари номзоди, доцент Муҳаббат Шарофиддиновага ўтказиб берганликлари маълум¹.

Аммо нима бўлган тақдирда ҳам мерос қолдирувчиға тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоида барча адибларнинг меросхўрларига тегишлидир.

Хўп, мулккий ҳуқуқлар мерос бўлиб қолар экан, бундан қандай фойда бўлади, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, маънавий фойда. Адиб асарларининг

¹ О.Оқюлов. Фан, адабиёт, санъат асарларини баҳолаш ва тижоратлаштириш: киёсий ҳуқуқий таҳлил. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари / хорижий экспертлар иштирокида (видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДНУ, 2020. – 67-бет


дахлсизлиги ва ўзгаришсиз сақланиши юзасидан назорат таъминланади. Унинг ижодининг софлиги сақланади.

Иккинчидан, моддий фойда. Дунё тажрибасида адабий-музикий мероси вафотидан сўнг ҳам даромад келтираётган машхурлар талайгина. Масалан, “Forbes” нашрининг маълумотларига кўра Майкл Жексон энг сердаромад мархум кишилар рейтингига 2013 йилдан 2021 йилгача биринчи ўринни эгаллаган. 2021 йилда 3-ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йилда 75 миллион АҚШ доллари даромад билан 5-ўринга тушган¹. 2021 йилда машхур кўшиқчилардан бири Принснинг уч меросхўри ўзларига тегишли улушни, жумладан, кўшиқчининг ашулаларига ҳуқуқни умумий ҳисобда 108 млн долларга сотган².

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Гафур Ғулум асарлари ижтимоий мулкка айланиб улгурган бўлсада, у кишининг замондош адиблари бўлган бошқа улуғларнинг асарлари ҳали ижтимоий мулкка айланиб улгургани йўқ. Фақат уларга ҳақиқий бойлик сифатида қараб, тижоратлаштиришга ва ундан даромад топишга интилиш муҳим ҳисобланади. Зеро, XXI асрга келиб, интеллектуал мулк иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти маълумотларига кўра биргина **машхур Голливуд кино қахрамонлари ва ўқув-илмий нашрлардан фойдаланиш ҳуқуқига** лицензия бериш натижасида олинган давлатлар даромади 64,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Хусусан, АҚШ (23,5 млрд), Япония (16,1 млрд), Корея

¹ The Highest-Paid Dead Celebrities Of 2022—A Writer Earns Half-A-Billion From The Great Beyond. URL: <https://www.forbes.com/sites/lisettevoytko/2022/10/31/the-highest-paid-dead-celebrities-of-2022-a-writer-earns-half-a-billion-from-the-great-beyond/?sh=5ae1fe702bb3>

² Майкл Жексон энг сердаромад мархум кишилар рейтингига етакчиликти бой берди. URL: <https://kun.uz/news/2021/10/31/maykl-jyekson-eng-serdaromad-marhum-kishilar-reytingida-yetakchilikni-boy-berdi>



Республикаси (6,2 млрд), Германия (5,6 млрд) ва Буюк Британия (5,4 млрд) давлатлари бу рўйхатда етакчилик қилмоқда¹.

Ўйлаймизки, нафақат марҳум, балки айни пайтда, ҳаёт бўлган машҳур ёзувчи-шоирларимиз ҳам ўз асарларидан фойда олиш имкониятига тўлақонли эга. Бу қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

асардан ўзи фойдаланган ҳолда даромад олиш (масалан, чоп этиш орқали);

асарга бўлган мутлақ ҳуқуқларни тўла ёки қисман сотиш;

асарларни ташкилот устав фондига улуш сифатида киритиш.

Биргина Марио Пьюзо мисолида оладиган бўлсак, унинг "Чўқинтирган ота" асари бўйича унинг фарзандлари яқин-яқингача даромад топиб келишган. Унинг ўғли Энтони Пьюзо отасининг ижодий манфаатларини ҳимоя қилар экан, у учун "Paramount Pictures" компанияси билан судлашишгача борганлигини кўришимиз мумкин. Чунки даъво суммаси бир миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган². Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Ҳофиз тўйда шоирнинг шеърини куйлаб, киночи романи кино қилиб, театр асарни сахналаштириб даромад топар экан, бу даромадда муаллиф адибларнинг ҳам ҳаққи борлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

¹ Абдумўмин Юлдашев. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатлари ва шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш. Review of law sciences 12.00.10-Халқаро ҳуқуқ https://www.researchgate.net/publication/358580884_Mualliflik_ukukini_halkaRo_DoiRaDa_MuoFaza_kilishning_MuiM_ZiatlaRi_Va_saRtnoMaVij-ukukij_Bazani_RiVoZlantiriS

² Сын Марио Пьюзо подал в суд на Paramount. URL: <https://lenta.ru/news/2008/06/19/puzo/>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адлия вазирлиги Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бошқармаси. <https://www.facebook.com/copyrightdepartmentuz/photos/a.118316980927925/138821488877474/?type=3&theater>

2. Гафур Гуломнинг кулгиси. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. — Т.: «Шарқ», 2004. — 272-бет

3. Омонбой Оқюлов. Мутлақ ҳуқуқ. URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mutlaq-huquq-uz/>


4. Гафур Гулям. Айбек. Хамид Алимджан. Стихотворения и поэмы, «Библиотека поэта», Большая серия, Л., 1980. // Гафур Гулям. Стихотворения и поэмы. Советский писатель. Москва. 1963 // Гафур Гулям. Избранные стихотворения. Издательство Советский писатель. 1949 год.

5. О.Оқюлов. Фан, адабиёт, санъат асарларини баҳолаш ва тижоратлаштириш: қиёсий ҳуқуқий таҳлил. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари / хорижий экспертлар иштирокида (видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2020. – 67-бет

6. The Highest-Paid Dead Celebrities Of 2022 — A Writer Earns Half-A-Billion From The Great Beyond. URL: <https://www.forbes.com/sites/lisettevoytko/2022/10/31/the-highest-paid-dead-celebrities-of-2022-a-writer-earns-half-a-billion-from-the-great-beyond/?sh=5ae1fe702bb3>

7. Майкл Жексон энг сердаромад марҳум кишилар рейтингида етакчилиқни бой берди. URL: <https://kun.uz/news/2021/10/31/maykl-jyekson-eng-serdaromad-marhum-kishilar-reytingida-yetakchilikni-boy-berdi>

8. Абдумўмин Юлдашев. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатлари ва шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш. Review of law sciences 12.00.10-Халқаро ҳуқуқ UDC:



347.78 (042)(575.1). https://www.researchgate.net/publication/358580884_MualliFliK_ukukini_halkaRo_DoiRaDa_MuoFaza_kilisning_MuiM_ZiatlaRi_Va_saRtnoMaVij-ukukij_Bazani_RiVoZlantiRis

9. Сын Марио Пьюзо подал в суд на Paramount. URL: <https://lenta.ru/news/2008/06/19/puzo/>






Ҳаким ЗОКИР,
Тожикистон Республикаси Суғд вилоят
Ўзбеклар маркази раиси ўринбосари,
«Шарқнома» журнали бош муҳаррири,
«Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони соҳиби,
Тожикистон Республикаси маорифи ва
маданияти аълочиси,
Мафтун Жўра номидаги адабий мукофот совриндори

ФАФУР ФУЛОМ СУҲБАТИДА

Бу сафарги гурунгимизга мўътабар меҳмон, Тожикистон Жумҳурияти Олий Мажлиси намояндалар Мажлиси собиқ вакили, таниқли тарихчи олим, профессор Усмонжон Фафоров ташриф буюргани учун суҳбатимиз янада қаймоқ олди. Бу суҳбатдошларимизнинг энг улуғи, етук навоийшунос олим Ҳомиджон Мамадов, вилоят ўзбек қалам аҳли ижодий уюшмаси сарвар-ларидан бири зукко ғазалнавис шоир Шариф Нуриддин, ирфоний билимдон устоз, ўқитувчи Абдуазиз Болтабоевларнинг Тожикистондаги энг йирик қишлоқлардан бири ҳисобланган Қистакўз ҳақида устоз Усмонжон аканинг ёзган салмоқли китобларидан бири – «Хистеварз» ва унинг яратилиши, илмий-сиёсий фаолиятига доир саволларига жавоб берар экан, устознинг сиёсат, тарих, адабиёт-санъат, ҳулласки, жуда кўп соҳалар билимдони эканидан баҳраманд бўлдик. Қуйида ҳурматли олимнинг ёшлик айёмида атоқли ўзбек шоири Фафур Фулом билан учрашиш насиб этгани ҳақидаги эсдалигини ҳикоя қиламиз.

– Пойтахтимиз Душанбе ва собиқ Иттифоқ ва Марказий Осиё шаҳарларидан Қистакўзга келган кўпгина таниқли меҳмонлар маърифатли киши бўлган отамиз Абдуғаффор Ҳасановни ҳам тез-тез йўқлашганига гувоҳ бўлганман. Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Сотим Улуғзода,



Мирзо Турсунзода, Боқи Раҳимзода, Акбар Турсунов, Фафур Фулом, Собир Абдулла, Ҳамид Фулом ва бошқа кўплаб олиму адиблар ва санъаткорларнинг қишлоғимизга ташриф этганлигидан ҳамқишлоқларимиз ҳақли равишда фахрланишади. Ўзбекларнинг академик шоири, ҳаётий сатирик ҳикоя ва мақолалар муаллифи, катта истеъдод эгаси Фафур Фулом билан боғлиқ бу воқеа хотирамда ўчмас из қолдирган. Бу воқеа 1959 йилнинг ноябрида бўлган эди.

Отам билан ҳовлимизга кириб келган юзида табассум нури ёғилиб турган меҳмон таниқли ўзбек шоири Фафур Фулом эканини дарров билиб олдим. Чунки ўзим ўқиётган 9-синф адабиёт дарслигидан унинг суратини кўрганман ва расми остидаги каттагина шеърини тўлиқ ёддан билар эдим.

- Фафур ака, сўраганнинг айби йўқ, дейдилар. Жойни қаерда тўшайлик, сандаллик уйгами ёки печкаликками? - сўради дадамлар ҳурмат юзасидан меҳмондан.


- Сандали ёнида ёнбошлашиб, суҳбат қурганга нима етсин, мулла Абдуғаффор ака, - деди шоир ҳам ҳурмат юзасидан.

Ушбу сўзлашувдан маълум бўладигани, куз фаслининг ноябри бўлишига қарамай, совуқ эртароқ тушган ва уйлар иситила бошланган эди.

Маърифатли инсонлар: отам ва меҳмон шоир орасида ўзбек ва тожик халқларининг Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий замонидан буён ҳозиргача давом этиб келаётган мустаҳкам дўстлиги, адабиёт, тарих, санъат тўғрисида анчагина суҳбат бўлиб ўтди. Бу орада онамиз дастурхон ёзиб, ширинликлар кўйган, қайноқ чой дамлаган эдилар.

Суҳбат асноси шеърятга бориб уланганида, мен ҳам гапга қўшилишга журъат этдим:

- Шоир амаки, сиз ёзган «Ту ятим нести» шеърингизни синфдошларимиз билан севиб ёдлаганмиз.



- Усмонжон ўғлим, ёдингда бўлса, уни айтиб бероласанми?

Мен ҳаяжонланиб, анчадан буён қўлтиғимда турган дарслик китобимнинг Муҳиддин Аминзода таржимасидаги машхур «Сен етим эмассан» шеъри чоп этилган саҳифасини меҳмоннинг олдига очиб қўйдим. Ўшандаги ҳолатимни ҳали-ҳали эслайман. Мен худдики, командир олдида турган солдатдек, икки қўлимни ёнимга тик туширганча «Ту ятим нести»ни қироат қилдим. Шеърни ўқиб бўларканман, Фафур Фулом аста елкамга қоқди:

- Баракалла, Худо умрингни берсин! Сен келгусида катта одам бўласан!

Шундан сўнг, шоир отамга «Сен етим эмассан»ни тожик шоири «оригиналдан ҳам яхшироқ таржима қилинган»ини айтиб, мамнун бўлди.

Уларга дастёрлик қилиб, суҳбатларидан баҳра оларканман, онамларнинг гапини суҳбатдошларга етказдим:

- «Ярим косагина» шўрва пишибди, сузиб берсинлар эканми?

Дадамлар меҳмонга ҳазиллашдилар:


- Фафур ака, озгинадан иштаҳа доридан ҳам оламизми?

- Бу суҳбат туфайли иштаҳа ёмон эмас-куя, аммо «сўраб бергунча, уриб бер» деган мақолигаям амал қилишимиз керакда-а, мезбон!

Фафур Фуломнинг аскиясидан кейин дадамлар менга «уриб бер»адиган ичимликни олиб келишни буюрдилар. Бунини эшитиб қолган шоир мезбонни койидилар:

- Ҳай-ҳай, Абдуғаффор, ҳозиргина бу ҳалолу покиза йигитчани мақтаб-мақтаб дуо қилдиг-а! Қўйинг, уни бу ишга аралаштирманг, ўзингиз олиб кела қолинг...

Отам ва Фафур Фулом суҳбати билан бошланган ва мен улуғ шоирдан олқиш эшитиб, бир умр ёдимда қолган бу давра меҳмон ташрифини эшитиб келаётганлар билан



тўлиб, қизиб борарди. Ҳаётим давомида мен улкан ютуқларга, илмий даражаларга эришдим. Лекин ҳар галги ютуқларимини эслаганимда ўзбекнинг танти, бағрикенг академик шоири Ғафур Ғуломнинг дуолари доимо қулоғим остида жаранглаб тураверади.


ҒАФУР ҒУЛОМ ВА ЧОЙХОНАЧИ ДЎСТЛИГИ

Қистакўзлик ўқитувчи – шоир Абдуманнон Раҳмон билан бўлган суҳбатларимиздан бирида у академик шоир Ғафур Ғулом ва марҳум ҳамқишлоғи, оддий инсон Абдуқаҳҳор самоварчи орасидаги мустаҳкам дўстлик тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Бурунги, шўро замони чойхоналари суҳбату йиғилиш, «гапхўрлик» жойигина эмас, балки маданий-оммавий, тарғибот ва ташвиқот маркази ҳам ҳисобланган. Шу боис «қизил чойхона» ҳам дейилган. Жумладан, Қистакўзда ҳам республикамиздан ташқари қўшни Ўзбекистон ва Тожикистонда номи ёйилган Саттори Туроб, Абдуҳамид ва Охун Рокиев, ҳожи Дадохон, Салом самоварчилар доимо элнинг беминнат хизматини бажаришган. Шулардан бири, ҳикоямиз қаҳрамони, жойлари жаннатдан бўлгур Абдуқаҳҳор самоварчи эди.

Таниқли кишилар: шоиру олим, санъаткору давлат арбоби ва бошқаларнинг ўзаро дўстлиги ҳақида кўп айтилган, ёзилган. Аммо атоқли ўзбек шоири ва оддий тожик самоварчи орасидаги биродарлик ва борди-келди муносабати бўлганлигини билиш ниҳоятда қизиқ ва завқли.

Олийгоҳни тугатиб, қишлоғимиз мактабида ўқитувчилик қилиб юрган кезларимдан токи вафот этганига қадар Абдуқаҳҳор чойхоначи билан кўп марта суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Домулла Азизов номидаги колхоз идораси рўпарасида соя-салқин, хушманзара, зилол сув оқиб турадиган қишлоқ чойхонаси жойлашган эди. Кўм-




кўк сув лиммо-лим ҳовуз бўйидаги катларда нуроний отахонлар қишлоғу олам, адабиёт ва санъат, далау деҳқончилик янгиликларидан сўзлашадилар. Ҳамиша кўлида тоза сочиқ тутган, мижозлари хизмати пайида бўлган Абдуқаҳҳор самоварчи гоҳ-гоҳ суҳбатга кўшилса-да, ҳамиша дона-дона ва мазмунли гаплари билан уларни зерикишга қўймайди.

Чойхоначининг меҳмондўстлиги тўғрисида кўп гапиришарди. Тожик, ўзбек, қирғиз ва бошқа халқларнинг машхур кишилари, жумладан, Турсунбой Ўлжабоев, Жаббор Расулов, Шароф Рашидов, Мирзо Турсунзода, Боқи Раҳимзода, Фафур Фулом, Ҳамид Фулом, Раҳим Жалил ва бошқаларнинг хизматларини қилгани ва суҳбатидан баҳраманд бўлгани ҳақида ҳикоя қиладилар.

Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом қистакўзликларнинг кўп маротаба меҳмони бўлган. У Фарғона водийсига ҳар гал сафар қилганида Қистакўзни четлаб ўтмас, Абдуғаффор Ҳасанов, Бобохон Аҳрорий, Абдураҳим Азимов каби зиёли-маърифатли дўстлари қатори оддий самоварчи ва қадрдони Абдуқаҳҳорни зиёрат қилиши доимий анъанага айланган эди. Гапларимиз қуруқ бўлмасин учун, ўзим гувоҳи бўлган бир неча мисолларни келтираман.

Абдуқаҳҳор самоварчининг миллий безаклар бериб қурилган меҳмон-хонаси бир бозусида (уйнинг икки тоқча ёки деразалари орасидаги девор) Фафур Фулом дастхати билан араб алифбосида ёзилган байтлар яқин-яқингача сақланар эди.

Мана бу воқеа, адашмасам, 1973 йилда бўлганди. Тошкент телевидениесида шоирнинг 70 йиллиги (у киши бу вақтда ҳаёт эмас эдилар) қайд этилаётганди. Залда Фафур Фуломнинг дўст ва шогирдлари, адабиёт ва санъат вакиллари, мухлислар ўтиришибди. Кечани олиб борувчи адабиётшунос олим Сарвар Азимов шундай деди: «Биринчи



сўз навбати Фафур Фуломнинг «шум» шогирди Ҳамид Фуломга берилади». Ёзувчи Ҳамид Фулом ўз гапи давомида устози Фафур Фулом билан Қистакўзда-Абдуқаҳҳор чойхонасида суҳбат қуришгани, катта шоирнинг оддий самоварчи билан дўстона муносабатлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхталган эди.


Машҳур шоир ва ёзувчи Фафур Фуломнинг Абдуқаҳҳор самоварчи ўғлини Тошкент олий мактабида ўқитиб беришга ваъдалашгани мисолида ҳам улар қадрдонлигини билиш мумкин. Афсуски, шоирнинг 1966 йилда вафот этиши бу ният амалга ошувига халақит беради.

Бу икки инсон дўстлигини яна бир манба асосида мустақамлаш мумкин. Устозимиз, профессор Усмонжон Фафуровнинг падари бузруквори Абдуғаффор Ҳасанов архивида Фафур Фулом ва Тошкентда яшаган тожик шоири Мунирхон Муинзоданинг араб ёзувида тожик тилида бир-бирларига йўллаган мактуби сақланади. 1957 йилнинг 30 мартада Тошкентдан Қистакўзга юборилган муборак мактуб матнини келтирамиз:

«Муҳтарам биродаримиз, Мулла Абдуғаффор ибни Ҳасан Хистеварзий.

Беҳад ва беадад саломимиздан сўнг маълум ва равшан бўлсинким, сизнинг ҳузурингиздан чиққач, Қўқанд ва Фарғона шаҳарларига бориб, ўзимизга топширилган вазифаларни мукамал адо этдик. 28 март, тахминан саҳарги соат 6 ларда Хистеварзга қайтиб келдик, аммо бу вақтда кўпчилик уйқуда бўлганидан дўстларга ташвиш беришни муносиб кўрмай, йўлда давом этдик. Аммо бу ерлик дўстларга нисбатан миннатдорчилик ҳисларимиз беҳад эди.

Абдуқаҳҳордан хабар ололмадим, шу боис, у мендан балки хафадир. Унинг соғлиғи қандай? Илтимосим-тилагимни унга етказиб қўйинг: чойхонаси обод бўлаверсин».



Тошкентга қайтгач, дарҳол эски қадрдон дўстимиз Мунирхон Муинзода билан учрашиб, уйимизда суҳбат қуриб ўтирдик. Барча воқеа ва саргузаштларни ҳикоя қилиб бердим. Вароқдаги сўзнинг давоми Мулла Мунирхондан бўлур:


«Хурматли дўстим! Сизнинг ва у жойда бўлган барча дўстларнинг саломатлигини тилайман. Анчадан буён ақалли мактуб билан ҳам бир-биримиздан хабар ололмадик, бунга икки тараф ҳам айбдор, албатта.

Азиз биродарим Фафур Фуломдан Сизнинг саломатлигингизни билиб жуда хурсанд бўлдим. Бу кишининг Сиз ва у ердаги дўстлар суҳбатидан шод қайтишлари ва миннатдорчилик изҳор этишлари нур устига аъло нур бўлди. Менинг саломимни барча биродарларга, шу жумладан, ўртоқ Аҳрорий (Бобохон Аҳрорий Хистеварзнинг энг маърифатли кишиларидан бўлиб, 1910 йилда ўз ташаббуси билан янги усулдаги жаҳид мактабини очган) ва Абдурахим Азимовга (биринчи журналист ва ўқитувчилардан) етказинг.

Фафур Фулом, Мунирхон Муинзода.»

Атоқли шоир Фафур Фулом Қистакўзга охириги маротаба 1962 йилда келади. Хўжандлик ёзувчи Раҳим Жалил ҳамроҳлигида ташриф буюрган шоир Абдуқаҳҳор самоварчининг чойхонасида тожик биродарлари - Абдуғаффор Ҳасанов, Бобохон Аҳрорийлар ёзилишиб, мириқиб суҳбат-лашадилар. Абдуқаҳҳор ҳар сафаргидек шогирдлари билан югуриб-елиб қўй гўшти-ю қўйруғи, кенжа гуручидан лаззатли ош дамлайди...

Орадан ойлар, ўнлаб йиллар ўтди, ҳали асрлар ўтади. Юқоридаги каби тожик ва ўзбек биродарлар дўстлигидан қолган суҳбатлар, мактублар, учрашувлар тарбия манбаи бўлиб, кейинги авлодларга ибрат мактаби бўлиб қолаверади.




«ЎЙНАШМАГИЛ АРБОБ БИЛАН...»

Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом ижодини шеър, ҳикоя ва фелъетонлар ёзиш билан бошлаган ва сўнг йирик асарлар яратишга киришган эди. У ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида фелъетонлари билан эскилик сарқитлари, ярамас урф-одат қолдиқларига қарши ва янги турмуш учун ўз қалами билан кураш олиб борди. Тожикистоннинг Ленинобод вилояти (Суғд) шимолидаги Овчиқалъачалик «арбоб» ҳақида Фафур Фулом томонидан 1929 йил бошида ёзилиб, «Камбағал деҳқон» газетасининг 12 февраль сонидида чоп этилган «Ўйнашмагил арбоб билан...» фелъетони тўғрисида сўз юритарканмиз, у қизиқиш уйғотишига ишончимиз комил.

Газета ва журналларда босилиб, янгилик душманлари ва консерватив кучларни фoш қилувчи, янги инсоний муносабатларни ҳимоя этган фелъетон жанри шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидан то ҳозирги кунларгача ўз моҳиятини сақлаб келмоқда. Фафур Фулом бошқа танқидий ва ҳажвий асарлари қатори «Ўйнашмагил арбоб билан...» фелъетонида ҳаётий фактнинг моҳиятини бузмаган ҳолда бадиий сюжет ҳамда образ яратишда бадиий тўқима, фантазиядан унумли фойдаланади. Муаллиф фелъетонларини масал йўлида, хат шаклида ва пародия усулида яратади. Таъбир жоиз бўлса, юқорида номланган фелъетонни драматик усулда ёзилган дейиш мумкин.

Фафур Фуломнинг «Ўйнашмагил арбоб билан...» фелъетони ҳажм жиҳатдан унча катта эмас - 110 сатр атрофида. Муаллиф фелъетонда асл воқеа бошланишдан аввал уйига кечикиб келувчи йигит-яланглар важ-карсонига изоҳ беради. Эртадан-кечгача бировнинг етови-ю жўрабўзада, чойхона-ю пивоходнада қимор ўйнаб, сандироқлаб юриб уйга келган бундай-лар сўровчига «мулладан имон шарти ўргангани»ни айтарди. Булар учун «Замон ўзгариб мулладан имон шарт ўрганишга эҳтиёж



қолмади... мағрурият билан «Мажлисда эдим» деб жавоб беради».

Ўткир ҳажвқалам соҳиби ушбу киришдан сўнг асл воқеа баёнига ўтади. «Хўжанд округ Овчиқалъачасида ҳам худди шундай воқеа бўлди. Қишлоқ шўросининг раиси Абдуфаттоҳ Аҳмадали ўғли шу йил 3 январда қишлоқнинг фаола хотинларидан бўлган Турсунбиби Илёс қизини Ботир Афзалов деганнинг хужрачасига – «мажлис»га чақирди».


Ўша кезларда шўро сайлов маракаси қизгин бўлиб, ўзини сайланиш ва сайлашга ҳуқуқли деб билган, айниқса, бевосита унда иштирок этаётган кишиларнинг бош қашлашга вақти йўқ эди. Худди шу боис, фаола Турсунбиби ҳам «мажлис»га даъватни эшитибоқ айтилган жойга борди. Аммо, негадир бу ерда жамоа раиси Абдуфаттоҳ ва Жаъфар Зарифдан ўзга одам йўқ. Шом пайти, уйда эмизикли боласини ташлаб келган аёл кўз ўнгидан чинқираб йиғлаётган чақалоғи кетмаяпти. Турсунбиби хавотирланиб, мажли с қачон бошланишини такрор сўрайди ва уйга кетишга чоғланади.

Шунда «Абдуфаттоҳ ака Жаъфарга қараб, секин кўз қисиб, шама қилиб қўяди-да:

- Келиб қолишар, дўндик, сабр қилинг, - деди.

Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас, эшикдан бировнинг:

- Ана келишдилар, келишдилар, ўзлари ҳам келдилар, - деган овози эшитилди, мажлис аҳли ялт этиб хужранинг қўш табақа, ашулачи эшигига (эшикнинг ғирчиллаб очиб-ёпилганига ишора бўлиши керак, (Ҳ.З.) қарадилар. Эшикдан мажлисга келадиган кишиларнинг ўрнига икки четверт вино (иккита 250 граммлик (Ҳ.З.), бир-икки шиша шўх сув ўз «қадами» билан кириб келиб қолди». Бу ҳолдан сўнг, аёл «фаол эркак»ларнинг қора ниятини сезди ва фарёд кўтарди. Аммо «мард»ларнинг «соғ қолдирмаслик» тўғрисидаги дўғ-пўписаси уни «тинчишга» мажбур этди.



Гафур Гулом ёзганидай, «Чорак соатлардан кейин сопол лаганда «жаркопхон»нинг ўзлари ҳам кулиб кириб қолдилар. Бир луқма гўшт, бир кўк пиёла сабил қолгур тентаксув апоғ-чапоғ бўлиб, «шакар гуфтор» лаблардан жувон рафтор қоринларга юмалай кетдилар».

Кейинроқ уларнинг бошлари қизиби, қўшиқ айтишга киришадилар. Раис қийқиради:

«Ичиб ташла!!! Ё!! Ҳеч томмасин-а... А-ал ё-о-ор! Елсин-н ёр-ёр!

Жаъфар эриб кетиб, жўр бўлади:


- Во-ой сан ижроқўми, во-ой сан ижроқўм-а, раз ижроқўм бўладиган бўлсанг, «Ўзим ҳар жойдаман»ни айт. Ҳа, айтасан!»

«Турсунбиби қараса, «тоғни талқон қиладиган» валламатлар ҳам, умрбоқидай (қовун хили – Ҳ.З.) дум бериб қолибдилар. Кўзни шамғалат қилиб, ўзини эшикка олди. Қоча бошлади...»


Жамоат раиси аввалига хотинга ялиниб, уни миробликка тайинлашга ваъда беради, бунга кўнмагач, шериги Жаъфар пўписа қилади: «Ҳа, шундоқ, агар бу кеча биз билан кўнмайдиган бўлсанг, ўликларингни Хўжабоғирғон (қишлоқдан оқувчи дарё – Ҳ.З.) сойига «меҳмон» қиламиз!»

Гўдак ноласидан жиғи-бийрон эр хотинини ахтариб, ниҳоят «мажлис-хона»га келади. Эшик қоровули «махфий мажлис» эрталабгача давом этиши, хотинининг эртага боришини айтади. Турсунбиби эрининг овозини эшитиб, бош яланг ҳолда додлаб чиқади. Фаола аёл ва бечора эр бўрилар чангалидан қутулиб чиқишади ва эртасигаёқ беш чақирим пиёда йўл босиб, Хўжанд округ прокурорига ва Қистакўз ёшлар ячейкасига арз қиладилар. Афсуски, жабрдийдалар-арзланувчилар эмас, балки қишлоқ ижроқўми раиси ва унинг шериги «ҳақ» бўлиб чиқади.

«Ўйнашмагил арбоб билан...» фельетони ёзилганига



салкам бир аср бўлмоқда. Давру замонда йирик ўзгаришлар рўй берди. Бироқ, шунга қарамай, мазкур фельетон шўро замони дастлабки йилларидаги қарама-қаршилик ва курашлар, манфур эскилик қолдиғини янчиш ва янгича инсоний муносабатларга доир тарихий маълумотларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади.






Мухтор МИРЗОАҲМЕДОВ,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент

ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИДА БОЛАЛАР ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНИНГ БАДИЙ ТАСВИРИ

Бугунги кун ҳуқуқшуносларининг Ғафур Ғулом насрий асарларидан ўрганиши лозим бўлган жиҳатлари талайгина, чунки адиб асарлари ҳуқуқий масалалар, хусусан, инсон ҳуқуқларига жиддий эътибор қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Ғулом асарлари орқали инсон тақдири, ҳуқуқи ва эрки каби масалаларни таҳлилий асосда ўрганишга, мулоҳаза юритишга ундайди. Шу жиҳатдан адибнинг асарларидаги асосий муаммо инсоннинг ахлоқий тарбиясини юксалтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг маданий ва маърифий асосларини ривожлантиришдан иборат. Адиб ҳамиша жамиятдаги ҳуқуқсизлик ва адолатсизликка муросасиз муносабатда бўлган, унинг аянчли оқибатлари, халққа етказган жабрига, зарарига тоқат қилолмаган. Шунингдек, адиб бундай адолатсизликларни ўша даврда ўз бошидан кечирган. Автобиографик характерга эга бўлган “Шум бола”¹ номли асаридаги реал воқеалар тасвири бунинг исботидир.

Адиб қаламига мансуб “Шум бола”, “Ёдгор”, “Нетай” қиссалари, “Мухбир суди” пьесаси, “Менинг ўғригина болам”, “Кўнгилсизнинг “қилиғи” каби ҳикояларида тасвирланган воқеалар билан танишар эканмиз, ўша давр ижтимоий тузумида авж олган ноҳақликлар, қонун



устувор-лигининг таъминланмаганлиги, унинг салбий оқибатлари, ҳуқуқ идоралари вакиллари томонидан халққа етказилган жабр-зулмлар бирма-бир кўз ўнгимизда гавдаланади.


Мазкур асарларда халқимизнинг ўша даврдаги моддий ва маънавий турмуш тарзи нақадар аянчли бўлганлиги, инсон ҳуқуқларининг юқори табақа вакиллари ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари томонидан поймол этилиши аччиқ ҳақиқат сифатида бор бўйича тасвирланган.

Ўша даврда оддий халқнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ниҳоятда пастлиги ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслигига сабаб бўлган эди. Шунингдек, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи идора вакиллари халқнинг саводсизлигидан фойдаланиб, жамиятда юзага келган ҳуқуқий масалаларни одилона тарзда эмас, балки ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилиши шундай ҳолатни юзага келтирган эди. Қонун оддий халқ манфаатлари учун эмас, аксинча, юқори табақа вакиллари манфаатлари учун хизмат қилувчи воситага айланган эди.

Жумладан, октябр тўнтаришидан сўнг вужудга келган Шўро давлати тузуми қонунчилиги ҳали тўлалигича шаклланиб улгурмаган, эски қонун-чилик анъаналари юртда ханузгача амал қилиб келмоқда эди.

Хусусан, болалар ва аёллар ҳуқуқи масалаларига эътиборсизлик жамиятда турли салбий иллатларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлган эди. Ушбу масалаларга ойдинлик киритиш учун адибнинг насрий асарларига, ундаги қаҳрамонларнинг турмуш тарзига бирма-бир мурожаат қиламиз.

Фафур Ғулумнинг «Шум бола» қиссаси, шунчаки, саргузашт асар эмас. Унинг замирида ётган аччиқ ҳақиқат ҳар бир китобхонни жиддий ўйга толдиради ва тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.



“Шум бола” асарида ёлғиз боши билан учта болани едириб ичираётган, уларнинг тирикчилиги ва келажаги йўлида туну кун меҳнат қилаётган она сиймоси яратилган.

Асардаги Қаровой образи орқали ўша давр болаларининг оғир турмуш тарзи кўз ўнгимизда намоён бўлади. Унинг ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, майда безорилик, ўғрилиқ, фирибга аралашиб қолиш, Сарибой хонадониди «хом ва пишиқ аралаш икки пуд олма» бадалига ишга ёлланиши, бола ҳуқуқи ва меҳнатининг ўша даврда ҳимояланмаганлиги, вояга етмаган ўсмирлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар нима сабабдан бўлганини асардаги воқеалар асосида англаб етиш, бугунги кун нуқтаи назаридан шунга ўхшаш ҳолатларда болалар ҳаёти билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни тўлақонли равишда очиб бериш мумкин.

“Шум бола” даги бойнинг хулқ-атворини кўз олдимизга келтирайлик. Бечора халқ ундан кўрқади. Бой уришса ҳам, сўкса ҳам чидашади. Чунки ўша даврда ёзилмаган қонунлар асосида қулдорлик муносабатлари амал қилар, оддий халқ тўлалигича бунга итоат қилар эди.

Асар қаҳрамонинг барча даргоҳлардан ҳайдалиб, умидини узиб, яна боши оққан томонга қараб равона бўлиш тасвири ҳам адиб томонидан алоҳида маҳорат билан бадииятга муҳрланган. Унинг от устида ўтириб, “Дарё тошқин...” дея бошланувчи халқ кўшиғини ўзга хос оҳангда хиргойи қилиши боланинг руҳият оламини янада ёрқинроқ кўрсатиб беришга ёрдам берган. Ундаги ҳар битта халқона ифодалар (дарёнинг тошқинлиги, сувларнинг тўлқин экани, манзилнинг узоқлиги, отнинг ориқлиги, унга етолмаслиги) боланинг олдида ҳали бундан-да оғир, синовлар, минг битта ташвишлару машаққатлар борлигига ишора қилинган.

Ўтмишда оғир шароитда кун кечириётган оилаларга давлат томонидан кўмак бериш, болаларнинг таълим ва


тарбия олишига шароит яратиш уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусида ҳеч қандай гап йўқ эди. Халқ, жумладан, болалар ҳам ўша давр юқори табақа вакиллари томонидан оддий ишчи кучи сифатида тасаввур қилинар эди.

Бугунги кунда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ўзгача характер касб этган. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат қонунлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг тегишли ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Хусусан, 1959 йилда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари декларацияси" да ҳар бир бола учун ҳеч қандай камситиш ва чеклашларсиз бутун бошли ҳуқуқлар мажмуи мустақамланган.

Ушбу Декларация асосида 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция" бола ҳуқуқлари соҳасидаги биринчи мажбурий халқаро ҳужжатдир. Мазкур ҳужжатда инсониятнинг узвий бўлаги сифатида тан олинган болаларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланган.

Мустақилликка эришгач мамлакатимиз БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси" нинг ратификация қилиниши натижасида унинг қоидаларини бажариш мажбуриятини зиммасига олди. Болаларнинг Конвенцияда кўрсатилган ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар ва кафолатлар яратиш мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Сўнги йилларда юртимизда бола ҳуқуқлари кафолатларини мустақамлаш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди.



Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада бир қатор самарадор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди ва бундай ҳолат такроран соғдир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Болалар меҳнати бўйича қонунлар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтиришлар амалга оширилди.

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (25-модда), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" (8, 23, 24-моддалар), "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" (10-модда) талабларига кўра, бошқала ҳуқуқлари кафолатланган ва ҳеч ким мажбурий ёки зўраки меҳнатга мажбур қилинмаслиги қонуний жиҳатдан кафолатланди.

Адибнинг насрий асарларидаги яна бир муҳим мавзулардан бири одам савдоси билан шуғулланиш масаласидир. Бу ҳодиса жамиятда қадимдан мавжуд бўлиб, Гафур Гулом насрий асарларида ҳам қаттиқ қораланган.

Адибнинг "Нетай" қиссаси ва ундаги Нетай тақдири бунинг исботидир². Унда жамиятнинг онгли, аммо маънавий олами бузуқ аъзолари, разолат ва қабоҳат ботқоғига ботган Самад, Саидрахимбой ва қози сингари манфур кимсалар томонидан ҳуқуқи поймол этилган мазлума аёл ҳаёти ҳикоя қилинади. Асарда ўша даврда жамиятда ҳуқуқсизлик, хотин-қизлар ҳуқуқига паст назар билан қараш нақадар авж олганлигига гувоҳ бўламыз. Оддий халқ тақдири ҳеч кимни ташвишга солмайди. Улар учун гулдек қизнинг умрини дунёнинг ўткинчи ҳою ҳаваслари, ўз манфаатлари йўлида хазон қилиб юбориш оддий бир ҳол.


Ўша давр қозихоналарида ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда қайси томон ҳақлигига эмас, балки томонлардан қай бири кўпроқ пул берганлигига қараб иш кўрилар

эди. Натижада, қозининг порахўрлиги, чор ҳукумати амалдорлари ўртасида коррупциянинг авж олганлиги туфайли яхши оилада тарбия топаётган Нетай одам савдоси билан шуғулланувчи Самад исмли баттол шахснинг қўлига тушиб қолади.

Кўчада қаровсиз қолган Нетайни Семён ва унинг хотини ўз тарбиясига олишди. Бу оилада Наташа номини олган Нетай яхши тарбияланди, аммо адолатсиз қози томонидан Семён бу ишларининг эвазига раҳмат олиш ўрнига "бир мусулмон қизини қонунга зид равишда олиб, уни чўқинтиргани" учун жавобгарликка тортилди. Самад эса Тошкентдаги адолатсиз ва диёнатсиз маъмурлар ҳамда қозига берилган пора эвазига бегона қизнинг тоғасига айланди. Адолатсиз тузум қозихонасида адолат қарор топмади. Аксинча, адолат, қонун, инсон ҳуқуқи ва эрки шахсан қози томонидан оёқ ости қилинди.

Адолатсиз тузумда яшаган, умрида рўшнолик кўрмаган Нетайнинг ҳуқуқ ва эрки бир умр оёқ ости қилинди. Дастлаб унинг ҳуқуқ ва эрки мазлум халқ қаторида рус босқинчилари томонидан оёқ ости қилинган бўлса, иккинчи марта ўзининг диндошлари, миллатдошлари томонидан алдов йўли аввал қозихонада, сўнгра ишратхоналарда топталди.


Асарда вазият шу даражада аянчли тус оладики, Нетайнинг гўзаллигининг доврўғини эшитган Сайидрахимбой исмли шаҳар бойлари-дан бири Петербургга кета туриб Тошкентга бир кечага қўнган амирга Нетайни пешкаш қилади. Ана шундай адолатсиз тузумда бечора Нетай кимга арз қилсин. Ахир бечора Нетайнинг ҳуқуқ ва эрки одамфуруш Самад, адолатсиз қози, ўз манфаатини ўйлаган замонасининг бойларидан бири Саидрахимбой ҳамда улуғ мартаба соҳиби амир томонидан топталган бўлса, қонун мана шундай қонунбузарлар қўлида қўғирчоқ бўлса, кимга ҳам мурожаат



қилсин. Ушбу ҳол ўша давр адолатсизликларидан, қонун юқори табақа вакиллари учунгина хизмат қилишлигидан, қозихоналарда порахўр-ликнинг авж олганлигидан далолатдир.

Нетайнинг тақдири билан танишиб чиққан китобхон разолат ва қабоҳат авж олган юртда оддий халқ, айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигини кўриб, инсон қандай қилиб шунчаликка бориб қолади, деб ўйга чўмасиз. Агар ҳуқуқий масалалар бўйича давлат идоралари, қозилар тўғри қарор қабул қилганда, қонунчилиқни таъминлаганда ҳамда виждонга таяниб иш кўрилганда эди, бечора Нетайга қанчалик адолат қилинган бўлар эди. У ҳам жамиятда бахтли ҳаёт кечиршига ҳақли эди. Минг афсус, жамиятдаги қонунсизлик балоси уни шундай ҳаётга дучор қилди. Қиссада ёзувчи ҳар бир деталга, ўша давр ижтимоий муҳитига алоқадор бўлган нуқталарни ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

Ҳатто қисса қахрамонининг исм-шарифи Нетай дея номланишиёқ ёзувчи бадиий маҳоратининг яна ўзига хос бир қирраси дейиш мумкин. Чунки инсон қадри унинг шаъни ҳуқуқлари оёқ ости бўлган, адолатсиз жамиятда қанчадан –қанча нетайлар “осмонинг йироқлигию, ернинг қаттиқ”лигидан гулдек умрлари хазон бўлганлигини Гафур Ғулом шунчаки эртакнамо тарзда эмас, балки биргина тимсол орқали ижтимоий ҳаётдаги мавжуд ҳолатни реалистик усулда ифода эта билган. Асар матни замирида эса “қизим сенга айтаяпман, келиним сен эшит!”, мазмунидаги ҳаёт ҳақиқатини аллома адиб, биргина умумлаштирилган Нетай тимсоли мисолида бера олганлиги унинг чинакам ёзувчилик жасоратидан дарак беради. Аслида Шўролар даврида инсон тақдири, унинг қисматига алоқадор ҳуқуқий ҳамда қонуний масалаларни бадиий асарларда тасвирлаш жуда қийин бўлган. Адабий муҳитдан ҳар бир нарсдан сиёсат излаб, тирноқ остидан




қир қидирадиган бир гуруҳ тоифалар доимо қиличини яланғочлаб, шай турган. Бундай муҳитда аср ёзиш осон бўлмаган. Бундай муҳитда халқнинг чинакам виждони бўлган ёзувчигина халқона қилиб айтганда, дастлаб жаллоднинг кундасига бошини кўйиб, сўнг кўнгилдаги гапларини қағозга туширишга журъат этган. Гафур Гулом ана шундай салоҳият эгаси эди. Шунинг учун ҳам унинг бадиий мукамал ижод намуналари абадиятга дахилдор бўлиб, ҳали кўп йиллар миллатимиз маънавиятини кўтаришга, ўзлигини англашга беминнат хизмат қиладиган бадиият намуналари эканлиги билан XX аср ўзбек адабиётининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олишга ҳақлидир.

Асардаги воқеалар тасвиридан кўриниб турибдики, жамиятда одил судлов бўлмаса, инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадри ҳимоя қилинмаса, кўзланган юксак марраларга эришиб бўлмас экан. Бундай адолатсизликлар қандай оғир оқибатларга олиб келишини Нетайнинг аччиқ тақдири мисолида кўриб чиқдик. Афсуски, унинг айрим персонажлари бугунги кунда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи манфур кимсалар мисолида учраб турибди.

1945 йилдан бошлаб аёллар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинувчи муҳим объектлардан бирига айланди. БМТ Низоми эркалар ва аёллар тенглигини умумий шаклда мустаҳкамлади. Бу ҳуқуқлар 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" нинг 16-моддасида эркак ва аёлнинг никоҳ масаласидаги тенглиги ҳақидаги қоида ўз аксини топди. Марказий Осиё давлатлари ҳам ушбу декларацияни ратификация қилган.

Бугунги кунда бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик меъёрларида ҳам ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларда эркин ва тенг эканлиги жиддий таъкидланган³.



Тожикистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига биноан "Ҳамма қонун ва суд олдида тенг ҳуқуқлидир. Давлат ҳар бир кишига миллати, ирқи, жинси, тили, диний эътиқоди, сиёсий мавқеи, ижтимоий аҳволи, таълим олиши ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Эркак ва аёл тенг ҳуқуқлидир",⁴ - дея таъкидланган.


Бугунги кунда инсонларнинг одам савдоси қурбони бўлиб қолишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

Энг аввало, инсонлар ўз ҳуқуқларини, миллий ва халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билмаслиги, мустақил ва эркин фикр юрита олмаслигидир. Шу билан бирга, дунё миқёсида ишсизлар сонининг ортиб бораётганлиги ҳам бунга сабаб бўлади, албатта.

Энг муҳими, жамиятдаги бир гуруҳ маънавияти бузуқ одамфурушлар тез ва осон мўмай даромад топиш илинжида оддий, соддадил, ҳалол меҳнат қилиб фарзандларини боқиш мақсадида ишсиз қолган кимсаларни ўз тўрига илинтириб, олдиндан кўп миқдорда пул ваъда қилиб, эркин бир инсонни қулликка маҳқум қилиб, жамиятимиз ривожига путур етказмоқда.

Айни дамда мамлакатимизда бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўқис рўёбга чиқариш, уларнинг эркинликларини таъминлаш давлат ва жамиятнинг устувор вазифасига айланган. Бугунги кунда ноқонуний суд қарори асосида бировга эгалик қилиш, уларни қонуний йўл билан пуллаш имконияти мутлақо мавжуд эмас.

Бугун инсон ҳуқуқи, хусусан, аёлларнинг тақдирига ёндашув тамоман бошқача: инсон ҳуқуқи ҳимоясига ҳеч қачон ҳозиргидек катта эътибор берилмаган, аёлларимиз ҳеч қачон ҳозиргидек қадр топмаган. Ҳар қанча қийин ва мураккаб бўлмасин, одамларнинг Конституцияда белгилаб




кўйилган ҳуқуқларини амалда таъминлаш учун, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солиш керак эди. Чунки одамларни адолат борлигига ишонтирмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Сўз билан эмас, балки амалий ишлар билан ишонтириш мумкин эди. Кейинги уч-тўрт йилда бу мақсад йўлида қатъий кураш олиб борилди. Бу соҳадаги курашлар осон бўлмади, албатта. Янги мустақил давлат куриш, аввало, одамлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишдан, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан, халқимизни чинакамига қадрлашдан бошланади. Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини кескин ислоҳ қилиш чора-тадбирлари натижасини кўриб турибмиз. Шунингдек, инсон ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди, турли кодексларга кўплаб ўзгартиришлар киритилди.

Ҳозирги даврда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳар бир ходими ўзини одамлар устидан ҳукмрон ҳис этишдек эски иллатдан воз кечиши давр талабидир. Улардан ўзларини халқнинг ҳимоячиси, хизматкори ҳисоблаб, сидқидилдан меҳнат қилиш талаб қилинмоқда.

Одил судлов - инсон ҳуқуқи ҳимояси, дегани. Инсон жисми учун жони, қадр-қиммати учун эса ҳуқуқи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Жон - инсоннинг тириклиги, ҳаёти манбаи. Лекин инсон ўз ҳуқуқи, қадр-қиммати учун жонидан ҳам кечади. Демак, ҳуқуқ жондан ҳам азиз, бебаҳо неъмат. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқи ҳимояси энг олий масъулиятни талаб этади. Шундай экан, ҳар бир инсон бу ҳаётда адолат борлигига ишониб яшаши керак.

Қисқаси, бугунги кунда ҳам одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш глобал муаммолардан биридир. Мазкур муаммо барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда




кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик меъёрларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинлик-ларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Хулоса шуки, Гафур Ғулом асарларида болалар ва аёллар манфаатлари ва эркинликлари билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларга ўринли эътибор қаратилганлиги билан бугунги давримиз учун ҳам муҳим бадий ҳужжат саналади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш масаласи ҳар қандай давр ва ҳар қандай маконда ҳаминча бирламчи аҳамиятга эга эканлигига яна бир марта урғу берилган. Адибнинг насрий асарларидаги ҳуқуқий масалалар тасвири ёшларимизни ўз ҳуқуқларини билишга, бурч ва мажбуриятларини бажаришда масъулиятли бўлишга чорлайди.

Адабиётлар:

1. Гафур Ғулом. Шум бола. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 152-бет.
2. Гафур Ғулом. Нетай. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1983.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 10 декабр 1948 йил; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. 19 декабр 1966 йил; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. 19 декабр 1966 йил; Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол. "Одам савдоси ва феохаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги" Конвенция. БМТ Бош Ассамблеяси. 21 март 1950 йил ва б.
4. Тожикистон Республикаси Конституцияси. Душанбе, 6 ноябр 1994 йил.






Тоҳир ТУРДИБОЕВ,
Тожикистон Республикаси,
“Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хўжанд давлат университети” ДТМ,
филология фанлари номзоди, доцент

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ «ЁДГОР» ҚИССАСИДА БОҒЛОВЧИ ВАЗИФАСИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН КЎМАКЧИЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Ғафур Ғулом қалмига мансуб асарларининг тили ва услубий хусусияти бошқа ёзувчи-ларларнинг асарларидан тубдан фарқ қилади. У барча асарларида ўзбек тили-нинг луғат бойликларидан ва оғзаки сўзлашув нутқининг сўз ва турли ибораларидан унумли ва ҳамда маҳорат билан фойдаланган. Ушбу кузатишимизда Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор” қиссасидаги кўмакчиларнинг боғловчи вазифасини бажаришдаги услубий қирраларига эътибор қаратишга ҳаракат қилидик.

Кўмакчиларнинг сўзлашув нутқига хос услубий жиҳатларини ўрганган Д. Б. Ўринбоева куйидаги фикрларни ёзади: “Кўмакчилар адабий тилда ҳам, сўзлашув услубида ҳам таркиби маъно ва мазмуни жиҳатидан бир хил, лекин уларнинг қўлланиш хусусиятлари нутқ қурилишларида фарқли томонларга эга. [Ўринбоева Д.Б. Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар): филол.фанл.номз... дисс. -Самарқанд, 1994. -149 б.]

Маълумки, кўмакчилар конверсия жараёни туфайли ўзлари мансуб бўлган мазкур вазифадан четлашади. Бу



бирлик боғловчи вазифасида қўлла-нилганда, боғловчи туркумига хос вазифа пайдо қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, кўмакчиларнинг боғловчига “ўтиши” мураккаб жараён ҳисобланади.


[Бердиалиев А. Ўзбек тили омоним моделли эргаш гапли қўшма гаплар. -Тошкент: Фан, 1990. -111 б.]

Кўмакчилар якка ҳолда боғловчи вазифасида қўллана олмайди (билан бундан мустасно).Кўмакчининг боғловчига айланишида кўмакчига препо-зитив тарзда “уланган” феъл шаклларининг таъсири катта аҳамиятга эга. Улар феълнинг ҳаракат номи, сифатдош, равишдош ва буйруқ-истак майлидаги шаклларига қўшилиб “-(и) ш + кўмакчи”; “-ган-(дан)-га + кўмакчи”; “-син + кўмакчи” сингари моделлар (андазалар) ҳосил қилади.

[Турдибоев Т.Х. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг кўчиши билан боғлиқ ҳодисалар (Монография). Хўжанд: Нури маърифат, 2022. -134 б.]

Билан ёрдамчиси тенгланиш алоқаси маркери сифатида тенгланиш алоқасини ифода этганда, содда гаплар таркибида уюшиқ бўлакларни боғлайди, бириктирув боғловчиси ва нинг маъно ва вазифасига мойил маъно ва вазифа бажаради: Вой ўртоғ-эй, ўша кезларда мен билан Мехрининг тортган жабру жафоларимизни қўяверинг (Ғафур Ғулом. Ёдгор. Повестлар ва ҳикоялар. (Тўпловчи Олмос. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 89-б.). Мазкур гапдаги мазмунни “...мен ва Мехрининг...”, “...менинг, Мехрининг...” синтагмаси иштирок этган қурилмалар орқали ҳам бериш мумкин эди. Лекин бу қурилмада шахсий-руҳий кечинмалари мураккаб шароитларда ўтган икки шахснинг прагматик қиймат билан бўрттирилиши маъноси англашилмайди. Уларда ана шу прагматик ҳиссани ифодаловчи формал-грамматик маркер (билан) иштирок этмаган.


Тобеланиш алоқасини ифода этувчи эргаштирувчи



боғловчилар вазифасини бажарувчи кўмакчилар тилда анчагина. Лекин ҳамма ҳолатларда ҳам уларни эргаштирувчи боғловчиларга тенглаштириш тўғри бўлавермайди. Бундай вазифадаги кўмакчилар фақат эргаш гапли кўшма гаплардагина мавжуд бўлади. Учун кўмакчисининг боғловчилашиш жараёни ҳам унинг феълнинг турли хил аффиксли шакллари билан қўшилиши туфайли вужудга келади: Масалан, -гани учун блокидан иборат грамматик воситани эргаштирувчи боғловчи тарзида ҳам, ёки кўмакчи (унда фақат учун назарда тутилади) тарзида ҳам ўқиш мумкин.

Мазкур формант содда гап таркибида ўз маъно ва вазифасида, кўмакчи мақоми билан ишлатилади: эргаш гапли кўшма гап таркибидаги у эргаштирувчи боғловчидир. Чунончи, Бизнинг ётоқхонамиздаги студентларнинг кўпчилиги турли миллатлардан бўлгани учун, уларнинг ичида ҳам менинг сингари русчага нўноқлари кўп [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 66-б.]; Умримнинг анчагина қисми ҳарбий ишларда ўтгани учун, мен бу ерда ҳеч қандай қийинчилик тортмайман [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 86-б.] гапларида -гани учун формантли сўз шакли гап бўлаги сабаб маъносидаги ҳол-детерминант вазифасини бажарган. Сабаб маъноси учун кўмакчисининг семантик бирликлари сифатида реаллашган. Бутун аъзои баданим пўлатдан қуйгандай соғ-саломат бўлгани учун, биринчи даражада яроқли бўлиб қабул қилиндим [Ғафур Ғулом. Ёдгор...58-б.]; Яна галга солишга қўлимда ҳеч қандай вазу корсон бўлмагани учун, мен ҳам бу ишга ўз розилигимни берган эдим [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 85-б.]гапларида эса, -гани учун эргаштирувчи боғловчи моделига эга бўлиб, эргаш гап ва бош гап тавсифидаги предикатив қисмларни ўзаро боғлаган.

Учун кўмакчиси феълнинг ҳар хил шакллари билан бириккан ҳолда эргаштирувчи боғловчи вазифасида




келишини А. А. Коклянова ҳам эътироф этади. [Коклянова А. А. Послелого и служебные имена в современном узбекском языке //Труды института языкознания АН СССР. –М.: 1954. –С.188-212].

Бундан шу нарса сезиладики, кўмакчили формант тобеланиш алоқаси ифодалаш жиҳатдан фарқ қилмаса-да, улар қандай тавсифдаги бутунлик таркибида қўлланишига кўра фарқ қилади. Чунки юқоридаги мисолларда

-гани учун омоформант мақомида бўлиб, у кўмакчи (соцца гапларда) ва боғловчилик (эргаш гапли қўшма гапларда) маънолардаги ҳар хил грамматик воситалардир. Учун ёрдамчиси феълнинг эгалик билан турланган ўтган замон сифатдоши шаклига қўшилиб, -гина учун (баъзанганлиги учун) кўринишидаги боғловчига айланади. Бу боғловчи ёрдамида сабаб ва унинг оқибати маъносидаги (анъанавий номланишидаги сабаб эргаш гапли қўшма гап) эргаш гапли қўшма гап вужудга келади: Отпуска вақтида бора олмаганим учун, кампир бир оз ранжиган бўлибди. [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 72-б.] -гани учун (-ганлиги учун) ёрдамчиси -гани сабабли, -гани туфайли сингари муқобилларига эга. Қиёсланг: Отпуска вақтида бора олмаганим сабабли, кампир бир оз ранжиган бўлибди // Отпуска вақтида бора олмаганим туфайли, кампир бир оз ранжиган бўлибди. Мисоллар қиёсидан сезилиб турибдики, -гани;-ганлиги учун боғловчиси бошқа муқобилларга нисбатан услубий бетарафлик белгисига эга. Шунинг учун мазкур боғловчи восита нутқда фаол ишлатилади.

Сари кўмакчиси ҳам феълнинг -ган аффиксли шаклларида қўшилади: -ган сари кўринишидаги боғловчига айланади:Ҳикоя чуқурлашган сари бир қоронғилиқдан нурга, шубҳадан яқинга бораётган кишилардай кўзимнинг қорачиқлари кенгаймоқда, баданим аллақандай кўринчли учрашувдан дарак бергандай жимирламоқда. [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 90-б.]




Мазкур боғловчи ўлчов-даража эргаш гапли кўшма гап ҳосил қилган.

Маълумки, кўмакчиларнинг катта бир гуруҳини мустақил маъноли сўзларнинг грамматикализациялашуви натижасида вужудга келган луғавий-грамматик бирликлар ташкил қилади. Улар фанда функционал кўмакчилар атамаси билан ҳам номланади. Айрим манбаларда мустақил маъноли сўзларнинг кўмакчилашуви конъюнкциялашув деб ҳам аталади. Конъюнкция ва конъюнкциялашув ҳодисаларини кенг ва тор маъноларда қараш зарур. Бу атама, кенг маънода, аниқроғи, конъюнктив шаклидаги кўриниши майл (шарт майли) тушунчаси учун ҳам ишлатилади.

Синтагматика тушунчасининг ифодавий андазаси маъносида ҳам конъюнкция атамасидан фойдаланадилар. Таниқли тилшунос олим, профессор А. Бердиалиевнинг махсус мақоласида конъюнкция ҳодисасига тор маънода ёндашилган. Эътироф этилишича, конъюнкция "бир мантиқий системага оид тенг ҳуқуқлиликни англатади... маълум системага хос мантиқий тушунчаларнинг лисоний жиҳатдан тенг ҳуқуқли боғланишини ифодалайди. Масалан, китоб, дафтар; қизил, кўк бир хил мантиқий категорияга эга тушунчалардир. Уларнинг китоб ва дафтар (дафтар ва китоб), кўк ва қизил (қизил ва кўк) тарзида кўшилиши конъюнкционал кўшилиш мақомини касб этади. Бундан шу нарса сезиладикки, мантиқий кенглик асосида кўшилиш (конъюнкция) лисоний жабҳадаги тенглашиш алоқаси орқали амалга ошади". [Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. -Тошкент:Фан, 1989. -107 б.]

Бу типдаги кўмакчилар кейин ёрдамчиси тааллуқли бўлиб, у ёрдамчи сифатдош формаси аффикси (-ган) ва чиқиш келишиги кўшимчаси (-дан) воситасида формант ҳосил қилиб, эргаш гапнинг таркибида келиб, уни бош



гапга боғлайди.

-гандан кейин форманти тўғрисида турлича талқинлар мавжуд. Профессор А. Бердиалиевнинг қайд этишича, бу формант тобеланиш ҳодиса-си тараққиётнинг гибридизация деб аталувчи махсус усули қамровидаги алоҳида типлардан бири саналади. Шунинг учун унинг таркиби мустақил равишда –ган+дан ва кейин элементларига ажралмайди. -гандан кейин форманти эргаш гапли қўшма гапларда боғлама вазифасини бажарганда, бош гапнинг кесими феълнинг ўтган замон формаси орқали ифодаланади. [Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. -Тошкент: Фан, 1989. -110 б.]

Мисолларга эътибор беринг: 1. Яхши биласизки, оила эскича бўлганидан кейин, қиз ажратиб олиш жуда катта иснод. [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 49-б.] 2. ... лекин мен Ёдгорни кўтариб келгандан кейин, аммам уни менга бермайдиган бўлган эди. [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 67-б.] сифатдош формаси ва келишик қўшимчалари билан формант ҳосил қилиб, боғловчи мақомига эга бўлади.


Қарамай//қарамасдан ёрдамчилари тўсиқсизлик маъносидаги эргаш гани қарамай қарамасдан гапли қўшма гапларда -май//-мас қўшма гап конструкциясининг асосий конституенти таркибида, ҳисса билан иштирок этади. Асосий боғловчи вазифасини -ишига қарамай//қарамасдан форманти бажаради:Орадан бир-икки соат вақт ўтиб қолишига қарамасдан, кампир кутган “меҳмон”дан дарак йўқ эди [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 55-б.]; Дарсларим жуда қийин бўлишига қарамасдан (ўзимни мақтагандай бўлмасин), кўпчилик фанлардан “аъло” олиб ўқимоқдаман [Ғафур Ғулом. Ёдгор... 67-б.].

Ғафур Ғулом бутун ижодий фаолияти давомида ўзбек халқининг турмуш тарзининг барча қирраларини қамраб олган насрий ҳамда назмий асарлари билан ўзбек адабиёти

ва ўзбек тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган етук адиб ва моҳир сўз устаси эканлигини унинг мавжуд асарлари тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердиалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. -Тошкент: Фан, 1989. -110 б.
2. Бердиалиев А. Ўзбек тили омоним модели эргаш гапли қўшма гаплар. -Тошкент: Фан, 1990. -111 б.
3. Коклянова А. А. Послелого и служебные имена в современном узбекском языке // Труды института языкознания АН СССР. -М.: 1954. -С.286
4. Турдибоев Т.Х. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг кўчиши билан боғлиқ ҳодисалар (Монография). Хўжанд: Нури маърифат, 2022. -134 б.
5. Ғафур Ғулом. Ёдгор. Повестлар ва ҳикоялар. (Тўпловчи: Олмос). -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -368 б.





Marjona MUZAFFAROVA,
Toshkent davlat yuridik universiteti bakalavr talabasi

ADABIYOTGA BAG'ISHLANGAN UMR

XX asr o'zbek adabiyoti shakllanishida ulkan hissasini qo'shgan adib va shoir, adabiy tanqidchi va olim, bir so'z bilan aytganda, akademik G'afur G'ulom nodir ijodkorlardan biri edi. U 1903-yil 10-may kuni Toshkent shahrining Qo'rg'ontegi mahallasida dunyoga kelgan. G'afur G'ulom tug'ilganida padari G'ulom Mirzo Orif o'g'li 35 yoshda, validasi Toshbibi Shoyusuf qizi 25 yoshda bo'lganlar. Otasi o'z davrining yetuk savodxon kishilaridan biri edi hamda fors-tojik tillarini yaxshi o'zlashtirgan, rus tilida ham gaplasha olar edi. Asosan "G'ulom" va "Mirzo" taxalluslari bilan she'rlar bitgan. Onasi zeharli va she'riyat ixlosmandlardan biri bo'lgan. Shunday muhitda ulg'aygan G'afur G'ulomning adabiyot va she'riyatga bo'lgan qiziqishi yoshligidan uyg'ongan bo'lsa, ajab emas.

Avval otasi, so'ng validasidan erta ajralib qolgan G'afur G'ulom oila tashvishi, ro'zg'or tashvishi yelkasiga tushdi. U o'smirlik yillarida sinab ko'rgan ishi qolmagan edi. Turli sohalarda mehnat qilgan adib oxiri bosmoxonaga harf teruvchi bo'lib ishga kiradi. Tirikchiligi og'ir kechganiga qaramasdan, kitob sotib olib o'qidi.

O'zining kamtarligi, samimiyligi va ochiqko'ngilligi bilan boshqalardan ajralib turadigan shoir o'zining birinchi she'rini 1923-yilda, "Feleks bolalari" nomli she'r yozgan. She'r o'sha davrdagi yetim qolgan bolalarga bag'ishlangan bo'lib, bu haqdagi ma'lumotlar G'afur G'ulom uy muzeyining "G'afur G'ulom ijodining ilk davri" bo'limida aks etgan. Shuningdek, yozuvchining nasriy asarlari haqida o'zgacha bir hayajon bilan to'xtamay gapirish mumkin. Aholining ko'pchiligi adibni mashhur "Shum bola" qissasidan, "Mening o'g'rigina bolam" hikoyalaridan va boshqa she'rlaridan tanib olishi mumkin. "Shum bola", "Yodgor", "Netay", "Mening o'g'rigina bolam", "Hasan Kayfiy" kabi


asarlarining nomini aytgandayoq o'quvchining tasavvurida o'ziga xos obrazlar, tiniq manzaralar, o'zbekona xarakterlar gavdalanadi.

G'afur G'ulom o'z ijodiy faoliyati davomida zamon bilan hamnafas bo'ldi, ijtimoiy hayotning ichida yashadi. Turli qurilishlar, sanoat yoki dehqonchilikdagi ijobiy o'zgarishlarga labbay deb javob berdi. Ma'lumotlarga qaraganda, adib juda ko'p she'rlarini, maqolalarini va hatto ayrim mumtoz hikoyalarini aytib turib yozdirgan. Asarlar ko'p vaziyatda qayta ishlanmasdan, dastlabki variant holatida chop etilavergan. Zahmatkash yozuvchimiz Abdulla Qahhor: "G'afur G'ulom – juda katta, noyob talant. Agar o'z ustida menga o'xshab ishlaganda edi, bundan zo'ri bo'lmasdi", degan ekan.

Bundan tashqari, G'afur G'ulom O'zbekiston Fanlar Akademiyasi tashkil etilganda birinchilardan bo'lib, akademik etib saylanadi. Hukumatning bu haqdagi qarori "Qizil O'zbekiston" gazetasida bosilgan bo'lib, bu xabar chop etilgan sahifa muzeyning qimmatli eksponatlaridan biri sanaladi.


G'afur G'ulomon nafaqat shoir, adib, akademik, balki tarjimonidir ham. Ko'p tillarni o'zlashtirganligi unga xorijiy hamda milliy adabiyotlarni tarjima qilish eshiklarini ochib beradi. Uy muzeyning "G'afur G'ulom – mohir tarjimon" nomli bo'limida uning tarjimonlik faoliyati bilan bog'liq lavhalar o'rin olgan. U Jomiy, Bedil, Rudakiy, Lutfiy, Nekrasov, Shekspir, Gogol, Mayakovskiy, Pushkin, Lermontov, Demyan Bedniy, Taras Shevchenko, Kirilov, Nozim Hikmat ijodini yaxshi bilgan, ularning asarlarini o'zbek tiliga o'g'irgan. Bu bo'limda G'afur G'ulom Shekspirning "Otello", "Qirol Lir" dramalarini o'zbek tiliga tarjima qilganini bilish va ushbu fojialarning sahna ko'rinishlari aks etgan suratlarni ko'rish mumkin.

Tazyiqlar va turmushdagi qiyinchiliklar G'afur G'ulomning qalbiga og'ir yuk bo'lib tushganini anglash qiyin emas. Agar u erkin ijod eta olganda to'kis she'rlari, boshqa turkumdagi ijodiy ishlari bundanam ko'p bo'lishiga ishonchim komil. Lekin shunday og'ir sharoit bo'lishiga qaramay, u munosib ijod qildi hamda or-




tidan kelajak avlod uchun ibratli xazina qoldirdi. Xoh nasrda, xoh nazmda, xoh publitsistikada bo'lsin go'zal va ayricha ijodiy ishlar qilishga qo'l urdi. Zamonaviy o'zbek she'riyatini yuqori cho'qqilarga ko'tardi. Dog'iston xalqining atoqli shoiri Rasul Hamzatov G'afur G'ulomni "O'zbek she'riyatining Elburusi" deb atagan edi. G'afur G'ulom ijodi kitobxonlar uchun bebaho zavq manbai va yosh ijodkorlar uchun tarbiya maktabi vazifasini bajarmoqda.

Kitobxon o'qilgan asarning sir-asrorini tuygachgina qalbida kitobga muhabbat hissi shakllanadi, chinakam asarni ajrata olish malakasini egallaydi va haqiqiy kitobxonga aylanadi. G'afur G'ulomning asarlarini o'qigan o'quvchi haqqiy kitobxon bo'lishi mumkin desak mubolag'a bo'lmaydi. Ya'ni adibning asarlarini o'qish, uni tahlil qilish jarayonida olingan bilim kitobxonni boshqa asarlarini ham o'qishga, ulardan zavqlanishga undaydi. Buning yorqin dalili sifatida "Mening o'g'rigina bolam" hikoyasi misol bo'ladi. Mazkur hikoyaning tahlili asosida o'z fikrlarimni bildiradigan bo'lsam, "Mening o'g'rigina bolam" hikoyasini o'qish davomida o'quvchilar insof, diyonat, andisha, hamdardlik, qo'rquv, nafsga qullik, mehmondo'stlik, bag'rikenglik, yaxshi niyat kabi bir-biriga zid bo'lgan turli xil kechinmalar, hissiyotlarni boshidan o'tkazib ko'rishadi. Ushbu hikoya tahlili olib borilar ekan, eng avvalo, hikoya hodisalari yuz berayotgan davr haqida o'quvchiga ma'lumot berilishi lozim. Hikoyada I jahon urushida ishtirok etayotgan Chor Rossiyasi bu adolatsiz urushda qanday bo'lmasin g'olib chiqishni o'z oldida qo'ygan maqsadi deb baholab, o'zining mustamlakasi hisoblangan chekka o'lkalari, jumladan, Turkiston zaminidagi xalqlarining bor boyligini olib ketgani, erkaklarni urushga, front ortiga jo'natgani, alal oqibat o'lkada ishsizlik, qashshoqlik kuchayib borgani, bugungi kunda hech kimga sir emas. Minglab oilalarning yagona boquvchilari bo'lgan yaroqli erkaklarni urush orti hududlariga mardikor sifatida majburlab olib ketilgani, panohsiz, yolg'iz qolgan ayollar va bolalar tirikchiligi nihoyatda xarob ahvolga kelgani eslatiladi.




Ushbu hikoya orqali kitobxon o'zi guvoh bo'lgan voqealar asosida shafqatsiz jamiyatni va shunday sharoitda ham insonlar o'zining insonligiga, mehr-oqibatiga zarracha putur yetkazmagan insonni ko'rishi mumkin. Hikoya hayotiy voqelikka asoslangani bilan hamda undagi jumlar va real voqealar toshdek qotgan insonning ham qalbini erita olishi bilan boshqa asarlardan ajralaib turadi. Yozuvchi o'zining ota-onasi dunyodan o'tgandan so'ng, uchta singlisi bilan katta onasi (buvisi) – "qora buvisi" qo'lida qolgan paytdagi uylariga o'g'ri kelishi voqeasini chiroyli tarzda tasvirlab beradi. O'sha paytlarda, o'g'rilar ko'payib, ular asosan oddiy aholining uyiga o'g'rilikka tushishardi. Sababi boylarni uyida qo'rqinchli, bahaybat itlar bo'lib, o'g'rilarni tutib berishga xizmat qilishardi yoxud boylarning uyini alohida o'zi yollagan soqchilar qo'riqlashardi. Shuning uchun ham o'g'rilar hayotlarini xavf ostida qoldirib, boylarning uyini "tunab" ketishmasdi. O'g'rilarning ko'payishiga asosiy sabab esa birinchi jahon urushi payti, "zamon teskarisiga aylanib", barcha kosiblar "singan", ish yo'q va uyda bola-chaqalarni boqishga to'g'ri kelgan, shuning uchun ular o'g'rilik qilishga majbur bo'lishgan. Ammo bugungi kunda o'sha zamondagidek og'ir sharoit bo'lmasa ham, ba'zi noinsof insonlar o'g'rilikka qo'l urishmoqda. Mening fikrimcha, bu to'qlikka-sho'xlikdir, ammo yozuvchi yashab o'tgan zamanni bunday deb aytish joiz emas. Sababi zamon shunday qilishga majbur qilgan deb aytsak mubolag'a bo'lmaydi. Bevosita hikoya tahliliga qaytadigan bo'lsak, o'sha kechasi yozuvchining uyiga o'g'rilikka tushgan o'g'ri qo'qqisidan aksirib yuboradi. Yetimlar kelajagini o'ylab, mijja qoqmay uxlamagan "qora buvi", "O'g'rigina bolam, axir kasbing nozik, tumov-pumovingni yozib chiqsang bo'lmaydimi!", – deydi. "Qora buvi"ning mehribonona, samimiy munosabati o'g'rining ham xasrat qopini ochib yuboradi. U tomida, kampir pastda dardlashadilar, urushning kasofati, xalqning qashshoq hayoti, shaharning yetimga to'lib ketgani, xullas, osmon uzoq yer qattiqligi to'g'risida suhbatlashadilar.



O'g'ringing so'zidan ellikboshilarning poraxo'rliigi ham, boylar-u amaldorlarning, tuzumning shavfqatsizligi ham oshkor bo'ladi. Yozuvchi ayni paytda, shu kambag'allarda insoniylik, odamiylik, mehr-shafqat tuyg'usi saqlanib qolganini ta'kidlaydi. Shunday og'ir zamonda yashayotganiga qaramasdan, "qora buvi" o'g'rini uyida bor bo'lgan ikkitagina zog'ora non bilan choy ichib olishga taklif qiladi, u esa "Meni tanib qolasiz, juda ham yuzimni sidirib tashlaganim yo'q andisham bor, uyalaman", deydi. Bu bilan ham kifoyalanmagan "qora buvi" o'g'riga yordam bermoqchi bo'lib, uyda yarim pudlik qozon bor, hozir bunda ovqat pishirilmaydi, sababi oldingidek masalliqlar bisyor emas hamda oila a'zolari ham kamayganini aytib, "qutlug' uydan quruq ketasanmi, bolam... Shuni obketaqol. Sotib kuningga yaratarsan, o'g'rigina bolam", deydi. O'g'ri esa ko'nmaydi va hali kelajakda ularni yaxshi kunlar kelishiga umid uchqunlarini uyg'otadi, chunki unda ham andisha, uyat va samimiylik xislatlari mavjud edi. Mazkur voqea sodir bo'layotganida ko'rpaning tagida yotgan yozuvchi barcha gapirilgan gaplarni eshitib turgan bo'lgan. Shuningdek, u o'g'ri kim ekanligini bilgan, tanigan bo'lishiga hamda mahallasida ko'rib qolishiga qaramay, bu haqda hech kimga og'iz juftlamagan. Ko'rinib turibdiki, hikoyada ona- farzandlik munosabariiga xos samimiy, chin insoniy munosobatalar bilan boyitilgan muhit yaratilgan. O'sha zamondagi qiyinchiliklar, yetimlar ahvoli go'zal bir suratda tasvirlanganki, ushbu hikoyani o'qiyotgan inson xuddi shu zamonga tushib qolgandek va barcha voqealarda u ham qatnashayotgandek his etadi inson. Bu ham G'afur G'ulom ijodining o'ziga xos xususiyatidir va bugungi kungacha kitobxonlar bunday ijodiy ishdan zavq-u shavq olib qayta-qayta mutolaa qilishmoqda desak mubolag'a bo'lmaydi.


Xulosa qilib aytadigan bo'lsam, G'afur G'ulom o'z zamonasining yetuk olimi, birinchi akademiklardan va kuchli tarjimonlardan biri edi. Uning serqirra ijod namunalari hozirgi vaqtgacha kitobxonlarni o'ziga rom etib kelmoqda. Shunday



ijodiy ishlardan biri bu “Mening oʻgʻrigina bolam” hikoyasidir. Mazkur hikoyaning asosiy mazmunini kampir va oʻgʻri oʻrtasida boʻlib oʻtgan ajoyib suhbat, dardlashish hamda oʻsha zamon tahlili orqali bilib olish mumkin. Ulardagi samimiylik, mehmondoʻstlik va boshqa xislatlar uygʻunlashganligini guvohi boʻlamiz. Ayniqsa, oʻgʻrida andisha va uyat kabi xislatlarning mavjudligi va “juda ham yuzimni sidirib tashlaganim yoʻq andisham bor, uyalaman” deyishidan maʼlumki, uning bu yoʻlga kirganiga koʻp boʻlmaganligi hamda bu yigitda andisha va uyatning borligi, majburan qilib yurgan ishi oʻziga ham yoqmaganligi kitobxonlarni xayratda qoldirishi aniq. Mening fikrimcha, hikoyadan oʻrganishimiz kerak boʻlgan yaxshiliklar bisyordir. Qolaversa, Gʻafur Gʻulom qahramonlar ruhiy duyosi, niyati, ichki kechinmalarini ularning oʻz xatti-harakati, nutqi, orzu-intilishlari orqali koʻrsatadi. Adib yuz bergan muayyan voqeaga personajlar munosabatini ifodalashda ularning xatti-harakatlariga ishora qiladi. Ularning aksariyati sodda va bechora kishilar boʻlib, oʻzlarining insof, vijdon va diyonat kishisi ekani bilan eʼtiborimizni tortadi. Zotan, yozuvchi hamisha syujet va xarakterlar ziddiyatini hayotiy asoslaydi. Oʻzbekona hayot tarzidan olingan, milliy koloritni aks ettiradi. Ayrim hollarda, ajvni achchiq kulgiga aylantira oladi. Uning estetik ideali chuqur insonparvarlikka asoslanadi. Nasriy asarlarida Gʻ.Gʻulomning insonparvarlikka yoʻgʻrilgan estetik ideali, haqiqatga sadoqati, xalqqa hurmati, mehr-shafqati, yetimparvarligi oʻz ifodasini topadi.

Foydalanilgan adabiyot va manbalar


1. “Gʻafur Gʻulom hayoti va ijodi” kitobi.
2. “Mening oʻgʻrigina bolam” hikoyasi.
3. Razzoqova Umida, BMI “Gʻafur Gʻulom qissalarida davr va shaxs talqini”.
4. Oʻzbek sheʼriyatining Elburusi – orifto.lib.uz
5. Gʻafur Gʻulom yodi: “Bizning uyga qoʻnib oʻting, doʻstlarim» (yuz.uz).






MUNDARIJA

Ш.Н.Ахмедова <i>Ҳаётбахш кулги яратиш маҳорати</i> (<i>Ғ.Ғулом ва Саид Аҳмад ижоди мисолида</i>)	5
Олмос Аҳмедова <i>Омон Матжон шеърлари ҳаёт...</i>	13
Н.Ниязов, В.Левинштейн <i>Смелость. Благородство. Мастерство</i> (<i>заметки К 120 - Летию Гафура Гуляма</i>)	17
Лутфулла Илҳомжонов <i>Ғафур Ғулом ва дўстлар дастхати</i>	23
Туғрал Шокиров <i>Ғафур Ғулом ва адабиёти муосири тоҷик</i>	34
Бахтиёр Файзуллоев <i>Ғафур Ғулом бадиий маҳоратида доир баъзи қайдлар</i>	42
A.D. Babadjanov, <i>G'afur G'ulom ijodiy merosi talqinlari</i>	54
А.Эрмухамедов <i>Ғафур Ғуломнинг талмиҳ санъатидан</i> <i>фойдаланиш маҳорати</i>	62
О.Н.Абдуллоев <i>Ғафур Ғулом ижодида ўзбек ва тожик халқлари</i> <i>дўстлиги тараннуми ("Қардош тожик халқиға</i> <i>ўзбек халқидан салом" шеъри мисолида)</i>	75



- Р.Т.Усанов, Б.Р.Усанов
Фалсафий дўстлик ва бирлик ижодкорлари88
- О.Н.Абдуллоев
Гафур Гулом ижодининг Тожикистонда ўрганилиши (ўрта умумтаълим муассасалари, "Академик Б. Гафуров номидаги ХДУ" ДТМ адабиётшунос ва тилшунос олимлари илмий тадқиқотлари мисолида)96
- О.Каримов
Гафур Гулом - устоз-шогирд мактаби асосчиси 106
- Д.У.Хашимова
Творчество Гафура Гуляма — поэтическая летопись Узбекистана 112
- G.Gulyamova
G'afur G'ulom – serqirra ijod sohibi 117
- Р.Хаймова
Millatni ardoqlagan shoir 120
- Н.П.Бозорова
Гафур Гулом – Муқимий анъаналарининг давомчиси 124
- О.Barziyev, B.Sayitxonova
G'afur G'ulom va boki ijodidagi g'oyaviy mushtaraklik hamda adabiy hamkorlik aloqalari 134
- Н.Ж.Ниязова
Творчество поэта и писателя Гафура Гуляма 142



D.Rasulmuhamedova	
<i>G'afur G'ulom mohir tarjimon</i>	150
H.Рамазонов	
<i>Саъдий "Гулистон"идаги шеъррий парчалар</i>	
<i>Гафур Ғулум таржимасида</i>	153
N. Ch. Ruzimurodova	
<i>Xalqlar do'stligi G'afur G'ulom va Salim Ashur talqinida</i> ...	168
У.Р.Пулатова	
<i>Роль художественной литературы в учебном</i>	
<i>процессе («Озорник» Г.Гуляма)</i>	173
N.Yuldasheva	
<i>G'afur G'ulom she'riyatida "Oila" konseptiga oid</i>	
<i>assotsiatsiyalar</i>	176
M.Shamsitdinova	
<i>G'afur Gulom – XX asr o'zbek adabiyotining</i>	
<i>yirik namoyandasi</i>	180
P.Б.Матенов	
<i>Голос души в творчестве Гафура Гуляма</i>	185
A.Р.Фаттахова	
<i>По стопам Гафура Гуляма, как главного</i>	
<i>сторонника борьбы с безграмотностью</i>	187
M.X.Mamatqulova	
<i>G'afur G'ulomning so'z tanlash mahorati ("Qiro'l lir"</i>	
<i>tarjimasi misolida)</i>	192



O.N.To'xtanazarov	
<i>G'afur G'ulom nasriy asarlarida huquqiy muammolar talqini</i>	199
F.Nizomov	
<i>O'zbek adabiyotida qissa janriga oid ba'zi mulohazalar</i>	207
A.S.Karasayev	
<i>Kásiplik leksika lingvómádeniy birlik sípatında</i>	215
H. Тошканов	
<i>Адабиёт, санъат намуналарига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг меросийлиги ва уларни тижоратлаштириш: Гафур Гулом ижоди мисолида</i>	220
Ҳаким Зокир	
<i>Гафур Гулом суҳбатига</i>	233
M.Мирзоаҳмедов	
<i>Гафур Гулом асарларида болалар ва аёллар ҳуқуқи ва эркининг бадиий тасвири</i>	244
T. Турдибоев	
<i>Гафур Гуломнинг «Ёдгор» қиссасида боғловчи вазифасида қўлланилган қўмакчиларнинг услубий хусусиятларига доир</i>	255
M. Muzaffarova	
<i>Adabiyotga bag'ishlangan umr</i>	262



O'zbekiston xalq shoiri, atoqli adib va tarjimon, akademik G'afur
G'ulom ijodiga bag'ishlangan

**“G'AFUR G'ULOM IJODIDA MILLIY VA
UMUMINSONIY G'OYALAR UYG'UNLIGI**

**HARMONY OF NATIONAL AND
UNIVERSAL IDEAS IN THE WORK OF
GAFUR GULYAM**

**ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И
ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ИДЕЙ В
ТВОРЧЕСТВЕ ГАФУРА ГУЛЯМА”**

mavzusida o'tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy
konferensiya materiallari to'plami
Toshkent, 2023-yil 8-may

Bosh muharrir	O. Choriyev
Muharrir	Sh. Jahonov
Musahhih	D. Rasulmuhamedova, N. Niyazova
Texnik muharrir	U. Sapayev

Bosishga ruxsat etildi: 02.06.2023. Adadi: 100.

Toshkent davlat yuridik universiteti
nashriyot-matbaa bo'limida chop etildi.
Toshkent shahri, Sayilgoh ko'chasi, 35-uy.